



Амрни Ўргатиш

Руҳи Институти



6-КИТОБ

Амрни Ўргатиш

Рухи Институти

Китоблар серияси:

Қуйида Руҳи институти томонидан ишлаб чиқилган материалларнинг жорий рўйхати келтирилган. Ушбу китоблар ёшларнинг ва катталарнинг ўз жамоаларига хизмат қилиш қobiliятларини кучайтиришга қаратилган мунтазам ҳаракатларда, асосий курслар кетма-кетлиги сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган. Шунингдек, Руҳи институти болаларга машғулотлар ўтказиш учун муаллимларни тайёрлашда 3-китобнинг бир йўналиши бўлган қўшимча дастурларни ва ўсмирлар гуруҳи етакчиларини тайёрлаш учун 5-китобдан куртак очган бошқа тўпламлар устида ишламоқда. Буларнинг барчаси рўйхатда кўрсатилган. Шунинг назарда тутиш жоизки, жойларда тажриба ортиб боргани сайин рўйхат ўзгариб боради ва ишлов босқичидаги материалларга умумий фойдаланиш учун тавсия этилувчи янги элементлар қўшилиб боргани сайин қўшимча сарлавҳалар киритилади.

1-китоб	<i>Рух ҳаёти ҳақида мулоҳазалар</i>
2-китоб	<i>Хизматга бел боғлаш</i>
3-китоб	<i>Болалар учун машғулотлар ўтказиш, 1-даража</i> <i>Болалар учун машғулотлар ўтказиш, 2-даража</i> <i>Болалар учун машғулотлар ўтказиш, 3-даража</i> <i>Болалар учун машғулотлар ўтказиш, 4-даража</i>
4-китоб	<i>Қўша Мазҳарлар</i>
5-китоб	<i>Ўсмирлар кучини озод этиш</i> <i>Дастлабки туртки. (1-қисм)</i> <i>Кенгайдиган доира. (2-қисм)</i>
6-китоб	<i>Амрни ўргатиш</i>
7-китоб	<i>Хизмат йўлидан бирга бормоқ</i>
8-китоб	<i>Баҳоуллоҳнинг Аҳди</i>
9-китоб	<i>Тарихий перспективани эгаллаш</i>
10-китоб	<i>Динамик жамоаларни қуриш</i>
11-китоб	<i>Моддий ресурслар</i>
12-китоб	<i>Оила ва жамоа</i>
13-китоб	<i>Ижтимоий ҳаракатларда қатнашиш</i>
14-китоб	<i>Жамоатчилик дискурсида иштирок этиш</i>

Copyright © 2020, 2025 by the Ruhi Foundation, Colombia
All rights reserved. Edition 2.1.1.PE published in October 2025
Printed in Uzbekistan

Originally published in Spanish as *Enseñar la Causa*
Copyright © 1990, 1998, 2023 by the Ruhi Foundation, Colombia
ISBN 978-628-95545-2-6

Permission for a limited printing of this book in Uzbek has been granted by the Ruhi Institute.

Ruhi Institute
Cali, Colombia
Email: instituto@ruhi.org
Website: www.ruhi.org

Мундарижа

Олиб Боровчи Учун Баъзи	v
Таълимни Ўргатишнинг Руҳий Табиати.....	1
Таблиғ Учун Зарурий Сифат Ва Муносабатлар.....	37
Амрни Ўргатиш Лаҳзаси	81

Олиб Боровчи Учун Баъзи Фикрлар

Рухи Институти курсларининг олиб боровчилари учун шуни тушуниш муҳимки, таълим жараёнидаги иштирокчилар учун асосий китоблар изчиллиги туркумидаги олтинчи, “Амрни ўргатиш” Китобининг ўрни, негиздек аҳамият касб этади. Бир томондан, хизмат майдонидан тўпланган тажрибага эга бўла туриб, улар ўзларига 2-Китобда тақдим этилган мавзулар устида янада кенгроқ фикр юритишга тайёр бўладилар. Иккинчи томондан эса, мазкур китоб, улар тадқиқ этадиган мавзулар, улар бажараётган фаолиятни шунчалар мос бир контекст ичига қўядики, чунончи уларда Амрга бахшида ҳаёт учун зарурий бўлмиш, Баҳоуллохнинг таълимотини бошқалар билан бўлишиш имтиёзига егишиш истагини жўшқинлаштиради.

Иштирокчилар курслар очиб берган хизмат йўлига қадам қўяр экан, ўз дўстлари қуршовида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган хизмат турларини бажаришда, жумладан кишлоқ ва маҳаллаларда дуо учрашувлари, хонадонларга мунтазам ташрифлар буюриш, болаларга руҳий таълим-тарбия дастурини ўргатиш, ҳамда ўсмир ёшларни ўсмирлар руҳий кучини озод этиш дастурида иштирок этиш орқали анчагина тажриба орттиргандилар. Бу фаолият турлари билан уйғун ўларок, кўплаб инсонларга Ўзбекистоннинг қонунлари ҳақида билиш ва ўз билимларини бойитишда ёрдам берган нарсалар, суҳбатлардир. Ҳар бир дастлабки курс, хусусан 2-Китоб, иштирокчиларга бундай суҳбатларда иштирок этиш учун керакли бўлган қобилиятларни ривожлантиришда ҳисса қўшади. Шубҳасиз, улардан кўплари ҳозирга келиб, бошқа қалбларга Баҳоуллохнинг бугунги кун Мазҳари сифатида қабул қилиш ва Унинг Ўзбекистондаги иймон келтиришда ёрдам бериш фазлига нойил бўлганлар. Энди улар таълимни ўргатиш фаолияти ҳақида чуқурроқ ўйланиш учун анчагина тайёрдирларки, бу мазкур китобнинг учинчи бобининг мавзусидир. Иккинчи боб, уларни Амрни ўргатувчиларга хос бўлган руҳий фазилатлар ва муносабатлар ҳақида мулоҳаза юритиш имкони билан таъминласа, биринчи бобда улар ушбу мукаддас фаолиятнинг руҳий аҳамияти ҳақидаги ўз тушунчаларини янада чуқурлаштирадилар.

Баҳоуллох томонидан бизга фарз қилиб белгиланган Амрни ўргатиш бурчининг табиатини тадқиқ қилиш мақсадида китобнинг биринчи боби бир неча асосий концепцияларга тақалиб ўтади. Мазкур бобда биринчи бўлиб тақдим этиладиган концепция, бу “ёнмоқ” тушунчасидир. Иштирокчилар бизнинг таълимни ўргатишга бўлган бурчимиз, бажараётган ишларимиз билан бир қаторда бизнинг ички ҳолатимизга ҳам боғлиқлигини эътироф этишга рағбатлантирилади. “Бўлмоқ” ва “Бажармоқ” Баҳоний таълимоти асосида яшаш керак бўлган ҳаётнинг икки ўзаро бир-бирини тўлдириб турадиган қирраси бўлиб, бу мавзу барча курслар изчиллиги бўйлаб қизил ҳошия сифатида ўтади. Бу ерда эса, у янада яққолроқ намоён бўлиб, аслида, китобнинг бутун структурасига шакл бағишлайди. Бу бобнинг дастлабки бўлимлари иштирокчиларга ушбу руҳий ғояни руҳан тушунишга қўмаклашади, зеро бу Амрни ўргатиш билан боғлиқ. Битикларда топилган бир неча метафоралар уларга “бўлмоқ” ва “бажармоқ” орасидаги ўзаро боғлиқликни кўришда ишлатилади - энг аҳамиятлиси олов образи, зеро у қанчалар кичик бўлмасин, иссиқлик ва ёруғлик бера олади. Айтиш мумкинки, ўргатиш амали, бўлмоқ ҳолатининг табиий изҳори бўлиб, уни ёнмоқ ҳолати деб таърифлаш энг

маъқулидир, унда юрагимиздаги Оллоҳ муҳаббати шу қадар ёрқин ёнадики, қайсиким биз тинмай Унинг Каломини ёйишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу бўлимларда келтирилган парчаларни ўрганар экан, иштирокчилар қай тариқа “бўлмоқ” ва “бажармоқ”нинг бир-бирини тўлдириши ва хизмат майдонида ўзини амалда намоён этиши тушунчасига эришадилар. Бу билан, мазкур икки тушунчани бир-биридан айирадиган оммабоп ўй-фикрларнинг муайян натижаси ўларок, хусусан табиатан диний бўлган тушунчалар, иштирокчилар учун охиригача аниқ бўлиши керак, айниқса, гар улар ўз ҳаётларини Амрни тарғиб этишга бахшида этмоқчи бўлсалар, бундай дихотомик фикрлаш тарзининг таъсиридан сақланишлари керак. 9- ва 10-Бўлимлардаги машқлар бу борада уларга ёрдам беради, олиб борувчилар эса, бу масалаларга кераклича эътибор берилганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Албатта, иштирокчилар ўзлари интилаётган иккитомонлама мақсаднинг, ҳаётнинг барча жабҳаларини — улардаги илмга талпиниш, Илоҳий қонунларга итоат қилиш, Оллоҳга яқинлашиб, Унга хизмат қилиб, руҳий сифатларни эгаллаш ва ўз характерларини яхшилашдаги ҳаракатларини бирга боғлашини осонликча қўришга қодир бўладилар.

Бобдаги кейинги бир неча бўлимлар диққат марказини таълимни тарқатиш бурчининг муқаддас табиати эгаллайди. Муқаддаслик тушунчасининг ўзи ўчиб бораётган бир дунёда, иштирокчилар курсни ўрганиш натижасида муқаддаслик ҳақида жуда ойдин идрок билан, яъни Оллоҳга тегишлилик муқаддас эканлигини ва бу тушунчани чуқур англаб етиб, Эътиқодни ўргатишда улар икки муқаддаслик билан муносабатга киришишлари: бири инсон қалби бўлса, иккинчиси, Унинг зуҳури эканлигини илғашлари керак. Битиклардан сайланган парчалар устида мулоҳаза юритиш, интенсив руҳий жарён бўлмиш - нутқ калити ила инсон қалби мадинасини Унинг Зухури учун очиш тушунчасига нур тўқади. “Нутқ” масаласи учинчи бобда батафсил ёритиладики, унда иштирокчилар таълимни ўргатиш жараёнида ўзлари бошқа қалбга узатадиган нутқнинг мазмунини кўздан кечирадилар. Бу ердаги бўлимларда эса, улардан қандай қилиб ушбу актнинг муқаддаслигини теран тушуниш, майдондаги ҳаракатлар самарасини ошириш билангина чекланмаслиги ҳақида фикрлаш сўралади. Қолаверса, энг муҳими, шахсий ва коллектив саъй-ҳаракатларнинг ҳар иккаласини қўтариш учун зарурий бўлган руҳий кучларни озод қилади. 17-Бўлимда иштирокчилар бундайин юксак тушунча даражаси нималарга олиб келишини тадқиқ қилишга бир мунча вақт ажратадилар. Олиб борувчи уларнинг эътиборини қаратадиган лаҳзалар ичида, иккитаси алоҳида ажралиб туради: биринчидан, улар, жамиятда қанчалар кенг тарқалган бўлмасин, ундаги фикрлаш тарзига мослашишдан эҳтиёт бўлишлари керакки, чунки бундай муносабат ва тажрибалар уларнинг таълимни тарқатишдаги ҳаракатларида муқаддаслик муносабатини савол остига қўйиб қўяди. Таълимни ўргатиш лаҳзаси, кимнидир прогрессив ижтимоий ҳаракатга аъзоликка ўгириш, ёхуд унданда камроғи, харидорга фойдасиз товарни сотишдек ёндошувлардан иборат эмас. Иккинчидан, улар ўзларининг хизмат майдонидаги барча уринишлари юракларни Оллоҳ Каломи билан боғланишга олиб келиши кераклигини эътироф этишлари керак, зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам, табиатан муқаддас бўлгани боис, уларга мана шундайин огоҳлик билан ёндошиш керак.

Сўнгра бу бобда иштирокчилар учун яхши таниш бўлган мавзуга ўтилади : **Оллоҳ Каломининг трансформатив таъсири.** Таълимни ўргатишда инсон юраги ва инсониятга берилган буюк тухфа бўлмиш Оллоҳ Зухури ўртасида алоқа боғланади, яъни мана шу алоқа орқали узоққа боргучи трансформация жараёни бошланади. Бундай трансформацияга фақатгина Оллоҳ Каломининг кучи қодирдир. Олдинги курслар

давомида иштирокчилар бу мавзу устида қанчалар мулоҳаза юритган бўлсалар ҳам, айнан мана шу жойга келиб, улар ўзларини Оллоҳ Каломи ва Унинг Амрини ўргатиш жараёнида қанчалар унинг кучига таянишлари кераклиги ҳақида Баҳоуллоҳнинг Ўзи айтган Баёнларга чуқурлашадилар. Битиклардан олинган парчаларни ёд олишга қаратган Руҳи Институтининг ургуси иштирокчилар фикрида янада яққолроқ тус олади. Таълимотни аниқ тушунтириш, уни бошқаларга соф ҳолатида етказишга ҳаракат қилиш, хизмат йўлидан борар эканмиз барчамиз ривожлантиришни истайдиган қобилиятлар сафига кирадики, у биздан доимий равишда ўз фикру-зикримиз ва сўзларимизни битиклар билан мослаштиришга нисбатан саъй-ҳаракат кўрсатишни талаб этади.

Китобдаги мазкур бобнинг хулосаси шунга аниқлик киритадики, бошқалар билан Ўтиқод тўғрисида гаплашар эканмиз, биз аниқ ва уйғун тушунтиришларни тақдим этиб, нафақат орттирган илмимизга таянишимиз, балки муҳаббатнинг кучига ҳам таянишимиз керак. Таълимни ўргатиш контекстида, суҳбатлар шодлик билан характерланиши билан бир қаторда, шунингдек қалблар орасида муҳаббат ришталарини ҳам яратиши керак, зеро улар орқали олижаноб ҳис-туйғулар ва юксак ғоялар оқади.

“Таълимни тарқатишда муҳим бўлган сифат ва муносабатлар” деб аталувчи иккинчи боб, иштирокчиларга ўзлари биринчи бобда ўрганган “бўлмоқ” ва “бажармоқ”нинг ўзаро бир-бирини тўлдириб туришини эслатиш орқали очиб беради. Унда энг бошдан, шахснинг ички ҳолати табиий равишда бошқаларга хизмат қилганида ўз изҳорини топиши ажратиб кўрсатилади, ваҳоланки шахснинг ички ҳолати айнан ўзгаларга хизмат қилар экан сайқал топади. Иштирокчилар қалб софлиги, беминнатлик, ишонч, меҳрибонлик, жасорат, ҳикмат, инқитоъ ва сиполик каби фазилатлар устида мулоҳаза юритишга чорланадилар, зеро бу сифатлар бизнинг илоҳий ифторларни таратишимизга тааллуқлидир. Руҳий сифатларни тегишли муносабатлар билан биргаликда ривожлантириш Руҳи Институти курсларида ҳар доим тақдорланиб турадиган мавзулардан бўлиб, ҳар гал бирон-бир муайян қобилиятни ривожлантиришга қаратилади, масалан бундай зарурий қобилиятларга жамоадаги ибодатпарварлик характериға ҳисса қўша олиш, бошқалар билан Баҳоуллоҳ Зухурининг ҳикматли дурлари билан бўлишиш, болаларнинг руҳий таълим-тарбияси билан шуғулланиш кабилар киради. Шу тариқа, инсон руҳининг ушбу муҳим хислатлари ҳақида иштирокчиларнинг тушунчаси кенгайиб боради ва вақт ўтиши билан янада чуқурлашади, чунки иштирокчилар уларнинг ҳар бирининг динамикасини янгидан синаб кўриб, янги фаолият соҳасида улардан ҳар бирининг ҳаракатини кузатиб борадилар.

Гуруҳни мазкур боб бўйлаб йўналтирар экан, олиб боровчи, руҳий сифатларни тадқиқ этиш учун марказий бўлган концепцияни фикрида сақлашни хоҳлайди, бу концепциялар барча курсларда мавжуд бўлиб, мазкур курсда олдинги сафга чиқади, айниқса, бу сифатлар ўзининг тўла изҳорини топишда нақадар бири-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги. Таълимни ўргатишда аҳамиятли бўлган нарса жасоратнинг нақадар ҳикмат талаб этишини тушунишдир; жасоратсиз ҳикмат ҳам изҳор этилмай қолишини тушуниш; софлик ва холисликнинг нақадар дунёвий амбициялардан халос бўлишликни талаб этишини тушуниш; меҳрибонликнинг нақадар инсонлар қобилиятиға бўлган ишонч билан мослаштирилмаганида патернализмға олиб келиши ва ёхуд самимиятсиз унинг тилёғмаликка олиб келишини тушуниш.

Олиб боровчилар 3-Китобда олдинга сурилган ғоя, яъни руҳий сифатлар бизни инсон қилиб шакллантирадиган доимий структуралар эканлиги билан аллақачон танишдилар. Бундай сифатларға эгалик, бизни бошқалар билан муомаламизда тўғри

муносабатларни кўрсатиб, тарбия ва маданиятимиздан олган номақбул муносабатлардан четланишга қодир этади. Бизнинг инсонларга бўлган очиқлигимиз, улардаги ҳақиқатни билишга бўлган интилишларини тушунишга бўлган симпатиямиз, таълимни ўргатишга таъсир этадиган муносабатлардандир. Барча олиб боровчилар қадрига етиши керак бўлган нарса, бу, муносабатлар муҳокамасининг руҳий сифатларни тадқиқ этиш устида қилинишидир, бундай муҳокамалар иккинчи бобнинг катта бўлагини эгаллайди. Масалан, 7-Бўлимдаги меҳрибонлик ва сабр сифати ҳақида фикр юритилганда, иштирокчилар патернализм ва кибр муносабатининг ўша сифатлар ортига яшириниб, ўзини намоён қилиши мумкин бўлган вазиятларни таҳлил қиладилар. Худди шундай, иштирокчилар 8-Бўлимдаги инқилоб фазилати ҳақида мулоҳаза юритилганда, улардан қандай қилиб бунинг барчамиз интиладиган, юксак истагимиз бўлиш таълимни ўргатишга бўлган жўшқин иштиёқимиз билан боғлиқ эканлигини қараб чиқиш сўралади. Иштирокчилар ўзларида намоён этишга талпинадиган мароқ ва ғайрат муносабатини ажрата олишга қодир бўлишлари лозим, ҳамда апатия ва бефарқликка қарши тура олиш кераклигини эътироф этишлари керак. Аҳамият берилиши керак бўлган 9-Бўлимдаги машқнинг мақсади ҳам ана шундадир.

Олиб боровчи сифатида хизмат қиладиганлар, албатта яна шундан ҳам хабардорки, ҳар қандай руҳий сифатнинг ривожланиши улар билан боғлиқ бўлган қатор концепцияларнинг тушунилишини ўз ичига олади. Покликнинг яна ва яна юксакроқ даражаларини эгаллаш, масалан, инсон юраги нимани акс эттириш учун яралгани, унинг эркинлигини тўсадиган чанг ва ғубор нималардан иборат эканлигини ва уни бундай нопокликлардан қандай тозалаш кераклиги ҳақидаги баъзи тушунчаларни талаб қилади. Аммо, бунда концепцияларни чуқурлаштиришдан ташқари, кишида руҳан ривожланишга бўлган самимий истак ва ирода бўлиши керак. Ирода ва истак шунчаки ақлий музокара юритиш билан пайдо бўлмайди, бунинг учун ҳар бир шахс ўзининг ички ҳолати устида чуқур ва теран фикр юритиши керак. Бунда мушоҳадага кўмаклашувчи муҳитни яратиш, бу олиб боровчининг вазифасики, бунда муҳит айбдорлик ҳиссини яратмаслиги, гуноҳларга иқроор бўлишга олиб келмаслиги, айбловларни тўкишга рағбатлантирмаслиги, ҳар бир киши учун ўзига керакли бўлган нарсалар ҳақида шахсан ўйланишига шароит яратадиган дўстлар гуруҳида, ҳам абстракт ва ҳам практик нарсаларни ҳиссиётларга берилмасдан муҳокама қила оладиган муҳитни яратиши керак бўлади.

Алоҳида диққат талаб этадиган руҳий сифатлардан бири, бу тавозеъ(итоат)дир. Бир томондан, ҳақиқий тавозеъкорлик ёниш ҳолатига боғлиқдирки, барчамиз бунга эришишни истаймиз. Ушбу сифат бизнинг сўзларимиз ва амалларимизга руҳий куч ато этади, ҳамда бизни кибру-ҳавонинг исканжасидан ҳимоялайди. Бошқа томондан, бу, ўрганувчанлик ҳолатини вужудга келтириб, ҳам шахсий ва ҳам коллектив ташаббусларимиз орқали Ўзбекистондаги услуб ва ёндошувларда бизни қаттиққўлликдан сақлайди; у бизга юз берган вазиятларга нисбатан тобора моҳирлик билан мутаносиб муносабат кўрсатишда кўмаклашади, масалан, мардона ёки эҳтиёткорлик билан, зудлик билан ёки вақтини топиб, Баҳоуллоҳ шахсияти ҳақида тўғридан-тўғри ва аниқ гапириб ёки У тараннум этган таълимот ва тамойиллар ҳақида умумий қилиб гапириб йўл тутиш орқали. Бу ғояларнинг муҳокамаси 10-Бўлимдан бошланиб, 14-Бўлимнинг машқлари билан тугайди. Бўлим охирида келадиган Абдул-Баҳо мисолининг намунаси ҳар доимгидек, иштирокчиларнинг фикрларига йўналиш бағишлаб, уларни очиқ қалблар билан мулоқотга киришганда ва Ўзбекистон ҳақидаги суҳбатларга ёндошганда қандай фазилат ва муносабатлар кераклиги ҳақида ўйлантиради.

Китобнинг учинчи боби таълимни ўргатиш амалининг ўзига тааллуқли бўлиб, бу мавзу икки контекстда қараб чиқилади: бизнинг шахс сифатидаги саъй-ҳаракатларимиз, ҳамда бизнинг коллектив саъй-ҳаракатларимиз контекстида. Унинг салмоқли боби биринчи соҳага бағишланган бўлсада, ваҳоланки олиб борувчи шуни ёдда тутиши керакки, уларнинг иштирокчилар муҳокамаси ҳар иккисига ҳам тенг равишда тегишлидир.

Китобнинг мазкур бобида, бу ҳар икки соҳада ҳам муваффақиятли бўлиш учун иштирокчиларга ривожлантириши таклиф этиладиган қобилиятлар орасида, Баҳоуллоҳнинг хушxabарига бўлган очикликни, қабул қилувчанликни кўра олиш ва уни парваришлаш қобилияти бордир. Бунда, иккинчи бобнинг диққат марказида бўлган руҳий сифатлар билан бирга, 3-Бўлимда келтирилган Муҳофизнинг сўзларига биноан, бугунги жамиятдаги саросима яратган имкониятлардан фойдаланиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Ўз муҳокамаларида иштирокчилар, тушкунликка тушиб бораётган дунёвий тартибнинг зарбалари ва тарангликлари остида инсон юрагида пайдо бўладиган шароитларга етарлича фикр ажратишлари керак.

Албатта, бундай имкониятлар қанчалар кенг бўлмасин, агар вазият тақозо этганида Баҳой таълимотини ишонч билан изҳор этиш қобилияти етарлича зарурий эътибор қозонмаса, улар амалга ошмай қолиши мумкин. Бинобарин, мана шу қобилиятни ўрганиш мазкур бобнинг марказидан жой олган ва иштирокчиларга унинг табиати ҳақида ўйланиш учун ёрдам кўрсатилади ва буни мисол орқали — Анна исмли ёш аёлнинг ўз дугонаси Эмилияга Эътиқодни тақдим этиш суҳбати сифатида келтирилади. Олиб борувчилар ушбу асосий суҳбат натижасида иштирокчиларнинг камида икки ғоя бўйича аниқ фикрга эгаликларига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Биринчидан, иштирокчилар 4-6-Бўлимларда айтилган, информация ва концепция орасидаги фарқни нафақат тушунишлари ва буни фарқлашнинг муҳимлигини англашлари керак. Зеро, натижада, шунчаки информацияни ҳазм қилиш эмас, балки айнан концепцияларни ва чуқур ҳақиқатларни тушунишгина қалбларга Баҳоуллоҳга яқинлашиш имконини беради. Таълимни ўргатиш амали онглиликни ошириш ва тушунувчанликни теранлаштириш билан боғлиқ экан, унга шахсларни ақлан ва руҳан кучга тўлдириш воситаси сифатида қараш мумкин. Энди ўзгаларни ҳам ҳақиқий илм соҳилларига йўналтирмоқ ҳақида ўйланар эканлар, иштирокчиларда институт жараёнига қўшилганидан бошлаб ривожланиб бораётган Илоҳий Калом билан мулоқотга киришиб, тушунчани орттириш қобилияти майдонга чиқади.

Иккинчидан, иштирокчилар шуни тушунишлари жоизки, 7-Бўлимдан тортиб 21-Бўлимгача тасвирланган Анна ва унинг дугонаси ўртасидаги суҳбат, уларга Эътиқодни ишонч билан изҳор этиш нимадан иборат эканлигини намоён этишга мўлжалланган; унга тушунмасдан ишлатса бўладиган формула сифатида қарамаслик даркор. Дарҳақиқат, тақдиротнинг ҳар бир парчасидан сўнг келадиган машқлар, ундаги умумий мантиқни ажратиб ўтишга ва уни қандай қилиб турли маҳаллий контекстлар ва қизиқишларга жавобан мослаштириш ҳақида баъзи фикрларни рағбатлантиришга мўлжалланган. Бироқ, иштирокчилар ушбу кўникмани пухта эгаллашни истар бўлсалар, улар авваламбор, бу ҳикояни бор ҳолича яхши ўзлаштиришлари ва уни ўз сўзлари билан ғоялар изчиллигини бузмасдан айтиб бера олишлари керак.

26-Бўлимга келиб, таълимни ўргатишдаги шахсий ҳаракатларнинг муҳокамаси яқунланади ва иштирокчилардан ўз ҳаётий шарт-шароитларига назар солиб, таълимни

ўргатишда ўз шахсий режаларининг элементларини аниқлашлари сўралади. 27-Бўлимда эса, улардан шундан келиб чиққан ҳолда, бир неча ҳафта ёки ойдан иборат маълум муддатга мўлжалланган дастлаб режани ишлаб чиқиш сўралади. Умид қиламизки, бу машқ, уларнинг бутун ҳаётлари давомида шахсий ташаббус асносида Ўзбекистон тарқатиш ишида мунтазам қатнашиш ҳақидаги тушунчани ўстиради.

Сўнгра, келадиган 28-Бўлимда, коллектив сайъ-ҳаракатлар ҳақида гап кетадики, мазкур бобдаги қолган бўлимларнинг диққат маркази ҳам шундан иборат бўлади. Бу пайтга келиб, иштирокчилардан турли интенсив кампанияларда қатнашиб кўрганлиги кутилади. Қолаверса, уларнинг ҳар бири ўзлари истиқомат қиладиган кластерлардаги жамоани куриш ишини олдинга суришда мунтазам меҳнат қилаётган Ўзбекистон тарафдорларининг кенгайиб боровчи ўзагига тегишлидирлар. Ушбу якуний бўлимлар уларга мана шундай коллектив тадбирларнинг иштирокчилари сифатида мушоҳада юритишларида ёрдам беради. Бунда машқлар жуда катта бўлмасада, бўлимларни шошиб ўтиш мумкинлигини англатмайди ва олиб боровчи томонидан иштирокчиларга ўқитган нарсаларини ўз тажрибалари билан солиштириб кўришлари учун етарлича вақт ажратилганига амин бўлиш муҳимдир. Буни бажарар экан, улар қандай қилиб коллектив фаолиятда ҳар бир киши кўпжиҳатли бирдамликнинг тобора ошиб боровчи даражаларига ҳос муҳитга ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлигини кўра олишлари керак. Улар маҳаллий миқёсдаги муштарак ҳаракатларнинг шахсий уринишлар билан бирлашиб, Баҳойи жамоаси киришган глобал тадбирни қай тариқа силжитиш учун хизмат қилиши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Шу мақсадда, бўлимларда иштирокчилар қараб чиқиши керак бўлган қатор саволлар кўтарилади: Коллектив фаолиятнинг табиати қандай? Бирдамликдаги коллектив фаолият нимани билдиради? Дунё бўйлаб, Ўзбекистоннинг ўсишига бўлган ёндошувларнинг хусусиятлари нимада ва интенсив кампанияларнинг тутган ўрни қандай? Ўзлари орасида ишлаётган одамларнинг, ҳоҳ қишлоқда яшовчилар, ҳоҳ маҳаллада ёхуд кластер бўйлаб тарқалган очик аҳолининг хусусиятлари қандай? Уларнинг аҳоли ҳаракатини Баҳойи Дунёвий Тартиботининг қараши сари сурадиган коллектив фаолиятидан туғиладиган кучлар қанчалар бақувват? Институт томонидан болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар учун мўлжалланган таълим дастурлари туфайли яраладиган қобилият билан Ўзбекистоннинг ўсиши нақадар боғлиқ? Коллектив ҳаракатнинг муваффақияти учун зарурий шароитлар яратилмоқдами? Ўртоқлик ришталари мунтазам равишда мустаҳкамланиб бормоқдами? Коллектив фаолият иштирокчилари орасида мақсад бирдамлиги вужудга келмоқдами? Бу нарса шод ва интенсив фаолиятда намоён бўлмоқдами? Уларнинг ўсиш ҳақидаги ўрганувчанликка бўлган ёндошуви қай даражада ҳаракат, маслаҳат ва ҳаракат устидаги таҳлил асосида қурилган? Охириги саволнинг аҳамиятини эътиборсиз қолдириб бўлмайди, айнан мана шу ёндошув кенгайиб бораётган ўзак гуруҳнинг фаолият режимига айланганлиги даражасига қараб, улар фикр бирдамлигининг тобора юксакроқ ва юксакроқ даражаларини кура оладилар, зеро, ўсишнинг бир босқичидан кейингисига ўтишда нима кераклигини кашф қилишда, бу, жуда зарурдир.



Таълимни Ўргатишнинг Руҳий Табиати

Мақсад

Таълимни ўргатишнинг ўзига хос руҳий аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўлиш ва таълимни ўргатишнинг самараси “бўлмоқ” ва “бажармоқ”дек икки ҳолатни ўз ичига олишини англаш, яъни киши ички ҳолатига эътибор қаратиши ва шу билан бирга, мунтазам фаолиятда бўлиши даркор.

1-БЎЛИМ

Ҳозирга келиб сиз хизмат йўлидан анча одимладингиз, бу йўлда шахснинг руҳий ва интеллектуал ривожланиши унинг жамият трансформациясига қўшадиган ҳиссасидан ажралмасдир. Ушбу йўлнинг ҳар бир лаҳзасида, таҳсил олиш ва ҳаракат қилишнинг бирга келиши, сизнинг турли йўсинда хизмат қилиш қобилиятингизни чуқурлаштирди, яъни жамоангиздаги ибодат характери кучайтириш, қишлоқ ва маҳаллангизда дўстлар ва оилалар билан руҳан кўтаринки суҳбатларни олиб бориш, хонадонларга мунтазам ташрифлар буюриш дастурида катнашиш, болалар синфининг ўқитувчиси ёки ўсмирлар гуруҳи етакчиси, ёхуд ҳар иккаласи сифатидаги хизмат йўллари орқали. Бундай тадбирларнинг ҳаммасида, сиз турли тоифа ва ёшдаги одамлар билан Баҳоуллоҳ Зухури уммонининг дурлари билан бўлишишдан сурур туйдингиз.

Шубҳасиз, жамоангизнинг руҳий пойдеворини кучайтириш учун меҳнат қилар экансиз, сиз Баҳоуллоҳнинг шахсияти ва Унинг Зухури ҳақида бевосита ва теран гапириш имкониятларидан фойдалангансиз, масалан, таълим институти дастуридаги боласи бор ота-оналарга ташриф буюрганингизда, балки интенсив кампаниялар давомида, ёхуд хизмат қилиш иштиёқида институт дастурига киришган ёшларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганда. Ҳатто қариндошлар, дўстлар, синфдошлар, ҳамкасблар ва таниш-билишлар билан бўладиган кундалик мулоқотларингиз давомида. Қолаверса, бундай вазиятларда ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларда сиз, очиқ қалбларни Унинг хушхабарининг ҳақиқатини қабул этиб, Унинг издошлари жамоасига қўшилишга таклиф қилишдан тортинмагансиз. Мазкур китобнинг уч боби, сизга қалбларни Баҳоуллоҳ Зухури уммонининг соҳилларига етишга етаклашдек, таълимни тарқатиш амали ҳақида ўйланишга ёрдам беради. Албатта одамларни бу соҳилларга етказадиган кўплаб бошқа йўллар ҳам мавжуд. Демак, шуни тан олишимиз керакки, таълимни тарқатишнинг руҳий динамикаси ҳақидаги биз ўрганадиган нарсаларнинг катта боби, кенг маънода бизнинг барча ишларимизга тааллуқли бўлиб, ҳар бир ҳолат ва вазиятда, Баҳойий идеалларини муҳокама қилиш, ўз ишонч ва ғояларимизни бўлишиш, бошқалар билан руҳий саволларни тадқиқ этиш, ва ҳатто, ёш авлодни тарабиялашдек барча уринишларимизда, қалблар Илоҳий Калом билан мулоқотга киришади.

2-БЎЛИМ

“Эй, аҳли Баҳо, Илоҳий Амрни ўргатинг” деб насихат қилади Баҳоуллоҳ, “зеро Оллоҳ ҳар бир кишига Унинг Хушхабарини эълон этишни фарз айлади ва буни амаллар ичра энг мўътабари этиб тайинлади”. Таълимни тарқатиш, Баҳоуллоҳни тан олганларнинг бурчи дегани, нимани англатади?

“Бурч” сўзи инсон нутқида қатор маъноларда ишлатилади. Гоҳида, у бизга юкланган ва аниқ асосга эга бўлмаган қатор қоидалар мажмуасини англатади. Баъзи бир бурчларга биз ўзимизга ёкмайдиган бўлсада, бажаришимиз керак бўлган вазифа сифатида қараймиз. Бошқа бирларини эса, хусусан, ўзимизнинг фаровонлигимиз ва яқинларимизнинг фаровонлиги билан боғлиқ бўлгани учун жон деб бажарамиз. Гуруҳингиз билан маслаҳатлашган ҳолда, ёқимли бўлган баъзи бурчларни ёзинг.

Умуман олганда, биз ўзимизга муҳим бўлиб туюлган вазифаларни тиришқоқлик билан бажаришга мойилмиз. Мисол учун, деҳқон, ўз хўжалигидаги ҳар бир вазифага катта эътибор билан ёндошади, чунки бу унга оиласининг тўқлигини таъминлашдан иборат яқиний мақсадга, серҳосилликка олиб келишини билади. Энди, Эътиқодни ўргатиш орқали қандай ҳосилларга эришишни умид қиламиз?

Оллоҳ Мазҳари томонидан бизга юкланган бурчлар буюк эзгуликларга олиб келади. Ҳолбуки, уларнинг кадр-қиммати фақатгина улар келтирадиган эзгуликлардан иборат эмас. Оллоҳнинг фармойишлари, бизларга нима қилиш керак ёки йўқлигини айтадиган шунчаки қоидалар бўлибгина қолмай, улар аслида, ўз моҳиятида инсоний мавжудликнинг воқеълиги ҳақидаги баёнотлардир. Буни оддий мисол орқали ёритиш мумкин.

Биз биламизки, соғлом ҳаёт кечириш учун биз мунтазам равишда, мўътадил меъёрга озикланиб туришимиз керак; бу бизнинг жисмоний мавжудлигимизга тааллуқли бўлган воқеъликдир. Бизнинг танамиз шундай яратилганки, у муайян вақт ичида озикланишга муҳтож ва биз бу эҳтиёжга бўйсинишимиз шарт, уни инкор қилиш ўлимга сабаб бўлади.

Худди шу йўсинда, Оллоҳ Мазҳари бизга насиҳат ёки фармойиш берганда, масалан, ҳар куни ибодат қилишни олсак, У бизга қандайдир ихтиёрий хулқ-атвор қоидасини мажбурлаб ўтказгани йўқ. Аксинча, бизга ўз воқеълигимизга тегишли бўлган баъзи нарсалар айтилади — мазкур ҳолда, инсон руҳи шундай яралганки, у парвариш топиши учун биз, ўз юрагимизни ва идрокимизни мунтазам равишда Оллоҳ томон қаратишимиз ва ўз мавжудлигимизнинг Манбаи билан “мулоқот” қилишимиз керак. Худди шундай, Унинг Амрини ўргатишдан иборат бўлган бизнинг бурчимиз, бизга ва инсониятга келтирадиган аён фойдасидан ташқари, инсон руҳининг табиати ва унинг талаблари ҳақидаги муайян ҳақиқатларни намоён этади. Кейинги бир-неча бўлимлар давомида, биз ушбу ҳақиқатларни тадқиқ этамиз. Бундан олдин, қуйидагиларнинг табиати ҳақида гап тузинг. Сизга ёрдам сифатида мисол келтирилган.

1. Шам: Шамнинг табиати ёруғлик бериш.
2. Шапалак: _____

3. Олов: _____

4. Булоқ: _____

5. Булутлар: _____

6. Атир: _____

Инсон табиати ўзига тегишли бўлган бирон нарсани тинимсиз равишда бериш, яъни вақтини, қувватини ва билимини беришдан иборат эканлиги билан розимисиз?

3-БЎЛИМ

Келинг, ушбу ва кейинги бир-неча бўлимларда Абдул-Баҳонинг Битикларидан олинган парчаларни ўрганиб, таълимни ўргатишдек бурчимизнинг баъзи натижалари устида мулоҳаза этишни бошлаймиз:

“Эй, жаннатий ишқнинг тирик алангаси! Сенинг юрагинг Оллоҳ муҳаббатидан шунчалар ёнарки, минг чақирим масофадан унинг ҳарорати ва ёруғлиги сезилар ва кўринар. Фоний қўллардан ёқилган олов фақат кичик бир майдонни ёритишга ва иситишга етар, қачонким Оллоҳ қўли ила ёқилмиш муқаддас олов, шарқда ёнар бўлса-да, ғарбни алангалатар, ҳамда шимолу жанубни ҳам иситар; йўқ, у хатто, бу дунё оша самолардаги чўққиларни энг иссиқ ҳарорат ила қиздириб, мангу Шўҳрат Салтанатини нурга тўлдирар.”¹

Юқоридаги парчага биноан, бизнинг юракларимиз Оллоҳ муҳаббатидан шунчалар _____, _____ масофадан унинг _____ ва _____ ва _____. Фоний қўллардан ёқилган _____ ва иситишга етар, қачонким _____ ёқилмиш муқаддас олов, _____, _____ алангалатар, ҳамда _____

_____ иситар; йўқ, у ҳатто, бу дунё оша _____
_____ энг иссиқ харорат ила қиздириб, _____
_____ нурга тўлдирар.

4 -БЎЛИМ

Абдул-Баҳо билан учрашишни орзиқиб кутган ва ниҳоятда қисқа муддатга бўлса-да, Унинг ҳузурига сазовор бўлган дўстлардан бирига У шундай ёзган:

“...Мен умид қиламанки, бу учрашув, олов текканда, дарҳол аланга оладиган чироқ пилигидек бўлди. Мен бу учрашувнинг натижаларини интиқлик билан кутиб қоламан, токи Мен сени порлаётган шамдек ва Оллоҳ муҳаббати ўтига мубтало бўлган парвонадек кўрайин. Токи сен ишқу-ошуфталикнинг жўшқинлигидан таъсирланиб булут каби ёш тўккин, барра майсадек кулгин ва Абҳо Жаннатининг шабадасидан титраган бекиёс ниҳолдек яйрагин.”²

Бу парчага биноан, Абдул-Баҳо умид қиладики, бизни порлаётган _____
ва Оллоҳ _____ мубтало бўлган _____
кўрсинлар. Токи биз _____ - _____
_____ таъсирланиб _____ каби ёш
тўкишимиз, _____ кулишимиз ва Абҳо Жаннатининг
_____ титраган _____ яйрашимиз керак.

5-БЎЛИМ

Илк издошлардан бирининг саволига жавобан ёзган Лавҳида Абдул-Баҳо шундай дейди:

“Оллоҳнинг канизаклари шундайин мақомга кўтарилишлари керакки, токи уларнинг ўзи ҳеч қандай кўмаксиз ушбу ботиний маъноларни тушуниб етишлари ва ҳар бир сўзни тўлиқ ҳажмда изоҳлай олишлари керак; бу шундайин мақомки, қайсики улар қалбининг кўридаги ҳақиқатдан донолик булоғи қайнасин ва ҳатто, ўз асл чашмасидан тўлиб-тошиб оққан фавворадек бўлсин.”³

‘Абдул-Баҳо шуни истайдиларки, биз, яъни Оллоҳнинг канизаклари шундайин мақомга кўтарилишимиз керакки, токи ўзимиз ҳеч қандай кўмаксиз ушбу ботиний маъноларни _____ ва _____
_____ тўлиқ ҳажмда _____. Бу шундайин мақомки,
қайсики _____ донолик

_____ кайнасин ва хатто, ўз _____ тўлиб-
тошиб оққан _____ бўлсин.

6-БЎЛИМ

Ҳозиргина биз ўрганган уч иқтибос Таълимни ўргатишдаги бурчимизнинг қанчалар ҳам ички ҳолатимиз, ҳам бажарадиган ишларимиз билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Иқтибосларда келтирилган образлардан ички ҳолатнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўрганишимиз керак бўлган нарсалар, анчагина. Улар бизга табиатан ўз борлигини тақдим этишни талаб этадиган нарсаларни кўрсатиб беради. Олов ёруғлик таратишдан бош тортса, уни олов деб бўладими? Булоқ оқишдан бош тортса, унинг булоқлиги қоладими? Худди шундай, бизлар ҳам улашувчан ва сахий бўлиш учун яралганмиз. Ўзимиз эга бўлган нарсаларни ўзгалар билан бўлишиш ва бериш бизнинг руҳий мавжудлигимиз талабидир. Биз эга бўлган барча нарсалар ичида энг қадр-қимматлиси, бу иймон тухфаси — бугунги куннинг Илоҳий Мазҳари сифатида Баҳоуллоҳни тан олишдир. Унинг Зухуридан олган билимни ва ушбу Зухурдан қалбимизни тўлдирган меҳру-муҳаббат ва шоду-хуррамликни бошқалар билан баҳам кўриш табиий ҳолатдир.

Албатта, Амрни ўргатиш йўлида кўпгина тўсиқларга дуч келишимиз мумкин. Биз тортинчоқ бўлишимиз мумкин, тўғридан-тўғри гапиришга ёки бирон ишни қилишдан кўрқишимиз мумкин, баъзида фикрларимизни аниқ-тиниқ ифодалашга қийналамиз, бироқ, Илоҳий Таълимотни ўргатаётганда, биз ўзимиз эга бўлган энг қадрли нарсани эркин тақдим этишни ўрганаётганимизни тушунсак, бу тўсиқларнинг барчасини аста-секинлик билан енга оламиз. Муҳофиз номидан ёзилган мактубдаги қуйидаги сўзлар, бизга Баҳоуллоҳ Зухурида мужассам бўлган илоҳий дурларни бошқалар билан баҳам кўришлик бурчимиз ҳақида доимий эслатма сифатида хизмат қилиши мумкин:

“Дунё каттиқ саросимада ва унинг муаммолари кун сайин кескинлашиб бормоқда. Бинобарин, биз фаолиятсиз ўтирмаслигимиз керак, акс ҳолда муқаддас бурчимизни адо эта олмай қоламиз. Баҳоуллоҳ бизга Ўз Таълимотини хазинадек қўриқлаб, ўз шахсий роҳат-фароғатимиз учун яшириб юриш учун бергани йўқ. Ул Зот бизга бу Таълимотни бутун оламни таништириб, токи унинг каромати ва илҳомлантирувчи таъсиридан барча баҳраманд бўлмагунича, оғиздан-оғизга етказишимиз учун берган.”⁴

7-БЎЛИМ

Барчамиз интилаётган “бўлмоқ” ҳолатини таърифлашда, уни ёнмоқ ҳолати дея таърифласак бўлади. Фикримиз ва қувватимизни таълимни тарқатишга қаратганимизда, шуни ёдда тутишимиз зарурки, юрагимиздаги Баҳоуллоҳга бўлган муҳаббатимиз кундан-кунга янада ёрқинроқ ва ёрқинроқ аланга олиши керак. Абдул-Баҳонинг Битикларидан олинган қуйидаги парчани ёдлашни исташингиз мумкин, зеро у сизга қалбингизда Оллоҳга бўлган муҳаббат оловини озиқлантириш зарурлигини доимо эслатиб тургайки, токи йўлингизда дуч келган ҳар бир инсон унинг ҳароратини ҳис этсин:

“Эй, Оллоҳ муҳаббатининг ўтида ёнаётган чирок! Яқинда, сендан келган хатни ўқидим. Дарҳақиқат, сенинг оташин муҳаббатинг, Қудратли, Алийм Раббингга бўлган ишқ ўтида ёнганинг, Ҳақиқат Руҳи бутун тананг, асабинг, томирларинг, артерияларинг, суякларинг, қонинг ва вужудингга сингиб кетганини, сенинг қўлингдан ҳокимият жиловини тортиб олиб, сени ўз хоҳишига биноан йўналтираётгани, ўзи маъқул деб топган нарсани айтишга ундаётгани ва сени истаган жойига олиб бораётганини ҳис этдим. Оллоҳ муҳаббатининг руҳи ила тўлган ҳар қандай қалбга шундайин ҳолат муносибдир. Сен, шубҳасиз, Қудратли Раббингнинг ажиб нишонларини кўргайсан ва Унинг аломатларини кашф этгайсан.”⁵

8-БЎЛИМ

Ҳозир сиз ўрганган парчада шундай ҳолат тасвирланганки, унда биз хизмат қилмасдан ва Таълимотни ўргатмасдан тура олмаймиз. Бутун вужудимиз шу қадар Ҳақиқат Руҳи билан тўлганки, ўша Руҳ бизни бошқаради ва ўз хоҳишига кўра йўналтиради. Энди тасаввур қилиб кўринг, Илоҳий таълимотни ўргатишда, бундай табиий ички турткига қарши чиқишга уринишнинг натижаси қандай бўлиши мумкин:

а. Ердан доим сув оладиган, лекин оқишдан бош тортадиган булоқнинг аҳволи қандай бўлиши мумкин: _____

б. Доимий равишда Оллоҳнинг марҳаматига эга бўлган, лекин уни бошқалар билан баҳам кўрмайдиган инсон билан нима содир бўлади: _____

в. Илм олиб, лекин уни ўргатишни истамаган инсон билан нима содир бўлади: _____

г. Ўзбекида неъматини олган, аммо, Амрга хизмат қилмайдиган ёки ўргатмайдиган инсон билан нима содир бўлади: _____

9-БЎЛИМ

Ёнмоқ тушунчасининг табиати ҳақида мулоҳаза юритар экансиз, шуни ёдда тутишингиз зарурки, “бўлмоқ” ва “бажармоқ” бу Баҳой таълимоти асосида яшаладиган ҳаётнинг ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи жиҳатларидир. Улар шунчалик чамбарчаски, уларни ажратиш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат пучга чиқади. Биз бутун умр Илоҳий Таълимотни ўргатишга киришиш учун бутун вужудимиз билан алангаланишни кута олмаймиз. Ҳаттоки, кичик олов ҳам иссиқлик ва нур таратади. Бир вақтнинг ўзида бажаришимиз керак бўлган кўп ишлар бор. Биз дуо ўқишимиз ва ҳар кун ўқиган Битикларнинг маъносини чуқур англашимиз керак. Биз Унинг хусусиятларини акс эттиришимиз учун қалбимизни поклашга ҳаракат қилишимиз зарур. Биз ботиний нигоҳимизни очиб, Унинг Жамолини кўришимиз ва унга маҳлиё бўлишимиз керак. Биз хизмат қилиш йўлида фаол бўлиб, Унинг Амрини ҳаммага етказишимиз лозим. “Бўлмоқ” ва “бажармоқ” ўртасидаги ўзаро алоқадан воқиф ўлароқ, қуйидаги даъволарнинг қайси бири билан шубҳасиз рози бўласиз?

- _____ Хонадонларга ташриф буюриб одамлар билан мазмунли суҳбатлар қуриш катта жасорат талаб этади. Дастлаб, мен ўзимдаги чуқур тортинчоқлик ҳиссини енгиб ўтишим керак, кейин эса бу хизмат турини бажара оламан.
- _____ Гарчи ўзим яхши танимайдиган одамлар билан суҳбат бошлашдан олдин ўта асабийлашсамда, мен Оллоҳга таваккул қила бошладим, чунки фақатгина бажариб кўриш орқали мен ўз уялчанлигимни енга олишимни тушунаман.
- _____ Ўзтикод ҳақида бошқалар билан суҳбат олиб бориш учун билимим етарли эмас. Очiq қалбларни излаш ва улар билан суҳбатлар олиб боришдан аввал, мен кўпроқ билимга эга бўлишим керак.
- _____ Баҳоуллоҳ Зухуридан оладиган доноликларимиз чексиздир, ваҳоланки ундан ола билган кичик тушунчамиз ҳам шу қадар қийматлики, биз уларни аямасдан бошқалар билан бўлишишимиз керак.
- _____ Мен мутлақо мукамал эмаслигимни тушунаман ва Битикларда баён этилган руҳий сифатларни намоён эта олишим учун олдимда ўтишим керак бўлган ҳали узун йўл бор. Шундай бўлсада, Баҳоуллоҳ Унга хизмат учун қалқиган ҳар бир инсонга ёрдам беришини ваъда қилган, бинобарин, мен кўлимдан келганини бажаришга ҳаракат қилишим керак.
- _____ Мен адекват бўлмасамда, Амр хизмати учун кўтариламан. Баҳоуллоҳнинг таълимотини бошқалар билан бўлишиш менда Унга бўлган муҳаббатни кучайтиради, ҳамда менга керакли кўникма ва руҳий сифатларни ривожлантиришда ёрдам беради.
- _____ Мен болалар синфини ўтказишни истардим, бироқ, дастлаб мен яхши муаллим учун керакли бўлган барча зарурий сифатларни ривожлантиришим керак. Ўзим тўғри намуна бўлмасам, қандай қилиб ўқувчилар ўрганишлари мумкин?

- _____ Машгулотлар жараёнида, менинг болаларга бўлган муҳаббатим ошади ва мен саховат, сабр-тоқат, меҳрибонликни амалда бажариш учун кўплаб имкониятларни топаман.
- _____ Мен етакчилик қилаётган гуруҳдаги ўсмирларда мен билан гаплашиш имкони бўлиши керак. Агар улар мени жуда ҳам бенуксон авлиё деб билсалар, улар учун ўз фикрларини эркин баён этиш ноқулай бўлади. Энг муҳими, менинг ҳафталар давомида уларнинг ёнида бўлишимдир.
- _____ Ўсмирлар гуруҳи учун етакчи бўлиб хизмат қилганимда, мен уларнинг руҳий ва интеллектуал ривожига кўмаклашар эканман, ўз характеримни комиллаштиришга ҳаракат қилишим керак.
- _____ Қандайин хизмат соҳаси бўлмасин, токи мен тўғри гапларни айтар эканман, менинг қалбим ёнган ёнмаганлиги муҳим эмасдир.
- _____ Мен қилишим керак бўлган нарсa, фақатгина Баҳоуллоҳни севишга диққатни қаратиш. Шунда мен бирон оғиз сўз айтмасам ҳам бўлади. Менинг юрагим шунчалар ёнган бўладикки, инсонлар менинг нима учун бунақа эканлигим устида ўйланиб қоладилар. Мен Баҳоий бўлганимдан шунақа эканлигимни тушуниб, улар ўзлари Ўятиқод билан қизиқиб уни ўрганишни бошлайдилар.
- _____ Таълимотни ўргатиш, борлиқнинг табиий ҳолатидир. У ўз-ўзидан табиий ҳолда пайдо бўлади. Заҳмат чекишга ҳожат йўқ!
- _____ Таълимотни ўргатиш борлиқнинг табиий ҳолатидир. Очиқ қалбларни излаб, улар билан Баҳоуллоҳнинг шахсияти ва Унинг таълимоти ҳақида суҳбатлар қуриш учун систематик режалар тузишга ҳожат йўқ. Сиз фақатгина бунга изн беришингиз керак!

10 – БЎЛИМ

Биз шундай хулосага келдикки, Баҳоуллоҳни тан олганимизданоқ, Илоҳий Таълимотни ўргатишимиз керак. Бу ерда келтирган образимиз олов бўлиб, у қанчалик кичик бўлмасин, барибир, нур ва иссиқлик беради. Айни вақтнинг ўзида Таълимотни ўргатишдаги сайъ-ҳаракатимизни сусайтирмасдан, ўзимизнинг руҳий ҳаётимизни тинимсиз бойитиб боришимиз ва қалбимиздаги Оллоҳга бўлган муҳаббатимиз оловини озиқлантириб, аста-секин уни янада баландроқ ёндиришга ҳаракат қилишимиз керак. Келинлар, ҳозир шу ерда тўхталиб, бу оловнинг жадаллигини нима кучайтира олиши ҳақида ўйланайлик.

Қуйида икки хил даъво келтирилган. Биринчи тўплам қандайдир ҳақиқатни ўз ичида мужассам этган даъволардан ташкил топган бўлса-да, саволларни нотўғри шаклда кўрсатган. Шу даъвога ўхшаш, лекин ҳақиқатни тўғри акс эттирувчи даъвони иккинчи тўпламдан танланг.

- _____ Билим бу, пардадир. Жуда кўп билим такаббурликка олиб келади. Битикларни ўрганишга катта урғу бериб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак. Оллоҳга ва инсониятга бўлган муҳаббатга эътибор бериш етарлидир.
- _____ Қалбнинг алангаланиши шунчалик муҳимки, вақтинча ҳар қандай фаолиятдан четлашиб, ҳамма вақтни ўз устидан ишлашга бериш керак.
- _____ Оллоҳга бўлган муҳаббат билан алангаланган инсон ҳар доим хурсанд ва у ҳеч қачон қайғурмайди.
- _____ Биз Оллоҳ қонунларига риоя қилмаймиз. Чунки биз Баҳоуллоҳни етарлича севмаймиз.
- _____ Алангаланиш Оллоҳ ҳадясидек келади. Шунинг учун бу ҳолатни мустақил равишда эгаллайман деб, холдан тойиш керак эмас.
- _____ Оллоҳ муҳаббати бир марта қалбда ёнган экан, уни ҳеч қачон сўндириб бўлмайди. У ўзидан ўзи яшайди ва ҳар доим бизнинг қалбимизни поклайди.
- _____ Агар биз такаббурликка элтувчи ва билимни парда қилувчи худбинликдан холи бўлсак, ўшанда биз эгаллаган билим қалбимиздаги алангани кучайтиради.
- а. Илоҳий таълимотни ўргатиш ва Амрга хизмат қилиш, руҳий ўсиш ва қалбимизни ўз-ўзидан алангалантиради.
- б. Оқибатда, инсоннинг алангаланиши Оллоҳнинг марҳамати билан ортади. Бироқ бу қўл қовуштириб ўтириш керак дегани эмас. Ҳар куни дуо ўқиш, Унинг тахтидан марҳамат сўраш, Битик ўқиш ва Унинг йўлида фаол хизмат қилиш – мана шу амаллар қалбнинг эшигини очади ва улар воситасида у иноят ва марҳаматни олади.
- в. Билим инсон қалбидаги Баҳоуллоҳга бўлган муҳаббат оловини озиклантиради. Биз Битикларни ўрганиб, қанчалик кўп Ул Зот ҳақида билсак, шунчалик Унга бўлган муҳаббатимиз чуқурлашади.
- г. Ибодат ва хизмат қалбимиздаги Оллоҳга бўлган муҳаббат оловининг ёнишига ёрдам беради. Худбинлик ва ғараз интилишлар эса Уни сўндиради, шунинг учун биз ҳамиша эҳтиёт бўлишимиз ва қалбимизда ёнаётган муҳаббатни ҳимоя этишимиз керак.
- д. Фидокорлик руҳий камол топишда муҳим ўрин тутади ва у муқаррар равишда азоб-укубат олиб келади. Бироқ Оллоҳ йўлида чидалган азоблар бахт олиб келади. Оллоҳга бўлган муҳаббат олови биздаги худбинлик пардасини куйдираётганда пайдо бўладиган азоб-укубатларни қувонч билан қаршилаш керак.
- е. Биз Баҳоуллоҳни севсак-да, барибир, кўп хатолар қиламиз. Чунки биз заиф ва ҳар доим Ул Зотнинг марҳаматлари ва кечиримларига зормиз. Агар биз Баҳоуллоҳнинг фармонларига итоат қилишга ҳаракат қилсак, бизнинг оловимиз янада ёрқин бўлади.

[illegible]

Энди, биз ёнмоқ ҳолати, яъни Оллоҳ муҳаббатидан ёниш ҳолати ҳақида ўйлангач, биз Баҳоуллоҳ Зухурининг нурини тинмасдан тарқатишга ҳаракат қиламиз ва куйидаги парчаларни ўқиб, мулоҳаза юритамиз:

“Эй дунё халқлари, Жамолимнинг кундузги ёритқичи ботганда, Менинг чодиримнинг самоси нигоҳингиздан пинҳон бўлганда қайғурманг. Менинг Амримни тарғиб қилиш ва одамлар орасида Каломимни улуғлаш учун қалқинг. Биз ҳар доим сиз билан бўламиз, сизни ҳақиқат кучи ила қувватлаймиз.”⁷

12 – Амрни Ўргатиш

шубҳасиз, илҳомлантиради ва унинг қалбидан донолик ва илм булоқлари тинимсиз оқишини ато этади.”⁸

“Оллоҳ ҳар бир инсонга Ўз Амрини тарғиб қилишни фарз этди. Кимки ушбу фарзни адо этиш учун қалқимоқчи бўлса, Оллоҳнинг Хушхабарини эълон қилишдан олдин ўзини олижаноб ва мақтовга сазовор хулқ билан беамоғи даркор, токи сўзлари унинг даъватини қабул қилувчи юракларни ўзига ром айласин.”⁹

“Эй Оллоҳ ҳабиблари! Ётоғингизда хузурга берилиб ётманг. Балки, Яратган Парвардигорингизни тан олиб, Унинг бошига тушган савдолар ҳақида ўргангандан сўнг, руҳан тирилиб, Унга ёрдамга шошилинг. Унинг Амрини эълон қилинг ва бир зум бўлса ҳам жим турманг. Бу сизлар учун ўтмиш ва келажак хазиналаридан афзалроқдир, - гар ушбу ҳақиқатни тушунганлардан бўлсангиз.”¹⁰

Эҳтимол, юқоридаги иқтибослардан иложи борича кўпроғини ёд олишни истаб қоласиз.

12-БЎЛИМ

Илоҳий Таълимотни ўргатишдек бурчимизнинг турли жиҳатларига мурожаат қилганимизда, Оллоҳнинг амрлари Унинг бизга марҳаматининг белгиси эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Биз Оллоҳнинг амрларига итоат этганда, бирон лаҳза бўлмасин, Унга илтифот кўрсатяпмиз дея тасаввур этмаслигимиз даркор. Гар У хоҳлаганида эди, Ўзининг биргина Каломи ила Ўз Амрига ғалаба ато этарди. Унинг ҳар биримизга ато этган бебаҳо саховати Унинг Таълимотини тарғиб этишда қатнашиш имконини бергандир. Баҳоуллоҳ шундай дейди:

“Модомики, маъқул топсак, Биз ушбу Амрга Ўз ҳузуримиздан ягона Калом кучи ила ғалаба ато этгаймиз. Илло, У Қудратли ва Жаззобдир. Гар Оллоҳнинг нияти бўлганида эди, тоғларда акс-садо бергувчи момақалдиروқ гумбурига ўхшаш наъра ила самовий қудрат ўрмонларидан енгилмас бир шер пайдо бўларди. Бироқ, Бизнинг мушфиқ иноятимиз ҳар нарсани қамрагани сабаб, Биз яқуний ғалабанинг сўзлар ва нутқлар орқали эришишини амр этдик, токи бутун ер юзидаги бандаларимиз илоҳий бахт-саодатга эришсинлар. Бу Оллоҳ уларга инъом этган саховатнинг нишонасидир.”¹¹

Мавҳум нарсаларни изҳор этиш учун ёзма ва оғзаки нутқда аксарият ҳолларда, онгда муайян тасвирни шакллантирадиган метафоралар ишлатилади. Келтирилган парчада Баҳоуллоҳ шер метафорасидан фойдаланади. Шер самовий қудрат осмонларидан пайдо бўлади ва унинг наъраси тоғларда акс-садо бергувчи момақалдиروқ гулдирашига ўхшайди. Бу тасвир бизга Халлоқ Оллоҳ қудрати кучининг учқунини очиб беради. Ягона Каломи ила У Ўз Қудратини намоён этган бўлар эди ва заминдаги барча одамлар сўзсиз Унинг остонасида тоат этган бўлардилар. Фақатгина Ўзининг бизга бўлган мушфиқ муҳаббати боис, У бизга Унинг Амри таблиғотининг асбоби

бўлишимизга имкон беради. Қуйида келтирилган гапларни иқтибосдаги сўзлар ва иборалар билан тўлдилинг:

1. Агар Оллоҳ маъқул топганда эди, У _____.
2. Агар Оллоҳнинг нияти шу бўлганда эди, _____.
3. Шернинг наъраси худди _____.
4. Бироқ, Унинг меҳрибон инояти ҳамма нарсадан устун бўлганлиги сабабли, У буйруқ бердики, _____.
5. Унинг мақсади шу эдики, _____.
6. Бунинг ҳаммаси фақат _____.

13-БЎЛИМ

Аксари ҳолларда, одамлар муайян бир қарашларга эга бўла туриб, айна вақтнинг ўзида, шу қарашларга зид бўлган гапларни айтишади. Изчил одам бўлиш осон эмас. Бутун умримиз давомида шаклланган онг ости кўникмаларимиз борки, улар бизни ўйламасдан туриб гапиришга мажбур этади. Гар бунинг устида фикр юритар бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, аслида биз ўзимиз даъво этган таъкидлар билан рози эмасмиз. Бинобарин, тушунчамиз ошгани сайин, вақти-вақти билан тўхталиб, ҳам таълимот ва ҳам тўплаган тажрибамиз нуқтаи назаридан муайян таъкидларнинг ҳақиқатини синовдан ўтказиш арзирли бўларди. Қуйидагилардан қайсилари, сизнинг таълимни ўргатиш фарз, деган тушунчангиз билан тўғри келади. Уларни белгиланг.

_____ Мен таълимотни ўргатиш фаолияти бўйича жамоамдаги маслаҳатларда фаол қатнашаман ва буни қандай амалга ошириш кераклиги ҳақида ўз фикрларимни билдириб тураман. Мен ўзимнинг таълимни ўргатиш бурчимни мана шундай тарзда бажараман.

_____ Жамоада қачонки интенсив таълим фаолияти бўлса, мен бунга бағишлаб махсус дуолар ўқийман. Бурчимни мана шу тариқа бажараман.

_____ Ҳар гал фурсат тўғри келганда, мен Баҳоуллоҳ таълимотидан олган тушунчаларим билан бўлишаман. Ўз бурчимни бажариш учун шунинг ўзи етарли.

- _____ Бу йил мен бир кишига Таълимотни ўргатдим. Мен ўзимнинг йиллик бурчимни бажардим.
- _____ Танишларимнинг барчаси менинг баҳойий эканлигимни биладилар, улардан кимки қизиққан бўлса ҳаммасига аллақачон Баҳоуллоҳ ва Унинг Зухури ҳақида айтиб берганман. Мен Ўтиқодни ўргатишда ўзим учун очик бўлган барча имконларни ишлатиб бўлдим.
- _____ Мен ҳар бир учратган кишимга ўзимнинг Баҳойий эканлигимни айтиш орқали таълимни тарқатиш бурчимни бажараман.
- _____ Таълимни тарқатиш бурчимни бажаришнинг энг маъқул йўли, намунали ҳаёт кечиришдир. Сўзларга ҳожат йўқ.
- _____ Мен Баҳоуллоҳнинг барча насиҳат ва фармойишларига итоат қилишга ҳаракат қиламан, Унинг Амрини ўргатиш шулар жумласидандир, зеро фақат шу йўсиндагина мен намунали ҳаёт кечири олгайман.
- _____ Мен биламанки, Баҳоуллоҳ Ўз издошларининг ҳаммасига Унинг Амрини тарқатиш фарзини буюрган. Лекин, бу билан Ул Зот “ҳамма”ни назарда тутмаган. Улар Ўтиқод ҳақида жуда билимга бой ва тажрибали кишиларни назарда тутган.
- _____ Ҳар гал Баҳоуллоҳ таълимотининг гўзаллиги ҳақида ўйланганимда, шунчалар қувонаманки, Унинг хабарини қандай қилиб бошқаларга етказмаслик мумкинлигини тушуна олмайман.
- _____ Илоҳий Таълимотни ўргатиш бурчини бажариш туфайли мен илоҳий тасдиқ оламан.
- _____ Мен Таълимотни ўргатиш бурчимни Баҳоуллоҳга ва бутун инсониятга нисбатан бўлган муҳаббатим сабаб бажараман.
- _____ Бизнинг маҳаллада жамоани қуриш бўйича кўплаб фаолият турлари олиб борилади, Ўтиқодни кўплаб одамлар ва оилаларнинг қабул қилиши бу фақатгина вақт масаласидир. Баҳоуллоҳ ва Унинг Зухури ҳақида гаплашиш, ҳамда қалбларга Унинг Амрини қабул қилишда кўмаклашиш учун имкон қидиришга ҳожат йўқ.

Абдул-Баҳонинг Лавҳларидан олинган қуйидаги парчани ёд олинг:

“Эй, Оллоҳ Салтанатининг толиби! Гар тилинг ва нутқинг тошдек қаттиқ қалбларга сингишини истасанг, ўзингни бу дунё боғлиқликларидан озод эт ва Оллоҳ Салтанатига юз тут. Юрагингда Унинг муҳаббати оловини шу қадар аланга олдирким, токи сен, аланга оташи ва ҳидоятнинг чароғон шамига айлан. Шундагина, сенинг сўзларинг Муқаддас Рухнинг тасдиғи ила қалбларни тўлқинтира олгай.”¹²

14-БЎЛИМ

Энди эса, Муҳофиз диққатимизни қаратган 6-Бўлимдаги иқтибосни ўрганиш орқали Таълимотни ўргатишнинг муқаддас бурч сифатидаги аҳамияти ҳақида ўйлангач, келинг, бу амалнинг муқаддаслиги ҳақида фикр юритайлик. Қай маънода у муқаддас? Албатта, ушбу фарзнинг Оллоҳ ўғити эканлиги омилининг ўзигина, уни аллақачон муқаддас қилади. Лекин, Таълимотни ўргатишда муқаддасликнинг биз кўриб чиқишимиз керак бўлган бошқа қирралари ҳам мавжудми? Баҳоуллоҳ Ўз Лавҳларидан бирида шундай дейди:

“У Ўзи учун инсоний қалблар шахрини қолдирди; улар ичра Ушбу Кунда, Олий Ҳақиқат бўлмиш Зотнинг маҳбублари эса, уларга мисли қалитдир. Оллоҳ истаса, уларнинг ҳаммаси ва ҳар бири Улуғвор Исм қудрати ила ушбу шаҳарлар дарвозаларини очишга қодир бўлғайлар.”¹³

Бошқа иқтибосда Ул Зот шундай дейди:

“У, уларни ҳар қандай заминий нопокликдан тозалаш ва иймонсизларнинг қўллари ҳеч қачон доғ тушира олмайдиган Табаррук Манзилга яқинлашишларига имкон бериш мақсадида инсоний қалблар шахрини Ўзи учун сақлаб қолди. Эй, одамлар, нутқингиз қалити ила инсоний қалблар шахрини очинг. Биз сизга ушбу фарзни белгиланган меъёрга мувофиқ нозил этдик.”¹⁴

Қуйидаги саволларга жавоб бериш, сизга бу иқтибосларнинг қандай қилиб муқаддаслик ва Илоҳий Таълимотни ўргатиш билан боғлиқлигини кўришга ёрдам беради:

1. Оллоҳ Ўзи учун нимани қолдирди? _____
2. Инсон кимга тегишли? _____
3. “Оллоҳга оидлик”ни тасвирлаш учун биз қандай сўзни ишлатамиз? _____
4. Ким инсоний қалблар шахрининг қалити бўла олади? _____
5. Оллоҳ бу шаҳарларни нимадан тозаламоқчи? _____

6. Оллоҳ бу қалбларни қаерга яқинлаштирмоқчи? _____

7. Биз инсоний қалблар шахрини қандай қалит билан очишимиз керак? _____
8. Бу парчаларда биз учун нима фарз қилиб белгиланган? _____

15-БЎЛИМ

Муқаддасликнинг яна бир қирраси мавжуд бўлиб, биз уни Таълимотни ўргатиш мавзуси билан биргаликда қўриб чиқишимиз лозим. Баҳоуллоҳ Ўз Лавҳларининг бирида, Ўз Зухурларини шу сўзлар билан тасвирлаб берадилар:

“Айт: Муқаддаслик Бармоғи ила битилган каломларни ўзида мужассам этган, Илоҳий Ўзгармас Фармон ғазнаси бўлмиш Ул муҳрланган ва сирли Нома, ушбу дамгача сингиб бўлмас тилсим ниқобига ўралган эди, энди эса, Кодир-Қудрат, Кунларнинг Қадими бўлмиш Зотнинг меҳру-мурувват нишонаси сифатида юборилди. Унда, Биз ҳар қандай замин ва само аҳлининг қисматини буюрдик ва ибтидодан интиҳогача бўлган бор нарсаларнинг илмини битдик.”¹⁵

Бу парчада, Баҳоуллоҳ Ўз Зухурини муҳрланган ва сирли Нома дея таърифлайди. Нома, қоғоз ўрамларига ёзилган муҳим хабардир. Ушбу муҳрланган ва сирли Нома Оллоҳ Фармонининг ғазнаси – унда ёзилган нарсаларни Оллоҳ буюрган, улар ўзгармасдир. Қуйидаги машқ бу парчанинг маъносини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Бўш қолдирилган жойларга иқтибосда келтирилган сўзларни қўйиб тўлдириш ва сўнг гапларни биргаликда ўқинг.

1. Баҳоуллоҳ Зухури Оллоҳнинг _____ - _____ сифатида бизга зоҳир қилинди.
2. Бизга юборилган – бу _____ ва _____ Нома, ушбу дамгача _____ ўралган ҳолда бўлган.
3. Бу Илоҳий _____ ғазнасидир.
4. Унда Оллоҳ ҳар қандай замин ва само _____ қисматини буюрди.
5. Баҳоуллоҳнинг Зухурида _____ бўлган бор нарсаларнинг _____ битилган.

16-БЎЛИМ

Энди, биз юқоридаги икки бўлимда нималарни ўрганганлигимиз устида фикр юритинг. Таълимотни ўргатиш - бу ҳар бир баҳойининг муқаддас бурчи, чунончи, бу Оллоҳ томонидан фарз этилган. Қолаверса, Таълимотни ўргатаётганимизда, биз икки муқаддаслик билан иш тутамиз. Улардан биринчиси инсон қалби бўлиб, у фақат Оллоҳга тегишлидир. Аслида, Таълимотни ўргатишни, инсоний қалблар шаҳрини Унинг учун

очишга олиб келувчи руҳий амал дея тасвирласа бўлади. Таълимотни ўргатиш билан боғлиқ бўлган иккинчи муқаддаслик - бу Баҳоуллоҳнинг Зухури. Биз қалбни инсониятга берилган энг олий ҳадя, Ул Зотнинг Зухури билан боғлаш мақсадида Таълимотни ўргатамиз.

Ҳаётингизда муқаддасликни ҳис этган лаҳзаларни эсга келтиринг. Агар сиз Баҳоуллоҳ ва Боб Макбараларида бўлган бўлсангиз, сиз у ерга яқинлашиб, Муқаддас Остонага тиз чўккан дақиқалардаги ўз туйғуларингизни жуда аниқ эслайсиз. Аммо, ҳали у ерда бўлмаган бўлсангиз-да, сизнинг ҳаётингизда, албатта, шунақа лаҳзалар бўлганки, сиз фикрингиз ва қалбингиз билан Оллоҳга юз тутиб, дуо оҳангига мафтун бўлгансиз ва ўзингизни Унинг ҳузурда бўлгандек тасаввур этгансиз. Бундай лаҳзаларда сизни чулғайдиган туйғулар қандай? Уларни қуйида белгиланг:

_____ оташин муҳаббат	_____ бепарқлик	_____ тавозеъ
_____ ҳаяжон	_____ сурур	_____ ҳурмат
_____ эҳтиром	_____ итоаткорлик	_____ хижолат
_____ миннатдорчилик	_____ нолойиқлик	_____ хотиржамлик

17-БЎЛИМ

Охирги машқ бизга бирор муқаддас нарсага яқинлашганда пайдо бўладиган эҳтиромли муносабат ва муқаддаслик ҳузурда бизни қамраб олувчи олижаноб ҳиссиётларни эслатди. Бу борада, жуда муҳим бир саволни бериш жоиздир: Таълимотни ўргатишнинг муқаддас табиати ҳақидаги огоҳлик қандай қилиб сизнинг амалларингизга қўшимча салоҳият бағишлайди? Бу саволга жавоб беришда ёрдам сифатида, сиздан қуйидаги машқни бажариш сўраладики, унда таълим жараёнига уч хил ёндашиш тасвирланган бўлиб, сизни ҳар бир ёндашишнинг тахминий натижалари ҳақида ўйлаб кўришга рағбатлантирамиз. Агар машқ бир оз сунъий бўлиб кўринса, эътибор берманг; шундай бўлсада, у сизни керакли ички ёришувларга етаклайди.

Маҳалла ёки қишлоғингизда Ўтиқод фаол тарафдорлари негизининг таркибий бўлаги сифатида, сиз коллектив равишда Таълимотни ўргатиш командасининг аъзоси бўлдингиз. Команда аъзолари билан биргаликда, сиз, баъзилари жамоа қуриш фаолияти билан аллақачон у ёки бу шаклда боғлиқ бўлган алоҳида шахслар ва хонадонларга ташриф буюриб, улар билан Баҳоуллоҳ Зухуридаги мавжуд бўлган асосий ҳақиқатлар устида суҳбат қуриб, уларга Ул Зотни ушбу Кун Мазҳари сифатида қабул қилишларида ёрдам берасиз. Келинг, тасаввур этайликки, сизнинг командангиз маълум бир муддат ичида, тахминан ўттиз кишига Амрни қабул қилиб, жамоага қўшилишида ёрдам берди. Тахмин қиламизки, команданинг ҳар бир аъзоси ўзининг Ўтиқодни ўргатиш фарзини ўта самимият билан ва фақатгина Баҳоуллоҳга бўлган муҳаббати туфайли бажарди. Валекин, команданинг ўзи бажараётган фаолият тўғрисидаги фикри барча ҳолатларда ҳам бир хил бўлмаган бўлсачи?

Келинг, дастлаб сиз ўзингизни қайсидир борада сотувчи сифатида кўрдингиз дейлик. “Таълимотни тарқатиш, савдо-сотикқа ўхшайди”, дедингиз ўзингизга. –

“Эътиқоддаги ғоялар энг зўр. Эътиқодни самарали равишда ўраб, ундаги ажойиб ғояларни одамларга сота олсак, биз яхши мубаллиғ бўла оламиз”. Шу йўсинда, ўнлаб қалблар Эътиқодга келдилар.

Энди, айтайлик, бир мунча вақтдан сўнг, сиз ва команданинг бошқа аъзолари қилаётган ишингизга, асосан, одамларни прогрессив ижтимоий ҳаракатга ёллайдиган даъватчилар сифатида қарадингиз. “Дунё бунчалар даҳшатли ҳолатда экан, иложи борича кўпроқ одамни жалб қилиш керак, — дедингиз ўзингизга, — зеро бу одамлар, таълимот орқали инсониятнинг иллатларига шифо топадилар ва бирдамликни ўрнатиш, хурофотларга барҳам бериш ва адолат иши учун меҳнат қиладилар”. Бинобарин, сиз ғайрат билан бошқа одамларни тинчлик-тотувлик, бирдамлик, жинслар тенглиги ва бидъатларга барҳам беришдек юксак идеалларни олдинга суриш учун сизга қўшилишга таклиф этишга киришдингиз. Бундай сайъ-ҳаракатлар туфайли яна ўн киши Эътиқодга кирди.

Яна бир мунча вақт ўтиб, сиз албатта, ҳамон ҳам дунёдаги вазиятдан хавотирдасиз ва унинг ислох топишида Баҳоуллоҳ Таълимотини амалда қўллай оладиган одамлар сонининг кўпайишида эҳтиёж борлигини ҳис қилдингиз. Бирок, Таълимотни ўргатишнинг муқаддас табиати ҳақидаги командангизнинг тушунчаси анча ривожланиб теранлашди. Энди, сиз ҳар гал, бирон кишига Эътиқод ҳақиқатларини тушунтирганда, ўзингизнинг Оллоҳга тегишли бўлмиш инсоний қалбга мурожаат этаётганлигингиздан ўта огоҳ бўлдингиз. Бундай ҳолларда, сиз ўзингизга, нутқ калити билан ўша юрак шахрининг дарвозасини очмоқдаман ва уни Баҳоуллоҳнинг Зухури билан боғламоқдаман, дея эслатардингиз. Мана шундай шароитлар остида, яна ўн киши ўз иймонларини эътироф этдилар.

Ушбу ўттиз кишига Амрни тан олишида ёрдам берар экансиз, энди сизнинг командангиз, улардан иложи борича кўпроғини институт жараёнига қўшилиб, қишлоқ ва маҳаллаларда жамоани қуриш ишининг фаол иштирокчиси бўлиши учун уларнинг билимларини изчил равишда чуқурлаштиришга киришасиз. Ушбу уч гуруҳнинг Баҳойй фаолиятида иштирок этишларидаги интенсивликда фарқ бўлади деб ўйлайсизми? Сиз кўрсатган сайъ-ҳаракатингиз бирор бир гуруҳ билан самаралироқ бўладими? Албатта, бу уч гуруҳ ичида, Унинг Зухурига чўмишга иштиёқманд, Баҳоуллоҳ тайёрлаган айрим шахслар бўладими, улар тезлик билан ўз билимини чуқурлаштириб, жамоанинг барча ишларида қатнаша бошлайди. Ваҳоланки, ҳозир сиздан ҳар бир гуруҳ ҳақида умуман олганда, мулоҳаза юритиш сўралади. Улар ўртасида аҳамиятли фарқлар бўладими? Бу саволни гуруҳингизда муҳокама қилинг ва қуйида ўз хулосаларингизни ёзинг.

Олдингизга қўйилган савол устида, яъни, Таълимотни ўргатишнинг муқаддас табиати ҳақидаги огоҳлик сизнинг амалларингизни қўшимча салоҳият билан тўлдирадими деган савол устида янада фикр юритиш учун, келинг яна бир сценарийга қарайлик. Айтиб ўтилганидек, ўз маҳалла ёки қишлоғингизда, сиз бажарадиган жамоа қуриш фаолиятининг кўплаб турлари, қалбларни Оллоҳ Каломи билан улашни ўз ичига олиб, кенг маънода Ўзбекистонни ўргатиш деб қаралиши мумкин. Энди фарз қилайликки, сиз бирин-кетин гуруҳларни, айниқса ёшларни институтнинг асосий курслари туркумига келишга ва хизмат йўлидан боришга таклиф қилаётган команда аъзосисиз. Юқорида тасвирланган уч ёндошувга эга бўлган ҳолда, таклифингизни қабул қиладиган ёшлардан иборат уч гуруҳ билан суҳбат қурдингиз дейлик. Яна бир бор, ҳар бир гуруҳ ҳақида умуман олиб фикр юритганда, улар орасида фарқ бўлиши мумкинми, масалан, ўз руҳий ва ақлий ривожига етишиш учун ёки жамият трансформациясига қўшадиган ҳиссасида улар кўрсатадиган фидойилик даражасида фарқлар бўладими?

18-БЎЛИМ

Инсоний қалблар эшиги очилиб, Баҳоуллоҳ Зухури билан бирлашганда, туб ўзгаришлар жараёни бошланади. Бундай ўзгаришлар бир зумда содир бўладиган ўзгаришлар бўлмай, балки вақт давомида, бизнинг қарорли қатъият билан таҳсил ва хизматга киришганимизда содир бўлади. Шундай бўлсада, биз ҳеч қачон туб ўзгариш жараёни учун Баҳоуллоҳни тан олиш лаҳзасининг ўта муҳимлигини қадрламай қолмаслигимиз керак. Шубҳасиз, Ҳақиқат Қуёшини тан олиш ва унинг нурларига юракка кириб, уни ёритишига рухсат бериш, инсон ҳаётидаги энг танҳо муҳим қадамдир. Баҳоуллоҳни тан олгандан кейин бошланадиган трансформация ҳақида мулоҳаза юритсак, бошқаларга ҳам ушбу ҳаётини муҳим қадамни қўйишларида қандай қилиб ёрдам

бера олишимизни яхшироқ тушуна оламиз. Биз Баҳоуллоҳни тан олиб, Унинг Таълимотига биноан ҳаракат қила бошлаганимизда, қуйидагилар билан содир бўладиган баъзи ўзгаришлар ҳақида бир-икки гап ёзинг?

1. Бизнинг юрагимизда: _____

2. Бизнинг онгимизда: _____

3. Бизнинг фикримизда: _____

4. Бизнинг феъл-атворимизда: _____

5. Бизнинг бошқа кишилар билан муносабатимизда: _____

6. Ҳаётимиздаги мақсадлар: _____

7. Дунёга қарашимиз: _____

19-БЎЛИМ

5-Китобда биз руҳий кучларнинг очилиши динамикаси ҳақида сўз юритганимизда, куч тушунчасини қисқача қараб чиққан эдик. Мазкур мулоҳазаларимиз контекстида, ушбу мавзу устида янада кўпроқ фикрлаш эътиборга лойиқдир. Моддий дунёда ўзгариш, кучни қўллаш орқали содир бўлади. Бизнинг бир нуқтадан иккинчи нуқтага ҳаракат қилишимиз учун, ўсимликнинг ўсиши учун, чироғнинг қоронғуликни ёруғликка айлантириши учун, дарёларнинг оқиши учун, тўлкинларнинг қирғоққа урилиши учун куч керак — инсон танаси мушакларининг кучи, қуёш энергиясининг кучи, электр қувватининг кучи ва тортишиш кучи. Бинобарин, жавоб берилиши керак

бўлган савол шундаки, қандай кучлар юқоридаги бўлимда тасвирланган туб ўзгаришларни келтириб чиқаради? Бу савол, таълимни тарқатишнинг руҳий табиати ҳақидаги тушунчамиз учун ўта аҳамиятли бўлгани сабабли, биз китобнинг мазкур бобидаги қолган бўлимларни унга жавоб топишга бағишлаймиз. Дастлаб, қуйидаги кучлардан қай бири инсонда ва жамиятда руҳий трансформация содир бўлишига ҳисса қўша олишини аниқланг:

- _____ дуонинг кучи
- _____ пок ва эзгу амаллар кучи
- _____ Оллоҳ Каломининг кучи
- _____ адолат кучи
- _____ қилич кучи
- _____ бирдамлик кучи
- _____ ҳақиқат кучи
- _____ намуна кучи
- _____ эзгу сўзнинг кучи
- _____ ишончли далилларнинг кучи
- _____ пул кучи
- _____ яхши хулқ-атвор кучи
- _____ Аҳд кучи
- _____ сиёсий тазъийқ кучи
- _____ эътироз кучи
- _____ муҳаббат кучи
- _____ кўндириш кучи
- _____ эътиқод кучи
- _____ конструктив ва холис фикрнинг кучи
- _____ қурол кучи
- _____ ҳақиқий билимнинг кучи
- _____ онг кучи
- _____ таҳдид кучи
- _____ Амрга тавозеъ ила хизмат қилиш кучи

20-БЎЛИМ

Руҳий туб ўзгаришга ҳисса қўшувчи кўплаб кучлар ичида, барчасининг ортида турадиган, ўз нодирлиги билан ажралиб турадиган бир куч бор. Бу қандай куч?

Кўплаб асрлар мобайнида, мис ёхуд ҳар қандай бошқа бир унсурни олтинга айлантирувчи “эликсир(иксир)” деган модданинг борлигига ишонч мавжуд бўлиб келган. Кўплаб кишилар излаб-излаб, тополмаган ушбу жараён “элементлар трансмутацияси” деб ном олган. Ўз Лавҳларининг бирида, Баҳоуллох энг теран руҳий ҳақиқатни очиб бериш учун шу образни ишлатган:

“Ҳар бир юртда, инсоннинг Оллоҳга бўлган иймонининг ҳаётийлиги сўниб бормоқда; унинг шифобахш дармонидан ўзга ҳеч бир нарса, ҳеч қачон уни тиклай олмайди. Инсоний жамиятнинг муҳим ҳаётий қадриятларини худосизлик занги емирмоқда; Унинг қудратли Зухурининг Иксиридан ўзга нима уни поклаши ва тирилтириши мумкин? Ё Ҳаким, инсон кучи материянинг ҳар қандай кичик ва бўлинмас заррасини ташкил этувчи элементларга таъсир этиб, уни энг соф олтинга айлантирар даражадаги комил трансформацияни амалга оширишга қодирми? Қанчалик хайратланарли ва қийин бўлиб кўринмасин, аммо, бизга ундан-да улўғроқ вазифани бажариш ҳозирланганки, бу, шайтоний кучни самовий қудратга айлантиришдир. Бундай тубдан ўзгаришга қодир бўлган куч, Иксирданда буюкроқдир. Фақат, Оллоҳ Каломигина, ўзининг шундайин улкан ва узок сурувчи ўзгаришлар содир бўлишига олиб келувчи қудратга эгалигига даъвоси билан ажралиб туриши мумкин.”¹⁶

Энди, ушбу парчани ўқиб чиққач, бошқа кучлар ортида турган нодир ва асосий куч сифатида, қайси кучни айта оласиз? _____

Бу куч нимага қодир? _____

21-БЎЛИМ

Юқоридаги иқтибосда айтилишича, элементларнинг трансмутациясидан кўра, шайтоний кучни илоҳий қудратга айлантириш вазифаси, албатта қийинроқ экан. Ҳар ҳолда, Оллоҳ Каломи ва фақатгина Олоҳ Каломи бундайин туб ўзгаришни амалга оширишга қодирдир. Аммо, “Оллоҳ Каломи” нима эканки, у шундайин буюк бир ижро кучига эга дея сўрашимиз мумкин? Баҳоуллох шундай дейдилар:

“Қолаверса, шуни аниқ билгинки, Оллоҳ Каломи – Унинг шуҳрати юксак бўлсин – ҳис-туйғунинг идрокдан анча юксак ва улўғроқдир, зеро, у ҳар қандай модда ёки ашёдан муқаддасдир. У маълум элементлар чегарасидан ошиб кетади ва барча муҳим ва тан олинган моддалардан устундир. У ҳеч қандай бўгин ё товушсиз зоҳир бўлган, бутун яралмишни қамрагувчи Оллоҳ Амридан ўзга нарса эмас. У ҳеч қачон борлиқ дунёсидан яширилмаган. У, Оллоҳнинг борлиқни қамрар иноятидир, барча марҳаматлар ундан келиб чиқади. У барча мавжуд бўлган ва мавжуд бўлажак нарсалар узра мутлак юксак моҳиятдир.”¹⁷

1. Оллоҳ Каломи ҳис-туйғунинг идрокидан _____
_____ ва _____.
2. Оллоҳ Каломи ҳар қандай _____ ёки _____
_____.
3. Оллоҳ Каломи _____
_____ ошиб кетади.
4. Оллоҳ Каломи барча _____ ва _____
_____ устундир.
5. Оллоҳ Каломи ҳеч қандай _____ ёки _____ зоҳир бўлган.
6. Оллоҳ Каломи _____ нарса эмас.
7. Оллоҳ Каломи _____
_____ Оллоҳ Амридан ўзга нарса эмас.
8. Оллоҳ Каломи _____ борлиқ дунёсидан
_____.
9. Оллоҳ Каломи, Унинг борлиқни қамраб _____,
_____ ундан келиб чиқади.
10. Оллоҳ Каломи _____ ва
_____ узра мутлақ
_____.

22-БЎЛИМ

Оллоҳ Каломининг қудратини ойдинроқ тасаввур қилишга ёрдам берадиган яна бир образ, “бўл” калимаси ҳарфларининг боғланишидир. Битикларда айтиладики, Оллоҳ бу сўзнинг ҳарфларини бирлаштирди ва Ўзининг “БЎЛ” деган амрини изҳор этди. Шу йўсинда, бутун мавжудот дунёга келди. Дуоларининг бирида, Баҳоуллоҳ Оллоҳга, бизнинг Яратгувчимизга қарата қуйидаги сўзларни нозил этган

“Бармоғининг биргина ҳаракати ила барча исмлар ва уларнинг салтанатига ҳаёт бахш этиб, барча хусусиятлар ва уларнинг ҳукмронлигини яратган ва ўша Бармоғининг яна биргина ҳаракати ила “Бўл” калимасининг ҳарфларини бирлаштириб, уларни бир-бирига чоклаган ва бунинг-ла, ҳатто Сенга яқинликдан баҳраманд бўлган сайланмишларнинг энг олий фикрлари ҳам тушуна олмаган ва ўзларини Сенга бағишлаган маҳбубларнинг энг чуқур ҳикмати ҳам англай билмаган нарсаларни зоҳир этган Зот.”¹⁸

Бошқа бир жойда, Баҳоуллоҳ тараннум этади:

“Ҳар бир нарсанинг асл келиб чиқиши мавжуд бўлиб, ҳар бир бинонинг бинокори бор. Дарҳақиқат, Борлиқ оламининг пайдо бўлиш сабаби Оллоҳ Каломи бўлиб, бу олам, Кунлар Қадимининг шукуҳи ила безанмиш, валекин асрдан асрга янгиланиб ва тирилтириб келинмиш. Ушбу олиймақом иншоотни яратган Ҳикмат Худоси интиҳосиз буюқдир.”¹⁹

23-БЎЛИМ

Биз ўргандикки, Оллоҳ Каломи, Унинг ҳамма нарсани қамраб олгувчи Фармони ва Инояти бўлиб, бўғин ва товушлардан ясалмаган. Ваҳоланки, шундай сўзлар мавжудки, биз уларни ўқиб биламиз ва эшита оламиз ва уларнинг баъзилари ўзида Оллоҳ Каломининг кучини мужассам этади. Аниқроғи, бу сўзлар Оллоҳ Мазҳари томонидан нозил этилган. Уларда яратувчанлик, тирилтирувчанлик ва тубдан ўзгартириш кучи бор, чунончи, улар “Яратувчан Калом” деб аталади.

“Оллоҳ оғзидан чиқар ҳар бир калом, ҳар бир инсон вужудига янги ҳаёт бахш этар куч-қудратга эгадир, гар сиз бу ҳақиқатдан воқифлардан бўлсангиз.”²⁰

“Эй, Менинг дўстим! Оллоҳ Каломи сўзларнинг қиролидир ва унинг сингувчанлик таъсири беҳисоб. У борлиқ оламига ҳукмрон бўлган ва ҳамиша ҳукмрон бўлиб қолгай. Олий Мавжудот баён этгай: Сўз бутун дунёнинг асосий калити бўлиб, унинг қудрати орқали, аслида жаннат эшиклари бўлмиш инсон қалбининг эшиклари очилгусидир.”²¹

“Оллоҳ Каломи дунёнинг юрагига ўт қўйди; ушбу ўтдан ёнмасангиз ҳайф бўлгай!”²²

Қуйида, охириги бўлимлардаги иқтибосларга тааллуқли бир неча саволлар келтирилган. Баъзи саволларга “ҳа” ёки “йўқ” жавоби берилиши керак бўлса-да, бу машқнинг бажарилиши сизга Оллоҳ Каломининг кучини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

1. Оллоҳнинг Каломи бўғин ва товушлардан ясалганми? _____
2. Оллоҳнинг Каломи бизга маълум бирон бир ашёдан ясалганми? _____
3. Бизнинг ҳиссиётларимиз Оллоҳнинг Каломини сеза оладими? _____
4. Оллоҳ Каломи нима?
 - а. Бу _____
 - б. Бу _____
5. Оллоҳнинг Фармони ҳамма мавжудотни қамраб олади дегани нимани англатади? _____

- _____
- _____
6. Дунёда Оллоҳнинг Амрисиз пайдо бўлган бирор нарса борми? _____
7. Оллоҳнинг инояти кенг тарқалади дегани нимани англатади? _____
- _____
8. Агар Оллоҳнинг инояти борлиқ олаmidан пинҳон бўлганда эди, нима содир бўлган бўларди? _____
- _____
9. Агар Оллоҳнинг Каломи ҳиссиётларимиз томонидан сезилмаса, биз қандай қилиб Унинг мавжудлиги ҳақида билишимиз мумкин? _____
10. “Оллоҳнинг оғзи” кимки, у орқали Оллоҳ гапиради? _____
11. Оллоҳнинг Мазҳарлари нозил этган ҳар бир сўз қандай кучга эга? _____
- _____
12. Оллоҳнинг Каломи ҳар қандай инсоний қалбни тўлдиргувчи “янги ҳаёт”нинг бир нечта жиҳатларини тасвирланг? _____
- _____
- _____
- _____
13. Оллоҳнинг Каломининг таъсири қай даражада юксак? _____
14. Бутун дунё кулфларини қайси калит очади? _____
15. Оллоҳ Каломи инсон қалбига қандай таъсир кўрсатади? _____
16. Дунёнинг юрагига нима ўт қўйди? _____
17. Биз қандай ўт билан ёнишимиз керак? _____

Энди, қуйидаги парчани ёдланг:

“Ушбу Кун, сўзлаш кунидир. Дунё халқларини Энг Олий Уфқ сари етаклаш учун Баҳо аҳли ниҳоятда сабр-тоқат ва бағрикенглик билан ҳаракат қилиши керак. Ҳар бир вужуд рухга талпиниб чинқирар. Самовий рухлар

Оллоҳ Каломининг нафаси ила ўлик вужудларни янги руҳ билан жонлантириши керак.”²³

24-БЎЛИМ

Келинлар, ўтган бўлимларда кўриб чиқилган баъзи бир ғоялар ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилайлик. Баҳоуллоҳ бизни нутқ калити билан инсоний қалблар шаҳрини очишга чорлайди. Бу шаҳарнинг дарвозаси очилиши ва Унинг Зухури билан уланиши биланоқ, унда ғаройиб туб ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Бу туб ўзгаришни ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири бу, Оллоҳ Мазҳари томонидан нозил этилган Оллоҳ Каломининг кучидир. Бу, биз ўз сўзимизни ишлатмаслигимиз ва атрофимиздагиларга фақат Баҳоуллоҳ Битикларидан иқтибосларни келтиришимиз керак деганими?

Бу саволга жавоб бера туриб, ўзи билан ҳар жойга Муқаддас Китоб нусхасини олиб юриб, доим ундан парчаларни ўқиб, ваъзхонлик қиладиган ашаддий диндорларни эсланг. Шубҳасиз, биз бу йўсинда иш тутишни истамаймиз. 2-Китобни ўрганганингизда, сиз Ўтиқодни таълим-тамойилларини тушунтиришда Битиклардан бевосита парчалар келтириш ва ўз сўзларингизни ишлатиш орасидаги мувозанатни сақлашга рағбатлантирилган эдингиз. Албатта, ўшандан буён, сиз ўз қишлоғингиз ёки маҳаллангиздаги хизмат турлари давомида ушбу қобилиятни ривожлантирдингиз. Баҳоуллоҳнинг куйидаги ўғитини ўқинг ва ўзимизнинг Ўтиқодни ўргатишдаги уринишларимизда қандай қилиб Оллоҳ Каломига таянишни ўрганишимиз кераклиги ҳақида яна бир бор фикр юритинг:

“Муқаддас қалблар ўз юракларида Таълимотни ўргатиш усуллариини ўйлаб, у ҳақда мулоҳаза юритишлари керак. Ажойиб Самовий Битик матнларидан турли масалаларга оид оятлар ва парчаларни ёд олишлари зарур. Улар нутқи давомида, гар ўринли бўлса, Илоҳий оятларни ёддан айта бера олишлари керак, зеро ушбу муқаддас оятлар энг қудратли иксир, олий ва энг кучли тилсимдир. Уларнинг таъсири шунчалик кучлики, тингловчида иккиланишга ўрин қолдирмайди.”²⁴

1. Баҳоуллоҳ айтадиларки, биз _____, у _____ керак.
2. Биз Самовий Битик матнларидан турли масалаларга оид _____ ва _____ ёд олишимиз зарур.
3. Биз Самовий Битик матнларидан парчаларни ёдлашимиз ва _____ Илоҳий оятларни _____ керак.

4. Зеро улар, _____ энг кудратли
_____, _____ ва _____
_____.
5. Уларнинг _____ шунчалик _____,
_____ иккиланишга ўрин қолдирмайди.

25-БЎЛИМ

Баҳоуллох, бизга ўрни келганда, ўз нуткимизда Муқаддас Битиклардан иқтибос ва оятларни келтира олишимиз учун уларни ёдлашимизни айтади. Албатта, энг аввало бу, Унинг Ўз Битикларига тааллуқлидир, чунончи, Ул Зот Оллоҳнинг ушбу Кун учун Мазҳаридир, ҳамда барча олдинги Мазҳарлар, жумладан Бобнинг Каломлари сингари, Унинг Каломлари ҳам Яратувчанлик Кучига эга.

Бироқ, Абдул-Баҳонинг сўзлари бу ерда қандай ўрин тутади? Абдул-Баҳонинг сўзлари тинглаувчиларга қандай таъсир қилиши ҳақида гуруҳингизда мушоҳада юритинг. Балки сиз 2-Китобнинг иккинчи бобидаги Унинг нутқлари ва Лавҳлари асосида келтирилган баёнотлардан олган ички ёришувларингизнинг, сизга мазмунли ва кўтаринки суҳбатлар қуриш учун зарур бўлган қобилиятни ривожлантиришга ёрдам берганини эсларсиз. Оллоҳдан нозил этилган бўлиб ҳисобланмаса-да, уларнинг ўзига хос мавқеи бор. Унинг сўзлари ўз кучини қайдан олади? Ўз нуткимизда, худди Баҳоуллоҳнинг Битикларидан парчалар келтиргандек, Унинг Битикларидан ҳам парчалар келтирсак, мақбул бўлмайдимиз?

Энди эса, ўша саволларни Муҳофизнинг ёзмаларига нисбатан қараб чиқинг, масалан, қандай қилиб олдинги китобларда унинг ёзмаларидан келтирилган парчалар турли мавзулар бўйича фикрларингизга ойдинлик киритгани ҳақида. Ундан кейин эса, Умумжаҳон Адолат Уйининг ҳидояти ҳақида ҳам худди шундай муҳокама юритинг. tincidunt.

26-БЎЛИМ

Биз Битиклардан парчалар ёдлаб, улардан нуткимизда фойдаланишнинг нақадар муҳимлигини муҳокама қилдик. Бироқ, биз Баҳоуллоҳнинг Таълимотини бўлишаётганда, ўз сўзларимизни ишлатишимиз лозимлигини ҳам биламиз, чунки, фақатгина Ўътиқод Битикларидан олинган парчаларни бирин-кетин айтсак бўлмайди. Суҳбатимиз ва мунозарамиз давомида, иқтибослар табиий равишда қўшилиб кетиши керак. Унда, шундай савол пайдо бўлади: сўзларимиз суҳбатдошлар қалбига таъсир кўрсатганига, уларга Баҳоуллоҳга яқинлашиб, Ул Зот Зухури Уммонининг қирғоқларига етишларига ёрдам берганлигига қандай қилиб амин бўлишимиз мумкин?

Аниқ жавоб шундан иборатки, гарчи биз ўз сўзларимизни ишлатсакда, айтаётган гапларимиз тўлалигича таълимотга мувофиқ бўлиши лозим. Биз одамларга ўз назарларимизни эмас, балки иложи борида соф ҳолда Баҳоуллоҳнинг Хушхабарини

етказишимиз жоиз. Албатта, бу биздан ҳамиша Битикларга шўнғишни ва мунтазам равишда, ўз билимимизни ва Ўтиқод ҳақидаги тушунчамизни чуқурлаштиришни талаб этади. Бу борада, Муҳофиз шундай дейди:

“Албатта, Таълимотни ўргатишнинг энг яхши йўли, Баҳоуллоҳ ва Устознинг асл сўзларига мунтазам мурожаат этган ҳолда, нуқтаи назаримизни асослашдир. Бу айрим шахслар томонидан Амрнинг нотўғри талқин этилишдан сақлайди. Айнан, шу Илоҳий Ёритқичларнинг айтгани ҳақиқатдир, бинобарин, бизнинг таъкидларимиз уларнинг нуфузига таяниши керак.

Бироқ, бу бизнинг сўз эркинлигимиз чекланган дегани эмас. Биз ҳар доим бу ҳақиқатларга яқинлашишнинг янги усулларини топишимиз ёки уларнинг ҳаётимиз ва шарт-шароитимизга қандай таъсир қилишини изоҳлашимиз мумкин. Биз қанчалик чуқурроқ ўргансак, Таълимотнинг аҳамиятини шунчалик кўп тушуна оламиз.”²⁵

“Амрга чўмиш дегани, бу Баҳоуллоҳ ва Абдул-Баҳонинг Битикларини софлигича бошқаларга етказа оладиган даражада чуқур ўрганиш демакдир. Кўпчилик Амрнинг мақсадлари ҳақида юзаки тасаввурга эга. Шу боис, улар буни ўзларининг ҳар хил ғоялари билан бирга тақдим этадилар. Модомики, Амр ҳали ҳам ўзининг илк кунларида экан, биз бу хатога йўл қўймаслик ва ўзимиз мафтун бўлган шул Ҳаракатга зарар келтирмаслик учун жуда эҳтиёт бўлишимиз шарт.

Амрни ўрганишнинг чеки йўқ. Битикларни қанчалик кўп ўқисак, уларда шунчалик кўп ҳақиқатни топамиз ва аввалги тушунчаларимизнинг нотўғри эканлигига амин бўламиз.”²⁶

Энди, қуйида келтирилган фикрларни ўқинг ва улар тўғри ёки нотўғри эканлигини белгиланг. Фақат жавобларни белгилаш билан кифояланманг. Келтирилган фикрлар изчиллиги сизни Битикларни мунтазам тизимли равишда ўрганишнинг муҳимлиги ҳақидаги мулоҳазага етаклайди.

_____ Битикларни ўрганиш фақат олий маълумотга эга бўлган одамлар учун. Бошқалар эса, оддий сўзлар билан тутушунтириб берилган умумий ғояларга муҳтож.

_____ Ҳаммамиз Битикларни ўрганишимиз керак. Ҳатто, ўқишга одатланмаган кишилар ҳам бошқалар ёрдамида, битта-битта парча ўрганишлари мумкин.

_____ Битикларни ўрганиб, Амр ҳақида тобора теранроқ тушунчага эга бўлиб борганимиз сайин, биз Зухурда битилган ҳақиқатларни тобора ишончлироқ қилиб изҳор этиш қобилиятини эгаллаймиз, шу боис, сўзларимиз тингловчига кучлироқ таъсир этади.

_____ Таълимотни ўргатаётганда, бутунлай Битикларга таянишга ҳаракат қилсак, ўзимизнинг фикрлаш ва ифода этиш эркинлигимизга чек қўямиз.

- _____ Агар Илоҳий Таълимотни ўргатаётганда, содиқлик билан Битикларга таянсак, фикрларимиз янада юқорироқ поғонага кўтарилади; биз бошқалар фикрининг қулига айланиб қолмаймиз ёки тор фикрлилик билан чегараланиб қолмаймиз.
- _____ Агар Илоҳий Таълимотни ўргатаётганда, содиқлик билан Битикларга таянсак, биз илҳомланамиз ва бизга олдин ҳеч фикримизга келмаган ички ёришув ва жавоблар келади.
- _____ Эътиқоднинг Марказий Сиймоларидан бири нозил этган китоб ёки Лавҳни бир марта ўқиб чиққач, уларни қайта ўқишнинг фойдаси йўқ.
- _____ Битиклардан олинган бирон бир парчани неча марта ўқишдан қатъи назар, ҳар сафар яна янги маъно ва янги ички ёришув очилади.
- _____ Одам битикларни, шунчаки Эътиқод ҳақида маълумотни жилд-жилд қилиб тўплаш учун ўқимади. Кишининг қанчалик уларда битилган маънони англашга ҳаракат қилиб, улар устида мулоҳаза юритиши аҳамиятлидир.
- _____ Таълимотни ўргатаётганимизда, биз Битиклардан олган ҳақиқатларни муваққат мавжуд бўлган турли саёз ғоялар билан қориштириб, хиралаштирмаслигимиз керак.
- _____ Дўстимиз ёки қўшнимизга ташрифимиз пайтида бўладиган норасмий суҳбатимизда ёки мазмунли руҳий мавзуни бирга ўрганаётганимизда, ўзимизнинг таълимотдан олган ички ёришувларимизни қўшсак, Баҳоуллоҳ Зухури уммонининг дурларидан нафақат суҳбатдошларимиз наф кўргай. Ўзимиз ҳам Унинг Битикларида битилган теран ҳақиқатлар борасида ўз илмимизни чуқурлаштирамиз.
- _____ Институт курслари бўйлаб силжир эканмиз ва уларда таклиф этилган хизмат турларини бажарар эканмиз, биз ўзимизнинг Эътиқод ҳақидаги илмимизни мунтазам теранлаштириб бориш билан бирга, ўзимизнинг жамоага хизмат қилиш қобилиятимизни ҳам ривожлантирамиз.

27-БЎЛИМ

Сўзларимизни Баҳоуллоҳ Таълимотлари, Абдул-Баҳо ва Муҳофизнинг тафсирлари-ю, Умумжаҳон Адолат Уйининг ҳидояти билан мувофиқлаштириш, уларга катта куч бағишлайди. Агар биз Битиклардан иқтибослар ёдлаб, уларни суҳбатимиз давомида табиий равишда, оқилона қўллай олсак, бу куч кўпаяди. Бироқ, бизнинг сўзларимиз суҳбатдошларимиз қалбига таъсир кўрсатиши учун, улар яна бошқа шартларга ҳам жавоб бериши керак. Хусусан, улар ўзида муҳаббат кучини, яъни муҳаббатнинг юзаки кўрсатилишини эмас, балки чин қалбдан ҳис этилишини изҳор қилиши керак. Ўз нутқларининг бирида, Абдул-Баҳо шундай дейди:

“Агар мен сизни севар бўлсам, доимий равишда севгим ҳақида гапиришга ҳожат йўқ — зеро, сиз буни ҳеч қандай сўзсиз ҳам билган бўласиз. Бошқа томондан эса, агар мен сизни севмасам, сиз буни ҳам биласиз, гарчи мен сизга минг маротаба севаман десам ҳам, ишонмайсиз.”²⁷

Муҳаббат, шунчаки кимдир айтиб туриши керак бўлган мавҳум бир тамойил эмас. У ҳақиқий бор нарсадир(реалдир), бир киши иккинчи кишини чиндан севса, юраклар ўртасида ришта пайдо бўладики, улар орқали олижаноб фикрлар ва юксак туйғулар оқади. Бир кўнгил иккинчи кўнгилни кўтаришга ёрдам бера олади ва бундан ҳар иккиси сурурга тўлади.

Мирзо Абул-Фазл, Абдул-Баҳонинг катта эҳтиромига эга бўлган, фидойи Баҳойлардан бўлиб, бир пайтлар, дўстлардан иборат бир гуруҳнинг олдида нутқ сўзлаганида, инсониятга бўлган муҳаббат тушунчаси ҳақида таҳлил юритади. У, ҳар биримиз учун бирор бир кўркем боғ ичидаги шинам уйда қулайгина ўтириб, “мен инсониятни севаман”, дейиш осон эканлигини тушунтиради. Аммо, Мирзо Абул-Фазл шуни таъкидлаб ўтадики, муҳаббат фақат синовдан ўтсагина, реал бўлади (ҳақиқийлашади). Қачонки, биз муҳаббат жангларида курашсак ва муҳаббатни деб қайта-қайта яралансак, – фақат ўшандагина, биз буткул ҳақлилиқ ва ишонч билан “мен севаман” дейишимиз мумкин. Шунинг учун, дея давом эттиради у, юрагимда севги бор, дея даъво қилгувчи инсон ўзини синаб кўриши ва ҳақиқий севгининг барча шартларига мос келиш келмаслигини назардан ўтказиши керак.

Бу қандай шартлар? Аниқки, улар ўз ичига самимийлик ва ростгўйликни, саховат ва тоқатни, кечиримлилиқ ва ишончилиқни олади. Сиз муҳаббатнинг мавжудлиги учун барча бу фазилатларнинг зарурлигини, албатта, ҳозирлик билан эътироф эта оласиз. Зеро носамимий муҳаббат, бу иккиюзламачилиқдан ўзга нарса эмасми? Агар муҳаббат очик қалблилик ва саховат билан эмас, балки рашк ва назорат билан бошқарилса, унинг натижаси нима бўлади? Кечиримлилиқ ўрнига қасд олиш билан боғлиқ бўлган муҳаббат, қандай муҳаббат бўлади? Агар биз ишончли бўлмасак, ким бизнинг муҳаббатимизга ишонади?

Келинлар, энди муҳаббат ҳақидаги мана шу тушунча асносида, Илоҳий Таълимотни ўргатиш динамикасини кўриб чиқайлик. Илоҳий Таълимотни ўргатаётганингизда, сиз инсоний мавжудот билан мулоқотда бўласиз. Сиз қандайдир мавҳумлиқни ўргатаётганингиз йўқ. Ўз севган кишиларингизга — қадрдон дўстингиз, она-отангиз, ака-укаларингиз, опа-сингилларингиз, турмуш ўртоғингиз, фарзандларингизга нисбатан ҳис этадиган туйғуларингизни эслаб кўринг. Бу туйғулар ўта ҳақиқийдир. Албатта, ўзимиз умуман билмаган-танимаган кишини яқинларимизни севгандек қаттиқ сева олишимизга ишониш мантиқсиз. Бироқ, шуни англаш муҳимки, таълимотни ўргатиш жараёнида, биз инсониятга бўлган муҳаббатимизни изҳор этамиз, чунончи бу умумбашарий муҳаббат, инсон наслининг алоҳида вакилига нисбатан бўлган конкрет севгимизда изҳор бўлади. Қандайдир мавҳум идеаллаштирилган инсониятни, шунчаки мавҳум севиш етарли эмас.

Бу борада берилиши керак бўлган муҳим савол: нима сабабдан биз Баҳоуллоҳ хушхабарини тинглаш учун етарли даражада жалб бўлган кишини, ҳатто бегона бўлсада, севмаслигимиз мумкин? Бу савол ҳақида ўйланар экансиз, Абдул-Баҳони ва Унинг инсониятга бўлган муҳаббатини эсланг. Ахир, Ул Зот кимни учратмасин, унга Ўз муҳаббати ва меҳрини сочмасдими?

Илоҳий Таълимотни ўргатишда муҳаббат кучи ҳақидаги тушунчангизни орттириш учун қуйида келтирилган таъкидларнинг қай бири тўғри-ю, қай бири нотўғри эканлигини аниқланг:

- _____ Сўзлар — бу фақат сўзлар, холос. Сиз уларни юракдан меҳр-муҳаббат билан айтиш ёки айтмаслигингизга қарамай, улар бир хил таъсир кўрсатади.
- _____ Сўзлар муҳаббат билан ўранса, улар тингловчининг қалбига қаттиқроқ таъсир этади.
- _____ Биз фақат ота-онамиз, яқин дўстларимиз каби ўзимиз танийдиган одамларимизни сева оламиз.
- _____ Яхши танимаган кишимизни ҳам севиш мумкин.
- _____ Ҳар бир инсонни севиш мумкин эмас, бунинг учун авлиё бўлиш керак.
- _____ Инсониятни севиш дегани, ҳар бир кишини бир хил қаттиқ севишдир.
- _____ Агар сиз танимайдиган киши вақт ажратиб, сиз билан Ўтиқод ҳақида суҳбат қуришга ҳозир бўлса, бу сизнинг қалбингизда унга нисбатан илиқ туйғуларни уйғотади.
- _____ Қуйидаги фикр ички қарама-қаршиликка эга: “Мен инсониятни севаман, аммо, ҳеч кимга Илоҳий Таълимотни ўргатмоқчи эмасман, ҳамда уларга бугунги кунимиз учун Илоҳий Мазҳар бўлган Баҳоуллоҳни тан олишдан келиб чиқадиган улугъ неъматлардан фойдаланишга имконият беришни хоҳламайман.”
- _____ Таълимотни ўргатмас эканмиз, демак биз инсониятни етарлича севмаймиз.
- _____ Илоҳий Таълимотни ўргатишга иккиланадиган кишиларга улар инсониятни севмайди дейиш нотўғри. Муҳаббатга тўла инсонга Таълимотни ўргатишига монеълик қилаётган бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин, масалан, қўрқув, ишончсизлик, уятчанлик.
- _____ Биз бегоналарга эмас, фақат ўз дўстларимизга Таълимотни ўргатишимиз керак.
- _____ Биз Таълимотни ўргатаётган барча одамларимизни севишимиз керак.
- _____ Агар биз инсониятни етарлича севмаслигимизни ҳис қилсак, Ўтиқодни ўргатмаслигимиз керак.
- _____ Таълимотни ўргатиш амали бизнинг яқинларимизга бўлган муҳаббатимизни оширади. Бинобарин, биз муҳаббатнинг етишмаслигини таълимотни тарқатмаслик учун баҳона қилишимиз керак эмас.

Оллоҳга бўлган муҳаббат, биз Ўтиқодни ўргатишдек муқаддас бурчимизни бажаришга етаклайди ва бизнинг Унга бўлган муҳаббатимиз юрагимизда инсониятга нисбатан муҳаббатни яратади.

28-БЎЛИМ

Айтиб ўтганимиздек, Таълимотни ўргатиш жараёнида, биз инсониятга бўлган муҳаббатимизни, унинг бир ёки бир неча муайян вакилларига бўлган муҳаббатга кўчирамыз. Муҳаббатнинг кучи ўз ифодасини бирон нарсга ёки бирон кимсга қаратилганда топади. Ваҳоланки, муҳаббатнинг ўзи чегараланмаган эканлигини эсда тутишимиз керак. Муҳаббат чексиз, чегарасиз, бениҳоядир. Ушбу бениҳоя муҳаббат, тор ва чекланган ниятлар билан қолиплаганда тўғри изҳор этилмай қолади. Абдул-Баҳонинг айтишича, гар биз бировни севар бўлсак, “Кошки у Муҳаббатнинг бениҳоя нурига айлансин! Кошки у Оллоҳ ичра ва Оллоҳ учун бўлсин!” Оллоҳ учун бўладиган муҳаббат “инсоний тасаввур ва ҳаёллардан муқаддасдир”. Биз, ўзимиз учратган “ҳар бир кишига чексиз муҳаббат нурини тўкишимиз” лозим дейди Абдул-Баҳо. Келинг, қуйидаги иқтибосни ёдлайлик:

“Эй Илоҳий ишқ алангаси! Нур шуъла сочиши керак, қуёш эса кўтарилиши керак; тўлин ой ёғду сочиши, юлдуз эса милтиллаши керак. Модомики, сен нур экансан, Раббингдан сени чароғон айлаб зиё таратувчи этишга нойил этишини ёлвориб сўра, токи Оллоҳ муҳаббатининг олови ила оламни қамраб, уфқларни нурафшон айла. Мазкур мақомга етгайсан, балки унданда ўтгайсан, деб умид қилгайман.”²⁸

29-БЎЛИМ

Ушбу бобни тугатишдан олдин, ўз ҳаётий тажрибамиздан ўрганган муҳим сабоқни эслайлик: ҳеч бир нарсани Илоҳий мададсиз амалга ошириб бўлмайди. Бинобарин, Илоҳий Таълимотни ўргатаётганимизда, биз ҳамиша Илоҳий мададни ёдда тутишимиз ва Само Аҳлидан ёрдам излашимиз керак. Қуйида, ушбу мавзуга тааллуқли бўлган Битиклардаги кўплаб парчалардан баъзиларини келтирдик. Агар сиз уларни илгари ёдламаган бўлсангиз, ҳозир уларни ёдлашингиз мумкин.

“Ҳақ Оллоҳ номи ила қасам! Кимки ушбу Кунда Парвардигорининг исмини зикр этмоқ учун оғиз очса, Менинг “Алиймул-Ҳаким” исмим самосидан Илоҳий илҳом лашкарлари унинг учун ҳозир бўлгай ва унинг узра, само аҳлининг ҳар бири, кўлида баланд тутган соф нур тўла жом ила нозил бўлгай. Жалол ва Қудрат Эгаси томонидан Оллоҳ Зухури салтанатида шундай белгиланди.”²⁹

“У, дарҳақиқат, Унга ёрдам берган ҳар бир кишига ёрдам бергай ва Уни эслаган ҳар бир кишини эслагай. Жалол Эгаси ва Бўйсундиргувчи Парвардигорининг иноят нурини ёғдирувчи ушбу Лавҳ бунга гувоҳлик берар.”³⁰

“Айт: огоҳ бўлинг, эй Баҳо аҳли, ер юзининг қудратлилари сиздан кучингизни тортиб олмасин ёхуд бу дунёнинг ҳукмдорлари сизни кўрқув ила тўлдирмасин. Оллоҳга таваккул қилинг ва барча ишингизни Унинг ихтиёрига топширинг. Илло У, шубҳасиз, ҳақиқат кучи ила сизни ғолиб этгай. Дарҳақиқат, У, Ўзи хоҳлаган нарсани бажаришга қодир ва қудрат кучининг жиловлари Унинг қўлидадир.”³¹

“Худо ҳақки, Ундан ўзга Оллоҳ йўқдир! Кимки, Бизнинг Амримизнинг Зафари учун қалқиса, гарчи юз минг ғаним унга қарши бирлашса ҳам, Оллоҳ уни ғолиб қилгай. Ва агар унинг Менга бўлган муҳаббати кучайса, Оллоҳ унга осмон-у заминдаги кучлар устидан ҳукмронликни бахш этгай. Шу тариқа, биз барча юртларга қувват руҳидан нафас солдик.”³²

“У кўринмас қўшин ила сизга ёрдамга келар ва сизни самовий Малакутнинг илҳом лашкарлари ила қўллаб-қувватлагай; У сизга олий Жаннатнинг хуш ифторларини юборгай ва сизнинг узра юксак Мажлиснинг атиргулли чаманларидан эсаётган мусаффо шабадаларни эсдиргай. У сизнинг қалбларингизга ҳаёт руҳини уфургай, сизни нажот Кемасига киришга дохил этгай ва сизга Ўзининг аниқ белги ва нишонларини нозил қилгай. Ҳақиқатан, бу лиммо-лим иноят. Ҳақиқатан, бу ҳеч ким инкор эта олмайдиган зафардир.”³³

“Эй, Муқаддас Остонанинг хизматкорлари! Самовий Малакутнинг зафарли қўшинлари олий Салтанатда саф-саф тортиб тизилганича, ўз арғумоғини ишонч билан хизмат майдонига бошлайдиган довюрак чавандозга ёрдам беришга ва уни ғалаба ила таъминлашга ҳозир нозирдир. Ҳақиқий Ирфон кучи билан қуролланиб, жанг майдонига интилаётган ва жаҳолат қўшинларини парчалаб, залолат лашкарларини енгаётган ва Илоҳий Ҳидоят Туғини баланд кўтариб, Ғалаба Бурғусини чалаётган ўшал ботир жангчига саодат бўлгай. Ҳақ Оллоҳ номи ила қасам! У шонли зафарни қозонди ва ҳақиқий тантанани қўлга киритди.”³⁴

REFERENCES

1. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 177.1, p. 283.
2. *Tablets of Abdul-Baha Abbas* (New York: Bahá'í Publishing Committee, 1915, 1940 printing), vol. 2, p. 473. (authorized translation)
3. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 142.9, pp. 232–33.
4. From a letter dated 27 March 1933 written on behalf of Shoghi Effendi to a Local Spiritual Assembly, published in *Bahá'í News*, no. 73 (May 1933), p. 2.
5. *Tablets of Abdul-Baha Abbas* (New York: Bahá'í Publishing Committee, 1916, 1930 printing), vol. 3, pp. 716–17. (authorized translation)
6. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 1988, 2021 printing), no. 13.4, p. 241.
7. Bahá'u'lláh, in *The Kitáb-i-Aqdas: The Most Holy Book* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 1993, 2021 printing), par. 38, p. 36; also, in *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), LXXI, par. 1, p. 155.
8. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXLIV, par. 1, p. 355.
9. *Ibid.*, CLVIII, par. 1, p. 380.
10. *Ibid.*, CLIV, par. 2, p. 374.
11. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 13.9, pp. 242–43.
12. *Tablets of Abdul-Baha Abbas* (New York: Bahá'í Publishing Committee, 1909, 1930 printing), vol. 1, p. 194. (authorized translation)
13. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXV, par. 3, p. 273.
14. *Ibid.*, CXXXIX, par. 5, p. 344.
15. *Ibid.*, CXXIX, par. 6, pp. 318–19.
16. *Ibid.*, XCIX, par. 1, pp. 226–27.
17. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 9.10, p. 173.
18. *Prayers and Meditations by Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1987, 2008 printing), CLXXIX, par. 5, p. 303.
19. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 9.12, p. 174.

20. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, LXXIV, par. 1, p. 160.
21. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 11.30, p. 214.
22. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXLVII, par. 2, p. 358.
23. Bahá'u'lláh, cited by Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2006, 2018 printing), par. 114, p. 125.
24. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas*, no. 13.18, p. 246.
25. From a letter dated 16 February 1932 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *The Importance of Deepening Our Knowledge and Understanding of the Faith: A Compilation of Extracts from the Writings of Bahá'u'lláh, the Báb and 'Abdu'l-Bahá and the Letters of Shoghi Effendi and the Universal House of Justice*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (Ingleside: Bahá'í Publications Australia, 2021), no. 103, pp. 48–49.
26. From a letter dated 25 April 1926 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, *ibid.*, no. 93, p. 44; also in “The Universal House of Justice: A Compilation Prepared by the Research Department of the Universal House of Justice” (February 2021), par. 58.13.
27. From a talk given on 16 and 17 October 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 1.13, p. 7.
28. From a Tablet of 'Abdu'l-Bahá. (authorized translation)
29. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXIX, par. 3, p. 317.
30. Bahá'u'lláh, cited by Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice*, par. 109, p. 115.
31. *Ibid.*, par. 113, p. 124.
32. Bahá'u'lláh, cited by Shoghi Effendi, *The World Order of Bahá'u'lláh: Selected Letters* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1991, 2012 printing), p. 106.
33. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 157.4, pp. 259–60.
34. *Ibid.*, no. 208.1, pp. 365–66



Таблиғ Учун Зарурий Сифат Ва Муносабатлар

Мақсад

Эътиқодни самарали ўргатиш учун
зарур бўлган сифат ва муносабатлар
устида мушоҳада юритиш

1-БЎЛИМ

Ушбу курслар кетма-кетлигида белгилаб берилган хизмат йўлидан борар экансиз, сиз нафақат бунинг учун талаб қилинадиган билим, кўникма ва маҳоратларга, балки олдинга равон силжиш учун зарур бўлган баъзи руҳий сифат ва муносабатлар ҳақидаги тушунчага ҳам эга бўлдингиз. Биз олдинги курсларда, бундай сифат ва муносабатларнинг баъзилари ҳақида фикр юритган эдик, аммо бу ерда, Эътиқодни ўргатишдек муқаддас амал билан боғлиқ бўлган бир неча махсус хусусиятлар ҳақида фикр юритамиз. Шу билан бирга, биз китобнинг олдинги бобида таъкидланганидек, руҳий ҳаётнинг бир-бирини тўлдирувчи ва ажралмас жабҳалари “бўлмоқ” ва “бажармоқ” эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ички ҳолатимизни комиллаштириш ва руҳий сифатларимизни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз бизнинг мавжудлигимизда марказий ўринни эгаллаган ҳолда, хизмат соҳасида ўз ифодасини топиши керак. Шундай экан, биз Эътиқодни ўргатиш учун ишонч ила бел боғлашимиз керак, шундагина биздаги бу муқаддас амалга хос бўлган руҳий сифатлар янада мустаҳкамланади. Шу нуқтаи назардан, сизнингча, гар биз Эътиқодни тарғиб қилиш учун янада самаралироқ воситага айланмоқчи бўлсак, кўпроқ намоён этишга интилишимиз керак бўлган бир нечта сифатларни санаб ўтинг.

Кейинги бўлимларда бир неча руҳий сифатлар билан боғлиқ қисқа иқтибослар тақдим этилади, улардан баъзиларини сиз юқорида, албатта, санаб ўтдингиз. Ҳар бир бўлимга киритилган савол ва машқлар сизга қандай қилиб маълум бир сифатни ривожлантириш, Эътиқодни ўргатишдаги самарадорликни оширишини қараб чиқишда ёрдам беради. Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ердаги муҳокамаларимиз комилликка эришиш ҳақида эмас, балки комилликка интилиш ҳақида бўлади. Масалан, кейинги бўлимда, биз қалб поклигининг ортиши, Эътиқодни ўргатишдаги саъй-ҳаракатларни қандай ошириши ҳақида фикр юритамиз, ҳолбуки, бу инсон поклик тимсолига айланмагунича, таблиғ қила олмайди дегани эмас. Табиийки, битиклар бизни комиллик сари етаклайди, йўқса, мақсаддан хабардор бўлмасак, унга эришиш учун қандай ҳаракат қилишимиз мумкин?

2-БЎЛИМ

Ўз Лавҳларидан бирида бизни Таълимотни таблиғ қилишга чорлаб, Абдул-Баҳо шундай дейди:

“Мақсад эса шунақа: муаллимнинг нияти пок, қалби озод, руҳи жозибадор, қарори қатъий, фикри хотиржам, химмати улуғ ва Оллоҳга бўлган муҳаббати ёнаётган машъалдек бўлиши лозим.”¹

Бошқа бир Лавҳда Ул Зот бизга насиҳат қилади:

“... Бу дунё ва унинг аҳлидан пок ва муқаддас бўлинг; ниятларингизни омма фаровонлигига қаратинг; моддий боғлиқликдан озод бўлинг ва руҳ моҳияти мисоли, енгил ва латиф бўлинг. Сўнгра, қатъий қарор, пок қалб, шод руҳ, чечан тил ила вақтингизни илоҳий тамойилларнинг тарғибига бағишланг. . .”²

Сизнингча, нима учун Таълимотни ўргатишда қалб поклиги ва ният поклиги ўта муҳим? Мабоодо, бизнинг ниятларимиз пок бўлмаса-да, аммо биз уларни пок дея кўрсатиб, бошқаларни ишонтиришга уста бўлсак, бу нима? Таблиғ борасида хаёлга осон келадиган нопокликлардан баъзиларига кибр, иззатталаблик, шуҳратпарастлик киради. Буларнинг ҳар бири Таълимотни ўргатишга қандай таъсир қилишини тушунтириб бера оласизми?

1. Кибр, катта кетиш: _____

2. Иззатталаблик, тан олинисига интилиш: _____

3. Шуҳратпарастлик: _____

3-БЎЛИМ

Муҳофиз номидан ёзилган мактубда шундай дейилади:

“Устоз, бизни шунга ишонтирадики, қачонки биз ўзни унутиб, бор кучимиз билан Ўтиқодни ўргатсак ва унга хизмат қилиш учун жаҳд этсаккина, илоҳий ёрдамга нойил бўламиз. Бу, ишни биз амалга оширдик дегани эмас, балки, Унинг Амрини тарғиб қилишда, восита сифатида бизнинг ишлатилганимиз демакдир.”³

Бошқа бир мактубида у шундай тушунтиради:

“Рухий тушунча ва Ўтиқод ҳақидаги теран билимга эга бўлган биргина етук руҳ, бутун мамлакатни ўтга солиши мумкин — Амрининг қудрати шунчалик буюкки, у соф ва беғараз ўзан орқали ишлайди.”⁴

Ҳаётимизни таълимот руҳига мослаштиришга интилар эканмиз, барчамиз худбинликдан воз кечиб, беғараз бўлишга ҳаракат қиламиз. беғаразликка интилар экан, бу сафарда, гарчи инсоннинг нияти пок бўлса ҳам, худбинлик тузоғига тушиб қолиши мумкинлигини яхши тушунишимиз керак. инсон ўзгаларнинг равнақи ва фаровонлигини чин дилдан исташи мумкин, бироқ, унда ҳар бир вазиятнинг марказида бўлиш истаги устун бўлиши ҳам мумкин. “мен бошқаларга ёрдам беряпман” деган фикр қопқонига тушган одам “бошқаларга” ва “ёрдам беряпман”ни эмас, балким кўпроқ ўзининг “мен”ини ўйлайди. ўзингизни, дўстингиз билан эътиқод ҳақида суҳбатлашаётгандек тасаввур қилинг. агар сиз ўзингизни ҳамма нарсанинг марказига қўймаслик учун онгли равишда худбинликдан қочишга ҳаракат қилсангиз, қуйидаги гаплардан қайси бири сизнинг фикрингиз ва ҳис-туйғуларингизни ифодалаган бўлади?

- _____ Оллоҳ унинг қалбини очиб, унга ҳақиқий тушунча ато этсин.
- _____ Умид қиламанки, менинг камчилигим унга Эътиқоднинг ҳақиқатини тан олишга тўсқинлик қилмайди.
- _____ Таълимотни ўргатиш ажойиб бир ҳис! Бирон кишини ҳақиқатга тан олишга ишонтира олсам, ўзимни жуда яхши ҳис этаман.
- _____ Унинг учун қилган барча ҳаракатларим ва шунчалар эътибор билан тушунтириб берганларимдан кейин, у аллақачон баҳойий бўлиши керак эди.
- _____ Умид қиламанки, дўстим ҳам Баҳоуллоҳни тан олиб, худди мендек Амрга хизмат қилиш бахтини ҳис этади.
- _____ Ё Рабб, таълимотни унинг юрагига таъсир қиладиган тарзда баҳам кўриш учун, менга тўғри фикр ва тўғри сўзларни бахш этгин.

4-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо бизга шундай дейди:

“Юракларингизни мавжуд кундан юксак кўтаринг ва иймон кўзлари ила келажакка боқинг! Ҳозир экиш даври, уруғ ерга тушяпти, ҳали кўрасиз, шундай кун келадики, ундан шохлари сермева кўркам бир дарахт ўсиб чиқади. Шодланинг ва ушбу куннинг тонги отганидан қувнанг; унинг кучини англашга ҳаракат қилинг, зеро у, ҳақиқатан ҳам, мўъжизакор! Оллоҳ сизга шараф тожини бахш этди ва қалбингизда ёрқин юлдузни ёқди; дарҳақиқат, унинг ёғдуси бутун дунёни ёритгай!”⁵

Муҳофиз бизга шундай насиҳат беради:

“Бинобарин, сиз иймон машъалини ичингизда ёнган ҳолда олиб юриш учун, кўлингиздан келганини қилинг, зеро, унинг-ла сиз сўзсиз ҳидоят, куч ва якуний муваффақиятга эришгайсиз.”⁶

Албатта сиз, кимдир Баҳоуллоҳни бугунги кун учун Оллоҳ Мазҳари деб тан олган заҳотиёқ, унинг қалбида иймон учкунлари ёнади, деган фикрга қўшиласиз. Сиз, Таълимотни ўргатаётганлар ўша учкуннинг ёнишига ёрдам берувчи восита бўлиши

керак деган фикрга ҳам қўшиласиз. Аммо, бизнинг қалбимизда иймон алангаси ёнмаётган бўлса-чи? Унда қандай қилиб тингловчининг қалбидаги учкунни ёндиришимиз мумкин? Биз энг жозибадор суҳбатлар қуришимиз ва энг таъсири сўзларни айтишимиз мумкин, аммо, ишонч бўлмаса буларнинг таъсири унчалик катта бўлмайди, чунки тингловчи бизнинг ўзимиз айтаётган сўзларимизга чиндан ҳам аминизми ёки йўқми, ҳис қилади. Қалбимизда иймон машъали қанчалик ёрқин ёнса, бошқаларга Баҳоуллоҳни тан олишга ёрдам бериш имконияти ҳам шунчалик катта бўлади. Таълимотни ўргатишга қадам қўяр эканмиз, ишончимиз нималарда комил бўлиши кераклиги ҳақида фикр билдира оласизми? Сизга ёрдам учун баъзи мисоллар келтирилган.

1. Илоҳий мададнинг кучига ишонч
2. Инсониятнинг аслида Баҳоуллоҳнинг Таълимотига муҳтожлигига ишонч
3. Ҳар бир қалб Баҳоуллоҳни тан олиш қобилиятига эга деган ишонч
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____
10. _____

5-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо бизни чорлайди:

“Демак, сўзланг, ҳар бир учрашувда катта жасорат ила сўзланг. Нутқингизни бошламоқчи бўлганда, аввало, юзингизни Баҳоуллоҳга қаратинг ва Муқаддас Рухнинг тасдиғини сўранг, сўнгра оғиз очиб, қалбингиз нени буюрса, ўшани сўзланг; бироқ, буни мутлақ жасорат, виқор ва қомилан ишонч ила бажаринг.”⁷

Муҳофиз номидан ёзилган хатда шундай дейилади:

“Баҳойи-муаллими инонч тимсоли бўлиши лозим. Унинг кучи ва муваффақиятининг сири айнан шундадир. Гарчанд ёлғиз бўлсангиз ва атрофдагиларнинг қанчалик бепарқ бўлишидан қатъи назар, Салтанат қўшинлари сиз томонда эканлигига ишончингиз қомил бўлиши керак, зеро уларнинг мадади ила Оллоҳ Амрига қаршилашган зулмат қучларини енггайсиз. Шундай экан, матонатли, хушбахт ва амин бўлинг.”⁸

Янги вазиятларга дуч келиш, ўз чекловларимизга эътибор бермаслик, эндигина танишганлар билан Эътиқод ҳақида гапириш, рад этилиши мумкин бўлишини англаган ҳолда, ўзимиз учун энг қимматли деб билганимизни бошқа одамлар билан бўлишиш - буларнинг барчаси жасоратни талаб қилади. Албатта, биз Оллоҳга таваккул қилиб, Унга иймон келтирсак, жасоратга эга бўламиз. Унинг бизга йўл-йўриқ кўрсатиб, қўллаб-қувватлашини билиш, бошқа ҳолларда бажаришга қўрққан ҳаракатларимизни амалга оширишимизга куч беради. Агар биз Таълимотни тарқатишда жасорат кўрсатмасак, нима бўлади? Имкониятларни қўлдан бой берамизми? Таблиғ қилишда жасоратнинг қанчалик кераклиги ҳақида мисоллар келтиринг.

Биз шуни тушунишимиз керакки, Таблиғ учун жасорат керак бўлса-да, таблиғнинг ўзи ҳам бизнинг жасоратимизни оширади. Буни эслаб қолишингизга ёрдам бериш учун, агар сиз ҳали буни бажармаган бўлсангиз, қуйидаги иқтибосни ёд олишингиз мумкин:

“Жасорат ва куч манбаи, Оллоҳ Каломини тарғиб этишда ва Унга бўлган муҳаббатда мустаҳкамликда.”⁹

6-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо бизга шундай дейди:

“Таълимотни ўргатиш ишлари ҳар қандай шароитда мўминлар томонидан фаол равишда олиб борилиши керак, зеро Илоҳий тасдиқлар унга боғлиқдир. Агар баҳой тарғиб қилиш ишида бор кучи билан ва чин дилдан иштирок этишдан воз кечса, у, шубҳасиз, Абҳо Салтанатининг неъматларидан маҳрум бўлади. Бироқ, бу фаолиятни ҳам бошқалари сингари донолик билан чеклаш керак. Бу – жим юрадиган ва мазкур бурчни унутишга сабаб бўладиган донолик эмас, аксинча, бу шундай донолик-ки, у инсондан илоҳий бардош, муҳаббат, меҳр-оқибат, сабр-тоқат, гўзал хулқ ва покиза амаллар кўрсатишни талаб қилади.”¹⁰

Бошқа бир парчада Ул Зот шундай изоҳ беради:

“Инсонга маълум бўлган ҳар бир нарсани ҳам аён этиш керак эмас, ёхуд аён этилиши мумкин бўлган ҳар нарса ҳам, ўз вақтига мос деб ҳисоблаб бўлмас, ёнки ўз вақтида айтилган ҳар қандай сўзни ҳам, тинглагувчининг қобилиятига мос деб бўлмас. Сенинг амалларингда кузатилиши керак бўлган комил донолик шундадир. Агар ҳар қандай шароитда ҳам амалдаги одам бўлишни истасанг, буни унутма. Аввал беморни текшириб, ташхис қўй, сўнгра дори-ю дармонни ёз, зеро мохир табибнинг мукаммал усули шундадир.”¹¹

Жасорат донолик билан мутаносибликда бўлиши лозим. Бу, донолик жасоратни ортга тортиши керак дегани эмас. Улар чамбарчасдир. Бизда жасорат ва донолик бўлса, биз дадиллик билан фаолият майдонига қадам қўйиб, соғлом фикр ва аниқ тафаккур ила олға силжиймиз. Нима дейиш ва нима демаслик, нозик вазиятларда қандай қилиб энг яхши тарзда суҳбатни олиб бориш ва саволларга қандай жавоб бериш - бундай қарорларнинг барчаси донолик билан қабул қилиниши шарт. Бироқ, донолик фаолиятсиз ўтириш учун баҳона бўлмаслиги керак. Бизда ҳар қандай ҳолатда, “Бундай йўл тутиш нодонликдир”, “Буни қилиш нодонлик бўларди” дейиш, одат тусига кирмаслиги керак. Қуйида сиз тушиб қолишингиз мумкин бўлган баъзи вазиятлар келтирилган. Сизнингча, уларнинг ҳар бирига қандай муносабат кўрсатиш энг оқилона йўл бўлар эди?

1. Икки киши билан Ўтиқодни муҳокама қиляпсиз. Суҳбат давом этар экан, бири Ўтиқодга қизиқади, иккинчисининг эса қизиқмаслиги билинади. Сиз нима қилган бўлардингиз?

2. Учрашувлардан бирида, сиз бир одамни учратиб, у билан Ўтиқод ҳақида суҳбатга киришасиз. Гарчи, у сизни диққат билан тингласа-да, оз гапиради ва савол бермайди. Сиз нима қилган бўлардингиз?

3. Ўтиқод билан жуда қизиқиб қолган бир аёл, бу ҳақда кўпроқ билиш мақсадида сизни ўз уйига таклиф қилади. Сиз унга таълимотнинг турли кирраларини тақдим

этасиз ва сизнинг ташрифингиз ажойиб ўтаётганга ўхшайди. У сизга эшитган нарсалари унга жуда ёққанини ва Ўтиқод инсониятнинг муаммоларига жавоб беради деб ўйлашини айтади. Кейин, у сиздан эртага ўзи қатнашадиган сиёсий митингга тарқатиш учун Ўтиқод ҳақидаги бир даста буклет беришингизни сўрайди. Сиз нима қилган бўлардингиз?

4. Сиз қишлоғингиздаги икки ҳафталик кампанияда иштирок этапсиз. Мақсад – жамоани қуриш савий-ҳаракатига киришганлар сонини қўпайтириш ва очиқ қалбларни Амрни қабул қилишга таклиф этиш. Албатта, қўпгина оилалар Баҳойларнинг қишлоқдаги фаолиятдан аллақачон хабардор ёки қайсидир маънода фаолиятлар билан боғлиқдирлар, ҳамда сиз кампания кунларида уй хўжаликларига ташриф буюриб, оила аъзолари билан уларнинг қабул қилувчанлигига мос келадиган мавзуларда суҳбатлар қурасиз. Оқшомлари қишлоқда ҳамма учун очиқ бўлган учрашувлар ўтказилиб, уларда Ўтиқод таълимотининг турли жабҳалари ва уларнинг жамоавий ҳаётга таъсири муҳокама қилинади.

Оқшомларнинг бирида, учрашувга келганлардан бири сизга махсус бир Баҳой қонуни ҳақида савол беради. Сиз унга жавоб берасиз, лекин у сизнинг тушунтиришингизни қабул қилмайди. Кампания иштирокчиларининг бошқа бирлари унинг саволига жавоб беришга ҳаракат қиладилар, бироқ, бир оз муддат ўтгач, унинг Ўтиқодни келганлар олдида обрўсизлантиришга ҳаракат қилаётгани аён бўлади. Сиз нима қилган бўлардингиз?

5. Сиз, болалар руҳий-ахлоқий тарбияси машғулотларига қатнашаётган болалар сонини қўпайтириш умидида маҳалладаги хонадонларга ташрифлар уюштиратган команда аъзосисиз. Аксарият оилалар аллақачон, болалар учун руҳий машғулотлар ташкил этилганидан хабардор, улар маҳалладаги бу ривожланишга ижобий қарашади ва бу ҳақда қўпроқ маълумот олишдан хурсанд. Ташрифларингиз давомида, сиз асосан Баҳой битикларида мавжуд бўлган баъзи

таълим концепцияларига эътибор қаратасиз, бу эса ота-оналар билан жонли суҳбатларни рағбатлантиради. Бироқ, хонадонларнинг бирида меҳмонга келган қариндоши, сизга машғулотларда болаларни Эътиқодни қабул қилдиришга ҳаракат қиласиз, деган тахмини билан ташвиш билдиради. Сиз нима қилган бўлардингиз?

6. Институт курсларида анча пайтдан буён таҳсил олаётган ва ўсмирлар гуруҳида етакчи бўлиб хизмат қилаётган бир йигит Эътиқодни қабул қилишга қарор қилади. Бироқ, унинг ота-онаси ўғлининг бу қароридан хавотирда. Сиз нима қилган бўлардингиз?

7-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ бизга шундай дейди:

“Мабодо орангиздан бирор бир киши муайян бир ҳақиқатни илғашга қодир бўлмаса ёки уни тушунишга ҳаракат қилаётган бўлса, у билан суҳбатда ўта меҳрибонлик ва хайрихоҳлик руҳини кўрсатинг. Ўзингизни ундан ақллироқ ёки қобилиятлироқ деб ҳисобламасдан, унга ҳақиқатни кўра олишига ва уни тан олишига ёрдам беринг.”¹²

Бошқа бир парчада Ул Зот шундай насиҳат қилади:

“Эй Баҳо аҳли, ҳар қандай киши билан хайрихоҳлик ва дўстпарварлик руҳида мулоқот қилинг. Агар сиз бирор бир ҳақиқатдан хабардор бўлсангиз ёки қимматбаҳо жавоҳирга эга бўлсангиз, уни буюк муҳаббат ва меҳр тилида баҳам кўринг. Агар у ҳақиқатни қабул қилса ва айтганлирингиз

унга таъсир этса, демак сиз мақсадингизга эришдингиз. Акс ҳолда, уни ўз ҳолига қўйинг ва Оллоҳдан унга ҳидоят тилаб, дуо қилинг. Унга ғайри-илтифотли муносабатда бўлманг. Меҳрибон тил қалбларни оҳанрабодек тортади. У сўзларга маъно бахш этгувчи руҳий нондир. У донолик ва идрок нурининг чашмасидир.”¹³

Биз ҳаммамиз одамларга нисбатан меҳр-оқибат ва сабр-тоқатни намоён этишга интиламиз. Бироқ, биз меҳрибонликни бошқа нарсалар билан адаштирмаслигимиз керак. Баъзан, меҳрибонлик, амалда ҳомийлик муносабатига айланиб қолиши мумкин. Одамларнинг қобилиятини эътироф этишга қийналадиган ва аксарият, уларга гўё ёш боладек меҳрибончилик қиладиган киши шундай ҳомийлик муносабатини намоён этган бўлади. Иккиюзламачилик ҳам ўзини меҳрибонлик остида кўрсатиши мумкин; одам жуда ғамхўрлик кўрсата туриб, айна пайтнинг ўзида, ўз ғараз мақсадларини кўзлаши мумкин. Сабр-тоқат ҳам худди меҳрибонлик мисолида келтирилганидек сууистеъмол қилиниши мумкин. Худди шу тарзда, бундан, бепарволикни оқлаш сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу ғоялар ҳақида янада кенгрок фикр юритиш учун қуйидаги машқни бажаринг.

1. Сиз кимгадир Эътиқод таълимотларини катта меҳр билан тушунтирмоқдасиз. Аммо, охирида, у сизнинг фикрингиз билан рози эмаслигини билдирганда, сиз хафа бўласиз. Сизнинг меҳрибонлигингиз самимий эдими? _____
2. Сиздан маълумоти пастроқ бўлганларга Эътиқод тўғрисида сўзлар экансиз, тез-тез тўхтаб, “тушундингизми, азизим?” деб сўрайсиз. Бу меҳрибонликми ёки ҳомийларча муносабатми? _____
3. Сиздан маълумоти пастроқ бўлган кишига Эътиқодни тақдим этмоқдасиз. Сиз Битикларда мавжуд бўлган кўплаб чуқур концепциялар унинг тушуниши учун жуда қийин деб қарор қиласиз, бинобарин, Баҳоуллоҳнинг Хушхабарини бир неча оддий ғоя ичига қисқартирасиз. Бу меҳрибонликми ёки ҳомийларча муносабатми? _____
4. Сиз маълумоти пастроқ аёлга Эътиқодни тақдим этмоқдасиз. Гарчи бу вақт талаб қилса-да, сиз у билан биргаликда Эътиқод Битикларидан тегишли парчаларни ўқиб, уларнинг аҳамиятини муҳокама қилиб, Эътиқоднинг муҳим ҳақиқатларини батафсил сўзлаб берасиз. Бу сабр-тоқатми ёки ҳомийларча муносабат? _____
5. Қўшниларингиздан бири Эътиқодни қабул қилишга очик кўринади, шунинг учун сиз у билан бир қатор суҳбатлар қуришга қарор қилдингиз. Суҳбатларингиз давомида, катта меҳр билан сиз унга Баҳой таълимотининг аҳамиятини тушунишга ёрдам берасиз ва токи у Баҳоуллоҳни тан олгунича, унинг тушунчасини парваришлайсиз. У баҳой бўлгандан сўнг, токи у таълимотлар ҳақида кўпроқ билиб олиб, уларни бошқалар билан баҳам кўришни бошламагунича, сиз уни парваришлаб, қўллаб-қувватлайверасиз. Бу ҳомийларча муносабатми? _____
6. Яқин атрофдаги уйларга ташриф буюриш кампанияси пайтида сиз Эътиқод ҳақида ўрганишга иштиёқманд кўринадиган отани учратасиз. Қисқа суҳбатдан сўнг, у сизга эшитганларини ёқтиришини айтиб, сиздан ўқиш учун бир неча адабиёт сўрайди. Сиз унга кичик тақдимот китобчасини берасиз ва у, сизнингча

ўта банд одамдек туюлгани сабаб, такроран ташриф учун яна бир неча ой кутишга қарор қиласиз. Бу сабр-тоқатми ёки бепарволик? _____

Меҳрибонлик кўринишидаги ҳомийларча муносабат ёки иккиюзламачилик, ёхуд сабр-тоқат кўринишидаги бепарволик муносабати бўлиши мумкин бўлган бошқа вазиятларга мисоллар келтира оласизми?

8-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ баён этади:

“Гар улар Менинг Амримни тарғиб қилиш учун кўтарилсалар, унда, улар Чеку-чегара билмас Зотнинг нафасидан илҳом олсинлар, ҳамда юксак қатъият билан фикрларини буткул Унда жамлаган ҳолда, ҳамма нарсалардан тамомила инқитоъли ва озод юрак ила, бу фоний дунёдан ва унинг беҳуда нарсаларидан покланган руҳ ила бутун замин узра Унинг хуш ифорини таратсинлар. Ўзлари билан йўлга оладиган энг яхши жабдуқ сифатида, улар Оллоҳга таваккулни танлашлари ва ўзларини Энг Аъло, Жалол Эгаси, Парвардигорларига бўлган муҳаббат либосига ўрашлари керак. Гар улар шундай йўл тутар бўлсалар, уларнинг сўзлари тингловчиларга таъсир этгай.”¹⁴

Абдул-Баҳо шундай таъкидлайди:

“Улар кеча-ю кундуз тинмай меҳнат қиладилар, на офатлардан, на синовлардан қўрқадилар, бир зум бўлса ҳам сайъ-ҳаракатларини тўхтатмайдилар, ором изламайдилар, қулайлик ва роҳат ҳақида қайғурмайдилар ва ўз ҳаётларининг ҳар бир ўткинчи лаҳзасини Илоҳий хуш ифори тарқатишга ва Оллоҳнинг Муқаддас Каломини юксалтиришга бағишлайдилар.”¹⁵

Биз 2-Китобни ўрганиш жараёнида, инқитоъ бу – Таълимотни ўргатиш сурурининг зарурий шарти эканлигини билиб олган эдик. Гарчи биз кўрсатаётган хизматимиз муносиб натижалар беради, деб умид қилсак-да, биз шуни тушунамизки, агар биз натижаларга ҳаддан ташқари боғланиб қолган бўлсак, мақтов ёки танқиднинг ҳаддан ташқари таъсирига тушиб қолсак, биз одимларимизни тезлаштирадиган қувончни йўқотамиз. Қуйидаги жумлаларни тўлдириш, биз Эътиқодни ўргатиш майдонига қадам қўйганимизда, инқитоъли бўлиш нимани англатишини чуқурроқ ўйлашимизга ёрдам беради.

1. Таълимотни ўргатиш учун бел боғлаганимизда, биз _____
_____ керак.
2. Таълимотни ўргатиш учун бел боғлаганимизда, бизнинг фикримиз _____
_____ керак.

3. Таълимотни ўргатиш учун бел боғлаганимизда, бизнинг қалбим _____
_____ керак.
4. Таълимотни ўргатиш учун бел боғлаганимизда, бизнинг руҳимиз _____
_____ керак.
5. Йўлга энг яхши жабдуқ сифатида биз ўзимиз билан _____
_____ олишимиз керак.
6. Биз _____ безанишимиз керак.
7. Хизмат йўлига тушгач, биз _____,
куну тун меҳнат қилишимиз керак.
8. Биз на _____, на _____ кўркмасдан, _____
қидирмасдан, ҳар қандай _____ воз кечишимиз керак.
9. Инқилоб этган ва покланган ҳолда, биз ўз ҳаётимизнинг _____ ва
_____ бағишлашимиз керак.

9-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ бизга шундай дейди:

“Овозингни баланд кўтаргин ва одамларни барча оламларнинг Ҳукмдори бўлган Зотга шундайин ғайрат ва иштиёқ ила чорлаким, сен туфайли барча инсонларнинг қалби ўт олсин.”¹⁶

Шавкий Эфпенди бизни шундай чорлайди:

“... келинг, Унинг Амрини мўминлик ва аминлик, тушунча ва жасорат ила тарғиб қилиш учун бел боғлайлик. Бу, ҳар бир баҳойининг энг олий ва энг шошилинич бурчи бўлсин. Келинг, буни ҳаётимизнинг асосий эҳтиросига айлантирайлик.”¹⁷

Биз кўп сонли одамларни Баҳоуллоҳ Зухурининг уммонига йўналтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизда муваффақиятга эришмоқчи бўлсак, бизни Эътиқодни ўргатиш иштиёқи бошқариши керак. Қалбимиз ғайрат билан ёниши даркор, чунки ўзимиз шодон ва ғайратли бўлмасак, Баҳой бўлиш сурурини қандай етказишимиз мумкин? Бироқ, Баҳоуллоҳнинг Хушхабари билан бўлишиш ниятида, биз Таълимотни ўргатмоқчи бўлган одамлар биздан узоқлашмаслиги учун ўрнатилган чегаралардан чиқмаслигимиз керак. Бу борада тез-тез эшитиладиган сўз “прозелитизм” бўлиб, бу, бировга ўз эътиқодини ўзгартириш учун ортиқча босим ўтказишни англатади. Баҳойлар учун прозелитизм қатъиян ман этилган. Бироқ, прозелитизмдан қочар эканмиз, биз,

Эътиқодни ўргатиш бўйича саъй-ҳаракатларимиз самарасиз бўлиб қоладиган даражада пассив ва ишончсиз бўлмаслигимиз керак.

Таълимотни ўргатишлик иштиёки ва прозелитизм ўртасидаги фарқни яхшироқ тушуниш учун қуйида келтирилган гапларни ўқиб, қайси ҳолларда ўрнатилган чегаралардан чиқиб кетишлар юз берганини аниқланг. Бу пунктларни “Қ” ҳарфи билан белгиланг. Қайси ҳолларда сиз иштиёқсизлик кўрсатиб, саъй-ҳаракатингиз самарасиз бўлганини кўрсатинг? Бу ҳолларни “С” ҳарфи билан белгиланг. Қай ҳолларда сизнинг ёндашишингиз иштиёқ билан тўла ва айна пайтнинг ўзида чегарадан чиқиш йўқ? Уларни “И” ҳарфи билан белгиланг.

_____ Сиз Эътиқодга шу қадар маҳлиёсизки, ҳар қандай имкониятда суҳбатларингизга табиий ва донолик билан Баҳойий тамойиллари ва таълимотларини киритасиз. Керак бўлганда, сиз ўз ғояларингиз манбасини Баҳоуллоҳнинг таълимоти деб айтасиз.

_____ Сиз шунчалик ғайратлисизки, одамлар сизнинг Эътиқод ҳақидаги тақдимотингизни тинглашни хоҳламасалар ҳам, сиз уларни деярли мажбурлайсиз.

_____ Сиз, одамлар сизни ўз динингизга нисбатан ақидапараст деб ўйлашларини хоҳламайсиз, шунинг учун, улар сиздан Эътиқод ҳақида сўрашса ҳам, сиз қисқагина жавоб берасиз. Агар улар қатъиятли бўлиб яна сўрашса, сиз уларга, ниҳоят, китоб бериб, ўзлари ҳаммасини ўқиб билиб олишларини айтасиз.

_____ Одамлари жуда очик ва қабул қилувчан бўлган бир қатор қишлоқда Эътиқодни ўргатиш кампанияси ташкил этилди. Сизнинг командангиз энг яхши ёндашув - Эътиқодни уйма-уй юриб тақдим этиш, деб қарор қилди, чунки, аслида сиз қўшнилардан бирига ташриф буюриб, иккинчисиникига ташриф буюрмасангиз, кўпчилик хафа бўлади.

_____ Яқинда қўшни қишлоқда, эндигина Эътиқодни қабул қилганлар билан таълимот ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш мақсадида интенсив кампания бошланди. Сиз бир неча уйга ташриф буюрасиз, лекин, ҳар сафар бошқа оила аъзолари сиз излаётган кишилар уйда йўқлигини айтишади. Сиз ҳафсалангиз пир бўлиб, қайтиб кетасиз.

_____ Яқинда қўшни қишлоқда эндигина Эътиқодни қабул қилганлар билан таълимот ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш мақсадида интенсив кампания бошланди. Сиз излаётганларнинг кўпчилиги уйда бўлмаса-да, уларнинг оила аъзолари билан саломлашиб, қишлоқдаги одамлар очик ва қабул қилувчан эканликларини билиб, улардан Эътиқод ҳақида суҳбатлашишни истайсизми, деб сўрайсиз.

_____ Сиз одамлар расмий таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган қўшни қишлоқда Эътиқодни ўргатувчи команданинг аъзосисиз, шу сабаб, команда энг яхши ёндашув – Эътиқод улар учун қила оладиган барча яхши нарсаларни таъкидлаш, деб қарор қилади. Сиз уларга, агар улар Баҳойий бўлишса, уларнинг

фарзандлари учун мактаб ва кичик тиббий клиника ташкил этишга ёрдам беришингизни ваъда берасиз.

Сиз одамлар расмий таълим олиш имкониятига эга бўлмаган қўшни қишлоқда Ўтиқодни ўргатувчи команданинг аъзосисиз. Аммо, сиз уларнинг руҳий салоҳиятига ишонасиз ва уларни Баҳоуллох таълимотлари бўйича чуқур суҳбатларга жалб қилишдан қочмайсиз. Сиз қишлоқ кенгаши аъзоларига ушбу таълимотга асосланган Институт курслари жамоанинг фаровонлиги учун хизмат қилиш қобилиятини парваришлашга қандай ёрдам беришини тушунтирасиз. Сиз қайтиб келишингизни ва бир гуруҳ ёшларга биринчи курсни ўрганишга ёрдам беришни таклиф қиласиз.

Сиз Ўтиқодга қизиқувчилар билан ҳар бир учрашувни декларация анкеталарини тарқатиш ва улар жуда таъсирланганда, уларни Баҳоийлар жамоасига аъзо бўлишга таклиф қилиш билан бошлайсиз.

Сиз тез-тез Ўтиқодга қизиқувчилар билан учрашувларни Баҳоуллохнинг хушхабари бутун инсоният учун эканлигини ва Ул Зотнинг баъзи таълимотларини улар билан баҳам кўриш завқли эканини айтишдан бошлайсиз. Шунингдек, улар ўз ҳаёлига келган ҳар қандай саволни иккиланмасдан беришлари кераклигини ва сиз имконингиз борида жавоб беришга ҳаракат қилишингизни таъкидлайсиз. Учрашув охирига келиб, агар мақсадга мувофиқ бўлса, албатта, бу ҳар бир шахснинг босимдан холи ўйлаб кўриши керак бўлган шахсий масала эканлигини таъкидлаб, Ўтиқодни қабул қилиш нимани аңлатишини тушунтирасиз.

Сиз Ўтиқодга қизиқувчилар билан ҳар бир учрашувни йиғилишдан мақсад Ўтиқодни қабул қилишлари эмаслигини тушунтириш билан бошлайсиз. Сиз шунчаки улар билан бир нечта ғояларни баҳам кўрмоқчисиз. Баҳоийлар жамоасига қўшилиш имкониятини кўриб чиқишдан олдин, ҳақиқатни ўрганиш учун кўп вақт ажратишлари муҳим.

Сиз бир мунча вақтдан бери дўстингизга таълимотни ўргатиб келяпсиз ва унинг қалбида иймон учқуни борлигини кўряпсиз, шу сабаб, бир кун уни Баҳоийлар жамоасига қўшилишга таклиф қиласиз.

Сиз бир мунча вақтдан бери дўстингизга таълимотни ўргатиб келяпсиз ва унинг қалбида иймон учқуни борлигини кўряпсиз, шунинг учун сиз уни бир куни баҳоий бўлади деб ўйлаб, ҳар хил баҳоий фаолиятларига таклиф қилишни давом эттиряпсиз.

Сизнинг маҳаллада Ўтиқодни ўргатиш кампаниясида иштирок этаётган команда аъзосисиз. Сиз фикр-мулоҳаза юритиш ва режалаштиришга унчалик иштирок этмасдан, кўп вақтингизни мобил телефонингизга тикилиб ўтказасиз. Кампания бошланганда нима содир бўлаётганини кўриш ва маҳалладаги одамлар билан суҳбатда бўлган команданинг бошқа аъзолари билан розилик билдириш учун вақти-вақти билан телефонингиздан бошингизни кўтарасиз.

Сизнинг маҳаллада Ўзбекистонда ўргатиш кампаниясида иштирок этаётган команда аъзосисиз. Сизнинг командангиз жамоат жойига боради ва сиз олдингиздан ўтаётган ҳар бир кишини тўхтатиб, “Баҳоуллоҳ ҳақида эшитганмисиз?” – дея сўраяпсиз

Сиз маҳаллада жамоа қуриш ишларини фаоллаштиришга қаратилган кампанияда иштирок этапсиз. Кампаниянинг дастлабки босқичи доирасида, асосан, у ерга яқинда кўчиб келган бир неча дўстларингиздан ташкил топган гуруҳингиз маҳаллани ўрганади ва инсониятга хизмат қилиш истаги бўлган ёшларни учратиш мақсадида мактаблар, истироҳат боғлари ва жамоат марказларидек жойлар билан танишади. Гуруҳ олган билимлари асосида бир қатор фаолиятни амалга ошириш режасини тузади: ушбу жойларда вақт ўтказиш, маҳаллий умумтаълим мактабида тақдимот қилиш, кечқурунлари учрашувлар ўтказиш ва институт томонидан тарғиб қилинаётган таълим жараёнига қизиқиш билдирганларнинг хонадонларига ташриф буюриш. Ёшлар билан учрашар экансиз, улар билан ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятларини ва улар бошқаларга, айниқса ўзидан кичикларга билим, кўникма ва руҳий сифатларни эгаллашда ёрдам беришни ўрганишлари мумкин бўлган хизмат йўлидан юришнинг аҳамиятини муҳокама қиласиз. Кўпроқ ўрганишни истаган ҳар бир кишини, сиз режалаштирган кечки пайтлардаги учрашувларда суҳбатни давом эттиришга таклиф қиласиз. Сиз асосий курслар кетма-кетлигини ўрганишни хоҳловчиларнинг барчасига ёрдам беришга ва улар бажарадиган хизмат фаолиятида уларга ҳамроҳ бўлишга тайёрланыпсиз. Шунингдек, баъзилар тез орада Ўзбекистонда қабул қилишлари мумкинлигини тушунасиз ва уларни Баҳойлар жамоасига қўшилишга таклиф қилишдан тортинмайсиз.

Сиз маҳаллада жамоа қуриш ишларини фаоллаштиришга қаратилган кампанияда иштирок этапсиз. Кампаниянинг дастлабки босқичи доирасида, асосан, у ерга яқинда кўчиб келган бир неча дўстларингиздан ташкил топган гуруҳингиз ёшлар билан суҳбат қуриб, уларни кечқурунлари ўтказиладиган учрашувларга таклиф қилиб, кўп вақтини истироҳат боғлари, мактаблар ва маҳаллаларда ўтказиш. Сиз, ёшлар билан, улар ўз жамоасига хизмат қилиш учун ўз кучини қандай йўналтириши мумкинлигини муҳокама қилиш учун ташкил этилаётган учрашувда кўшиқ куйлаш ва мулоқотга кўп вақт ажратилади, дея урғу бериб, мақсадини пасайтирасиз. Ишончингиз комилки, агар сиз шу йўл билан уларнинг қизиқишини қозониб, улар билан дўстлик ришталарини ўрнатсангиз, ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятлари ва хизмат йўлини босиб ўтишнинг аҳамияти ҳақида суҳбатга киришиш осон бўлади. Кечки учрашувларга ташриф буюрганларнинг фақат кичик бир қисми, улар нимага таклиф қилинганини англаб етгач, сиз кўзланган мақсадларга эришиш учун кўпроқ одамларни жалб қилишингиз керак деб қарор қиласиз.

Сиз қишлоғингиздаги болалар руҳий машғулотларга ёки ўсмирлар гуруҳига жалб қилинган кўплаб оилаларга ташриф буюришни мақсад қилган бир ҳафталик кампанияда иштирок этапсиз. Сизнинг командангиз кўп сонли уйларга ташриф буюришни ва Баҳой жамоасига

қўшилишга тайёр кўринадиган оилаларни таклиф қилишни режалаштирмоқда. Муҳим бўлса-да, саволлар туғдириши мумкин бўлган мавзулардан узоқлашиб, маҳаллий аҳолига ёқадиган бир нечта ғояларни эслатиб ўтиш энг яхши ёндашув дея қарор қиласиз; сўнгра сиз ҳар бир оила аъзосини Ўтиқодга қўшилишга таклиф қиласиз.

Сиз қишлоғингиздаги болалар руҳий машғулотларга ёки ўсмирлар гуруҳларига иштирок этадиган кўплаб оилаларга ташриф буюришга қаратилган бир ҳафталик кампанияда иштирок этияпсиз. Сизнинг командангиз ташриф буюрган оилаларнинг аксарияти Баҳой таълимотини муҳокама қилишни истагини, баъзилари Ўтиқодни тезда қабул қилишларини, бошқалари эса ўзлари кўпроқ ўрганмоқчи бўлган саволларни беришларини пайкашади. Сиз бу кампания давом этувчи узоқ муддатли кенгайиш ва консолидация жараёнининг бир қисми эканлигини тушунасиз ва шу сабаб сиз ҳар бир оилага, уларнинг саволларига жавоб бериб, Ўтиқод тамойиллари борасидаги тушунчаларини янада илгари суриб, кераклича вақтингизни бағишлайсиз. Шу тариқа, ҳар бир ташриф сони жиҳатидан ўсишга ва фаолиятнинг кўпайишига ҳисса қўшишдан ташқари, жамоада Ўтиқод илдишларини чуқурлаштиради.

10-БЎЛИМ

Олдин айтиб ўтганимиздек, таблиғ ҳақидаги муҳокамаларимизда руҳий сифатларга урғу беришимиз, Амрни ўргатиш учун комил бўлишимиз кераклигини англатмайди. Аксинча, биз ўрнимиздан туриб, Ўтиқодга хизмат қилишга чорланганмиз, ҳамда, айни пайтнинг ўзида мунтазам равишда ички ҳолатимиз устида тафаккур қилишимиз, қалб поклиги, беғаразлик, иймон-ўтиқод, жасорат, донолик, меҳр-мурувват, инқитоъ каби сифатларни янада юксак даражада намоён этишга интилишимиз керак. Албатта, эътиборимизни талаб қиладиган бошқа кўплаб сифатлар борки, сахийлик, олийҳимматлик ва собитлик шулар жумласидандир. Аммо, агар биз тавозеълик (итоат, сиполик, бўйин эгиш) сифатини муҳокама қилмасак, бу ердаги изланишларимиз бефойда бўлади.

Тавозеънинг йўллари, албатта, кўзга илганмасдир. Биз Оллоҳга мафтун бўлиб, ўз “мен”имизни унутиб, Унинг иродасига бўйсунганимиздан сўнг, бизнинг сўзларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз кучга тўла бўлади. Абдул-Баҳо шундай таъкидлайди:

“Илоҳий Таълимотни ўргата туриб, муаллимнинг ўзи алангаланган бўлиши керак, токи унинг нутқи олов алангасидек таъсир кўрсатиб, нафс ва худбинлик пардасини куйдириб ташласин. У шунингдек, мутлақ тавозеъкор ва сипо бўлиши керакки, токи бошқалар маърифат топсин, ҳамда тамомила ўзидан кечиб, фориг бўлиши керакки, токи у Малакути аълонинг навоси ила таблиғ қила олсин; акс ҳолда, унинг таблиғи таъсир кўрсатмайди.”¹⁸

Бошқаларга Амр ҳақиқатини тан олишда ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳақида Абдул-Баҳо бизга шундай дейди:

“Илоҳий Таълимотга мувофиқ ҳолда Ушбу улуғвор Зухур даврида, биз ҳеч кимни камситмаслигимиз ва “сен билмайсан, мен биламан” дея, уни жоҳилга чиқармаслигимиз керак. Аксинча, биз одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз ва бирор нарсани тушунтириш ва тақдим этишга ҳаракат қилганимизда, мисли ҳақиқатни бирга излаётгандек гаплашишимиз лозим: “Мана, олдимизда бир неча масала бор. Келинг, ҳақиқат қаерда ва нимада эканлигини аниқлашга ҳаракат қилайлик”. Муаллим ўзини саводли, бошқаларни эса саводсиз деб билмаслиги керак. Бундай фикр мағрурликни яратади, мағрурлик эса таъсир кучига эга эмас. Муаллим ўзида ҳеч қандай устунликни кўрмаслиги керак; у ниҳоятда меҳрибонлик, тавозеъкорлик ва сиполик билан сўзлаши лозим, зеро бундайин нутқ таъсир кўрсата олади ва руҳларни тарбиялайди.”¹⁹

Юқоридаги биринчи иқтибосда келтирилган эҳтирос ва олдинги бўлимда муҳокама қилинган эҳтирос ўртасидаги фарқ нимада?

Гуруҳингизнинг бошқа аъзолари билан қандай қилиб тавозеъкорлик сўзимиз таъсирчанлигини кучайтириши мумкинлиги ҳақида муҳокама қилинг. Ўз фикрларингиздан бир нечтасини ёзинг.

11-БЎЛИМ

Охирги бўлимдаги муҳокамамиз мутавозеъ билан боғлиқ бўлиб, эътиборимизга лойиқ яна бир масалага урғу берди. Албатта, Таълимотни ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз самараси ўзимизда намоён бўладиган руҳий сифатларга боғлиқлигини англаган ҳолда, ҳар доим ўз феъл-атворимизни комиллаштириш, ички ҳолатимизни яхшилашга интилишимиз керак. Шундай бўлса-да, биз ҳеч қачон, бир лаҳзага ҳам, Таълимотни ўргатиш майдонида эришилган зафарни ўз шахсий ютуқларимизнинг шарофатидир деган фикрга йўл қўймаслигимиз лозим. Мутавозеълик бизни ман-манлик (мен жуда муҳим одамман) ҳиссидан ҳимоя қилади.

Биз ҳар доим Амрни ўргатишдаги ютуқларимизни бизнинг ўзимиздан ажрата олишимиз керак. Бирон бир қалбга Баҳоуллоҳни тан олишга ёрдам беришда қўшган ҳар қандай ҳиссамиз Оллоҳ томонидан бизга берилган инъомдир. У кимлар орқали ҳаракат қилишни Ўзи танлайди. Биз фақатгина Унинг ишга соладиган ўзани бўлишга умид

қилиб, Унинг воситаси бўлишга ёрдам берадиган сифатларни эгаллашга интилишимиз мумкин. Ниҳон Калималарда биз ўқиймиз:

**“Қаршимда мутавозеъ бўлки, фазлимдан сен билан мулоқотга киришай;
сўнгра Амрим зафари учун кўтарилгинки, ер юзида экансан ғолиб
бўлурсан.”²⁰**

Шавқий Эффедининг номидан ёзилган мактубдан келтирилган қуйидаги парчада, у бизни шундай огоҳлантиради:

“Сизнинг таблиғ соҳасида катта ютуқларга эриша олмаганингизнинг сабаби, эҳтимол Оллоҳ Каломини тарғиб қилишда, ўз заифлигингиз ва камчиликларингизга берган эътиборингизнинг даражасидадир. Баҳоуллоҳ ҳам, Устоз ҳам бизга ўз нуқсонларимизни четга суриб, тўласинча Оллоҳга таваккул қилишимизни қайта-қайта таъкидлаганлар. Фақатгина Унинг инъомининг фаол ўзани бўлиш учун қалқисакгина, У бизга ёрдамга келади. Сизнингча, мубаллиғ одамларни иймонли қилиб, уларнинг қалбини тубдан ўзгартирадими? Албатта, йўқ. Улар фақат илк қадамни қўйгач, Баҳоуллоҳнинг руҳи ўзларини идора қилишига ва улардан фойдаланишига қўйиб берадиган покиза қалблардир. Агар улардан биронтаси, ҳатто, бир зум бўлса ҳам, ютуқларини ўз маҳорати туфайли эришилди деб ўйласа, унинг иши тугаб, мағлубияти бошланган бўлади. Бу аслида, аксарият қобилиятли мўминларнинг ажойиб хизматлар кўрсатганидан сўнг, тўсатдан ўзларини мутлақо ожизликда топишлари ва эҳтимол, Эътиқод Руҳи томонидан кераксиз руҳлар сифатида четга сурилиб қўйилишининг сабабидир. Бу ердаги мезон - Оллоҳ иродасининг биз орқали амал қилишига бизнинг қай даражада тайёрлигимизда.

Бинобарин, ўз заифлигингиз ҳақида ўйлашни тўхтатинг; тамомила Оллоҳга таваккул қилинг; юрагингиз Унинг Амрига хизмат қилиш ва Унинг чақириғини эълон қилиш истаги билан ёниб турсин; сўнгра, чечанлик ва инсоний қалбларни ўзгартирувчи кучнинг ўз-ўзидан пайдо бўлишига шохид бўласиз.

Агар сиз бел боғлаб, Таълимотни ўргатишни бошласангиз, Шавқий Эффедин, шубҳасиз, муваффақиятингиз учун дуо қилади. Аслида, бел боғлаганингизни биргина ўзи, сизни Илоҳий мадад ва марҳамат билан сийлайди.”²¹

Қандай қилиб мағрурлик ва такаббурлик бизни Амрни ўргатишда самарасиз қилишига бир неча мисол келтира оласизми?

Энди эса, мағрурликнинг таблиғ билан боғлиқ турли шакллари ҳақида янада чуқурроқ ўйланиш учун қуйидаги машқни бажаринг:

1. Маҳалладаги жамоа қуриш фаолияти билан боғлиқ бўлган одамлар ва оилаларга Эътиқодни ўргатиш бўйича коллектив саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Иштирокчиларни командаларга бўлиб, улардан олдинги ҳолларда самараси исботланган ёндашувдан фойдаланиш сўралади. Бироқ, бир иштирокчи бу ёндашув унга ўз истеъдодининг энг ёрқин қиррасидан фойдаланишга имкон бермаслигини ҳис қилади. Қуйидаги вазиятлардан қай бири, унда кибрнинг йўқлигини кўрсатади?

_____ Саъй-ҳаракатларда иштирок этишдан бош тортиш, зеро бу унинг истеъдодларидан ўзи хоҳлаган тарзда фойдаланишга имкон бермайди.

_____ Саъй-ҳаракатларда талабга кўра, бошқа иштирокчилар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, ўзининг бошқа қобилиятларидан фойдаланиб, қувонч билан иштирок этиш.

_____ Бу яхши ёндашув эмаслигини таъкидлаб, жамоавий саъй-ҳаракатлар ичида хато топишга ҳаракат қилади, зеро иштирокчиларнинг барча истеъдодлари ва қобилиятларидан фойдаланилмади.

2. Бир маҳаллада хизмат қилаётган дўстлар, ҳудуддаги бошқа маҳаллада Эътиқодни ўргатиш ёндашуви жуда яхши натижа бераётгани ҳақида билиб олишади. Қуйидагилардан қайси бири мағрурлик ва доноликнинг йўқлигидан далолат бериб, гуруҳнинг энг мақбул жавоби бўлади?

_____ Улар ёндашувни таҳлил қилмасдан, маҳаллаларида шароитлар бошқача бўлгани сабабли бу усул иш бермайди деган хулосага келиши.

_____ Ёндашув бир жойда иш бергани туфайли, у бошқа жойда ҳам ишлаши керак ва уни дарҳол ўзгаришсиз қабул қилиш керак деган хулосага келиш.

_____ Улар ушбу ёндашувни ўрганиб, унинг янги шароитда тўлиқ ёки қисман ишлашини тушунишга ҳаракат қиладилар ва шунга асосланиб, ёндашувни қабул қиладилар ва тажриба ортгани сари ўзгартирадилар.

3. Жамоани бунёд этиш бўйича анча ривожланган маҳалладан бир киши Эътиқод муассасалари илтимосига биноан яқин атрофдаги маҳаллага ташриф буюради. У ерда иш ривожланмоқда, лекин унчалик кучли эмас, шу боис ундан дўстларнинг саъй-ҳаракатларида ёрдам беришини сўрашади. Қуйидагилардан қайси бири унинг мағрурлиги йўқлигидан далолат беради?

- _____ Маҳалладаги дўстларига унинг муассасалар томонидан юборилганини тушунтириб, уларга амал қилишлари керак бўлган кўрсатмаларнинг узун рўйхатини тақдим этади.
- _____ Доимий ва тантанали равишда у яшаётган жойда эришилган ютуқлар ҳақида сўзлайди ва у ташиф буюрган маҳалладегиларга ўз воқелигидан тажриба алмашиш учун ҳеч қандай имконият яратмайди.
- _____ Маҳалладаги дўстларнинг ўз тажрибалари ҳақида сўзлашларини тинглаб, улар билан биргаликда режалаштириш ва фаолиятларда иштирок этиш, ва агар керак бўлса, ўзи яшайдиган маҳаллада ўрганилганларни баҳам кўради, бу эса уларга кейинги қадамларини белгилашда ёрдам бериши мумкин.
4. Тез орада маҳаллалардан бирида тобора кўпроқ ёшларни ўз истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўз жамоалари фаровонлигига ҳисса қўшиш ҳақида суҳбатга жалб қилиш мақсадида кампания бошланади. Қизиқиш билдирганлар хизмат қилиш қобилиятини парваришлаш мақсадида институт курсларига таклиф қилинади. Кампаниянинг барча иштирокчилари икки кишилиқ командаларга бўлинади. Бир командада ўта тажрибали одам, ҳали бу соҳада жасорат ва ишончга эга бўлмаган тажрибасиз одам билан жуфтлашади. Қуйидагилардан қайси бири команданинг тажрибали аъзосининг мағрурлиги йўқлигидан далолат беради?
- _____ Кўпинча тажрибаси кам бўлган команда аъзоси ёшлар билан суҳбатлашаётганда тез-тез ҳалақит бериб, ниҳоят, суҳбатни ўз қўлига олади.
- _____ Ёшлар билан суҳбат давомида тажрибаси камроқ бўлган иштирокчига суҳбатнинг кўп қисмини олиб боришга имкон яратади, шу билан бирга, кейинчалик у билан камчиликлари ҳақида гаплашиш ва бундай суҳбатларни қандай ўтказишни ўргатиш учун, унинг фикрига кўра, у йўл қўйган хатоларни ҳаёлан қайд этади.
- _____ Кўпгина суҳбатларни бошлайди, лекин тезда бошқа иштирокчини, токи у суҳбатда ўзини янада қулайроқ ҳис этмагунча ёрдам бериб, суҳбатларга жалб қилади.

12-БЎЛИМ

Олдинги бўлимларда, биз мутавозеъликни нутқимизга куч ато этувчи ва руҳан ўсиш йўлида дуч келишимиз мумкин бўлган тузоқлардан ҳимоя қилувчи сифат сифатида кўриб чиқдик. Мутавозеъликнинг ҳаётимизга қўшадиган яна бир муҳим ҳиссаси бор, бу айниқса, Таълимотни ўргатиш билан боғлиқдир. Мутавозеълик бизга барча амалларимизга, хусусан, Амрга хизмат қилишдаги саъй-ҳаракатларимизда ўрганувчанлик муносабати билан ёндашиш имконини беради. Бундай муносабат бўлмас экан, биз ўз жоҳиллигимизга кўз юмиб, ўзимиз ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган нарсаларни биламиз дея, ишониб

юрaveraмиз. Оллоҳнинг йўлидан мутавозеълик билан юрадиганларнинг энг мақтовга сазовор хусусияти, уларнинг ўрганишликка тайёрлигидир.

Биз ўзимиздан сўрашимиз мумкин: Амрни самарали ўргатмоқчи бўлганлар учун ўрганишликка очиқ муносабат нима учун бунчалар муҳим? Бунга жавоб бериш учун Ўтиқодни ўргатиш борасида нималарни билишингиз ҳақида фикр юритинг. Сиз ҳар доим ҳам энг мақбул ёндашувни биласизми? Сиз дуч келган ҳар бир аниқ вазиятда нимани айтиш керак ва қандай айтиш кераклигини биласизми? Сизнингча, бир-икки курс давомида бу қадар муқаддас амал ҳақида билиш керак бўлган бор нарсани ўрганиш мумкинми? Ўтиқодни ўргатишни формулага айлантириш мумкинми? Албатта, сиз ушбу саволларнинг жавоби “йўқ” эканлигига ва Ўтиқодни ўргатиш самарадорлигини оширишнинг ягона оқилона йўли – янги нарсаларни ўрганишлик позициясини қабул қилишдан иборат деган фикрга қўшиласиз.

Биз Ўтиқодни ўргатишда янада самаралироқ бўлишга ҳаракат қилар эканмиз, Ўтиқодни ўргатиш усуллари ва ёндашувлари юзасидан жамоадошлар билан баҳслашиш тузоғига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Агар эҳтиёт бўлмасак, ҳар биримиз тўғри “формула”ни топдик ва Таълимотни ўргатиш биз истагандек амалга оширилмаса, “муваффақият”га эришиш мумкин эмаслигига ишониб, осонликча бундай баҳсга киришиб кетишимиз мумкин.

Ўтиқодни ўргатиш – бу ўрганишимиз керак бўлган нарса эканлигини тушунганимиздагина, бундай хатти-ҳаракатлардан қочишимиз мумкин. Ўтиқодни ўргатишдаги саъй-ҳаракатларнинг ҳар биридан ички ёришувга келишимизни ва руҳий динамика ҳақида тушунчамизни ошириш имкониятини кўрсак, биз ўзимизни ўзимиз кўйган чекловлардан озод қиламиз. Бизнинг Баҳой ўртоқларимиз билан бўладиган суҳбатларимизнинг энг самаралиси, бу таблиғнинг муваффақиятига нималар ҳисса қўшиши ҳақидаги фикрлар билан бўлишиб, тажриба алмашиб, таҳлил қилганимизда содир бўлади. Ҳар биримиз шунга рағбатлантирилганмиз:

“вақти-вақти билан ўз атрофида Ўтиқодни ўргатишнинг самарали усуллари устида мулоҳаза юритинг ... Иймон марҳаматига нойил бўлган руҳлар, ҳар қандай жой ва лаҳзада, тинглашга лаёқатли қулоқни излаб, суҳбатлар қуриш орқали ушбу инъомни қариндошлари, дўстлари, синфдошлари ва ҳамкасблари билан баҳам кўришдек табиий истакка эга. Шароит ва муҳитнинг турли-туманлиги турли ёндошувларга йўл очиб беради, бинобарин, дўстлар қайда бўлмасин, ўз шарт-шароитларига мос келадиган энг самарали усуллари ўрганиш билан машғул бўлишлари керак.”²²

Қуйида келтирилган вазиятларни ўқинг. Агар сиз Ўтиқодни ўргатишдаги барча саъй-ҳаракатларни ўрганиш имконияти сифатида кўришга қарор қилсангиз, унда ушбу вазиятларда қандай йўл тутган бўлардингиз?

1. Ўтиқодни муҳокама қилиш учун уйингизда ҳафталик учрашувлар ўтказишга қарор қилдингиз. Сиз турли вазиятларда қизиқиш билдирган ўнга яқин одамни таклиф қиласиз. Ҳар бир учрашув учун сиз бирон бир мавзунини танлайсиз ва шу ҳақда қисқача маъруза тайёрлаб, уни сўзлайсиз, шундан сўнг, ҳозир бўлганларга ўз саволларини беришларини таклиф қиласиз. Кейин сиз самимий мулоқот

қилиш ва қўшиқ куйлаш имкониятини тақдим этасиз. Бир неча ҳафта ўтгач, фақат икки киши келади. Сиз шундай қарорга келасиз:

_____ Учрашувларни янада кизиқарлироқ ва норасмийроқ қилиш керак.

_____ Сиз ҳафталик учрашувларни Эътиқодни ўргатиш режангиздан олиб ташлашингиз керак; ахир бу унчалик яхши фикр эмас эди.

_____ Сиз кейинги бир неча учрашувларда бошқа форматни синаб кўришингиз керак, эҳтимол меҳмонларингизга Муқаддас Калом билан танишиш имконини яратиб, улар билан маълум бир мавзу бўйича бир нечта иқтибосларни ўрганасиз, кейин эса бу тажрибани давом эттирасиз.

_____ Сиз келмаётган барча одамлар билан боғланишингиз ва улар нима учун учрашувларга келмай қўйганини сўрашингиз керак.

2. Сиз Эътиқод ҳақида ўрганаётганингизда, сизни энг кўп ҳайратга солган бир нечта тамойиллар бор эди, шунинг учун энди сиз одамларга Таълимотни ўргатишнинг энг яхши усули бу худди шу тамойилларни уларга тақдим этишдир, деб ўйлайсиз. Аммо, умуман олганда, суҳбатдошларингиз сиз билдирган фикрларга унчалик қизиқмаётганини сезаяпсиз. Сиз шундай қарорга келасиз:

_____ Тамойилларни тақдим этишда сизга кўпроқ амалиёт керак.

_____ Сиз ўзингизга ўхшаган одамларни қидириб топиб, фақат уларга Таблиғ қилишингиз керак.

_____ Сиз туғма муаллим эмассиз ва Эътиқодга бошқа йўл билан хизмат қилишингиз керак.

_____ Келажакда сиз билан учрашаётган одамларнинг онгини банд қилувчи муаммоларни тушунишга ҳаракат қилишингиз ва улар билан курадиган суҳбатларингизга Эътиқоднинг тегишли тамойилларини киритишингиз керак.

3. Сиз ўз саъй-ҳаракатларини маълум бир аҳолига қаратишга ва Баҳоуллоҳнинг хушхабарини улар билан баҳам кўришга қарор қилган команданинг аъзосисиз. Бироз вақт ўтгач, улар берган саволларга кўра, уларнинг барчаси Оллоҳ ҳақидаги кенг тарқалган фикр юзасидан қийинчиликларга дуч келишганини пайқадингиз. Команда шундай қарор қилади:

_____ Бу мавзу ҳақида гапирмаслик яхшироқдир. Агар одамлар буни муҳокамаларингизда келтирса, сиз тезда бошқа мавзуга ўтасиз.

_____ Оллоҳ концепциясига нисбатан тушунмовчилиги бор одамлар Эътиқодни қабул қилмайди, шу сабаб, уларга таълимотни ўргатиш учун вақт сарфламаслик керак.

_____ Тажрибалироқ одамдан сизга ҳамроҳ бўлишини ва сиз ташриф буюрган хонадон аъзоларига Оллоҳнинг мавжудлиги ҳақида сўзлаб беришини

сўрайсиз. Агар бу иш бермаса, сиз уларни тарк этасиз ва бошқа безовта қилмайсиз.

Муқаддас Битиклардан баъзи тегишли парчаларни ўрганиб чиққандан сўнг, командангиз биргаликда сиз ташриф буюрганларга Баҳоуллоҳ Оллоҳ ҳақида қандай тушунча берганини тушунишларига ёрдам бериш учун қисқа баёнот тайёрлайди. Сиз уларнинг фикрини тинглайсиз, натижалар ҳақида мулоҳаза юритасиз, қўйилган саволларга жавоб топиш учун битикларга қайтасиз ва команданинг тажрибадан олган ички ёришувлари, ҳамда биргаликда ўрганган парчалари асосида баёнотни ўзгартирасиз. Ушбу саъй-ҳаракатларингиз қониқарли натижалар келтиргунга қадар буни давом эттирасиз.

4. Сиз маҳаллада бир неча энг самарали Таълимотни ўргатиш кампанияларида қатнашган команданинг аъзосисиз. Кўп сонли оилалар Амрни қабул қилишди. Улар учун Ўтиқод ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш қанчалик муҳимлигини билган ҳолда, сизнинг командангиз уларнинг аксарият уйларига мунтазам ташриф буюриб, 2-Китобнинг учинчи бўлимида келтирилган мавзуларни хонадон аъзолари билан муҳокама қилди. Команда энди қандай қилиб уларнинг Ўтиқодга бўлган садоқатини оширадиган ва Баҳоуллоҳнинг таълимотини бошқалар билан баҳам кўришларига имкон берадиган тарзда фаолият олиб бориш кераклиги ҳақида ўйламоқда. Команда шундай қарор қилади:

Сиз биргаликда кенг доирадаги мавзулар бўйича ўттизта суҳбатдан иборат рўйхатни тайёрлайсиз ва танлаган барча мавзуларингизни ёритганингизга ишонч ҳосил қилиш учун, рўйхатингизга содиқлик билан амал қилган ҳолда ҳар ташрифингизда янги мавзунини тақдим этасиз.

Сиз ҳар бир оилага Ўтиқод ҳақида кичик китобча/буклет берасиз ва ташрифларингиз орасида маълум миқдордаги саҳифаларни ўқишларини сўрайсиз. Шу тариқа, ташрифларингиз давомида сиз уларда мавжуд бўлган ҳар қандай саволларини муҳокама қиласиз.

Сиз ҳар қандай ёндашувдан фойдаланиш жуда узоқ давом этишидан хавотирдасиз. Шу сабаб, хонадонларга бирма-бир ташриф буюришни давом эттириш ўрнига, сиз уларни Ўтиқодни муҳокама қилиш учун бировнинг уйига ҳафталик учрашувга таклиф қиласиз. “Кўпроқ ўрганишга чиндан ҳам қизиққанлар келишади”, деб бир-бирингизга айтасиз.

Сиз улар кўпроқ ўрганишни хоҳлайдиган Ўтиқод билан боғлиқ битта асосий мавзу ҳақида фикр юритиб, битиклардан бу мавзу бўйича тегишли парчаларни топасиз. Кейин сиз танлаган парчаларингизни баҳам кўриш ва улар билан ғояларни муҳокама қилиш учун оилалардан бирига ташриф буюрасиз. Шундан сўнг сиз учрашув натижалари ҳақида фикр юритасиз, ёзувларга қайтасиз, керак бўлганда парчалар танловини ўзгартирасиз ва бошқа оилага ташриф буюрганингизда қайта кўриб чиқилган танловдан фойдаланасиз. Айти пайтда, биринчи оилага ташриф буюрганингизда билдирилган мулоҳазаларга асосланиб, сиз

иккинчи ташрифингизда улар билан биргаликда ўрганиш учун бошқа ғоялар ва парчалар тўпламини танлайсиз. Сиз бир қатор мавзуларни ўз ичига олган мунтазам ташрифлар намунасини ишлаб чиқмагунингизча, шу тарзда давом этасиз. Шу билан бирга, сиз ва сиз ташриф буюрган оилалар ушбу мавзуларни уларнинг қўшнилари, қариндошлари ва дўстлари билан қандай муҳокама қилишингиз мумкинлигини тадқиқ этасиз.

13-БЎЛИМ

Олдинги бўлимдаги машқлар, бизга шахсий таблиғ ёхуд жамоавий саъй-ҳаракатларда иштирок этар эканмиз, бажарган амалларимиз ва уларнинг натижаси устида фикр юритганимизда муҳим саволлар туғилишини кўришга ёрдам берди. Биз бундай ўрганувчанлик ҳолатини қабул қилар эканмиз, қайта-қайта пайдо бўладиган саволлар тўпламидан бири, бу бизнинг таблиғга нисбатан қандай ёндашувимиз ва ушбу муқаддас амални бажараётганда қандай муносабатни сақлашимиз билан боғлиқдир. Биз ўта жасур бўлишимиз керакми? Эҳтиёткор ва консерватив бўлишимиз керакми? Ҳар бир учратган одамимизга Баҳоуллоҳнинг хушхабарини дарҳол етказишимиз керакми ёки буни одамни саралаб амалга оширишимиз керакми? Ўзбекистон ҳақида инсоният учун бугунги кун дини сифатида тўғридан-тўғри гапиришимиз керакми ёки суҳбатларимизни одамлар учун осонлик билан қабул қилинадиган тамойилларни умумий муҳокама қилиш билан чеклашимиз керакми? Таълимотдаги тингловчимиз учун қабул қилиш қийин бўладиган қирраларни била туриб дарҳол айтишимиз керакми ёки яхшиси бундай мавзуларни кейинроққа, у Ўзбекистонни қабул қилганидан кейинга қолдиришимиз керакми? Ишонтирар даражада бўлиш учун биз ўз тақдиримизни кучли ва таъсирчан қилишимиз керакми ёки иложи борица камроқ иштиёқ билан сўзлашимиз керакми?

Қуйидаги парчада, Муҳофиз бизга бу борада қимматли маслаҳатлар беради. Баъзи сўзлар сизга нотаниш бўлиши мумкин, шунинг учун иқтибосни ўрганишдан олдин қуйидаги изоҳлар рўйхатини қараб чиқинг:

Провокацион:	ғазаб ёки кучли келишмовчилик сабабчиси
Суст:	бўш, лаёқатсиз, инерт
Мутаассиб:	ҳаддан ташқари ёки ноўрин ғайрат
Ортиқча:	одатий чегарадан ташқарида
Либерал:	кенг фикрли, қоидалар ва анъаналар билан чекланмаган
Изоҳламоқ:	маъно ёки мақсадни тушунтириш; мавзу тақдироти
Эҳтиёткор:	узокни ўйлаб иш тутиш
Мурса:	тинчлантириб, яраштирмақ
Дунёвий:	Рухонийларга мансуб бўлмаган киши
Кибрли бўлмоқ:	ҳурматсизлик ёки менсимасликни кўрсатиш
Камситмоқ:	камайтириш
Тақдирот:	қабул қилиш учун тақдир этиш; тақдир қилмоқ
Қатъий:	таслим бўлмас, собит

Энди Муҳофиз битган иқтибосни ўқинг:

“Улар ўз Ўтиқодининг асосий ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришда на провокацион, на суёт, на мутаассиб, на ортиқча либерал бўлишлари керак. Улар ўзлари алоқа ўрнатган қалбнинг руҳий қабул қилувчанлиги билан қатъий мутаносибликда, хоҳ у зодагон ёки авом, хоҳ жанублик ёки шимоллик, хоҳ дунёвий ёки руҳоний, хоҳ капиталист ёки социалист, хоҳ давлат арбоби ёки шахзода, хоҳ хунарманд ёки гадо бўлишидан қатъи назар, эҳтиёткор ёки жасур бўлишлари керак, тезкорлик билан ҳаракат қилишлари ёки вақт кутишлари керак, бевосита ёки билвосита услубни ишлатишлари керак, чорлов ташлашлари ёки мурсага келтиришлари керак. Улар Баҳоуллоҳнинг Хабарини тақдим этишда, на иккиланишлари ва на кечиктиришлари лозим. Йўқсиллар олдида улар на назар баландлик, улуғлар олдида эса, на хижолат тортишлари керак. Унинг ҳақиқатларини тушунтиришда, улар ҳаддан ташқари бўрттирмасликлари ёки уларнинг аҳамиятини камситмасликлари керак, магар тингловчилари хоҳ шоҳона оиланинг аъзоси ёки черковнинг бош роҳиби, ёки сиёсатчи, ёки савдогар, ёки оддий кўча одами бўлмасин. Бундайин ўта критик дамда, ҳаммага бирдек, – баланду пастга, бою камбағалга, – очиқ қўл, нурафшон юрак, чечан тил, чексиз сабр-матонат, сотилмас садоқат, буюк донолик ва букилмас жасорат ила Нажот Қадахини узатишлари керак . . .”²³

1. Шавқий Эффеңди бизга айтадиларки, Ўтиқоднинг асосий ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришда биз на _____, на _____, на _____, на _____ бўлишимиз керак.
2. Ўтиқоднинг асосий ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришда биз _____ ёки _____ бўлмаслигимиз керак.
3. Биз _____ ёки _____ бўлишимиз, тез ҳаракат қилишимиз ёки _____, _____ ёки _____ услубларни ишлатишимиз, _____ ёки _____ керак, - буларнинг барчаси биз алоқа ўрнатган қалбнинг руҳий _____ қатъиян ҳамжихатликда бўлиши керак.
4. Амрга ўргатар эканмиз, хоҳ у зодагон ёки _____, хоҳ _____ ёки шимолдан бўлсин, хоҳ оддий одам ёки _____, хоҳ капиталист ёки _____, хоҳ давлат арбоби ёки _____, хоҳ хунарманд ёки _____ бўлсин, биз алоқа ўрнатган қалбнинг _____ қатъиян _____ бўлиши керак.

5. Ўзбекистонни ўргатар эканмиз, биз _____ ёки _____
_____ керак.
6. Биз камбағаллар олдида _____, улуғлар
олдида эса _____ бўлмаслигимиз керак.
7. Биз қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистоннинг мақомига изоҳ беришда,
тингловчимиз хоҳ _____ ёки _____
_____, хоҳ у _____
_____ ёки _____
ҳаддан ташқари _____ ёки _____
_____ ҳақиқатнинг _____ керак.
8. Ҳаммага бирдек – _____,
юрак, _____, _____ сабр-матонат, _____ садоқат,
_____ донолик ва _____ жасорат билан, биз
бундай мушкул даврда Ҳаёт Қадаҳини _____.

14-БЎЛИМ

Келинг, юқоридаги иқтибосни янада батафсилроқ ўрганиб, унинг баъзи амалий тадбиғини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

1. Иқтибосда айтилишича, биз Амрни ўргатаётганда провокацион бўлмаслигимиз керак. Қуйида турли хил ҳолатлар келтирилган. Улардан провокацион бўлганларини “П”харфи билан белгиланг.

_____ Бошқа ўзбекистондаги тақводор иймонли одамга инсоният янги Мазҳарга муҳтожлигини кўрсатиш учун сиз тақдиротингизни унинг ўзбекиборини унинг динида нотўғри бўлган барча нарсаларга қаратишдан бошлайсиз.

_____ Сиз бошқа ўзбекистонда иймон келтирган мўминга Оллоҳнинг Мазҳарлари қуёш нурини акс эттирувчи кўзгуларга ўхшашлигини тушунтирасиз. Улар Оллоҳнинг сифатларини акс эттиради ва Унинг илоҳий хусусиятларини очиқ беради. Кўзгулар ҳар хил бўлса-да, Уларнинг барчаси битта Қуёш нурини акс эттиради. Шу тариқа, сиз унга аста-секинлик билан Баҳоуллоҳни тан олиш Ундан олдин келган Мазҳарларни рад этишни англатмаслигини тушунишига ёрдам берасиз.

_____ Сиз Оллоҳга иймони борлигига иккиланаётган бир кишига Таълимотни ўргатаясиз. Сиз суҳбатингизни, Баҳоуллоҳ Оллоҳнинг энг олий Мазҳари эканлигини айтишдан бошлайсиз.

_____ Сизнинг уйингизда кичик бир гуруҳ йиғилди. Ҳозирча ҳозир бўлганларнинг аксарияти Ўзбекистонда жиддий қизиқиш билдирмаган ва

сиз уларга Таълимотни уларнинг эътиборини тортадиган тарзда тақдим этишга умид қияпсиз. Муҳокамаларингиз давомида сиз келажакда ҳамма Баҳой бўлишини қатъий таъкидлайсиз.

_____ Ҳаётнинг барча қулайликлари-ю моддий нарсаларига эга бўлган одамга тақдимотингизни бойлик инсон ва Оллоҳ ўртасидаги парда деб бошлайсиз.

_____ Сиз Эътиқодни ўрганишга чин дилдан қизиққан руҳонийни учратасиз ва у сиздан унга Баҳоуллоҳнинг баъзи тамойилларини айтиб беришингизни сўрайди. Сиз унга айтаётган биринчи нарса шуки, бу асрда Оллоҳ руҳонийликни бекор қилди.

2. Эътиқодни тарғиб қилишда биз сушт бўлмаслигимиз керак. Қуйидаги вазиятларнинг қайси бирида сиз ўзингизни ўта сушт тутгансиз? Уларни “С” ҳарфи билан белгиланг.

_____ Бир киши сиздан Баҳой Эътиқодининг ўзига хос хусусияти нимада эканлигини сўрайди. Сизнинг жавобингиз: “Баҳой Эътиқоди бошқа барча динлар кабидир. Унинг моҳияти меҳрибон бўлиш ва бир-бирини севишдир.”

_____ Сизнинг бошқаларга Таълимотни ўргатиш усулингиз бу, Эътиқод ўзида ҳамма қабул қилиши мумкин бўлган олижаноб тамойиллардан иборат эканлигини кўрсатишдир. Масалан, сиз “Тинчлик ўрнатилиши ҳақидаги тамойил - бунга кимдир эътироз билдирадими?” деб айтасиз. Улар шу тарзда Эътиқодга жалб қилингандан сўнг, сиз уларни ўз ҳолига ташлаб қўясиз, баъзан уларга агар хоҳласалар, ўқиш учун китобингиз борлигини айтасиз. Сиз одатда бундан нарисига ўтмайсиз.

_____ Эътиқодни қабул қилишга тайёр бўлган одам сиздан молия ва хайр-эҳсон ҳақида сўрайди. Сиз унга шундай жавоб берасиз: “Албатта, ҳар бир ишда бирор нарса қилиш учун пул керак. Лекин сиз, агар буни ўзингиз хоҳласангизгина хайр-эҳсон қилишингиз мумкин бўлади.”

_____ Эътиқодни қабул қилишга тайёр бўлган одам сиздан молия ва хайр-эҳсон ҳақида сўрайди. Сиз Эътиқод Жамғармасига хайр-эҳсон қилиш ҳар бир мўминнинг муқаддас бурчи эканлигини айтиб, хайр-эҳсоннинг руҳий аҳамияти – бу юксакроқ манфаат учун пастроқ манфаатдан воз кечишни англатишини тушунтирасиз. “Жамғармага хайр-эҳсон қилиш фаровон дунёни қуришдаги ишимизнинг таркибий қисми” - деб унга айтасиз.”

_____ Бир неча вақтдан бери Эътиқодни ўрганаётган дўстингиз сиздан унга Абдий Аҳд концепциясини тушунтиришингизни сўрайди. Сиз унга, аслида бу жуда оддий, деб айтасиз: “Оллоҳ ва инсон ўртасида битим мавжуд – У вақти-вақти билан Ўз Мазҳарларини юборади, биз эса Уларни тан олиб, Уларнинг амрларига риоя қилиш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз.”

- _____ Бир неча вақтдан бери Ўтиқодни ўрганаётган дўстингиз сиздан унга Абадий Аҳд концепциясини тушунтиришингизни сўрайди. Оллоҳ инсониятни бизга бўлган муҳаббатидан яратиб, бизни ҳеч қачон ёлғиз ташлаб қўймасликка, балки Ўз Иродасини ва мақсадини вақти-вақти билан Ўз Мазҳарлари орқали бизга зоҳир қилишга ваъда берганини қисқача тушунтирасиз; биз, ўз навбатида, бугунги Кун учун юборилган Мазҳарни тан олишга ва Унинг таълимотига амал қилишга ваъда берамиз.
3. Амрни ўргатар эканмиз, ўзимизни мутаассибона тутмаслигимиз керак. Қуйида бир неча вазиятлар келтирилган. Тақдимотингиз мутаассиб бўлганларининг олдига “М” ҳарфини қўйинг.
- _____ Ўтиқодни ўрганаётган одам сиздан баҳойий бўлиш нимани англатади деб сўраяпти. “Бу осон иш эмас. Ўтиқод учун ҳамма нарсадан воз кечишингиз керак. Бу ерда ёки ҳамма нарса, ёки ҳеч нарса” деб жавоб берасиз.
- _____ Сиз уйингизга биринчи марта Ўтиқод ҳақида билиш учун келган одамлар билан учрашувни қўл ушлашиб “Аллоҳу-Абҳо” деб қўйлашларини сўрашдан бошлайсиз.
- _____ Бошқа Ўтиқодга содиқ бўлган бир аёлга тарғиб қилаётганда, унинг Ўтиқодининг вақти ўтди ва ўтмишда қолиб кетди. У ўз Ўтиқодидан воз кечиши керак. “Бугунги Кун Мазҳари Баҳоуллоҳдир, сиз ўтмишни унутишингиз керак”, - дейсиз унга.
- _____ Сиз бир кишига Баҳойий Ўтиқоди ҳақида сўзлаяпсиз. У сиз айтган фикрлардан бири билан рози эмас. Унга ўз динининг Муқаддас Битикларидан унинг нотўғри фикрларига далил кўрсатаман, деб у билан баҳслаша бошлайсиз.
- _____ Сиз бир кишига Баҳойий Ўтиқоди ҳақида сўзлаяпсиз. У сиз айтган фикрлардан бири билан рози эмас. Унинг бу масала юзасидан ҳаяжонланаётганини кўрасиз. Кўриш мумкинки, у бу мавзуга катта иштиёқ билан қарайди. Сиз унинг хавотирларини кўриб, шундай дейсиз: “Агар хоҳласангиз, бошқа куни бу масалани муҳокама қилишимиз мумкин. Аммо сиз ва мен рози бўладиган жуда кўп фикрлар мавжуд. Келинг, бугун шу мавзуларни биргаликда ўрганамиз.”
- _____ Сиз бир дўстингизга Ўтиқод қонунларини тушунтиряпсиз. “Оллоҳнинг қонунларига бўйсуниб диннинг моҳиятидир. Бугунги кунда дунёнинг бундай даҳшатли аҳволда бўлишининг сабаби одамлар Баҳоуллоҳнинг қонунларига риоя этмасликларидадир. Кимки Унинг қонунига амал қилмаса, у кейинги оламда ҳукм қилинади”, деб айтасиз.
- _____ Сиз дўстингизга Ўтиқод қонунларини тушунтиряпсиз. “Баҳоуллоҳ бизга айтадиларки, Ул Зотнинг амрлари Ул Зотнинг севимли башоратининг Чирокларидир. Унинг қонунлари йўлимизни ёритиб, бизни ҳақиқий бахтга олиб боради. Шунга қарамасдан, биз комил

эмасмиз ва тез-тез хато қиламиз. Аммо биз Баҳоуллоҳни тан олиб, Ул Зотга юз тутиб, дуо қилсак, Ул Зотнинг Ўзлари заифликдан озод бўлишимиз ва барча қонунларга риоя этишимизга куч беради.”

4. Биз Ўтиқодни ўргатганимизда, ҳаддан ташқари либерал бўлмаслигимиз керак. Қуйидаги вазиятлардан қайси бири ўта либералсиз, уларни “Л” ҳарфи билан белгиланг.

_____ Ўтиқодни ўрганувчи одам сиздан Баҳоийлар жамоасида бирор бошлик борми деб сўраяпти. Сиз шундай деб жавоб бераяпсиз: “Баҳоий Ўтиқодида Оллоҳ билан биз ўртамызда Руҳонийлар ва муллолар йўқ. Инсофимиз қандай буюрса, шундай яшаймиз. Ҳеч ким бизга нима қилишни буюрмайди.”

_____ Ўтиқодни ўрганувчи одам сиздан Баҳоийлар жамоасида бирор бир раҳбар борми деб сўраяпти. Сиз шундай деб тушунтиряпсиз: “Жамоа ўз ишларини миллий ва маҳаллий даражадаги Миллий ва Маҳаллий Руҳий Мажлислари деб аталувчи кенгашларни ўз ичига олган жаҳон маъмурий тизими орқали олиб боради. Бу кенгашлар номзодлар кўрсатилмаган ва ташвиқотсиз муқаддас ибодат муҳитида сайланади. Шунингдек, ушбу Мажлислар ва ўз баҳоий биродарларини илҳомлантириш ва рағбатлантириш учун маслаҳатчи сифатида тайинланган бир гуруҳ машҳур шахслар ҳам мавжуд. Бу муассасаларнинг ҳаммаси Ўтиқоднинг олий органи, Умумжаҳон Адолат Уйининг қўл остидадир.”

_____ Сиз Ўтиқодни ўргатаётган киши сиздан одамлар Баҳоий маъмуриятига қандай муносабатда бўлишлари кераклигини сўрайди. Сиз шундай деб жавоб берасиз: “Сиз, албатта, Баҳоий Ўтиқоди қандайдир бошқарув схемасига эга бўлиши кераклигини биласиз, бинобарин, бизда ҳар бири тўққиз аъзодан иборат бўлган Руҳий Мажлислар бор. Бу сайланган муассасалар Ўтиқод ишларини маҳаллий ва миллий даражада бошқаради, лекин сиз уларга фақат виждонингиз буюрганидек итоат қилишингиз керак.”

_____ Сиз, ҳамма нарса унга ёкишени, фақат баҳоийлар реинкарнацияга (қайта туғилишга) ишонмасликлари ёқмаслигини айтаётган бир одамга Ўтиқодни ўргатаяпсиз. Сиз шундай жавоб берасиз: “Бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, чунки Баҳоийлар хилма-хилликдаги бирдамликка ишонадилар. Бу, нуктаи назарларнинг хилма-хиллигини ҳам билдиради.”

_____ Бир одам баҳоийлар Ўтиқодни қандай тарғиб қилишади деб сўраяпти. Сиз шунчаки, “Баҳоийлар прозелитизм билан шуғулланмайди. Биз фақат Ўтиқод билан яшашга ҳаракат қиламиз, одамлар бизга савол беришганда эса, уларга Ўтиқод ҳақида сўзлаб берамиз”, дейсиз.”

_____ Ўтиқод ҳақида ўқиган ва унга қизиқиш билдирган бир инсон сиздан Баҳоийлар жамоасига қўшилганлардан нима талаб қилинишини тушунтиришингизни сўраяпти. Сиз унга, “Дин бу сизнинг шахсий ишингиз. Бу ҳаёт тарзи. Бу сизнинг юрагингизда ҳис қилишингиз

мумкин бўлган нарсадир. Баҳойй Эътиқодида, албатта, бир неча қонунлар бор, лекин сиз уларга фақат виждонингиз буюрганидек итоат қилишингиз керак”, дейсиз.

Эътиқод ҳақида ўқиган ва унга қизиқиш билдирган бир инсон сиздан Баҳоййлар жамоасига қўшилганлардан нима талаб қилинишини тушунтиришингизни сўраяпти. Сиз жавоб бераяпсиз: “Диннинг моҳияти Оллоҳни Унинг Мазҳари орқали билиш, Унинг муҳаббатида собит бўлиш ва Унинг таълимотига амал қилишдир. Бизнинг Оллоҳга бўлган муҳаббатимиз Унинг мавжудотига тааллуқлидир; биз инсониятни севамиз ва жамият фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб, Эътиқод олдидаги бурчимизни бажарамиз.”

Сиз бир неча дўстларингиз билан болалар таълим-тарбияси мавзусида гаплашяпсиз. Сиз шундай дейсиз: “Баҳойй Эътиқоди ўргатадики, болалар дастлаб яхши бўлиб туғилишади, агар сиз уларни севиб, Оллоҳ уларга ато этганини ривожлантиришга ёрдам берсангиз, улар олижаноб инсон бўлиб улғайишади.”

Сиз бир неча дўстларингиз билан болалар таълим-тарбияси мавзусида гаплашяпсиз. Сиз шундай дейсиз: “Баҳойй Эътиқоди бизга шуни таъкидлайдики, болалар яхши бўлиш қобилиятига эга, лекин улар жиловланиши керак бўлган мойилликларга ҳам эга. Улар тўғри йўлдан боришлари ва ҳар бирига берилган улкан салоҳиятни ривожлантиришлари учун таълимга муҳтождирлар.”

5. Қуйидаги жавоблардан қайси бири ҳар бир вазиятда энг мос келишини аниқлаб, Эътиқодни қандай ўргатиш кераклигини тушунишга ҳаракат қилинг. Ҳар бир ҳолатга бир неча жавоб мос келиши мумкин.

- | | |
|------------------------|-------------------------------|
| a. Эҳтиёткор бўлмоқ | e. Бевосита услубни қўлламоқ |
| b. Жасоратли бўлмоқ | f. Билвосита услубни қўлламоқ |
| c. Тезкорлик кўрсатмоқ | g. Чорлов ташламоқ |
| d. Вақт кутмоқ | h. Муросага келтирмоқ |

Бир аёл Баҳойй Марказига ўта ҳаяжонланган ҳолатда келади. Унинг айтишича, у интернетда Эътиқод ҳақида бироз ўқиган ва Баҳоуллоҳ ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайди. У Оллоҳ инсониятни ҳеч қачон тарқ этмаслигини ва У бизга яна бир Мазҳар юборишини қалбида чуқур ҳис қилганини тушунтиради.

Сиз оилангиз билан ҳеч кимни танимайдиган қишлоққа кўчиб келдингиз. Бир куни, сиз кўчиб келганингиздан кўп ўтмай, қўшингиз сиз билан саломлашиб, ўзини таништириш учун уйингизга келади. Сухбат давомида у, барча қишлоқ аҳолиси ўз динида мустаҳкам бирлашганлигини ва уларга ҳар хил “бошқа” дин вакиллари келиб, уларни бўлинишга уринишини ёқтирмаслигини аниқ таъкидлайди.

_____ Сиз оилангиз билан ҳеч кимни танимайдиган қишлоққа кўчиб келдингиз. Бир куни, сиз кўчиб келганингиздан кўп ўтмай, кўшинингиз сиз билан саломлашиб, ўзини таништириш учун уйингизга келади. У стол устидаги Баҳойй адабиётларини кўриб, сиздан: “Баҳойй дини нима?” деб сўрайди.

_____ Сиз тинчликни илгари суришдан манфаатдор одамлар ташкилотига кўшилдингиз. Учрашувларда сиз билдираётган ғояларга алоҳида эътибор қаратган шахслардан бири жамиятда мазмунли ўзгаришларга эришишнинг ягона йўли партиявий сиёсий ҳаракатлардир, деб қатъий ишонади. У ташкилот ҳар сафар учрашганда сиз билан гаплашишни мақсад қилиб қўяди.

_____ Ҳамкасбларингиздан бири сизга бир неча бор Оллоҳга ишонмаслигини айтган эди. Аммо, уни ижтимоий масалалар, мисол учун, эркалар ва аёлларнинг тенглиги ва умумбашарий таълимга бўлган эҳтиёжга оид кўплаб фикрларингиз ўзига жалб қилар эди.

_____ Худуддаги бир қанча бошлиқлар иштирок этаётган қишлоғингиздаги учрашувда, сиз болалар таълим-тарбияси борасида бир қанча фикрларни илгари сурдингиз. Кейинчалик, қишлоқ бошлиқларидан бири сиз билан гаплашиш учун ёнингизга келади. У сизнинг Баҳойй эканлигингизни билишини ва сиз берган кўплаб таклифларни ёктиришини айтади. У Ўтиқод ҳақида кўпроқ билиш истагини билдиради.

_____ Эндигина Баҳойй бўлган аёллардан бири сизни оиласи билан учрашиш учун уйига олиб боради. Улар унинг Баҳойй бўлишига қарши бўлиб, уни Ўтиқодни тарқ этишга мажбурлашмоқда.

_____ Эндигина Баҳойй бўлган аёллардан бири сизни оиласи билан учрашиш учун уйига олиб боради. У сизга, улар Ўтиқод ҳақида чуқур таассуротда эканликлари ва бу ҳақда кўпроқ эшитишни сабрсизлик билан кутишларини айтади.

6. Қандай муносабатлар мавжуд бўлиши мумкинлиги ва қандай руҳий сифатлар етишмаслиги ҳақида ўйлашга ҳаракат қилиб, мазкур вазиятга мисоллар келтиринг:

– йўқсилларга назар баландлик билан қараш (назарга илмаслик): _____

– буюклар олдида хижолат тортиш: _____

7. Эътиқод ҳақиқатларини баён қилишдаги мазкур вазиятга мисол келтиринг:

– ҳақиқатни ҳаддан ташқари бўрттирмоқ: _____

– ҳақиқатнинг аҳамиятини пасайтирмоқ: _____

15-БЎЛИМ

Муҳофизнинг қуйидаги йўл-йўриқлари, ҳар қандай ҳолатда бўлгани каби, биз муайян вазият учун энг мос Таълимотни ўргатиш усулини танлашда, Абдул-Баҳога тақлид қилишимиз кераклигини эслатади:

“Келинг, севимли Устозимиз бизга аниқ кўрсатган ўрнакни ҳам ёдда тутайлик. Ўз ёндашувида доно ва фаросатли, илк мулоқотида хушёр ва диққатли, Ўзининг барча оммавий чиқишларида кенг қамровли ва эркин, Амрнинг муҳим ҳақиқатларини эҳтиёткорлик ва аста-секинлик билан очиб берадиган, Ўз даъватида эҳтиросли ва айни пайтда, мунозарада оқил, оҳангида инончли ва иймонида собит, Ўз такаллуфида обрўйли - Баҳоуллоҳнинг Амрини олижаноб тарзда тақдим этишда Маҳбубимизнинг ўзига хос хусусиятлари ана шундай эди.”²⁴

1. Абдул-Баҳодан ўрнак олишга ҳаракат қилар эканмиз, Таълимотни ўргатишдаги ёндашувингизда қандай бўлишга интиласиз? _____

2. Бирор киши билан биринчи марта учрашганингизда қандай бўлишга ҳаракат қиласиз? _____

3. Жамият олдида Эътиқод ҳақида гапирадиган сўзларингиз қандай характерланади? _____

4. Амрнинг ҳақиқатларини одамлар эътиборига қандай етказасиз? _____

5. Сиз қандай бўлишга интиласиз

– даъватларингизда? _____

- аргументингизда? _____
- оҳангингизда? _____
- эътиқодингизда? _____
- одобингизда? _____

Энди юқоридаги иқтибосни ёдланг.

16-БЎЛИМ

Биз китобнинг ушбу бобини, “бўлмоқ” ва “бажармоқ” – руҳий ҳаётнинг бир-бирини тўлдирувчи ва ажралмас икки жиҳати эканлигини эслаш билан бошладик. Кейинги бир неча бўлимларни эса, Эътиқодни ўргатиш фаолиятига мунтазам ва тизимли равишда киришар эканмиз, барчамиз ривожлантиришга интилишимиз керак бўлган баъзи руҳий сифатларни ўрганишга бағишладик. Мутавозеълик ҳақидаги муҳокамамиз бизни ўрганувчанликка бўлган муносабатимизни кўриб чиқишга олиб келди. Кейин биз бошқа муносабатлар Эътиқодни ўргатиш услубига қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги ички ёришувларга эга бўлдик. Келинг, яна бир одим илдам ташлаб, биз Таълимотни ўргатаётган кишиларимиз билан ўзаро муносабатларимиз моҳиятини ўрганайлик. Бу муносабатлар қандай бўлиши керак? Муқаддас Битиклар бизга бу ҳақда нима дейди?

Фикрга келадиган эҳтимолли биринчи концепция – ўртоқлик. Шахсий таблиғ режаси контекстида одамлар билан ўртоқлик ришталарини ўрнатиш қобилияти жуда муҳимлиги ойдиндир. Худди шу қобилият, жамоавий кампанияларда иштирок этишимизда ҳам ўта муҳимдир, масалан, хизмат қобилиятини ошириш воситаси сифатида ёшларни институт курсларини ўқишга таклиф қилганимизда, болаларнинг руҳий таълими бўйича янги синфлар ташкил этганимизда, ҳамда ўсмирларнинг руҳий кучини озод этиш гуруҳларини шакллантирганимизда, хонадонларга ташриф буюрганимизда, маҳалла ва қишлоқларимиздаги Эътиқодни эндигина қабул қилганларнинг уйларига бориб, улар билан турли мавзуларни ўрганганимизда ва Баҳоуллоҳнинг хушхабарини қабул қилишга очиқ аҳоли ўртасида Таълимотни тўғридан-тўғри ўргатиш ишлари билан шуғулланаётганимизда ҳам ўта муҳимдир. Барча шунга ўхшаш ҳолатларда бизнинг илиқ муносабатлар ўрнатиш қобилиятимиз, - биз учрашадиган одамлар билан қандай муносабатда бўлишимиз, улар билан қандай мулоқот қилишимиз ва уларнинг қалбига таъсир қила олишимизни белгилайди.

Ўзимиздан сўрашимиз лозим бўлган савол: қандай қилиб биз ушбу муҳим маҳоратни ўзимизда ривожлантирмоқдамиз? Табиийки, бизнинг темпераментларимиз ҳар хил. Баъзи бирларимиз тарбиямиз натижасидами ёки индивидуал мойиллигимиз туфайлими, тезда дўстлаша оламиз. Баъзилар, ҳатто бутунлай нотаниш одам билан суҳбатлашиб кетишлари мумкин. Бошқалар эса, уятчан ва бу улар учун катта қийинчилик туғдириши мумкин. Ваҳоланки, феъл-атворимизнинг қандай бўлишидан қатъи назар, биз онгли уринишлар орқали, одамлар билан дўстона муносабат ўрнатишни ўрганишимиз мумкинлигини англашимиз керак. Битикларда ушбу мавзу бўйича кўплаб қимматли маслаҳатлар мавжуд, қуйида улардан фақат бир нечтаси келтирилган.

Қўштирноққа олинган иборалар тўғридан-тўғри битикларнинг ўзидан олинган. Гояларни бир неча марта ўқиб чиқиб, уларни гуруҳингиз аъзолари билан муҳокама қилиш тавсия этилади.

Бизга “бегоналашув зулматини” йўқотиб, “барча одамларни дўст сифатида кўришимиз” кераклиги айtilган. Биздан “ҳар бир халқ билан ҳамжиҳатликда бўлиш” кутилмоқда. Биз нигоҳимизни “қадим жалол жаннати”га қаратишимиз ва ҳар бир мавжудотни “Оллоҳнинг аломати” деб билишимиз керак, зеро уларнинг “ҳар бири борлиқ соҳасига” Унинг инояти ва қудрати ила “қадам қўйган”.

Бизни, барчага нисбатан “энг юқори даражадаги меҳр-муҳаббат”ни кўрсатишга, “уларнинг қобилият даражаси”га эътибор бермасдан, “муҳаббатга лойиқ” ёки эмаслигини ҳеч сўроққа тутмасдан, “бегона-ю, дўст билан бирдек меҳру-муҳаббатда бўлишга”, чорлайдилар.

Агар кимдир бизни “масҳара қилиб, устимиздан кулса”, биз уни “муҳаббат ила кутиб олишимиз” керак. Агар у бизни “айбдор” қилса, биз уни “мақташимиз” керак. Агар у бизга “заҳри қотил” таклиф қилса, биз унга эвазига “энг сара бол” беришимиз керак. Агар у бизнинг ҳаётимизга “тахдид” қилса, биз “уни абадий даволайдиган дори” билан сийлашимиз керак. Агар у “оғриқнинг ўзгинаси” бўлса, биз унинг “дармони” бўлишимиз керак. Агар у “тиканларга” айланса, биз “атиргул ва гиёҳлар”га айланишимиз керак.

“Дунёдаги барча жамоа ва халқлар, ҳатто, душманлар ҳам бизга ишонч билдириш, таяниши ва умид боғлаши” учун биз улкан саъй-ҳаракат кўрсатмоққа чорландик. Гар бирон кимса “юз минг хато қилса ҳам”, унинг “кечирилишга умиди” қолсин, зеро “эзилган ва ғуссали” бўлиб қолмасин.

Биз “бир-биримизни кучли қўллаб-қувватлаб, абадий ҳаётга интилоғимиз” керак ва Оллоҳ томонидан “юборилган раҳм-шафқат ва марҳаматга айланиш”имиз керак.

Бизга ҳар бир кишига “меҳр ва дўстлик, ҳамдардлик ва хушмуомалалик” кўрсатиш айtilган, токи биз “ҳар бир чанқаганга тетиклантирувчи сув” ва “ҳар бир оч қолганга самовий нон”дек бўлайлик. Биз “бу дунёдан бўлмаган мулоимлик”ни кўрсатишимиз” керак. Биз “муҳаббат ва дўстликни само лаззатлари”, деб ўйлашимиз “адоват ва нафратни дўзах азоби” деб билишимиз керак.

Биз “бирон бир қалбга зарар етказишдан, бирон бир қалбни қайғуга солишдан” эҳтиёт бўлишимиз керак, гарчанд, у қанчалар қабих бўлиб, бизга “ёмонлик” тиласа-да, биз “ўзганинг ҳис-туйғуларини асло нописанд қилмаслигимиз” керак. Бизга “мавжудотларга” эмас, балки “уларнинг Яратувчиси”га юз тутиш насиҳат қилинган.

Биз “умумий манфаат” учун ўзимизни “фидо қилишга” ва “эртаю, кеч” “инсоният бахтини қайта тиклаш” учун тер тўкишга чақирилганмиз. Оллоҳ мавжудотларининг “кўз ёши” учун мотам тутишимиз ва Унинг бандаларининг

“мусибати” учун қайгуришимиз керак. Биз “олам осойишталигининг сабабчиси” бўлиш учун “ором ва қулайлик”дан “воз кечиш”имиз керак.

Бизга “етимларга меҳрибон ота, ночорларга паноҳгоҳ, камбағалларга хазина, беморларга шифо” бўлиш айтилган. Биз “ҳар қандай зулм қурбонига мадад ва камбағалларга ҳомий” бўлишимиз лозим. Биз “ҳар онда инсон наслининг ҳар бир аъзосига қандай хизмат қилиш” ҳақида ўйлашимиз керак.

Биз “инсонларнинг қалби ва онгини поклаш” учун “қўлимиздан келганини” қилишимиз ва “ҳар бир қалбни хурсанд қилиш”га ҳаракат қилишимиз керак. Биз “йўлимизда учратган ҳар бир кишига нисбатан бирор бир эзгулик қилишимиз” ва “унга фойдамиз тегиши” керак. Биз “ҳамманинг феълини яхшилашга ва инсоний онгга янги йўналиш беришга” ҳаракат қилишимиз керак. Бизнинг вазифамиз – одамларни Оллоҳга “чорлаш” ва инсониятни “Маълайи-Аълонинг намунасига амал қилишга таклиф қилишдир”.

Бизни, “яқин дўстлар даврасидан четлаштирилганларни” олиб келишга чорламоқдалар. Биз “мудроқларни уйғотишимиз”, “ғофилларнинг “хушёр” тортишига ёрдам беришимиз керак. “Дунё зулматида” биз “ёрқин аланга” бўлишимиз керак. “Нобудлик тупроқларида” биз “тириклик сувининг манбаи” ва “Оллоҳдан юборилган ҳидоят” бўлишимиз лозим.

Энди, сиз Абдул-Баҳо Битикларидан олинган қуйидаги парчани ёд олишингиз мумкин:

“Сизга келганда эса, эй Оллоҳнинг маҳбублари, Унинг Амрида қадамларингизни шундайин қатъият ила маҳкам босингки, дунёни титратган энг даҳшатли офатлар ҳам сизни силкитмасин. Ҳеч қандай вазият остида, ҳеч нарса сизни безовта қилмасин. Юксак тоғлардек мустаҳкам туринг; ҳаёт уфқи узра кўтарилган юлдузлар бўлинг; бирдамлик мажлисларида ёруғ чироқ бўлинг; дўстлар ҳузурида мутавозеъ ва сипо руҳ бўлинг, қалбан беғубор бўлинг. Дунёдан воз кечиб, ишончли ва мустаҳкам сопга ёпишиб, атрофга ҳаёт руҳини таратиб, нажот Кемасини бошқарган ҳидоят маёқлари-ю, художўйлик тимсоллари бўлинг. Саховатнинг кундузги чашмалари, мавжудлик сирларининг тонгги шафақлари, илҳом келиб чиқадиган манзиллар, ёғдулар сочиладиган нуқталар бўлинг, Муқаддас Рух қўллаб-қувватлайдиган Тангрига ошуфта, Ундан бошқа ҳамма нарсани инқитоъ этган, инсоний хусусиятлардан муқаддасланган, самовий фаришталарнинг фазилятлари ила зийнат топган қалблар бўлинг, токи ушбу янги замонда, ушбу ажойиб асрда барча неъматлар ичра энг олийсига мушарраф бўлинг.”²⁵

17-БЎЛИМ

Барча одамлар билан ўртоқлик руҳида муносабатда бўлар эканмиз, ҳамда Таълимотга мувофиқ тарзда яшашга бўлган сазой-ҳаракатларимиз орқали, биз Амрга бошқаларни жалб қиламиз. Табиийки, биздан мукаммал бўлишлик кутилмайди, ҳаттоки биз ўзимизни нуқсонлардан озодмиз дея, даъво ҳам қилмаймиз. Бироқ, Таълимотда баён

этилган сифатларни қай даражада акс эттирсак, худди шу даражада биз илоҳий хуш ифорларнинг тарқалиши учун самарали ўзанларга айланамиз. Айнан шу маънода, биз кўпинча ибратли ҳаёт орқали тарғиб қилиш ҳақида гапирамиз. Шундай бўлса-да, эҳтиёт бўлишимиз керакки, “ибратли ҳаёт орқали тарғиб қилиш” ибораси Таълимотни ўргатмаслик учун баҳона бўлиб қолмасин. Тўғри, биз ўзимизнинг ички ҳолатимиз, феъл-атворимиз, амалларимиз, юксак ахлоқли хулқ-атворимизга катта эътибор қаратишимиз керак. Бироқ, буларнинг ҳаммаси бизни айнан нутқимизнинг калити ила инсоний қалблар шахрининг дарвозасини очамиз, деган омилдан узоқлаштирмаслиги керак. Бу фикрга ойдинлик киритиш учун келинг, Битиклардан сараланган икки иқтибос тўпламини кўриб чиқамиз ва уларни биргаликда тушунишга ҳаракат қиламиз. Авваламбор, қуйидаги иқтибосларни ўқинг:

“Орангиздан кимки Ўз Парвардигорининг Амрини тарқатиш учун қалқиса, энг аввало, у ўзини шундай тарбияласинки, токи унинг нутқи тингловчилар қалбини ўзига ром айласин. Модомики, у ўзини ўргатмас экан, унинг сўзлари ҳақиқат изловчининг қалбига таъсир қилмас.”²⁶

“Ушбу муқаддас Амрнинг шаксиз зафарини фақат ва фақат, енгилмас танҳо бир нарса таъминлай олади, яъни Баҳоуллоҳ томонидан тараннум этилган абадий тамойилларнинг кўпқиррали ёғдулари бизнинг ички ҳаётимиз ва шахсиятимизда қай даражада акс этиши.”²⁷

“Кимки ушбу Кунда Бизнинг Амримизга ёрдам бериш учун қалқиб, гўзал хулқ ва солиҳ феъл-атвор лашкарини ўзига ёрдамга чақирса, бундай амалдан келиб чиқадиган таъсир, шубҳасиз, бутун жаҳон узра таралади.”²⁸

“Сизнинг амалларингиз бутун дунёга жар солиб, чинакам баҳоний эканлигингизни эълон қилсин, зеро фақат амалларгина дунёга таъсир қилади ва инсоният тараққиётига сабаб бўла олади.

Агар биз ҳақиқий баҳоний бўлсак, сўзларга ҳожат йўқ. Бизнинг амалларимиз дунёга ёрдам беради, цивилизацияни ёяди, илм-фан тараққиётига ёрдам бериб, санъат ривожига сабаб бўлади. Моддий дунёда ҳаракатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди ва ёлғиз сўзлар одамни руҳий Салтанатга етакламайди. Оллоҳнинг сайлаганлари, муқаддасликка фақат оғзаки сўз билан эришмадилар, аксинча, улар дунёга ёруғликни фаол хизмат ва сабр-тоқатга тўла ҳаёт орқали олиб келдилар.”²⁹

Энди эса, қуйида келтирилган иқтибослар тўпламини ўрганинг:

“Айнан мана шундай пайтларда, Оллоҳнинг дўстлари фурсатдан фойдаланиб, имкониятни қўлдан бой бермай, олға интилади ва мукофотни қўлга киритади. Гар уларнинг вазифаси яхши хулқ-атвор ва маслаҳат бериш билан чекланиб қолар бўлса, улар ҳеч нарсага эришолмадилар. Улар овозларини баланд кўтариб, исботларни тушунтириб, аниқ далиллар келтириб, инкор этиб бўлмайдиган хулосаларни олдинга суриб, Воқеълик Қуёшининг зоҳир бўлганлиги ҳақидаги ҳақиқатни ўрнатишлари керак.”³⁰

“Бас, ўз қобилиятингга эмас, балки Баҳоуллоҳнинг чексиз марҳаматига бок; Унинг саховати буткул қамровли ва фазли қомилдир.”³¹

“Юзингни Илохий Салтанатга қарат, Муқаддас Рухдан инъомлар сўра ва сўзла, шунда, Рух тасдиғи келади.”³²

“Эй, Оллоҳнинг ҳабиблари! Тўшагингизда ҳузурга берилиб ётманг, аксинча, Парвардигорингизни, Яратганни тан олган заҳотингиз, Унинг бошига тушган савдолар ҳақида эшитган заҳотингиз, руҳан тетиклашиб, Унга ёрдамга шошилинг. Оғиз очиб, Унинг Амрини тинмай эълон қилинг. Бу сизлар учун ўтмиш ва келажак ҳазиналаридан афзалроқдир, - гар ушбу ҳақиқатни англаганлардан бўлсангиз.”³³

“Агар дўстлар, бирон бир вазифани бажариш учун ҳар доим тўлиқ малакага эга бўлгунча кутиб турганларида, Амр иши деярли тўхтаб қолган бўлар эди! Аммо, хизмат қилишга интилишнинг ўзи, инсон қанчалик ўзини нолойиқ ҳис этмасин, Оллоҳ марҳаматини ўзига жазб этади ва шунинг ўзи, инсонга вазифани яхшироқ бажариш учун муносиб бўлиш имконини беради.

Бугунги кунда, инсоният томонидан Илохий Хушхабарни эшитишга бўлган муҳтожлик шунчалар каттаки, мўминлар ўз нуқсонларига қарамай, қайда ва қандай бўлмасин, қўлларидан келганча ишга шўнғишлари керак, зотан бу, энг қоронғу давларида, Таълимот ҳақида эшитишга чанқоқ бўлган ватандошларининг фарёдларига жавобдир.”³⁴

Агар биз биринчи тўпламдаги иқтибосларни Таълимотни ўргатишга бағишланган бошқа барча иқтибослардан айри ҳолда, фақатгина иккинчи тўпламда келтирилган бир неча иқтибосларга эътиборни қаратсак, оқибатда, улар таблиғ қилмасликка баҳона сифатида ишлатилиши мумкин. Биз бу тузоққа, асосий вазифамиз ўз ички ҳолатимизни яхшилаш ва янада комилроқ инсон бўлишдир, шунда биз шунчалик комил бўламизки, тарғиб қилиш учун сўзларга эҳтиёж қолмайди, чунки амалларимиз биз учун сўзлайди ва ўшанда одамлар бизга жалб бўлади ва Амрни мустақил тадқиқ қилиш учун бор кучини сарфлайди деган ҳулосага келганда, тушиб қоламиз. Қолаверса, биз шуни биламизки, ҳар биримизданда ибратлироқ ҳаёт кечирган Абдул-Баҳо, Ўз нутқининг кучидан фойдаланиб, ҳар бир фурсатда, Эътиқод ҳақида сўз бошлаган.

Шуни тушуниш муҳимки, биринчи иқтибослар тўпламининг асосий мавзуси Эътиқодни қандай ўргатиш ҳақида эмас. Уларда бизнинг ички ҳолатимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур руҳий ҳақиқатлар ёритилган. Улар мақтовга сазовор амаллар ва юксак ахлоқли ҳуқ-атвор бизнинг ҳаракатларимизга куч баҳшида этишини эслатиб, амалларимиз сўзларимизга зид бўлмаслиги ҳақида огоҳлантиради. Масалан, ким ҳалолликни ўргатмоқчи бўлса, ўзи ҳам чин дилдан ҳалол бўлишга интилиши керак.

Умуман олганда, бир-икки иқтибосга асосланиб, Таълимотни ўргатиш каби кенг ва чуқур мавзу ҳақида ҳулоса чиқариш оқиллик эмас.

Шу фикрларни инобатга олган ҳолда, келинг, юқоридаги иқтибосларга қайтайлик ва қуйидаги жумлалардаги бўш жойларни тегишли сўзлар билан тўлдириб, улар ҳақида фикр юритайлик.

1. Ўз Парвардигорингиз Амрини ўргатишга бел боғлаган ҳар бирингиз, авваламбо,

- _____
- _____ .
2. У ўзини ўргатмас экан, _____
- _____ .
3. Битта ва фақат битта ягона ва шубҳасиз нарсa бу муқаддас Амрнинг якуний ғалабасини таъминлайди. Аниқроғи, _____
- _____ .
4. Гар кимки Ушбу Кунда Бизнинг Амримизга ёрдам бериш учун бел боғласа ва ёрдамга _____, бу амалдан _____
- _____ .
5. Фақат амаллар _____
- _____ сабаб бўлади.
6. Агар биз – чинакам баҳойлар _____, бизнинг амалларимиз _____ хизмат қилади.
7. Бизнинг амалларимиз _____ ва _____ бўлиши керак.
8. Амалларсиз _____, сўзлар эса _____
- _____ .
9. Оллоҳнинг сайланганлари сўзлар ёрдамида эмас, балки _____
- _____ муқаддас бўлдилар.
10. Агар биз ўзимизнинг ягона вазифамизни яхши хулқ-атвор ва маслаҳат деб қўйсак, _____ . Биз овозимизни кўтаришимиз, Ҳақиқат Кўёшинининг _____, аниқ _____, инкор этиб бўлмас _____ керак.
11. Биз ўзимизнинг ожизлигимиз эмас, балки _____
- _____ .
12. Биз ўз юзимизни Илоҳий Салтанатга қаратишимиз, _____ керак. Сўзла ва _____ .

13. Биз ётоғимизда хузуру ҳаловат қилиб ётмаслигимиз керак, балки Қудратли Эгамизни таниб, Унинг бошига ёққан қулфатлар ҳақида эшитгандан кейин _____

_____.
14. Оғзимизни очиб, _____.
Биз учун бу _____ яхшироқдир.
15. Агар биз ҳар доим у ёки бу муайян вазифаларнинг бажарилишига керакли бўлган малакани эгаллашга қараб турганда эди, _____
_____.
16. Хизмат қилишга уринишнинг ўзи, одам ўзини қанчалик нолайиқ ҳис этмасин, _____
_____.
17. Инсоният бугунги кунда қанчалар Илоҳий Амр ҳақида эшитишга муҳтождирки, биз ўз нуқсонларимизга қарамасдан, ушбу энг қоронғу ва фожеали кунда Таълимот ҳақида эшитишга ташна бўлган _____
ҳар жойда ва ҳар қандай усуллар билан _____
_____.

18-БЎЛИМ

Келинг, китобнинг Таълимотни ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга хос бўлган руҳий сифат ва муносабатларга бағишланган ушбу бобини, Абдул-Баҳонинг Ғарбдаги хизмат сафарлари давомида кўрсатган ўрнатқларини эслаб, яқунлайлик. Абдул-Баҳо Ўз Отасининг хушхабарини Унга дуч келган кишиларга қандай тақдим этгани ҳақида Муҳофиз томонидан тасвирланган қуйидаги парча, бизни китобнинг кейинги, яъни учинчи бобига тайёрлайди, унда биз Ўзбекистонни ўргатиш амалининг ўзини тадқиқ этамиз.

“Абдул-Баҳо ушбу хизмат сафарлари давомида, Ўз олдига қўйган мақсад йўлида, ҳаётий жонбозлик, жасорат, мўлжалдан оғишмаслик ва содиқликни намоён этди, бу эса, Ул Зотнинг қундалиқ ҳаракатларини яқиндан кузатиш шарафига муяссар бўлганларни хайратга солар эди. Одатда, саёҳатчиларнинг эътиборини жалб этадиган, ҳамда кўпинча, Абдул-Баҳонинг ҳамроҳлари Унинг ташриф буюришини истайдиган тарихий обидалару, ғайриоддий жойларга бефарқ; Ўз роҳат-фароғати ва соғлиғига бепарво; Ўз кучининг ҳар бир мисқолини кундан-кунга, эртадан кечгача қолдиқсиз сарфлагувчи; Ўз хизмат сафарларининг харажатлари учун ҳар қандай ҳадя ёки хайр-эхсонларни доимий равишда рад этгувчи; беморлар, ғамгинлар ва мазлумларга нисбатан Ўз ғамхўрлигида битмас-туғанмас; кам таъминланган ирқлар ва синфларга нисбатан Ўз химоясида таслим бўлмас; фақирларга нисбатан Ўз сахийлигида ёмғирдек

сероб; акидапарастлик ва мазҳабчиликнинг бедор ва мутаассиб тарафдорлари томонидан Ўзига қарши уюштирилган ҳужумларини назарга олмаслиги; минбару кафедралардан яҳудийларга Исо Масиҳнинг пайғамбарлик Миссиясини, черковлар ва синагогаларда исломнинг Илоҳий келиб чиқишини ёки материалистлар, атеистлар ва агностикларга Илоҳий Зухур ҳақиқатини, ҳамда диннинг зарурлигини тақдим этишдаги Ўзининг хайратомуз очиққўнгиллиги; турли мазҳаблару деноминацияларнинг муқаддас кадамжоларида, ҳамиша Баҳоуллоҳни улуғлашда равшанлиги; бир неча маротаба, Англияда ҳам, Қўшма Штатларда ҳам, мартаба ва бойликка эга бўлган одамларнинг илтифотини қозонишга эътирозиди қатъий; ва ниҳоят, дўстга ҳам, бегонага ҳам, мўминга ҳам, кофирга ҳам, бойга ҳам, фақирга ҳам, паст ва баландга ҳам, яқинига ёки тасодифан учрашганига ҳам кўрсатган ҳамдардлиги ва меҳрибонлигининг табиийлигида, самимийлиги ва илиқлигида беқиёс, хоҳ кемада ёки кўчаларда сайр қилганда, боғларда ёки жамоат майдонларида, зиёфат ёки кечаларда, хароба ёки қасрларда, Ўз издошларининг йиғини ёки билимдонлар учрашувида бўлмасин, барча Баҳоний идеалларининг мужассамланиши ва барча Баҳоний сифатларининг тимсоли бўлган Ул Зот, уч йил давомида материализм ботқоғига ботган ва аллақачон уруш ёқасида турган дунёга Отасининг Зухуридаги шифобахш, Оллоҳ томонидан берилган ҳақиқатларни тараннум этишда давом этди.”³⁵

Юқоридаги парчани яна бир бор ўқиб чиққандан сўнг, Абдул-Баҳонинг одамлар билан муносабатида ва Ўзтиқод ҳақидаги суҳбатларга ёндашишидаги усулларини тавсифловчи сифат ва муносабатларни ифодаловчи бир неча гапларни ёзинг, масалан: “Ул Зот ҳаётий жонбозлик, жасорат ва мақсад сари қатъият кўрсатган.”

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____
10. _____

REFERENCES

1. *Tablets of the Divine Plan: Revealed by 'Abdu'l-Bahá to the North American Bahá'is* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1993, 2006 printing), no. 8.13, p. 54.
2. Ibid., no. 10.10, p. 72.
3. From a letter dated 8 November 1956 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *Teaching the Bahá'í Faith: Compilations and a Statement Prepared by the Research Department of the Universal House of Justice* (Mona Vale: Bahá'í Publications Australia, 1995), no. 156, pp. 84–85.
4. From a letter dated 6 November 1949 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *The Power of Divine Assistance: A Compilation of Extracts from the Writings of Bahá'u'lláh, the Báb and 'Abdu'l-Bahá and the Letters of Shoghi Effendi and the Universal House of Justice*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (Ingleside: Bahá'í Publications Australia, 2020), no. 80, p. 40.
5. From a talk given on 4 November 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 21.6, p. 76.
6. From a letter dated 1 September 1933 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *Teaching the Bahá'í Faith*, no. 92, p. 69.
7. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 216.1, p. 372.
8. From a letter dated 30 June 1937 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *The Power of Divine Assistance*, no. 70, p. 37.
9. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 1988, 2021 printing), no. 10.10, p. 192.
10. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 213.1, p. 371.
11. Ibid., no. 214.2, p. 372.
12. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), V, par. 3, p. 7.
13. Ibid., CXXXII, par. 5, pp. 326–27.
14. Ibid., C, par. 1, pp. 227–28.
15. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 204.2, p. 347.
16. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXLII, par. 5, p. 351.

17. From a letter dated 24 November 1924 written by Shoghi Effendi to the Bahá'ís of America, published in *Bahá'í Administration: Selected Messages 1922–1932* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1974, 1998 printing), p. 69.
18. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 217.1, p. 373.
19. *Ibid.*, no. 15.3, pp. 46–47.
20. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2003, 2022 printing), Arabic no. 42, p. 13.
21. From a letter dated 31 March 1932 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *The Power of Divine Assistance*, no. 66, pp. 35–36.
22. From a message dated 30 December 2021 to the Conference of the Continental Boards of Counsellors, published in *The Nine Year Plan, 2022–2031: Messages of the Universal House of Justice* (West Palm Beach: Palabra Publications, 2022), no. 6.10, p. 48.
23. From a letter dated 5 June 1947 written by Shoghi Effendi, published in *Citadel of Faith: Messages to America, 1947–1957* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1965, 2014 printing), pp. 25–26.
24. From a letter dated 24 November 1924 written by Shoghi Effendi to the Bahá'ís of America, published in *Bahá'í Administration: Selected Messages 1922–1932*, pp. 69–70.
25. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 199.6, pp. 334–35.
26. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXVIII, par. 6, p. 313.
27. From a letter dated 24 September 1924 written by Shoghi Effendi to the Bahá'ís of America, published in *Bahá'í Administration: Selected Messages 1922–1932*, p. 66.
28. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXXI, par. 4, p. 325.
29. From a talk given by 'Abdu'l-Bahá on 8 November 1911, published in *Paris Talks*, no. 26.5–6, p. 94.
30. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 212.1, p. 370.
31. *Ibid.*, no. 153.3, p. 249.
32. *Ibid.*, no. 153.4, p. 250.
33. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CLIV, par. 2, p. 374.
34. From a letter dated 4 May 1942 written on behalf of Shoghi Effendi to an individual, published in *Teaching the Bahá'í Faith*, no. 104, p. 72.
35. Shoghi Effendi, *God Passes By* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 1974, 2022 printing), pp. 446–48.



ИЛОҲИЙ ТАЪЛИМОТНИ ЎРГАТИШ АМАЛИ

Мақсад

Қабул қилувчанликни фарқлай олиш ва уни парваришлаш қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳамда шахсий табиғ фаолиятининг бир қисми сифатида ёхуд коллектив кампания контекстида бўлмасин, Ўтиқодни вазиятга мос келадиган инончли тарзда тақдим этиш қобилиятини ривожлантириш

1-БЎЛИМ

Биринчи бобда Таълимотни ўргатишнинг руҳий табиатини, иккинчи бобда эса, мубаллиғ учун зарурий сифат ва муносабатларни ўргангач, келинг, энди эътиборимизни таблиғ амалининг ўзига қаратайлик. Биз, одатда, бу муқаддас лаҳзани икки контекстдан бирида – алоҳида мўмин сифатидаги шахсий саъй-ҳаракатларимизда ва жойлардаги коллектив саъй-ҳаракатларимизда амалга оширамиз. Албатта, маҳалла ва қишлоқларимизда жонли жамоалар қуриш бўйича фаолият олиб бораётган дўстлар ўзагининг бир қисми сифатида, биз турли тоифага мансуб кўплаб одамлар, жумладан ўрта мактаб ўқувчилари, коллеж, лицей ва Олийгоҳда таҳсил олаётган талабалар, Руҳи Институтининг таълим дастурларида иштирок этаётган болалар ва ўсмирларнинг ота-оналари ва қариндошлари, ўқитувчилар, фермерлар, қишлоқ оқсоқоллари ва бошқа маҳаллий раҳбарлар каби инсонлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг баъзиларида Эътиқод ҳақида кўпроқ маълумот олишга бўлган қизиқишни кўрдик. Шунингдек, бизнинг Институт жараёнида иштирокчимиз, жонларни Баҳоуллох Зухури уммонига етаклаш учун зарур бўлган қобилиятларимизни, айниқса, мазмунли суҳбатларда чуқур концепциялар ҳақидаги тушунчамизни ифодалаш ва руҳий воқеъликни тадқиқ этишни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу қобилиятлар билан бир қаторда, биз Эътиқодни ўргатиш бўйича ҳам шахсий, ҳам коллектив саъй-ҳаракатларимизда ривожлантиришимиз керак бўлган яна бир қобилият мавжуд бўлиб, бу, Баҳоуллохнинг Хушxabарига нисбатан қабул қилувчанликни фарқлай олиш ва уни парваришлаш қобилиятидир. Биз ушбу қобилиятни парваришлаш муҳимлигини кейинги бўлимларда ўрганамиз. Аммо, аввало, келинг Баҳоуллохнинг қуйидаги сўзлари ҳақида фикр юритайлик, сиз уларни ёд олишни исташингиз мумкин:

“Ҳар қачон чанқоқ қалбга дуч келганда, унга абадий ҳаёт жомини тутқазинг; ва ҳар қачон эшитар қулоқ топганда, унга Қувватли, Қудратли ва Мурувватли Оллоҳнинг оятларини тиловат қилинг. Тилингизнинг сукути меҳрибон сўзлар ила синсин ва гар Оллоҳ Маъбадига хайрихоҳ инсонларни кўрсангиз, уларни ҳақиқатга даъват қилинг . . .”¹

2-БЎЛИМ

Қабул қилувчанликни фарқлай олиш ва уни парваришлаш қобилиятини ривожлантирмоқчи бўлганлар тушуниши керак бўлган муҳим концепция шундан иборатки, Таълимотни ўргатиш Эътиқодни шунчаки эълон қилишдан кўпроғини тақозо этади.

Эътиқодни эълон қилиш – расмийликнинг турли даражасида алоҳида мўминлар, жамоалар ва уларнинг муассасалари томонидан бажариладиган ўта мақтовга сазовор ва зарурий фаолият. Бундай фаолият одамларни Амрнинг эзгу мақсад ва ғоялари билан таништиришга хизмат қилиб, Эътиқодга нисбатан ижобий муносабатни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Таълимотни ўргатиш Эътиқодни эълон қилиш унсурини ўз ичига олади, аммо, унинг асосий мақсади, қалбларга Баҳоуллохни Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари сифатида тан олишда, Унинг Зухури ҳақидаги билимларни чуқурлаштиришда ва ўзлари янги эга бўлган эътиқодда тасдиқ топишларида ёрдам беришдир. Албатта, Эътиқодни эълон қилиш амали орқали, айниқса, қабул қилувчан қалб Эътиқодга мафтун бўлиб, бир мунча изланишдан сўнг, Баҳой бўлишга қарор қилиши мумкин. Бироқ, биз лойиҳанинг

қанчалар пухта ишлаб чиқилишидан ёки тадбирнинг қанчалар юқори профессионал даражада амалга оширилишига қарамай, ками билан инсоният тарихининг мазкур босқичида, фақатгина Ўтиқодни эълон қилишнинг ўзи, Баҳоуллоҳ сари кўплаб қалбларни очишини кутмаслигимиз керак. Таълимотни ўргатиш, бу одамларга шунчаки маълумот бериш, сўнгра уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмас. Бу, диалогни ўз ичига олади. Бу, аминликка эга бўлган руҳлар билан Баҳоуллоҳ Зухурининг ҳақиқатини тинглашга ва тадқиқ этишга тайёр бўлганлар ўртасида суҳбатни тақозо этади. Ушбу фикрни батафсил ўрганиш учун, келинг, бир мисолни кўриб чиқайлик.

Таълимотни ўргатишнинг самарали усулларида бири бу уйда ўтказиладиган “ўчоқбоши” учрашувларидир. Ўчоқбоши учрашувлар – ўз уйида ўтказиладиган илиқ ва самимий учрашувлар бўлиб, уларга Ўтиқодга қизиқувчилар таклиф этилади. Бундай учрашувлар, одамлар учун фикр алмашилиш ва Баҳоуллоҳни эътироф этишга олиб келадиган самарали суҳбатлар учун ажойиб имкониятлар яратди. Бирок, агар эҳтиёткорлик намоён этилмаса, ўчоқбоши учрашувлари осонгина Ўтиқод ҳақида эълон амалига айланиши мумкин.

Келинг, масалан, сиз уйингизда ҳар ҳафта учрашув ўтказмоқчисиз, дейлик. Сиз ҳар бир учрашувни меҳмонларингизни кутиб олиш ва ҳозир бўлган Баҳоийлардан бирига дуо ўқишни сўраш билан бошлайсиз. Сўнгра, таклиф қилинган маърузачи Ўтиқодга тегишли маълум бир мавзу бўйича тахминан 30–45 дақиқа давомида нутқ сўзлайди. Охирида сиз саволлар борми деб сўрайсиз, одатда бир-иккита савол берилади ва маърузачи уларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Сўнгра, сиз меҳмонларни зиёфат билан сийлайсиз ва улар кетишади. Бундай учрашувни, гарчи у ўз афзалликларига эга бўлса-да, Ўтиқодни эълон этиш учрашуви сифатида тавсифлаш яхшироқ бўлади, деган фикр билан розимисиз?

Айтайлик, бир қанча вақт ўтгач, сиз учрашувларнинг характерини ўзгартиришга қарор қиласиз, – сиз уларга бир-иккита истеъдодли дўстингизни нутқ сўнгида қисқача мусиқий чиқиш қилиш учун таклиф этасиз, мусиқанинг киритилиши учрашувнинг руҳий муҳитини оширишига ҳақли равишда умид қиласиз. Сизнингча, учрашувни Ўтиқодни эълон этишдан таълимотни ўргатишга айлантира олдингизми?

Уй учрашувларини Таълимотни ўргатиш фаолиятига айлантиришнинг қандай усуллари бор?

3-БЎЛИМ

Энди, Таълимотни ўргатиш ва Эътикодни эълон қилиш ўртасидаги фаркни ҳисобга олган ҳолда, келинг, қабул қилувчан руҳларни ва ҳақиқатни излаётган қалбларни қай тариқа аниқлай олишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик. Албатта, биз Оллоҳ бизни Унинг хушхабарини қабул қилиш учун Ўзи тайёрлаган кишиларга етаклаши учун доимо дуода бўлишимиз керак. Аммо, кейинчалик уларни учратганимизда, уларни таний олишимиз керак. Бу ҳар доим ҳам осон кечмайди. Ҳатто, қабул қилувчанлиги юқори бўлган аҳоли орасида Таълимотни ўргатишга қаратилган коллектив саъй-ҳаракатда ҳам, ҳамма бирдек хушхабарни эшитишни ва унинг ҳақиқатини қабул қилишни хоҳламайди; Баҳоуллоҳнинг даъватига жавоб беришга тайёр бўлган руҳларни топиш айнан бизнинг зиммамиздир.

Қабул қилувчан одам ҳар доим ҳам Эътикодни излаётгандек кўринмаслиги ёки ҳатто, дин билан, деярли қизиқмаслиги мумкин. Аслида, қабул қилувчанлик ва диндорлик бир хил нарса эмаслигини тушуниш муҳимдир. Талаб қилинадиган шарт – инсоннинг Таълимотни ўрганиш ва унинг ҳақиқатини маълум даражада ошкоралик билан тадқиқ қилишга бўлган тайёрлиги. Таълимотни ўргатишда тажриба орттирганимизда, руҳий қобилиятларимиз ўткирлашгани сайин, бизнинг бу ҳолатни ҳис қилиш маҳоратимиз ҳам ўсиб боради.

Гарчи инсонни нима қабул қилувчан қилишига оид қатъий ва тезкор қоидаларни ишлаб чиқишнинг иложи бўлмаса-да, бунга ҳисса қўшадиган баъзи омилларни аниқлашимиз мумкин. Бу омиллар инсон ҳаётининг маълум бир даврида маълум вақт оралиғида қабул қилувчанликни оширади. Бу, ҳам шахсларга нисбатан, ҳам бутун аҳоли гуруҳларига нисбатан тўғридир. Гуруҳингиз аъзолари билан ушбу мавзунини муҳокама қилинг ва сизнинг фикрингизча, инсоннинг қабул қилувчанлигига таъсир қилиши мумкин бўлган баъзи омилларни, масалан, қуйида келтирилган мисолдек ёзинг:

Дунёда кенг тарқалган адолатсизликдан огоҳлик

Кейинги бўлимга ўтишдан олдин, Шавкий Эффеңди томонидан ёзилган қуйидаги парча ҳақида фикр юритишингиз тавсия этилади. Унда дунёда рўй бераётган ҳозирги саросималар ва Амрни қабул қилувчанлик ўртасидаги боғлиқлик ҳақида сўз юритилади.

“Ҳозирги замон саросималари тақдим этаётган имкониятлардан, у келтириб чиқараётган барча азоб-уқубатлар, қўрқувлар, умидсизликлар, у

яратаётган тушунмовчиликлар, у қўзғатаётган ғазаблар, у ёндираётган норозиликлар, шикоятлар ва у уйғотаётган тинимсиз изланиш руҳини Баҳоуллоҳ Ўйтиқодининг қутқарувчи кучи ҳақидаги билимларни кенг тарқатиш контекстида ва доимий равишда ўсиб бораётган издошлар армиясига янги мўминларни сафарбар қилиш учун аини тарзда фойдаланиш керак.”²

Биз шуни жуда аниқ кўриб турибмизки, эски тартиб қулашда давом этар экан, Муҳофиз бундан ўн йиллар олдин тасвирлаган жаҳон миқёсидаги тартибсизликлар вақт ўтиши билан кучайиб бормоқда. Қуйида ушбу саросимани келтириб чиқарадиган баъзи шартлар келтирилган. Гуруҳингиз билан ҳар бирининг Таълимотни ўргатиш саъй-ҳаракатларимизга таъсирини муҳокама қилинг.

- У уйғотадиган қайғулар
- У қўзғатадиган кўркувлар
- У келтириб чиқарадиган умидсизлик
- У яратган силсила
- У қўзғатадиган ғаза
- У қўзғатадиган қўзғолон
- Ундан келиб чиқадиган норозиликлар
- У уйғотадиган тинимсиз изланиш руҳи

4-БЎЛИМ

Қабул қилувчан одамларни топганимизда, биз улар билан баъзан нисбатан қисқа, баъзан эса давомли суҳбатга киришамиз, бундан мақсад уларга Баҳоуллоҳнинг мақомини тан олишларида ёрдам беришдир. Аммо, бу суҳбатларнинг мазмуни нимадан иборат бўлиши керак? Таълимотни ўргатаётган кишиларимизга нималарни айтиб беришимиз керак?

Бу саволнинг жавоби ҳеч ҳам оддий эмас. Таълимотни ва унинг тамойилларини дўстларингиз ва жамоангиздаги оилалар билан баҳам кўришда ҳозиргача тўплаган тажрибангиздан сиз шуни аллақачон биласизки, биз бир марта ёдлаб олиб, ҳар бир вазиятда ҳаммага такрорлашимиз мумкин бўлган формула йўқ. Бундай самимий суҳбатларга киришганда, ҳар бир инсоннинг руҳий ҳолати ўзгача ва уларнинг талаб ва саволлари ҳам турлича бўлади. Биз Амрни ўргатиш учун ҳаракат қилар эканмиз, унинг ҳақиқатларини ҳар бир изловчига қандай тушунтириш – нима дейиш кераклиги, қандай кетма-кетликда фикрларни баён этиш кераклиги ҳақида мунтазам фикр юритишимиз даркор.

Биз шахсий фарқларни инобатга олишдан огоҳ бўлишимиз керак бўлса-да, уларга инсоний мавжудликнинг негиз бирдамлигини унутиб қўядиган даражада ортиқча урғу бериб юбориб, хатога йўл қўймаслигимиз керак. Одамларнинг Баҳоуллоҳнинг Хушхабарига жавобан муносабати муайян паттернларга мос келади ва бу паттернлар, айниқса, маданияти ва келиб чиқиши бир хил бўлган тоифалар орасида яққол намоён

Эътиқодни бошқаларга тушунтириш йўллари ҳақида тизимли равишда ўйлашни бошлар экансиз, ўзингиз етказадиган хабарнинг икки жабҳасини кўриб қойиш фойдали бўлиши мумкин. Биринчиси - маълумот. Табиийки, тингловчи Эътиқод ҳақида бир қатор омилларни билишни хоҳлайди. Қачон вужудга келган? Баҳойий жамоаси қанчалик катта? Қанчалик кенг тарқалган? Баҳойийлар кейинги ҳаётга ишонадими? Баҳойий Эътиқодининг асосий тамойиллари нималардан иборат? Кўриб турганингиздек, Эътиқод билан боғлиқ омиллар сони жуда ҳам кўп. Маълум бир вазиятда, кишига қандай маълумотни таклиф қилиш суҳбатингизнинг табиатида боғлиқ бўлади. Аммо, изловчи учун одатда, тадқиқотининг дастлабки босқичларида ўрганиши керак бўлган баъзи омиллар мавжудки, улар ҳақда олдиндан ўйлаб кўриш сиз учун фойдалидир. Қуйидаги бўш жойга ўзингиз етказмоқчи бўлган баъзи маълумотларни ёзинг. Ушбу рўйхатни тузишда ўта талабчан бўлманг. Кейинги бўлимларда бир нечта бошқа фикрларни муҳокама қилганимиздан сўнг, сиздан рўйхатни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш сўралади.

[illegible]

Энди рўйхатингизни дўстларингиз тузган рўйхат билан солиштиринг.

5-БЎЛИМ

Олдинги бўлимда биз Эътикодни ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизда одамларга етказаётган хабарнинг бир жабҳасини, айнан маълумотни кўриб чиқдик. Аммо, биз биламизки, Таълимотни ўргатиш маълумотни етказишдан-да кўпроқ нарсани ўз ичига олади. Масалан, Баҳой эътиқодининг энг марказий ҳақиқати – Баҳоуллоҳ Оллоҳнинг бугунги кун учун Мазҳари эканлигини кўриб чиқайлик. “Баҳоуллоҳ Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари” деган таъкид, Коинотдаги энг муҳим маълумот бўлса-да, у фақат маълумотдир. Бироқ, одамларга Баҳоуллоҳнинг мақомини қабул қилишларига ёрдам бериш учун, ушбу баёотнинг ўзи кифоями?

Энди бошқа бир жабҳа ҳақида фикр юритинг, гарчи ҳақиқат билан боғлиқ бўлса-да, бу шунчаки маълумот эмас, балки “Баҳоуллоҳ Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари” деган концепциясидир. Қайсики, ҳар қандай маълумот шунчаки етказилиши ва қабул қилиниши керак бўлса-да, концепция эса ўз ичига тушунчани ўзлаштиришни олади. Баҳоуллоҳ “Оллоҳ” ва “Мазҳар” деганда нимани назарда тутди ва бугунги кунда Ул Зот Оллоҳнинг Мазҳари эканлиги ҳақидаги даъвосининг табиати қандай?

Яна бошқа бир мисол, “Баҳойлар Баҳоуллоҳ олиб келган қонунларга итоат қиладилар” иборасини олиб кўрайлик. Ушбу баёотнинг ўзи фақат маълумот берувчи хабар бўлса-да, бу ҳам ўта муҳимдир. Бироқ, бировга маълумотни шунчаки етказиш, кимгадир Баҳой сифатида улар маълум қонунларга бўйсунтиришлари кераклигини тушунтиришнинг кичик бир қисмидир. Бунинг амалга ошиши учун, инсонга ҳеч бўлмаганда баъзи бир-бирига боғлиқ бўлган ғояларни, масалан, Баҳоуллоҳ Ўз қонунларини “бандаларим орасида Менинг иноятим чироқлари ва яратганларим учун Марҳаматим калитларидир” деб таърифлаган “қонун” концепциясини тушунишга ёрдам бериш керак.

Маълумот ва концепциялар ўртасидаги фарқни тушунгач, сиз учун изловчиларга Баҳоуллоҳни тан олишларида ва Ул Зот издошларининг сафига қўшилишга ёрдам берадиган кўплаб концепцияларни эслаб қолиш қийин бўлмайди. Қуйида ана шундай концепциялар рўйхатини тузишга ҳаракат қилинг. Рўйхатнинг узунлиги ёки тартибли бўлиши кераклигидан хавотир олманг, чунки сиз унга кейинроқ қайтиб, яна бир бора кўриб чиқасиз.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

Энди тузган рўйхатингизни дўстларингиз тузган рўйхат билан солиштиринг.

6-БЎЛИМ

Концепциялар ва маълумотлар ўртасидаги фарқни кўриб чиққач, келинг, энди Эътиқод ҳақида ўрганишга қизиққан, аммо, у ҳақида кам билимга эга бўлган одам билан бўладиган дастлабки суҳбатда нима дейишингиз ҳақида тўхталиб ўтамиз. Шунини ёдда тутингки, сизнинг мақсадингиз Баҳоуллоҳ учун изловчининг қалб шаҳрининг дарвозасини очишга ёрдам беришдир. Ўз тақдимотингиз орқали тингловчига маълум бир маълумотларни етказасиз ва унга баъзи асосий концепцияларни тушунишга ёрдам берасиз. Сиз эслатмоқчи бўлган энг муҳим концепция, бу “Баҳоуллоҳ Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари” эканлиги аниқдир. Зеро, айнан шу концепцияни тушунгач, изловчи Баҳойий жамоасига қўшилишга қарор қилади. Ушбу асосий концепцияни ёдда тутган ҳолда, уни аниқлаштириш учун сиз бошқа жабҳалар ҳақида ҳам гапиришингиз керак бўлади, буларнинг барчаси ушбу концепцияни ёритишга ёрдам беради ва изловчини Баҳоуллоҳнинг Мақомини тан олишга олиб келади.

Сиз тақдим этадиган концепциялар ва маълумотларни, ҳамда буни қандай амалга ошириш тартибини танлашда, Умумжаҳон Адолат Уйининг номасидан келтирилган қуйидаги парчага алоҳида эътибор қаратишингиз керак бўлади:

“Ўзларини Баҳойий деб эълон қиладиганлар, Таълимотнинг гўзаллиги билан мафтун бўлиб, Баҳоуллоҳга муҳаббатдан таъсирланган бўлишлари керак. Иймон келтирмоқчи бўлганлар, Эътиқоднинг барча далиллари, тарихи, қонунлари-ю, тамойилларини билишлари шарт эмас, аммо, ўзларини баҳойий деб эълон қилиш жарёнида, уларда қалбларидаги ишонч учқунини билан бир қаторда, Эътиқоднинг Марказий Сиймолари ҳақидаги асосий маълумотни, ҳамда, ўзлари итоат этишлари керак бўлган қонунлар-у, бўйсунуш керак бўлган Маъмурий Тартиботнинг борлигини билишлари кифоядир.”³

Энди эса, олдинги бўлимларда тузган концепция ва маълумотлар рўйхатингизга қайтинг. Юқорида келтирилган Умумжаҳон Адолат Уйининг номасига асосланиб, маълумотлар рўйхатига нималарни қўшган ёки нималарни ўчириб ташлаган бўлардингиз. Маълумотлар рўйхатини янгидан тузинг ва рўйхатдаги масалаларни Эътиқодни тақдим этишингиз керак бўлган тартибда жойлаштинг. Сўнгра, концепциялар рўйхати билан ҳам худди шу ишни амалга оширинг.

Маълумот: _____

[illegible]

Концепция: _____

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

Кейинги бўлимларда, сиз Аннанинг ўз дўстига Таълимотни ўргатишни бошлаганидаги кириш сўзларини ўқийсиз. Сиз уларни яхшилаб ўрганишингиз ва тегишли машқларни кунт билан бажаришингиз керак бўлади. Ушбу машқлар сизга турли тоифадаги одамларга Эътиқодни қандай ўргатиш ҳақида баъзи хулосаларга келишингизда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Бу бўлимларга ўтишдан олдин, сиз Таълимотни ўргатишингиз мумкин бўлган бир неча тоифа одамлар гуруҳини ёзишни хоҳлашингиз мумкин.

8-БЎЛИМ

Мана қандай қилиб Анна Эмилияга Эътиқод ҳақидаги тақдимотини бошлайди:

Сен аллақачон биласанки, Баҳой Эътиқоди дунёвий дин бўлиб, унинг марказий ғояси инсониятнинг бирдамлиги ҳақида. Баҳойлар – Баҳоуллоҳнинг издошлари бўлиб, улар Унинг барча замонларда Ваъда қилинган Зот (Моъвуд) эканлигига ишонадилар. Деярли ҳар бир халқнинг анъанасида, келажакда ер юзида тинчлик ва тотувлик ўрнатилиши, ҳамда инсониятнинг фаровон яшаши ҳақида ваъда бор. Биз, Ваъда Қилинган вақт-соат келгани ва Баҳоуллоҳ эса, ўша буюк Шахс эканлигига ва Унинг таълимоти инсониятни янги дунёни қуришга кодир қилишига ишонамиз. Битикларидан бирида Баҳоуллоҳ шундай дейди:

“Бутун дунёни даволагучи олий дармон ва энг қудратли восита сифатида, Оллоҳ, жамийки халқларнинг ягона умумжаҳон Амр ва ягона муштарак Эътиқодда бирлашмоғини тайинлаган.”⁴

Қарши бўлмасанг агар, бошида, сенга Баҳой таълимотида Оллоҳ ва бизнинг У билан бўлган муносабатимиз қандай тасвирлангани ҳақида бир-икки оғиз сўзлаб бераман. Баҳоуллоҳ бизга ўргатадики, Оллоҳ Ўз Моҳиятида англаб бўлмасдир. Бу шуни англатадики, бизнинг онгимизда Оллоҳнинг қандай тасвири бўлишидан қатъи назар, мисол учун биз Уни инсон сифатида ўйласак, бу бизнинг тасаввуримиз мевасидир. Умуман олганда, яратилмиш ўз яратувчисини англай олиш қудратига эга эмас. Масалан, стол уни ясаган дурадгорнинг табиати ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Дурадгорнинг мавжудлиги, у ясаган нарсалар учун тамомила англаб бўлмасдир.

Оллоҳ ҳамма нарсанинг Яратувчиси. Баҳоуллоҳнинг айтишича, инсоният Оллоҳнинг муҳаббатидан яратилган. У шундай дейди:

“Эй, инсон ўғли! Сенинг яратилишингни севдим, шунинг учун сени яратдим. Мени севким, токи сени зикр этгум ва қалбингни ҳаёт руҳи ила тўлдиргум.”⁵

Шу тариқа, Оллоҳнинг моҳияти бизнинг идрокимизга сиғмаса-да, аммо Унинг тинимсиз муҳаббати бизни ва ҳаётимизни тўлдириб туради. Бу эса, Унинг Абадий Аҳди орқали бизгача етиб келади. Бу Абадий Аҳдга биноан, Оллоҳ бизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайди ва бизга сўзсиз Ҳидоят ато этади. Ҳар бир даврда, инсоният Ундан узоқлашиб, Унинг таълимотларини унутганида, Оллоҳ Мазҳари пайдо бўлади ва бизга Унинг Иродаси ва Мақсадини зоҳир этади.

“Зоҳир бўлмоқ” дегани аввал номаълум бўлган нарсанинг очилиши, намоён бўлиши демакдир. Оллоҳ Мазҳарлари ана шундай Олий Шахслар бўлиб, улар инсониятга Оллоҳ Каломини ва Иродасини очиб берадилар. Шундай экан, Ул Зотларнинг даъватига жавоб берар эканмиз, Оллоҳнинг даъватига жавоб берган бўламиз.

Моддий дунёда бир мисол борки, у “Оллоҳ Мазҳари” тушунчасини Баҳоуллоҳ ўргатганларидек тушунишимизга ёрдам беради. Бу дунёда иссиқлик ва ёруғлик манбаи Қуёшдир, усиз бизнинг заминимизда ҳаёт ҳам бўлмас эди. Ваҳоланки, биз унга интилиб, яқинлашмоқчи бўлсак, ўзимиз ёниб кетамиз. Ўз ўрнида Қуёш ҳам ерга тушиб кела олмайди.

Бироқ, яхши тозаланган кўзгуни олиб, уни Қуёшга қаратдик деб фараз қилайлик. Биз унда Қуёш аксини кўрамиз. Кўзгу қанчалик соф бўлса, унда Қуёшнинг акси шунчалик тиниқ бўлади. Оллоҳ Мазҳарлари худди Комил кўзгу сингари Оллоҳ Нурини Унинг бутун борлиғида акс эттирадилар. Ушбу барча Кўзгулар ягона Оллоҳ нурини акс эттиришади. Оллоҳ бизнинг идрокимиздан йироқ бўлгани учун, вақти-вақти билан ушбу баркамол Зотлар бизга намоён бўладилар, бизнинг ўртамизда бир мунча вақт яшайдилар, бизга раҳнамолик қиладилар ва бизни ҳам моддий ва ҳам руҳий ривожланишимиз учун керак бўладиган қувват билан тўлдирадилар.

Сиз икки минг йил олдин Оллоҳ томонидан юборилган Унинг Мазҳари – Оллоҳнинг Ўғли Мақомли Масиҳнинг Таълимотига мувофиқ тарбияланганингиздан бахтиёрсиз. Энди Оллоҳнинг яна бир Мазҳари, номи “Оллоҳнинг Шуҳрати” деган маънони англатмиш, Баҳоуллоҳ Таълимоти ҳақида билиб олишингиз мумкин. Ушбу муқаддас Зотларнинг барчаси Оллоҳ Мазҳари бўлганликлари учун, уларнинг таълимотлари бир-бири билан қомилан уйғундир. Бироқ, Баҳоуллоҳ келтирган Таълимот инсониятнинг ҳозирги кундаги муаммоларига қаратилган. Агар инсоният ҳозирги кунда қай аҳволда эканлигини эсласак, у янги Оллоҳ Мазҳарига қанчалар муҳтож эканлигига амин бўламиз. Келинг, мен сизга Баҳоуллоҳ замонамиз ҳақида айтганларини келтирсам:

“Бу шундайин Кунки, ушбу Кунда Оллоҳнинг энг буюк неъматлари инсонлар узра ёғилди. Бу Кунда, Унинг қудратли файзи барча яралганларга қаратилди. Заминдаги барча ихтилофда яшаётган халқлар мурасага

келишлари, мутлақ бирлик ва тинчликка эришганлари ҳолда, Унинг иноят ва марҳамат дарахтининг сояси остида яшашлари лозим.”⁶

Балким, шу ерда тўхтаб, сенда пайдо бўлган саволларни бирга муҳокама қилсак бўлади. Айтилган нарсалар ҳақида нима деб ўйлайсан?

9-БЎЛИМ

Келинг, энди Аннанинг ҳозиргача айтган гапларини қараб чиқамиз. Қуйида келтирилган машқларда унинг тақдимотидаги беш қирра кўриб чиқилган. Ўзингиз маъқул деб топган таъкидларни белгилаб чиқинг. Бу машқлар узоқ мулоҳазани талаб этмайди. Ҳар бир таъкидни ўқиб чиқиб, уни таҳлил қилинг ва у билан рози бўлиш ёки бўлмаслигингизни ҳал қилинг. Шунинг ёдда тутиш муҳимки, Таълимотни ўргатишда ўрганишлик руҳида ёндашиш керак.

1. Анна ўз сўзини Баҳойи Ўтиқоди дунёвий дин бўлиб, унинг таълимоти инсоният бирлигига асосланганлигидан бошлайди. Кейин, у дарҳол Баҳоуллоҳ ҳақида барча замонларда Ваъда Қилинган Зот деб айтади.

_____ Баҳоуллоҳни Ваъда Қилинган Зот деб дарҳол айтиш христианлар, мусулмонлар, ҳиндулар, буддистлар ва бошқа динларга мансуб одамларга Ўтиқодни тақдим этишнинг ажойиб усулидир, зеро Ваъда Қилинган Зот концепцияси барча диний анъаналарда у ёки бу шаклда мавжуд.

_____ Бугунги кунда аксарият одамлар динга умуман қизиқмайди, гарчи улар динлардан бирига мансуб бўлса ҳам, шунинг учун Баҳоуллоҳнинг Шахсияти ҳақида дарҳол сўз очмаганимиз маъқул.

_____ Агар сиз Оллоҳга иймон келтиришга қийналаётган кишига Ўтиқодни ўргатаётган бўлсангиз, дарҳол Баҳоуллоҳнинг Шахсияти ҳақида сўзлашингиз мумкин. Бу ҳолда, Ул Зотга нисбатан инсониятга вақти-вақти билан келиб турадиган инсониятнинг буюк Мураббийларидан бири сифатида мурожаат қилиш керак. “Оллоҳ Мазҳари” концепциясини кейинроқ ёритиш мумкин.

_____ Аннанинг тақдимоти, агар у Баҳоуллоҳни барча замонларда Ваъда қилинган Зот сифатида тилга олиб, Ул Зот уларнинг ҳар бирининг бажарувчисидир эканлигини исботлаш учун бир нечта башоратларни келтирганида, самаралироқ бўлар эди.

_____ Аксарият ҳолларда одамларни Баҳоуллоҳ Мақомининг ҳақиқийлигига ишонтириш мақсадида башоратлардан фойдаланиш қийинчиликка олиб келади. Бу одатда, чуқур мулоҳаза юритиш ўрнига, одамларни баҳслашишга ундайди. Анна Баҳоуллоҳ барча замонларда Ваъда қилинган Зот деган муҳим ғояни тафсилотларга тўхталмай айтиб, тўғри қилади.

2. Эмилия билан Баҳоуллоҳ ҳақида гаплашгандан сўнг, Анна Оллоҳ ва инсониятнинг У билан муносабатлари концепциясини қисқача тасвирлаб беради. Айниқса, унинг ушбу ғояларни тақдим этиш усули диққатга сазовордир. У “Баҳоийлар ишонишадики, ...” ёки айниқса “мен ишонаманки, ...” деб бошламайди. У Баҳоуллоҳнинг Таълимотига таянишини, шу боис суҳбат Ул Зотга қаратилганини аниқ кўрсатмоқда.

_____ Ҳозирги дунёда Эътиқод ҳақидаги суҳбатнинг бошида Оллоҳ ва инсониятнинг У билан муносабатлари ҳақида гапириш одамларни кўрқитади. Аксарият одамлар руҳий масалалардан кўра ижтимоий масалаларга кўпроқ қизиқади. Анна бу мавзуни кўтармаса яхши бўлар эди.

_____ Баҳоий Таълимотида тушунтирилганидек, Оллоҳнинг англаб бўлмас Моҳият эканлиги ҳақидаги ғояни киритиш ҳар қандай динга мансуб бўлган изловчилар ва ҳатто Оллоҳга иймон келтиришда қийналаётганлар учун жуда фойдалидир. У дарҳол Эътиқодни ҳар хил бидъатлару мантиқсиз эътиқодлардан ажратиб қўяди. Шу билан бирга, у ҳар бир изловчи қалбнинг ўз мавжудлигининг Манбаини тан олишга бўлган иштиёқли истагига жавоб беради.

3. Анна ҳар сафар Баҳоуллоҳ ва Исо Масиҳга ишора қилганида “Мазҳар” сўзини ишлатишга эҳтиёт бўлади. Кўзгу образи унга бу концепцияни Эмилияга тушунтиришга ёрдам беради.

_____ “Мазҳар” тушунчаси жуда мураккаб. Анна “Пайғамбар” сўзини ишлатиши керак эди, чунки у одатий сўз ва уни тушуниш осонроқ.

_____ Католик муҳитида тарбия олган киши Масиҳга Пайғамбар деб мурожаат қилишни ҳурматсизлик деб билар эди. Худди шу нуқтаи назардан, агар Анна Баҳоуллоҳ ҳақида “Пайғамбар” сифатида гапирганида, Эмилияда Ул Зотнинг мақоми Масиҳнинг мақомидан пастрок, деган таассурот қолдирган бўлар эди.

_____ Агар кимдир мусулмон кишига Таълимотни ўргатаётган бўлса, “расул” тушунчасидан самарали фойдаланиш мумкин, чунки мусулмонлар Муҳаммадни Оллоҳнинг Расули деб аташади, лекин “Оллоҳ Мазҳари” концепциясини ҳам тушунтириш керак.

_____ Анна тўғридан-тўғри Баҳоуллоҳ Масиҳнинг қайтиши эканлигини таъкидламасликка ҳаракат қилгани тўғри, чунки “қайтиш” ғояси одамларнинг бошида шунчалик чалкашиб кетганки, Эмилия бу ҳақда қандай фикрга эга эканлигини олдиндан билиб бўлмайди. Кўзгу аналогиясидан фойдаланар экан, Анна концепцияни мавзу бўйича кераксиз чалкашликларга йўл қўймасдан етказди.

_____ Анна “Масиҳ Оллоҳнинг Ўғли” деган концепцияга эътибор бермасликда донолик кўрсатди. У шунчаки бу ҳақда эслатиб ўтади, кейин эса Баҳоуллоҳ Оллоҳнинг Шухрати дейди. Бундай ҳолда, Анна суҳбатдан четга чиқиб кетмай, маълум бир ҳақиқатни тан олади.

Агар сиз Индуизм этикодига мансуб одамни ўргатаётган бўлсангиз, аввалгидек “Мазҳар” концепциясини тасвирлаш учун кўзгу образини ишлатган бўлар эдингиз. Аммо, Исо Масихга тўхталиш ўрнига, сиз Раббий Кришнанинг баёнотини эслатиб ўтган бўлардингиз: “Эй Бхарат, ҳар гал солиҳлик инқирозга юз тутиб, динсизлик кучайганида Мен Ўз Руҳимни юбораман. Яхшиларни қутқариш, ёвузларни йўқ қилиш ва ҳақиқий динни мустаҳкам ўрнатиш учун Мен Ўзимни даврдан даврга зоҳир қиламан.”

Оллоҳни англаб бўлмас Моҳият сифатида тақдим этар экан, Анна Оллоҳни билиш эшиги биз учун берк эканлигини тан олади. Ҳолбуки, Оллоҳ Ўз марҳамати ила бизга Унинг барча сифатларини акс эттирувчи ва Унинг мақсадини очиб берувчи комил Кўзгу сифатида Ўзининг Мазҳарларини юборади. “Оллоҳ Мазҳари” концепциясининг бу изоҳи ҳамма учун, шу жумладан, Оллоҳга иймон келтиришда қийналаётганлар учун ҳам мос келади, бу қийинчилик эса кўпинча Оллоҳни қандай тасвирлаш усулидан келиб чиқади.

4. Эмилия билан гаплашар экан, Анна бир неча бор тўғридан-тўғри Баҳоуллоҳнинг Битикларидан иқтибос келтиради.

Иқтибосдаги сўзлар жуда қийин. Аннага, айниқса, ўз тақдимотининг бошида тўғридан-тўғри Битиклардан иқтибос келтирмаслик ва ғояларни ўз сўзлари билан айтиб бериш яхшироқ бўлар эди. Бундан ташқари, у ваъзгўйдек таассурот қолдириши мумкин.

Анна иқтибосларни Баҳоуллоҳнинг Ўзининг маслаҳатларига тўлиқ мос равишда тақдимотига табиий тарзда қўллайди. Унинг дугонаси Эмилия иқтибосларни тўлиқ тушунмаса ҳам, сўзлар унинг қалбига таъсир қилади.

5. Анна Эмилия билан қийин концепцияларни муҳокама қилишда ҳам иккита аналогиядан фойдаланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, Қуёш ва Кўзгу аналогияси Аннага “Оллоҳ Мазҳари” иборасини тушунтиришга ёрдам беради. У, шунингдек, Оллоҳ инсон ақлидан юксак туриши ҳақидаги концепцияни тушунтиришда бошқа аналогия – дурадгор ва стол аналогиясини қўллайди.

Агар сиз одамларга Этикодни тушунтираётганда аналогиялардан фойдалансангиз, улар сизни димоғдорлик билан гаплашаяпти деб ўйлашади. Ҳеч ким ўзига нисбатан боладек муомала қилишларини хоҳламайди.

Аналогиялардан фойдаланиш барча одамлар – ёшу-қари, саводсизу-ўқимишлиларга Таълимотни ўргатишдаги энг қулай воситалардан бири. Аслида, аналогияларсиз Этикод таълимотидаги баъзи ўта чуқур ҳақиқатларни тушуниш жуда қийин бўлар эди.

10-БЎЛИМ

Гарчи Анна дугонасига ҳис-туйгуларини ифодалаш ва саволлар бериш имкониятини яратиш мақсадида пауза қилса-да, суҳбатнинг дастлабки босқичида Эмилия оз гапирди. У, Аннага ҳозиргача эшитганларини ёқтиришини айтди. У, Баҳойй Ўтиқодида келтирилган аниқ далиллар орқали нарсаларнинг тушунтирилишидан, айниқса таъсирланди; зеро, бу, бугунги кунда одамларни дин ҳақида чалкаштириб юборадиган кўп масалаларни ҳал қилади. Сўнгра, Анна давом этишга қарор қилди:

Энди ижозат берсанг, Баҳойй Ўтиқодининг марказий таълимоти бўлмиш, инсониятнинг ягоналиги ҳақидаги баъзи ғоялар билан бўлишсам. Баҳоуллоҳ бизга шундай дейди, сиз бир дарахтнинг мевалари-ю, бир новданинг япроқларисиз. Гарчи биз бир-биримиздан жисмонан фарқ қилсак-да, гарчи истёдоду қобилиятларимиз ҳар хил бўлса-да, ҳаммамизнинг илдизимиз бир; ҳаммамиз бир инсоният оиласига мансубмиз.

Инсониятни ҳар хил ранг, ифор ва шаклга эга гуллар ўсаётган катта гулзорга қиёсласа бўлади. Боғнинг жозибаси ва гўзаллиги унинг айнан мана шу ранг-баранглигида. Биз орамизда мавжуд бўлган фарқлар – жисмоний кўринишимиз, феъл-атворимиз, келиб чиқишимиз, фикримиз ва қарашларимизнинг низо ва жанжаллар келтириб чиқаришига йўл қўймаслигимиз керак. Биз инсоният ирқининг барча вакилларига инсоният боғида униб-ўсаётган гўзал гуллардек қарашимиз ва шу боғга мансублигимиздан шодланишимиз керак.

Инсониятнинг ягоналиги муқаррар ҳақиқат бўлса-да, замин халқлари ҳали бундан йироқдирлар ва уларни бирлаштириш осон иш эмас. Агар Баҳойй Ўтиқодига қўшилишга қарор қилсанг, – бундай қарордан мен каттиқ хурсанд бўлардим, – унда сен, Баҳоуллоҳни Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари сифатида қабул қилиб, Унинг таълимотини нафақат ўз ҳаётингда қўллашга, балки биз билан бирга жонли ва бирдам жамоалар куриш меҳнатидаги сазй-ҳаракатларни қўллашга ҳам ҳаракат қилган бўлардинг. Бизнинг барчамиз доимо ўз фикру фаолиятимизни инсоният бирлигига бўлган ўтиқодимиз билан мувофиқлаштиришга уринамиз. Битикларда айтилганки, агар бизни уруш ҳақидаги фикр қамраб олса, ундан-да кучлироқ бўлган тинчлик ҳақидаги фикрни унга қарши қўйишимиз керак; агар қалбимизда нафрат пайдо бўлса, биз уни ундан-да қудратлироқ бўлган муҳаббат туйғуси билан парчалашимиз керак. Биз бор кучимизни йиғиб, бидъат-хурофотлардан қутилишимиз керак. Ирқий, тана ранги, миллий, маданий, Диний ва жинсий бидъат-хурофотлар дунё фаровонлиги йўлидаги энг кучли тўсиқлардандир. Баҳойй битикларида қандай қилиб бирдамлик йўлидан бориш ва бошқаларнинг ҳам бу йўлдан боришларига ёрдам бериш ҳақида кўп айтилган. Масалан, Абдул-Баҳо, - Ул Зот ҳақида кейинроқ батафсил айтиб бераман, – шундай дейди:

“Баҳоуллоҳ бирдамлик доирасини чизди, Ул Зот бутун жаҳон халқларини бирлаштириш ва уларнинг барини умумжаҳон бирдамлик чодирини остида йиғиш нақшини битди. Бу Илоҳий Марҳаматнинг асаридир ва бизнинг ҳаммамиз, токи бирдамлик онгимизда ҳақиқатга айланмагунича жонудилимиз билан унга интилоғимиз керак. Бу йўлда ҳаракат қилар эканмиз, бизга янги кучлар ато этилажак.”⁷

11 – БЎЛИМ

Қуйидаги машқлар Анна тақдим этган тақдимотнинг икки жабҳасини таҳлил қилишга ёрдам беради:

1. Ушбу аниқ вазиятда Анна ўз сўзини Оллоҳ ва Унинг Мазҳари ҳақидаги концепция билан бошлашга қарор қилади ва шундан кейингина бирдамлик принципига ўтиб кетади. У буни тескари кетма-кетликда амалга ошириши, яъни олдин бирдамлик тамойилидан бошлаб, сўнгра Оллоҳ ва Унинг Мазҳари ҳақидаги масалани муҳокама қилиши мумкин эди. Эҳтимол, у ўз ҳикоясини Эмилияни яхши билиши ва бу фикрлар кетма-кетлиги унга кўпроқ мос келишини ҳис қилгани учун шу тарзда тузишга қарор қилгандир. Сизнингча, бундай тақдимотнинг иккисини ҳам бирор бир афзаллиги борми? Эътиқодни тақдим этиш учун сиз танлаган ғоялар тартиби кимга Таълимотни ўргатаётганингизга боғлиқми? Қай тариқа? Бир неча мисол келтира оласизми?

2. Ўз тақдимоти давомида, Анна Эмилиянинг Баҳой бўлишига ва таълимотдан ўз шахсий ўсишини парваришлаш, ҳамда жонли ва бирдам жамоаларни қуришда меҳнат қилиш учун таянишни ўрганишига умид билдиради. Қуйидаги фикрларнинг қайси бирига қўшилмасиз? Уларни белгиланг.

_____ Эътиқод ҳақида деярли кам маълумотга эга бўлган одамни Баҳойлар жамоасига қўшилишга таклиф қилиш нодонликдир. Эмилия, эҳтимол, дугонаси ўз эътиқодини қабул қилдиртиришга уринаётганидан ўзини ноқулай ҳис қилгандир.

_____ Эмилиянинг баҳой бўлишига умид қилган Анна одоб чегарасидан чиқиб, унга нисбатан босим қилмоқда.

_____ Эмилиянинг баҳой бўлишига умид қилган Анна олдиндан унга жамоага истаган пайтида қўшилиши мумкинлиги ҳақидаги тушунчани бермоқда. Бироқ, у Эмилия ўзини ортиқча босим остида ҳис қилмаслиги учун буни эҳтиёткорлик билан амалга оширмоқда.

- _____ Аннада Эмилия Эътиқодни қабул қилишига умид билдиришга асос йўқ. Анна учун дугонасига жамоага хизмат қилишга фаолроқ иштирок этишга ёрдам бериш кифоя, зеро, айнан шу иш, ҳақиқатан ҳам, муҳимдир.
- _____ Агар биз одамларнинг Баҳойлар жамоасига қўшилишини истасак, улар Эътиқодни яқиндан ўрганмагунча нима қилишлари кераклиги ҳақида ҳеч нарса демаслигимиз керак. Яхшиси, улар ўзини баҳой демагунча, кутишимиз керак.
- _____ Ачинарлиси шундаки, одамларнинг кўпчилиги фақатгина уларга фойда келтирадиган нарсалар билан қизиқишади. Улар атрофдаги дунёни яхшилаш учун нима қилишлари мумкинлиги ҳақида ташвишланмайдилар. Анна Эмилия билан жонли ва бирлашган жамоаларни қуриш саъй-ҳаракатларида қандай иштирок этиш кераклиги ҳақида гапиришдан кўра, Эътиқодни қабул қилгандан кейин у ҳис қиладиган муҳаббат ва ўртоқлик ҳақида гаплашиши керак эди.
- _____ Анна ўз дугонасига Баҳой бўлиш амалий жиҳатдан нимани англатишини етказишда тўғри мувозанатни сақлайди. У чорлов ташлайди, лекин, бу ўта қийиндек кўринмайди. Анна танлаган иқтибос, айниқса самаралидир, зеро унда, у (Эмилия) ўз қишлоғининг бирлиги ва тараққиёти учун қилган меҳнатида қўллаб-қувватланиши айтилади. Эмилия Баҳойлар жамоасининг аъзоси бўлганда, у пассив кузатувчи эмас, балки Амрнинг фаол ишчиси бўлади..

12 - БЎЛИМ

Ҳозирги дунёдаги кўпчилик одамлар сингари, Эмилияни ҳам Баҳой таълимотидаги бирлик ғояси жалб этади. Баҳойларнинг кўплаб жойларда бирдам жамоаларни қуришга қаратган саъй-ҳаракатлари ҳақида эшитганларидан илҳомланиб, у Анна билан турли бидъатлар келтирадиган зарар ҳақида қисқача, аммо, жонли суҳбат куради. Сўнгра, Анна ўз тақдиротини давом эттиради:

Баҳоуллоҳ 1817 йилда Эроннинг пойтахти Техронда таваллуд топган. Болалигиданоқ, Ул Зот Ўзида буюклик аломатларини намоён этган. Гарчанд, Ул Зот бир оз уйда таълим кўрган бўлса-да, мактабга қатнаш эҳтиёжи йўқ эди, чунки Ул Зот Оллоҳ томонидан ички-туғма билим билан сийланган эди. Баҳоуллоҳ олижаноб оилага мансуб эди ва ёш йигит экан, Унга шоҳ саройидан юқори лавозим таклиф қилинади, аммо, Ул Зот бу таклифни рад этади. У Ўз вақтини мазлумларга, бемору, камбағалларга ёрдам бериб, адолат ишини олға суришга бағишлашни истайди.

Мен, айниқса, Баҳоуллоҳ ҳаётининг икки қирраси ҳақида эслатиб ўтмоқчиман. Биринчиси, Ул Зотнинг чеккан азоб-уқубатлари бўлса, иккинчиси Ул Зотнинг

қалблар ва онгларга кўрсатган ажиб таъсиридир. Бу қирралар, аслида барча Оллоҳ Мазҳарларига хосдир.

Баҳоуллоҳнинг азоблари Ул Зот Оллоҳ Амрини тарғиб қилишга кўтарилган пайтдан бошланди. Ул Зот таъқибларга, зиндонбандликка ва сургунларга учрайди. Дастлаб, Ул Зотни Техрондаги қоронғу ва даҳшатли зиндонлардан бирига занжирбанд қилиб ташлашади. Ул Зот тўрт маротаба бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга сургунга учрайди. Ушбу узоқ қатағон пайтида нозил қилинган Лавҳларидан бирида Ул Зот шундай ёзди:

“Менинг кунларимни ўз кунларингда ёдда сақла, Менинг бу хилват зиндондаги қулфатларим ва ғурбатларимни ҳам эсла. Менга бўлган мухаббатингда қатъий тур, душман қиличлари муттасил серманиб турганда ҳам, осмону-заминдагилар сенга қарши юрганда ҳам собит бўл.”⁸

Охир-оқибат, Баҳоуллоҳни Усмонлилар империяси ҳудудидаги Акко зиндон-шаҳрига жўнатадилар. У ерда тортган азобларининг шиддатидан, Ул Зот Аккони “Энг буюк зиндон” деб атайдилар. Мен ҳар доим ўзим билан унчалик катта бўлмаган ён дафтаримни олиб юраман, унда, Баҳой Битикларидан қалбимга алоҳида таъсир қилган иқтибосларни ёзиб бораман. Келинг, мен сизга Баҳоуллоҳ Ўз азоблари ҳақида нималар деганини ўқиб бераман:

“Қадим Гўзаллик инсоният ўз кишанларидан халос бўлсин дея Ўзларини занжирбанд этишга рухсат бердилар, Ул Зот бутун олам ҳақиқий озодликка эришсин дея Ўзларини бу энг буюк Зиндоннинг маҳбуси бўлишларига рози бўлдилар. Ул Зот бутун замин халқлари мангу шодликка тўлсин дея, ҳасрат қадахини охиригача сипқордилар. Бу Парвардигорингиз, Раҳмон ва Раҳийм Оллоҳнинг марҳаматидандур. Эй, Оллоҳнинг Воҳидлигига иймон келтирганлар, Сизлар юксалишингиз учун биз камситишларга рози бўлдик, сизлар фаровонликда яшашингиз учун Биз чексиз нохушликларни бошдан кечирдик. Мана, Янги дунёни қурмоқ учун келган Зот. Қаранг ўзларини Оллоҳ билан тенглаштиргувчи кимсалар Ул Зотни шаҳарларнинг энг ташландиғида яшашга мажбур этдилар.”⁹

Икки қудратли қироллик - Эрон шоҳи ва Усмонлилар империясининг султони Баҳоуллоҳга қарши чиқиб, Ул Зот Таълимотининг тарқалишини тўхтатиш учун қаршилиқ кўрсатдилар. Бироқ, Ҳақиқат Нурини осонликча ўчириб бўлмайди. Оловни ўчириш учун унга қуйилган сувнинг ўзи мойга айланиб, бу оловни озиклантиради ва олов янада кучлироқ ёнади. Ҳеч бир нарсга Баҳоуллоҳнинг ўсиб бораётган таъсирларини тўхтата олмас эди. Ул Зот қанчалик узоқроққа сургун қилинса, шунчалик кўпроқ одамлар Ул Зотнинг таълимотига маҳлиё бўлиб, Ул Зотнинг Қудрат ва Буюклигини тан олардилар. Муттасил сургунларга қарамасдан, Баҳоуллоҳ қирқ йил давомида Оллоҳнинг Каломини очишда давом этди ва шундай улкан руҳий қувватни озод қилдики, бу қувват, охир-оқибат бутун дунёни қайта тиклайди.

Баҳоуллоҳ 1892-йилда бу оламни тарк этди. Биз заминдаги энг Муқаддас жой деб билган Ул Зотнинг Мақбараси Акко шаҳри ёнида жойлашган. Мана, бу суратларда шу Мақбарага кириш жойи ва унинг атрофидаги боғларнинг акси бор. Мен Муқаддас Заминни зиёрат қилишга боришни қанчалик исташимни тасаввур ҳам

килолмайсан. Умид қиламанки, сен ҳам келажакда у ерда бўлиш шарафига муяссар бўласан.

13- БЎЛИМ

Қуйидаги машқларда Баҳоуллоҳ ҳаёти ҳақидаги Аннанинг ҳикоясида мавжуд турли томонлар тадқиқ этилади:

1. Баҳоуллоҳнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, Анна ўзи етказмоқчи бўлган иккита асосий концепцияни танлайди. Бунда, у Ул Зот ҳаётига оид бир неча фактларни тақдим этади, лекин, унинг мақсади жуда кўп маълумот етказиш эмаслиги аниқдир. Агар Эмилия, у умид қилганидек, Баҳой бўлар бўлса, Баҳоуллоҳ ҳаёти ҳақидаги ҳикояни кейинроқ унинг ўзи батафсил ўрганишига Аннанинг ишончи комил. Анна қайси икки концепцияни етказишга ҳаракат қилмоқда?

а. _____

Б. _____

2. Сизнингча, у нима учун ушбу икки концепцияни танлади? _____

3. Ушбу боскичда, Эмилияни тушунчаси учун бу икки концепция энг муҳим эканлигига қўшилмасми? Агар рози бўлмасангиз, сизда бошқа таклифлар борми?

4. Баҳоуллоҳнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояда Анна томонидан берилган маълумотлар рўйхатини тузинг.

5. Сизнингча, ушбу боскичда тақдим этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар борми?

6. Иккита асосий концепцияни ва баъзи зарур маълумотларни етказишга ҳаракат қилишдан ташқари, Анна Эмилияга маълум ҳис-туйғуларни етказишга умид қилаётгани аниқ. Булар қандай ҳис-туйғулар? У уларни етказа олдими?

7. Аннанинг Баҳоуллох ҳаётига тегишли тақдмоти ҳақида фикр юритгач, агар сиз уни бошқа динга мансуб бўлган ёки умуман ҳеч қандай динга мансуб бўлмаган одамга сўзлаб бермоқчи бўлсангиз, ўзгартириш керак деб ўйлайсизми? Агар шундай бўлса, сиз киритмоқчи бўлган ўзгаришларга мисоллар келтира оласизми?

14 - БЎЛИМ

Баҳоуллохнинг азоб-уқубатлари ҳақидаги Ул Зотнинг Ўз сўзларини эшитгач, Эмилия ўта қаттиқ таъсирланди. Албатта, у Исо Масихнинг инсоният нажоти учун Ўз жонини қурбон қилганини эслади. Шу тарзда, икки дугона, бир оз муддат мобайнида Оллоҳ Мазҳарлари ҳақида, гарчи улар қудрат соҳиби бўлсалар-да, одамларнинг ҳақиқий эркинликка эришишлари учун ихтиёрий равишда қабул қилган азоб-уқубатларнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашадилар. Сўнгра, Анна суҳбатларини давом эттиришга рухсат сўраб, Баҳой динининг яна бир Марказий Сиймоси – Боб ҳақида тақдмот беради. У қуйидагича давом эттиради:

Баҳоуллох Ўз Вазифасини эълон қилишидан бир неча йил олдин, Оллоҳ Ул Зотнинг келишини башорат қилиш учун махсус Элчи юборди. Оллоҳ Мазҳари бўлмиш ушбу улуғ Шахс, Ўзига “Дарвоза” маъносини англатувчи “Боб” деган номни олди. Ҳақиқатан ҳам, Ул Зот Оллоҳни билмоқ ва инсоният мавжудлигининг янги замонаси учун дарвоза бўлди. Олти йил давомида, Боб Ўзидан янада буюкроқ Зотнинг пайдо бўлиши яқин эканини тинимсиз ўргатиб келиб, Ул Зотнинг келишига йўл ҳозирлаб берди. Боб одамларга улар Янги Давр Шафағи, Ваъда Қилинган Оллоҳ Кунининг гувоҳи бўлаётганликларини айтди. Ул Зот уларни тез орада “Оллоҳ зоҳир этадиган Зот”ни таниб олишлари учун ўз калбларини заминий илинжлардан поклашни буюрди.

Минглаб одамлар Бобнинг Хушхабарини тан олиб, Ул Зотнинг Таълимотига эргашдилар. Бирок, Эрон ҳукумати ва халқ устидан ҳукмронлик қилган дин пешволари Ул Зотга қарши чиқдилар. Бобнинг издошлари қонундан ташқари деб

эълон қилиниб, аксарияти қирғинга учради. Бобнинг Ўзи 31 ёшида ҳукумат фармойиши билан шаҳар майдонида, аскарлар гуруҳи томонидан омма олдида отиб ўлдирилди.

Бобнинг сўзлари нақадар таъсирчан эканлигини ҳис этишингиз учун мен сенга Ул Зот нозил этган дуолардан иккитасини ўқиб бермоқчиман:

“Оллохдан ўзга мушкулотларга нажот бергувчи ким бор? Айтгин: Субҳондур Оллоҳ! У Оллоҳнинг Ўзидур! Ҳамма Унинг бандаси, ҳамма Унинг амрига итоат қилур!”¹⁰

“Айтгил: Оллоҳнинг Ўзи барча нарсалар учун ҳар нарсага нисбатан кифоядир, на самовотда, на заминда ва на улар орасида Оллохдан ўзга кифоя бўлгувчи ҳеч нарса йўқдур. Илло, Унинг Ўзи Ўзлигида Алийм, Кифоя ва Қодирдур.”¹¹

Баҳойларнинг аксарияти, айниқса, биринчи дуони ёддан билишади ва оғир вазиятларда уни ўқишади. Агар истасангиз, ҳозир суҳбатимизни тўхтатиб, сиз билан ушбу дуоларни ёд олишимиз мумкин. Уларни эслаб қолиш жуда осон.

Эмилиа билан дуоларни ёдлаб бўлгач, Анна давом эттиради:

Бобнинг шаҳидларча қатл этилганидан сўнг, кўп ўтмай Ул Зотнинг жасади издошлари томонидан қўриқланди ва душманлар қўлига тушмаслиги учун бир неча марта бир жойдан иккинчи жойга кўчирилди. Ниҳоят, Ул Зотнинг жасади Муқаддас Заминда, Ҳайфадаги Кармел тоғида қад ростлаган Мақбарада ўз оромини топди. Мана, Ҳайфа ва Аккодаги муқаддас қадамжоларнинг бир нечта суратлари. Ушбу икки шаҳар бир бўғознинг икки қирғоғида жойлашган. Бугунги кунда, ушбу эгизак шаҳарлар Баҳойй Ётиқодиннинг руҳий ва маъмурий марказидир. Руҳий марказ эканлигининг сабаби – айнан шу ерда, Боб ва Баҳоуллоҳнинг Мақбаралари ҳамда бошқа Муқаддас Жойлар жойлашганлиги туфайли бўлса, маъмурий марказлиги – Кармел тоғида Баҳойй Ётиқодиннинг олий бошқарув органи Умумжаҳон Адолат Уйи жойлашганлигида.

15 – БЎЛИМ

Қуйида келтирилган машқлар, сизга Аннанинг ҳикоясини таҳлил қилишда ёрдам беради.

1. Анна Бобнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоясида етказган муҳим концепциялар ва маълумотларнинг рўйхатини тузинг.

Концепциялар: _____

Маълумотлар: _____

2. Нима учун Эътиқод тақдимотининг дастлабки босқичида, Анна сингари Бобнинг Шахсиятини эслатиб ўтиш муҳим?

16–БЎЛИМ

Қўшалок Оллоҳ Мазҳарларининг ҳаёти ҳақида қисқача сўзлаб берар экан, Анна Абдул-Баҳо ва Баҳоуллоҳнинг Аҳди ҳақидаги суҳбатга ўтади:

Баҳой сифатида ҳаётимиздаги энг марказий бўлган ғоя, бизнинг Баҳоуллоҳ билан аҳд боғлаганимиздир. Сизга маълумки, бошқа барча динларда, илоҳий Мазҳарнинг дунёдан ўтиши билан, Унинг издошлари орасидаги туганмас баҳслар пайдо бўлган, натижада, дин кўплаб мазҳабларга бўлиниб кетган. Баъзан, бундай ихтилофнинг сабаби, айрим шуҳратпараст шахсларнинг пешволикка интилиши бўлган. Ҳолбуки, Мазҳар каломларининг асл маъноси ҳақида фикрлар қарама-қаршилиги ҳатто чин кўнгилли мўминлар ўртасида пайдо бўлганда ҳам, бундай келишмовчиликни бартараф этгувчи, Мазҳарнинг Ўзи томонидан тайинланган ҳеч қандай масъул шахс бўлмаган. Бу эса, қарама-қаршилиқни янада кучайтириб, бўлинишга олиб келган. Ҳар бир тафсирлар йиғиндиси, алоҳида бошқа бир мазҳабнинг дунёга келишига олиб келган.

Баҳоуллоҳ Ўз Ўтиқодини бундайин парчаланишдан сақлаш учун, уни антиқа куч – Аҳд кучи билан сийлади. Ўз вафоти олдидан, У, Ўзидан кейин ҳамма баҳойлар Абдул-Баҳога мурожаат қилишлари кераклигини аниқ-ойдин шартлар билан, ёзма равишда таъкидлаб кетди. Баҳоуллоҳнинг тўнғич ўғли бўлмиш Абдул-Баҳо, Ул Зот Сўзларининг ягона Тафсирчиси ва Ул Зот Аҳдининг Маркази деб тайинланди. Абдул-Баҳо Баҳоуллоҳнинг Ўзи томонидан тарбияланди, ҳали бола экан Ул Зотнинг мақомини тан олди ва Отасининг азоб-уқубатларига шерик бўлди. Абдул-Баҳо инсониятга берилган энг қимматбаҳо тухфа, барча Баҳой тамойилларининг комил Намунасидир.

Абдул-Баҳо бу дунёда 77 йил яшади. У 1844 йилда, Боб Ўз Вазифасини эълон қилган ўша тунда туғилди ва 1921 йилнинг ноябр ойида оламдан ўтди. Ҳаёти мусибатга тўла бўлган бўлса-да, У ҳузурида бўлган ҳар бир кишига улкан шодлик ва бахт ҳиссини ҳадя этарди. Отасининг вафотидан кейин, баҳой жамоаси учун масъулият Унинг зиммасига тушди ва У Ўтиқодни Шарқ-у Ғарбда тарқатиш учун кеча-ю кундуз меҳнат қилди. У барча жойлардаги алоҳида мўминлар ва гуруҳларга атаб минглаб Лавҳлар ёзди ва уларда Ўз Отасининг Таълимотини изоҳлаб берди. Унинг тафсирлари ҳозирда Баҳой Ўтиқоди Битикларининг муҳим ажралмас қисмини ташкил этади.

Баҳоуллоҳ Аҳдининг маркази сифатида, Абдул-Баҳога эътибор қаратар экан, дунё Баҳойлари Баҳойлик тарзида яшаш, ҳамда жамиятнинг туб ўзгаришига ҳисса қўшишдаги саъй-ҳаракатларида ўз бирдамликларини сақлаб қоладилар. Баҳоуллоҳга берган ваъдамизга вафо тариқасида, бир-биримизга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлишимиз кераклигини эсимиздан чиқармаймиз, Абдул-Баҳо тимсолида эса, биз муҳаббатнинг комил намоёнчасини кўраимиз. Бизнинг адолатпарвар, саҳий, ўзгаларнинг камчиликларига қарамайдиган бўлишимиз кераклиги ҳамиша ёдимизда, Абдул-Баҳога қараб эса, бундай адолатлилик, саҳийлик ва кечиримлилиқни ўрганаимиз. Қолаверса, ўз диққат-эътиборимизни Абдул-Баҳода жамлар эканмиз, биз доимо Баҳоуллоҳ билан боғлаган Аҳдимиздан огоҳ ҳолда, Ул Зот издошларининг бирдамлиги парчаланишига йўл қўймаймиз, бинобарин бирлашган умумжаҳон жамоа бўлиб, токи инсониятнинг мустаҳкам бирдамлиги ўрнатилмагунча тинмай меҳнат қиламиз.

Ўзининг “Васиятнома”сида Абдул-Баҳо набираси Шавкий Эффендини Ўтиқоднинг Муҳофизи деб атайди, қайсиким у, Унинг вафотидан сўнг, Баҳоуллоҳ сўзларининг ваколатли тафсирчисига айланди. Ўттиз олти йил давомида у, Мазҳар келтирган таълимотларини тушунтириб, курраи заминнинг

барча бурчакларида Унинг Ётиқодини мустаҳкам ўрнатиб, ўз бузургвор бобосининг ишини давом эттирди. Униг вафотидан беш ярим йил ўтиб, дунё Баҳойлари, Баҳоуллоҳ томонидан тасвирланган, Абдул-Баҳо ва Муҳофиз томонидан батафсил изҳор этилган Умумжаҳон Адолат Уйини сайлашди. Умумжаҳон Адолат Уйи, ҳозирда бутун дунё Баҳойлари мурожаат этадиган Ётиқоднинг олий бошқарув органидир.

17 - БЎЛИМ

Сиз Аннанинг тақдиротининг мазкур қисми салмоқли эканлигини сезган бўлсангиз керак, чунки у Эмилияга баъзи ўта теран концепцияларни икки-уч оғиз сўз билан тушунтириб беради. Қуйидаги машқ сизга унинг айтганларини батафсил таҳлил қилишга ёрдам беради.

Шу пайтгача Анна, Умумжаҳон Адолат Уйининг 6-Бўлимда келтирилган баёнотига мувофиқ, Эмилия билан Ётиқод Муббашири Боб ва унинг Муаллифи Баҳоуллоҳнинг Мақоми ҳақида суҳбатлашди. Энди эса, у Эмилияга Абдул-Баҳонинг мақомини ётироф этишда ёрдам бермоқчи. Бунинг учун у, Аҳд концепциясини ҳам тақдим этади. У ушбу икки ўзаро боғлиқ концепцияни Эмилияга тушунишида ёрдам бериш учун қатор фактларни келтиради.

Қуйида, ушбу фактлардан баъзиларининг рўйхати келтирилган. Ҳар бир баёнот Эмилианинг ушбу икки концепциядан бирини ёки бошқасини, ёинки иккаласини ҳам тушунишига ҳисса қўшиш учун мўлжалланган. Абдул-Баҳо мақомини мустаҳкамлашга қаратилган баёнотларни “1” рақами билан, кўпроқ Баҳоуллоҳнинг Аҳди ҳақидаги концепцияни тушунтиришга қаратилган ғояларни эса “2” рақами билан белгиланг. Агар сиз баёнотнинг ҳар иккала концепцияга тегишли эканлигини ҳис қилсангиз, у ҳолда унинг тўғрисида ҳам “1”, ҳам “2” рақамини қўйинг.

_____ Ваколатли аён тафсирчиси тайинланмаганлиги сабаб, бошқа барча динлар қўпгина оқимларга бўлиниб кетган.

_____ Абдул-Баҳо Баҳоуллоҳ Аҳдининг Марказидир.

_____ Абдул-Баҳо Баҳоуллоҳ сўзларининг Тафсирчисидир.

_____ Умумжаҳон Адолат Уйининг ўрнатилиши Баҳоуллоҳ томонидан назарда тутилган эди.

_____ Абдул-Баҳо Ўзининг “Ирода ва Васиятнома”сида, Ўзининг тўнғич набирасини Муҳофиз деб тайинлайди.

_____ Абдул-Баҳо Ётиқод тамойилларини аниқ изоҳлайдиган минглаб Лавҳлар ёзди.

_____ Баҳоуллоҳ Ўз Ётиқодини парчаланишдан сақлаш учун уни Аҳд кучи билан сийлади.

- _____ Абдул-Баҳо Баҳоуллоҳ таълимотининг комил Намунасиدير.
- _____ Абдул-Баҳо Ўз ҳузурида бўлган ҳар бир кишига чексиз бахт ва қувонч келтирарди.
- _____ Баҳоуллоҳ жуда аниқ шартлар билан, ёзма равишда, Ўз вафотидан кейин барча Баҳойлар Абдул-Баҳога мурожаат қилиши кераклигини таъкидлади.
- _____ Пешволикка интилиш, диндаги парокандаликка сабаб бўлиши мумкин.
- _____ Абдул-Баҳо Ўтиқодни Шарқ ва Ғарбга тарқатиш учун туну-кун меҳнат қилди.
- _____ Шавқий Эфендининг вафотидан кейин кўп вақт ўтмасдан, дунё Баҳойлари Умумжаҳон Адолат Уйини сайлади.
- _____ Динда ваколатли тафсирчининг йўқлиги, низо ва келишмовчиликларга йўл очиб беради

18- БЎЛИМ

Баҳоуллоҳнинг Аҳди ва Абдул-Баҳонинг Мақоми ҳақидаги суҳбат давомида, Анна Эмилиянинг маълумотлар билан тўлиб тошганини сезади. У тезда ўз олдида турган икки имкониятни тарозига тортиб, фикридан ўтказди: кўпроқ вақт бағишлаб мавзун янада чуқурроқ муҳокама қилсинми ёки тақдмотини давом эттириб, кейинроқ бошқа бир суҳбатлари давомида, Аҳд мавзусига қайтишни таъминласинми. У иккинчи фикрга амал қилишга қарор қилиб, шундай давом эттиради:

Аҳд мавзуси бўйича сўзлаб берган кўпгина ғояларим чуқур мулоҳазаларни талаб этади. Агар рози бўлсангиз, бошқа сафар бу мавзун чуқурроқ муҳокама қилишимиз мумкин. Бу борада мен Баҳоуллоҳнинг Аҳди Китобидан ва Абдул-Баҳонинг Ирода ва Васиятномасидан баъзи парчаларни олиб келсам ва биз уларни биргаликда ўқиб чиқсак бўлади. Ҳозир эса давом этсак ва мен сенга Баҳой Ўтиқоди ҳақида бошиданок билиш керак бўлган бошқа бир неча ғояларни тақдим этсам.

Эмилия рози бўлади ва чиндан ҳам, ҳикоя ёққанлигини ва Баҳоуллоҳ Аҳдининг аҳамияти ҳақида тушунча олгани ва у тез орада, бу ҳақда кўпроқ ўрганишни сабрсизлик билан кутишини мулойимлик билан таъкидлайди. Анна енгил тортиб, хушҳоллик билан давом эттиради:

Оллоҳ Мазҳарининг инсониятни тўғри йўлга йўналтириш учун олиб келадиган қонунлари, ҳар бир дин учун муҳимдир. Бундай қонун ва кўрсатмаларнинг баъзилари абадий, баъзилари эса инсоният тараққиёти ва ривожига билан ўзгариб боради. Ўтиқодда бизга ўргатилишича, биз Баҳой қонунларини амал қилиниши керак ёки керак эмас бўлган қоидалар тўплами деб билмаслигимиз керак. Баҳоуллоҳнинг бизга айтишича, Ул Зот келтирган қонунлар “Менинг

бандаларим орасидаги Менинг мушфиқ ғамхўрлигим чироқлари ва Менинг яратганларим учун Менинг меҳрибонлигим калитларидир”. Чунончи, биз бу қонунларга жазодан қўриқиб бўйсунганимиз ҳам керак эмас, зеро Ул Зот Ўзининг Ёнг Муқаддас Китобида жуда ойдин равишда таъкидлагандир: “Ўғитларимга Менга бўлган муҳаббатинг ҳақи амал қил.”

Баҳой қонунларидан бир нечта мисол келтирсам, бу ғоялар анча тушунарлироқ бўлади. Моддий дунёда инсон мавжудоти ҳар куни овқатланиши керак. Бу инсон танасининг талаби; агар буни бажармаса хасталаниб, тезда нобуд бўлади. Айтишимиз мумкинки, кундалик озиқланиш, бўйсунганимиз шарт бўлган жисмоний мавжудлигимиз қонунидир. Худди шундай, Баҳоуллоҳнинг фармойишларидан бирига биноан, биз ҳар куни дуо ўқишимиз лозим. Бизнинг жисмимиз каби руҳимиз ҳам доимий озуқага муҳтож, ибодат бизнинг руҳан ўсишимиз учун озуқа. Баҳоуллоҳ, Боб ва Абдул-Баҳо томонидан нозил этилган жуда кўп гўзал дуолар мавжудки, биз уларни танҳоликда ёки учрашувларда ўқишимиз мумкин. Баъзи дуолар алоҳида қувватга эга, жумладан фарз ибодатлари ва бошқа яна бир неча махсус дуолар. Кундалик фарз дуоларидан бирида шундай дейилади:

“Ё Оллоҳим, гувоҳлик бераманки, Сен мени Сени билмоғим ва Сенга ибодат қилмоғим учун яратдинг. Ушбу дамда гувоҳлик бераманки, мен ожиз ва Сен Қувватлисан, мен заиф ва Сен Қудратлисан, мен фақир ва Сен Ғанийсан. Бало-қазода Сендан ўзга Мададкор, Абдий Бирубор Парвардигор йўқ.”¹²

Бу жуда чиройли ва қисқа дуо бўлиб, сен учун оятларни ёдлаш нақадар осонлигини билганим сабаб, бир неча бор такрорлаб, уни ёдлай олишингизга ишоним комил.

Ўзининг бошқа бир ўғитида Баҳоуллоҳ, ғийбат ва тухматни таъқиқлайди. Бу жуда муҳим, чунки агар ўйлаб кўрадиган бўлсак, ғийбат бирдамликнинг ашаддий душманидир. Бахтга қарши, кўпчилик одамларда ўзгалар айбини уларнинг ортидан гапириш одатга айланиб қолган. Гўёки, барча бошқа бировнинг нуқсонлари билан банддек кўринади ва бу айблар, мудом оғиздан оғизга ўтар экан, янада бўртиб боради. Абдул-Баҳо бизга бунинг аксини қилишимизни айтади. Биз бошқаларнинг камчиликларига кўз юмишимиз ва кечиримли нигоҳ ила боқишимиз керак. Биз одамларни Оллоҳ ҳақи севишимиз керак. Абдул-Баҳонинг бизга айтишича, номукаммаллик ҳар инсонга хос ва агар нигоҳимизни одамларнинг ўзига қаратсак, доимо роҳатсиз бўламиз. Аммо, агар биз нигоҳимизни Оллоҳга қаратсак, биз уларни севамир ва уларга меҳрибон бўламиз.

Аннанинг охириги сўзларини диққат билан тинглаётган Эмилия, яқиндагина мактабда ғийбат сабабли содир бўлган кўнгилсизликлар натижасида кўпчиликнинг қалби қирилганини эслайди. Дугоналар бир мунча пайт давомида қандай қилиб ғийбат дўстликни бузиши мумкинлигини муҳокама қилишгач, Анна ўзининг ён дафтарида топиб, қуйидаги иқтибосни ўқийди:

“Эй, тахтим рафиқи! Ёмонликни эшитма ва ёмонликни кўрма; ўзингни камситма ва нолалар қилма. Ёмонликдан сўз очмаким, сенга ҳам ёмонлик айтилмасин; бошқалар айбини бўрттирмагинким, ўз айбинг катта бўлиб

кўринмасин. Ҳеч кимнинг зиллатини раво кўрма, токи ўз зиллатинг фош бўлмасин. Шунда, пок бир юрак, тоза бир қалб, муқаддас бир кўнгил ва соф виждон ила бир лаҳзадан-да қисқа бўлган умринг айёмини ўтказгинки, озод ва маъсуд бир ҳолда, ушбу фоний жасаддан маънавий фирдавсга қайтарсан, ҳамда, абадий малакутда яшарсан.”¹³

Сўнгра у давом эттиради:

Баҳоуллоҳ спиртли ичимликлар ва албатта, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни ҳам тақиқлайди. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш бу ҳозирги замондаги энг даҳшатли ижтимоий иллатлардан биридир. Бу, зўравонлик ва соғлом оилалар бузилишининг энг асосий сабаби бўлмоқда. Ростини айтсам, мен ҳеч қачон одамларнинг нима учун ўз онгига таъсир қиладиган ва уларни эркин фикрлаш қобилиятидан маҳрум қиладиган нарсаларни истеъмол қилишларини тушунмаганман. Ичкиликбозлик одамни шармандаларча йўл тутишга яроқли қилади, ваҳоланки биз олийжаноб мавжудот сифатида яралганмиз. Олийжаноблик ҳақида Баҳоуллоҳ Битикларида келтирилган чиройли бир иқтибосни биламан:

“Эй, Рух ўғли! Сени ғаний қилиб яратдим, нега ўзингни фақирликка урасан? Сени олийжаноб этиб бунёд этдим, нега ўзингни залил тутасан? Ил моҳиятидан Мен сени бор айладим, нега сен Мендан эмас ўзгадан илм излайсан? Муҳаббат лойидан Мен сени ясадим, нега ўзга ила машғул бўласан? Нигоҳингни ўзингга қарат ва ўзингдаги Қувватли, Қудратли ва Қайюм турган Мени топурсан.”¹⁴

Баҳоуллоҳнинг менинг юрагимда акс-садо бергувчи яна бир ўғити, бу ота-оналар ва жамиятнинг болалар олдидаги таълим бериш бурчидир. Менинг ён дафтарчамда буни яхши тушунтирадиган Абдул-Баҳонинг иқтибоси бор:

“Бинобарин, Тангрининг ҳабиблари ва Шафқатлининг канизаклари фарзандларини ўз жону-диллари билан тарбиялашлари ва уларни фазилат ва комиллик мактабида ўқитишлари лозим. Бу масалада улар заррача бўлсин бепарволик ёхуд иккиланишга йўл қўймасликлари керак ...

Оллоҳ ҳабиблари ва Шафқатлининг канизаклари учун даставвал бурч, бор имкониятларни йўлга солиб, болаларнинг ҳаммасига, ҳам қизлару, ҳам ўғилларга бирдек таълим-тарбия беришдир. Чунончи, охиргилари ҳам аввалгиларидек бир, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ҳар иккисининг жаҳолатда қолиши қоралангай; ҳар иккаласининг ҳам ғофиллиги мақбул эмас. “Наҳот, биладиганлар ва билмайдиганлар тенг бўлса?””¹⁵

Бу ўғитнинг жуда муҳимлиги туфайли, Баҳойи жамоаси ҳудудимиз қишлоқлари бўйлаб кичик ёшдаги болаларга аталган руҳий таълим-тарбия сабоқларини таклиф қилмоқда. Мен, мана шундай машғулотлардан бирини олиб бориш қобилиятини ривожлантиришда ёрдам берадиган Баҳойи тайёрлов Институти томонидан ўтказилаётган курсда қатнашмоқдаман, жумладан сен аллақачон, менга бир неча марта бу машғулотларни олиб боришда кўмаклашдинг. Бу Институт курслари жамоага хизмат қилиш йўлини тутган ҳар бир киши учун очикдир ва агар сенга қизиқ бўлса, вақт топиб улар ҳақида айтиб беришим мумкин.

19 – БЎЛИМ

Анна тақдим этган ғоялар ҳақида фикр юритишда сизга ёрдам бериш учун, қуйида келтирилган машқларни бажаринг.

1. Ўз тақдимотининг ушбу қисмида, Анна Ўзбекистонда амал қилиниши керак бўлган қонунлар мавжудлиги нўқсисидан изланувчига маълумот бериш учун Умумжаҳон Адолат Уйининг кўрсатмаларига амал қилишга ҳаракат қилмоқда. Қуйидаги фикрларнинг қайси бирига қўшилисан?

_____ Ушбу босқичда Анна умуман қонунлар мавзусини кўтармаса яхши бўларди. Ҳозирги жаҳиятда одамлар ўз шахсий эркинликларини жуда қадрлайдилар ва “диний қонунлар” фикри уларни терс қилиши мумкин.

_____ Анна Эмилияга Баҳой қонунларининг ҳаммасини бўлмасда, аксарияти ҳақида айтиб бериши керак эди. Масалан, мерос, никоҳ, марҳумни дафн этиш, Ҳуқуқуллоҳ қонунларини. Акс ҳолда, Эмилия Баҳой бўлиш нималигини тўлиқ тушунмайди.

_____ Эмилия учун Баҳой Ўзбекистонда умуман қонунлар борлигини тушуниш, ушбу қонунлар табиати ҳақида баъзи фикрга эга бўлиш ва Баҳой сифатида, бу қонунларга бўйсунуши кераклигини англаш муҳим. Мазкур босқичда, унинг учун барча мавжуд қонунларни билиши шарт эмас.

_____ Аннага ўз мақсадига эришиши учун қонунлардан битта мисол, айтилиқ дуо ҳақидаги қонуннинг ўзи етарли эди. Тўрт қонунни келтириб тингловчисини уринтириб қўйди.

_____ Аннанинг ибодат қонуни борасидаги изоҳи ўта самаралидир. Даставвал, бизнинг жисмоний мавжудлигимизни тартибга солувчи қонунни тақдим этиш орқали, Анна бизнинг руҳий борлигимизни бошқарадиган қонунлардан бўлмиш, ибодатнинг аҳамиятини тушунтира олади. Бундай ёндашув орқали, у Оллоҳ қонунларини, одатда тақдим этиладиган қоидалар тўплами даражасигача туширмай тақдим этади.

_____ Изловчи билан, аиникса, ўз мустақиллигини ўрнатишга ва ўзининг вояга етганини кўрсатишга ҳаракат қилаётган ёш қиз билан Баҳоуллоҳнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилишни таъқиқлаши ҳақида суҳбатлашиш яхши фикр эмас. Табиийки, ёш инсон спиртли ичимликларни истеъмол қилиб кўришни хоҳлайди ва унга таъқиқланган ҳар қандай қонунни эслатиш, уни фақатгина Ўзбекистондан узоқлаштиради, холос.

_____ Аннанинг Баҳоуллоҳнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилишни таъқиқлашини тақдим этиш усули ўринлидир. Спиртли ичимликларнинг онга таъсири ҳақида гапириб, у қонуннинг ҳикматини кўрсатиб беради. Қолаверса, олийжаноблик мавзусини киритиш орқали эса, у қонунни юқори, руҳий контекстда жойлайди.

_____ Баҳоуллоҳнинг қонунларига бўйсуниб борасида фикр юритар экан, Анна мулойимликка йўл қўйиб хато қилди. Аслида, Эмилия бўйсунмаслик қандай оқибатларга олиб келишини билиши учун, Анна маъмурий жазо чоралари масаласини кўтариши керак эди.

_____ Анна Баҳоуллоҳнинг қонунларига бўйсуниб нуктасига алоҳида урғу бермаса-да, унга итоатнинг жазодан кўрқув туфайли эмас, балки, Оллоҳга бўлган муҳаббатдан келиб чиқиши ҳақидаги фикрни билдиради. Эмилия Баҳой бўлганида, унинг қонунларга бўйсуниб Баҳоуллоҳга бўлган муҳаббатининг табиий натижаси бўлади.

_____ Агар сиз ичувчанлик муаммоси бўлган инсонга Таълимни ўргатаётган бўлсангиз, сиз учун энг муҳими алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш таъқиқланганлиги ҳақидаги қонунни тушунтиришдир. Бу ҳолатда, албатта сиз, агар у баҳой бўлса, ичишни зудлик билан ташлаши кераклиги ҳақида айтишингиз керак бўлади.

_____ Агар сиз ичувчанлик муаммоси бор инсонга Таълимни ўргатаётган бўлсангиз, биринчи навбатда унга спиртли ичимликларни истеъмол қилишни таъқиқловчи қонунни тушунтириш жуда муҳим бўлар эди. Бироқ, унинг муаммосини эътироф этган ҳолда, унга шунини тушунтиришингиз мумкинки, у Баҳой бўлганидан кейин ҳам ичишни давом эттириши мумкин, фақат буни ҳеч ким кўрмаслиги керак.

_____ Агар сиз ичувчанлик муаммоси бор инсонга Таълимни ўргатаётган бўлсангиз, у ҳолда сиз бошқа қонунлар қаторида, Баҳоуллоҳнинг алкоғолли ичимликларни таъқиқлашини тушунтириб беришингиз муҳим бўлар эди. Шунингдек, сиз унга ҳар битта қонунга амал қилиш ҳамма вақт ҳам осон эмаслигини, бизнинг комил эмаслигимизни ва хатоларга йўл қўйишимиз мумкинлигини ҳам айтиб ўтасиз. Аммо, биз Баҳоуллоҳни тан олиб, Унга дуо ўқиганимизда, Ул Зотнинг Ўзи бизга заифлигимизни енгишда ёрдам беради ва Унинг қонунларига бўйсуниб куч бахш этади.

2. Сиз, Оллоҳга иймон келтиришга қийналаётган кишига Таълимотни ўргатмоқдасиз, деб тасаввур қилайлик. Бу ҳолда, сиз унга дуо қонунини ҳақида гапириб берардингизми ёки йўқми? Агар ҳа бўлса, унда сиз буни қандай қилиб амалга оширган бўлардингиз?

20 – БЎЛИМ

Аннанинг Эмилия билан Эътиқод ҳақидаги биринчи суҳбати ниҳоясига етмоқда. Эмилия Анна тақдим этган Баҳойй таълимотига катта қизиқиш билдиради ва бу Аннани баъзи ғояларни нисбатан батафсил тушунтиришга ундайди. Энди, у ўзининг ҳикоясини яқунлайди:

Ишончим комилки, мен сенга шунчаки ажойиб идеаллар тўпламини қабул қилишни эмас, балки динга қўшилишни таклиф қилаётганимни тушунмоқдасан. Аслида, Баҳойй дини жуда яхши ташкилланган дин бўлиб, унинг аъзолари Баҳоуллоҳ таълимотини ўз ҳаётларида ва жамият ҳаётида тизимли равишда қўллаш учун мунтазам меҳнат қилмоқдалар. Бу иш ҳақида, янги тамаддунни бунёд этиш деб ўйлаш фойдали бўлади. Умумжаҳон Адолат Уйи бизга айтадики, бу саъй-ҳаракатларда учта иштирокчи мавжуд ва ҳар бири ўта муҳим ролга эгадир.

Ушбу жараённинг биринчи иштирокчиси – шахс. Айнан шахс, ҳаёт ўлим билан тугамаслиги ва инсоннинг Оллоҳ билан ўзаро муносабати абадий эканлигидан ҳар доим огоҳ бўлган ҳолда, Аҳдда собит бўлиш учун, ҳар куни ўз ҳаётини Баҳойй таълимоти билан уйғунлаштиришга интилиш ва инсониятга хизмат қилиш учун масъулдир. Ўлимдан кейин бизнинг руҳимиз Оллоҳ томон абадий ривожланишда давом этади. Бизнинг бу дунёдаги ҳаётимиз она қорнидаги ҳомиланинг ҳаётига жуда ўхшайди. Тўққиз ой давомида бола жисмоний салоҳиятини – кўзлари, кулоқлари, қўллари ва ҳоказоларини – кейинчалик, бу дунёда фойдаланиш учун ривожлантиради. Худди шу тарзда, биз бу заминий дунёда Оллоҳнинг бошқа оламларида ривожланишимиз учун зарур бўлган руҳий салоҳиятимизни ривожлантиришимиз керак. Албатта, биз ўз мақсадимизга, шунчаки, у ҳақда фикр юритиш билангина эришмаймиз. Аниқроғи, айнан хизмат майдонида, жамият фаровонлиги йўлида меҳнат қилар эканмиз, руҳан ва ақлан ўсамиз.

Жараённинг иккинчи иштирокчиси – жамоа. Одамзод ёлғиз яшаш учун яратилмаган. Биз жамоаларда яшаймиз ва янги цивилизацияни бунёд этиш учун биргаликда меҳнат қилишимиз керак. Бизга энг яқин бўлган жамоа, бу бизнинг қишлоғимиз ёки шаҳримиздаги Баҳоййлардан иборат маҳаллий жамоадир. Аммо, қайда яшашимиздан қатъи назар, биз барчани маҳалла ва қишлоқларимиз

тараққиётига ҳисса қўшиш ва хизмат қилиш қобилиятини парваришлаш борасидаги саъй-ҳаракатларга қўшилишга таклиф қиламиз. Айнан маҳаллий жамоада, биз бирга меҳнат қилаётган дўстлар ва қўшнилари билан ҳамкорлик қилишни, биргаликда олдинга силжишни ва бирдамликни ўрганамиз. Қолаверса, маҳаллий жамоа аъзолари бўлишдан ташқари, биз Миллий ва Жаҳон Баҳойи ҳамжамиятининг ҳам аъзоларимиз, қайсики у, доимий равишда кенгайиб бормоқда ва келиб чиқиши – дини, миллати, элати, ирқи ва қабиласи турли бўлган одамларни ўзига жалб этмоқда.

Эътиқод Муассасалари, Умумжаҳон Адолат Уйи бизга айтганидек, янги цивилизацияни бунёд этишнинг учинчи иштирокчисидир. Бу ҳақда Аҳдни муҳокама қилаётганимизда янада батафсилроқ гаплашамиз. Ҳозир эса, фақатгина шуни айтишим мумкинки, Баҳоуллоҳ ўғитларининг кўпчилиги жамият тузилмаларини қандай ташкил қилиш кераклиги билан боғлиқ. Ўтмишда Оллоҳ Мазҳарлари издошларига ўз ишларини қандай ташкил қилишлари кераклиги ҳақида деярли ҳеч нарса деб қолдирмаган ва одамлар бунини қандай қилишни ўзлари кашф этишлари керак эди. Аммо, Баҳойи Эътиқодига келганда, биз Маъмурий Тартиботдек илоҳий вужудга келган иноятга эгамиз, бу дегани, Баҳоуллоҳнинг Ўзи бизга қандай муассасаларни яратиш, уларнинг қандай фаолият кўрсатиши ва инсоният ўз ишларини қандай бошқариши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Биз сен билан олий орган – Умумжаҳон Адолат Уйи ҳақида аллақачон гаплашган эдик. Ҳар бир мамлакатдаги Баҳойилар йилда бир марта Миллий Руҳий Мажлисни ва ҳар бир аҳоли пунктида эса, Маҳаллий Руҳий Мажлисни сайлашади. Сен, аввало, ушбу Эътиқод муассасаси билан танишасан. Баҳойи Эътиқодида руҳоний роҳиблар ёки дин пешволари йўқ, айнан мана шу Маҳаллий Руҳий Мажлис, жамоа ишларига раҳбарлик қилиб, унинг алоҳида аъзоларининг фаровонлиги устида ғамхўрлик қилади. Маҳаллий Руҳий Мажлис, жамоадаги барча катта ёшли мўминлари томонидан, ибодатли муҳитда яширин овоз бериш йўли билан сайланувчи тўққиз кишидан иборат муассасадир. Баҳойилар учун Руҳий Мажлислар алоҳида аҳамиятга эга. Улар орқали биз инсоний ишларни қандай бошқаришни ва жамиятда, Баҳоуллоҳнинг Дунёвий Тартиботи дея маълум бўлмиш янги тартиботни қандай қилиб ўрнатиш мумкинлигини ўрганамиз.

Биз Анна ва Эмилия ўртасидаги суҳбат шу билан ўз ниҳоясига етганини тасаввур қилишимиз мумкин. Эмилия эртаси куни суҳбатни давом эттиришни хоҳлаётгани аниқ. Анна сумкасидан унчалик катта бўлмаган дуо китобчасини олиб, Эмилияга совға қилади ва унга кетишдан олдин биргаликда дуо ўқишни таклиф этади. Эмилия китобни очиб, дуо ўқийди:

“Менда тоза бир қалб ярат, Ё Илоҳим. Виждонимни хотиржам эт, Ё Орзуйим. Қудратинг руҳи ила Амрингда мустаҳкам тут, Ё Маҳбубим. Шукхунг нури ила Сиротингга йўл кўрсат, Ё Мақсудим. Султонлигинг кучи бирла муқаддас осмонингга кўтар, Ё Аввалим. Мангулигинг нафаси бирла шодликларга мени тўлдир, Ё Охирим. Азалиятинг нағмалари мени хотиржам этсин, Ё Мунисим. Қадим талъатинг ғанолари мени ҳимоя этсин, Ё Сайидим. Доимий Моҳиятинг Зухури ҳақидаги хушхабар, менга сурур бағишласин, Ё Зоҳирлар Зоҳири ва Ботинлар Ботини.”¹⁶

Анна ва Эмилиянинг ҳикояси гарчак бўлмаса-да, у, бутун дунё бўйлаб минглаб Баҳойларнинг тажрибасига асослангандир. Бинобарин, ушбу ҳикоянинг якунида, биз ишонч билан айтишимиз мумкинки, бир неча кундан кейин, яна бир ёки икки суҳбатдан сўнг, Эмилия Баҳойлар жамоасига қўшилади ва Аннанинг ёрдами билан Амрга хизмат қилиш йўлига киришади.

21 – БЎЛИМ

Энди эса, келинг, қуйидаги иккита машқ ёрдамида Аннанинг тақдиротини тўласинча таҳлил қилайлик:

1. Анна ўз дугонаси билан баҳам кўрган ғоялар, айниқса, унинг якуний шарҳларида келтирилган фикрлар, Эмилия учун ўзини жамоанинг алоҳида аъзоси сифатида ўз масъулиятини қандай қабул қилиши, унинг ишларида қандай иштирок этиши ва Ўтиқод муассасалари билан бўлгуси муносабатларига сезиларли даражада таъсир қилади.

Анна етказмоқчи бўлган алоҳида мўминнинг образи қандай? Бундай шахснинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Анна етказмоқчи бўлган Баҳой жамоасининг образи қандай? Бу жамоанинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Анна етказмоқчи бўлган Ўтиқод муассасаларининг образи қандай? Бу муассасаларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

2. Суҳбат давомида Анна, Эмилияга Баҳойи жамоасига қўшилиши учун бўсагадан ўтишга эшик очётганлиги ойдиндир. Сизнингча, унинг таклифида қуйидаги фикрлардан қай бири асосий ғоя бўлиб ҳисобланади?

_____ Баҳойилар яхши инсонлар, Баҳойилар жамоаси эса бирдамдир, шу боис сен бизга қўшиласан деган умиддаман..

_____ Баҳойи Ўтиқоди энг илғор руҳий ва ижтимоий тамойилларни ўз ичига олади ва сиз уларни қабул қилганинг учун сен Баҳойисан.

_____ Мен сенга тақдим этган қисқача муқаддима ёрдамида, энди ўзинг Баҳойи Ўтиқодини чуқур ўрганиб чиқиб, Баҳойи бўлиш ёки бўлмаслик ҳақида қарор қабул қилишинг лозим.

_____ Менинг айтганларим асносида ва пайдо бўлиши мумкин бўлган саволларингга жавобан қўшимча тушунтиришларга таяниб, умид қиламанки, сен Баҳоуллоҳни Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари сифатида тан оласан ва Ул Зотнинг содиқ издошларидан бири бўлиш истагини ҳис қиласан.

22- БЎЛИМ

Ушбу саҳифаларда, Умумжаҳон Адолат Уйининг 6-бўлимда келтирилган баёнотига кенг маънода мос келадиган, биз кўриб чиққан тақдимот, Баҳойи Ўтиқоди ҳақида оз маълумотга эга бўлган, аммо, кўпроқ ўрганишга қизиққан кишига унинг асосий хусусиятларини тушунтириб берадиган мантиқли ғоялар тўпламини тақдим этади. Биз ушбу тадқиқотни Таълимотни шахсий ўргатиш контекстидаги икки дўст ўртасидаги суҳбат тариқасида амалга оширдик. Табиийки, биз турли вазиятлар ичига тушиб қоламиз ва таълимни ўргатишдаги ҳаракатларимизда, вазият тақозосига қараб ўз тақдимотимизни мослаштиришга тайёр бўлишимиз лозим, бунда мулоқотда бўлган кишиларимизнинг қабул қилувчанлик даражасини, уларнинг Ўтиқод ҳақидаги билимлари миқдосини ва уларнинг Баҳойилар жамоасига қанчалик яқинлигини ва уларнинг келиб чиқишини инобатга оламиз. Бинобарин, гарчи сизга Аннанинг Эмилия

Шу ерда тўхтаб, ниманинг таҳлика остида эканлиги ҳақида бир зум фикр юритиш фойдали бўлиши мумкин. Ушбу курслар томонидан очилган хизмат йўлига кирганингиздан бери, сиз Баҳойй таълимоти ва унинг Муаллифи ҳақида бошқалар билан мулоқот қилиш учун зарур бўлган қобилиятларни аста-секин ривожлантирдигиз. Энди сиз турли хил вазиятларда, танишган ёки учрашган кишилариңизнинг қабул қилувчанликларига жавобан, Ўтиқодни ишончли тарзда етказиш қобилиятини ривожлантиришга чорланмоқдасиз. Ушбу китобдаги тақдимот билан бир қаторда берилган машқлар, ушбу қобилиятнинг табиати ва унинг сиздан нималарни талаб қилиши ҳақида ўйланишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Қуйида бир неча дастлабки фикрлариңизни ёзишингиз мумкин.

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

Юқорида эътибор берганингиздек, кўриб чиқилаётган қобилият фаолият майдонида ривожланади, ҳамда вақт ўтиши билан, Эътиқод тобора кўпроқ одамларга ўргатилганда кучайиб боради. Ҳикоямиздаги Анна сингари, барчамизнинг дўстларимиз ва қариндошларимиз, ҳамкасбларимиз ва тенгдошларимиз бор, уларнинг ҳар бири ҳақиқатни ўз йўли билан изламоқда, улардан баъзилари эса, Баҳоуллох таълимотининг мантиқли ва тўғридан-тўғри тақдимоти орқали унинг хушхабарини тадқиқ этишга тайёрдирлар. Қишлоғимиз ёки маҳалламиздаги қабул қилувчан аҳоли орасида ўтказилаётган коллектив кампания доирасида, яқинда танишган одамларимиз билан

худди шундай суҳбатга киришишимиз мумкин. Бунда, биз Умумжаҳон Адолат Уйининг қуйидаги ҳидоятини ёдда тутишимиз керак:

“ Бундаин янги танишган дўстлар билан бўладиган илк мулоқот, кейинчалик уларни Баҳой жамоасига қўшилишга ёки унинг фаолиятида иштирок этиш таклифига олиб келиш келмаслиги борасида ортиқча ташвиш бўлмаслиги керак. Энг муҳими, ҳар бир инсоннинг жамият фаровонлигига ҳисса қўшишда жамоага қўшилиши ва инсониятга хизмат йўлига киришишда ўзининг хуш келганини ҳис этишидадир, бу йўлда эртами-кеч расмий қўшилиш содир бериши мумкин.”¹⁷

Бинобарин, ёдда тутишимиз керак бўлган нарсаси, жамиятни бунёд этишда ёки бу ишни турли йўллар билан қўллаб-қувватлашда биз билан бирга меҳнат қилаётганлар орасида, аввалига, инсониятга хизмат қилиш истагидан келиб чиққан, энди эса, Баҳоуллоҳ Зухурига янада чуқурроқ чўмишга тайёр бўлганлар бор. Бу борада, Адолат Уйи шундай ёзади:

“Албатта, жамоа инсоннинг қандайин даражада бўлмасин, каттами, кичикми, ҳар қандай мансублигини олқишлайди. Ваҳоланки, Баҳоуллоҳни Оллоҳ Мазҳари сифатида тан олиш ва баҳой жамоаси аъзолиги билан боғлиқ нодир имтиёз ва бурчларни қабул қилиш, инсоннинг маънавий ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган танҳо бир лаҳза бўлиб, баҳойлар фаолиятида мунтазам қатнашиш ёки баҳой тамойилларини қўллаб-қувватлашни изҳор этишдан мутлақо фарқ қилади. Тажриба шунни кўрсатдики, қайдаким жамоа қуриш ташаббуси туфайли яратилган муҳит бор экан, ҳар бир хоҳловчи киши учун ушбу қадамни қўйиш осонлашади. Бундай интилишлар қайда юз бермасин, дўстлар ёдда тутсинларки, Эътиқод эшиклари кенг очик ва унинг остонасида турганларни руҳлантирмоқ зарур.”¹⁸

Бинобарин, хоҳ Таълимотни ўргатишдаги шахсий саъй-ҳаракатларимизда, хоҳ коллектив ташаббусларда бўлмасин, биз юқорида назарда тутилган очик суҳбатга тайёр бўлишимиз керак, бу суҳбат остонада турганларни Амрнинг истехкомига кириш ва Аҳднинг бирлаштирувчи кучидан қувват олишга илҳомлантириш учун хизмат қилади.

24 – БЎЛИМ

Биз Эътиқодни ўргатиш амали, одатда, икки контекстда олиб борилади деб ўтдик: шахсий саъй-ҳаракатларимиз ва коллектив кампанияларимизда. Кейинги бир неча бўлимда, биз ушбу икки контекстнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз. Келинг, шахсий саъй-ҳаракатларимиз ҳақида ўйлашдан бошлайлик. Сиз олдинги курсларни ўрганганда, қуйидаги иқтибос билан аллақачон танишгансиз, энди эса, унинг маъноси ҳақида батафсилроқ мулоҳаза юритиш сўралади, чунки ундан биз Таълимотни ўргатишдаги ҳар бир шахсий режа асосини ташкил этувчи руҳий тамойилларни олишимиз мумкин.

“Эй Оллоҳ йўлидан бораётган мусофир! Унинг марҳамат уммонидан ўз насибангни ол ва унинг қаъридаги пинҳон ганжигиналардан ўзингни

махрум этма. Унинг хазиначарига етганлардан бўл. Ушбу уммондан арзу-самодаги ва заминдаги барча мавжудотга тўкилгувчи бир қатра, уни Алийм ва Қодир Оллоҳ розилиги билан тўқис инъом айлаши мумкин. Дунёдан халос қўллар билан ушбу ҳаётбахш сувдан ховучлаб олинг ва уни бутун мавжудот узра сепингки, уларнинг барчаси инсоний дунё чегараларидан покланиб, мунаввар ва муқаддас даргоҳдаги Қудратли Оллоҳ тахтига яқинлашсинлар.

Буни ёлғиз бажараётган бўлсанг, қайғурма. Оллоҳ сен учун кифоя бўлсин. Унинг Руҳи билан яқин муносабат ўрнат ва шукр этганлардан бўл. Осмон заминдаги барча узра ўз Раббинг Амрини тарғиб эт. Сенинг даъватингга жавоб берган ҳар бир кишига Оллоҳнинг, ўз Раббингнинг ҳикмат дурларини очиб бер, зеро улар сенга Унинг Руҳидан нозил бўлмишдир ва ҳақиқий мўминлардан бўл. Гар биров сенинг ҳаётига рад этар бўлса, Ундан юз ўғир ва барча оламлар ҳукмдори Тангрига, Оллоҳнинг ва ўз Худойингга таваккуллингни ва ишончингни боғла.”¹⁹

1. Қуйидаги гапларни тўлдилинг:
 - а. Биз _____ олишимиз керак.
 - б. Биз _____ қўллар билан _____ олишимиз керак.
 - в. Биз ушбу ҳаётбахш сувларни _____ сепишимиз керак
 - г. Биз буни _____ бажараётганимиздан _____ керак.
 - д. Биз Унинг Руҳи _____ керак.
 - е. Биз _____ бўлишимиз керак.
 - ж. Биз осмондаги ва заминдаги барча мавжудотларга Тангри Амрини _____ керак.
 3. Агар даъватимизга бирор кимса жавоб берса, биз унга Оллоҳнинг _____ керак.
 - и. Агарда бирор кимса ҳаётига рад этса, биз ундан _____ ва _____ Оллоҳга _____ ва _____ керак.
2. Биз Оллоҳ марҳамати уммонидан ўз насибамизни олишимиз керак деганда нимани тушунамиз? _____

3. Ушбу уммон қаърида нималар яширинган? Ва, агар у очилса, бизга Амрни тобора ортиб бораётган самарадорлик билан ўргатиш имконини берадими?

4. Оллоҳнинг марҳамати уммонининг бир томчиси нима қила олади? _____

5. Нега биз бу уммоннинг ҳаётбахш сувларидан олиш учун “инқитоъ қўллари”ни ишлатишимиз керак? _____

6. Биз Оллоҳнинг марҳамати уммонидан оладиган сувлар билан нима қилишимиз керак?

7. Бундай сепишнинг таъсири қандай бўлади? _____

8. Биз ҳар доим ҳам бошқа баҳойлар ёрдамида Эътиқодни ўргатишимиз керакми?

9. Унинг Амрини баҳам кўришда ва уни ўргатишда Оллоҳдан ўзгага мухтожмизми?

10. Амрни баҳам кўришда ва уни ўргатишда Ким билан мулоқотда бўлишимиз керак?

11. Амрни баҳам кўраётганимизда ва уни ўргатаётганимизда нима учун миннатдор бўлишимиз керак? _____

12. Амрни ким билан баҳам кўришимиз керак? _____

13. Биз кимга Таълимотни ўргатишимиз керак? _____
14. Агар биз етказаётган Хушхабар рад этилса нима қилишимиз керак?? _____

15. Хушхабарни рад этганлардан юз ўгиришимиз, улар билан энди дўстона муносабатда бўлмаслик кераклигини англатадимиз? Ёки бу шунчаки уларга Ўтиқодни ўргатишда туриб олмаслик кераклигини англатадимиз?

16. Қуйида Таълимотни ўргатиш ҳақида бир неча иборалар келтирилган. Қайси бири Баҳоуллоҳ Битикларига мансуб юқоридаги парчага кўпроқ мос келишини аниқланг ва белгиланг.
- _____ Мен Таълимотни ўргатишим керак бўлган одам, бу менинг энг яхши дўстим Мигел, деб қарор қилдим. Шу боис, сўнгги беш йил давомида, мен бор кучимни фақат унга қаратмоқдаман. У унчалик қизиқиш кўрсатмаяпти, аммо, бир кун келиб, бу содир бўлади. Менинг Таълимотни ўргатишдаги шахсий режам мана шундай.
- _____ Бизнинг вазифамиз, одамлар билан Ўтиқод ҳақида бўлишиш, деб биламан. Кейинчалик улар уни кўшимча ўрганишни хоҳлашадими йўқми, бу уларнинг иши. Агар улар чиндан ҳам хоҳласалар, улар ўқиб ўрганиш учун бирон китоб сўрашлари ва сўнгра, ўзлари бир фикрга келишлари мумкин.
- _____ Кеча қаҳва устида, кўшниларимдан бирига Баҳоуллоҳнинг хушхабарини тушунтириб бердим. Сал туриб, у менинг жонбозлигимни ҳурмат қилса-да, ўз динидан мамнунлигини айтди. Аммо, унинг оҳангидан шуни тушундимки, Ўтиқод ҳақидаги яна суҳбатлашиш учун эшик очик. Бинобарин, кейинги сафар, у билан учрашганимизда, уни ушбу Куннинг Илоҳий Мазҳарига

яқинлаштирувчи, Таълимотда унинг учун қизиқ бўладиган қирраларни аниқлашга ҳаракат қиламан.

_____ Кимдир менга Ўтиқод ҳақида эшитишга қизиқмаслигини айтгани билан бунинг, албатта, шундай эканлигидан дарак бермайди. Мен барибир айтадиганимни айтаман.

_____ Агар бирор киши менинг Баҳойй эканлигимни билса-ю, лекин, менга Ўтиқод ҳақида ҳеч қандай савол бермаса, демак, унинг қизиқиши йўқ.

_____ Агар жамоани қуриш фаолиятида киши мен билан бирга меҳнат қилса-ю, кишининг қандай қилиб Ўтиқодга дохил бўлиши ҳақида ҳеч ҳам сўрамаса, демак у Баҳоуллоҳни тан олишдек руҳий маъсулиятни ўз зиммасига олишни хоҳламайди.

_____ Мен имкон қадар кўпроқ одамлар билан учрашишга ҳаракат қиламан ва вазият қулай келганда, улар билан Ўтиқоддаги баъзи тамойиллар ҳақида бўлишаман. Агар мен уларнинг очиқлигини кўрсам, уларни то Ўтиқодга қўшилишга таклиф қилмагунимча ўқитишда давом эттираман.

25 - БЎЛИМ

“Илоҳий Адолатнинг келиши” асарида, Муҳофиз бизга Таълимотни ўргатиш бўйича систематик шахсий режанинг асосий элементларини чечанлик билан тасвирлайдиган бир парчани тақдим этади. Қуйида бу парча бир неча қисқа қисмларга бўлиб келтирилган. Ҳар бир қисмни ўқиб, машқлардаги бўш жойларни тўлдириш.

“Ўзи ташаббус кўрсатиб, дўсту душманининг билиб ёки билмай қўядиган ҳар қандай тўсиқларидан кўрқмай, ўрнидан қалқиб, Таълимотни ўргатиш даъватига жавоб беришга қарор қилган кимса, ўз Ўтиқоди соясига дохил этмоқчи бўлган кишиларнинг эътиборини жалб қилиш, қизиқишини қўллаб-қувватлаш ва иймонини чуқурлаштириш учун ўз шахсий саъй-ҳаракатларида қўллаши мумкин бўлган ҳар бир ёндашувни диққат билан ўргансин. У, ўзи яшаётган муайян шароитларнинг унга тақдим этаётган имконларини кўриб чиқсин, уларнинг афзалликларини баҳоласин ва ўз мақсадига эришиш учун улардан оқилона ва систематик равишда фойдалансин.”²⁰

1. Муҳофиз бизга ўз _____
_____ ва _____ даъватига _____
_____ қарор қилишимиз ҳақида айтади.
2. Бу ишда _____ ёки _____ йўлимизга _____ ёки _____
_____ қўйиши мумкин бўлган тўсиқларга мақсадимизга эришиш учун ҳалақит беришга йўл қўймаслигимиз керак.

3. Ўз қароримизда қатъиятли эканмиз, биз Эътиқодни ўргатмоқчи бўлганларнинг _____ жалб қилиш, _____ қўллаб-қувватлаш ва _____ чуқурлаштириш учун шахсий саъй-ҳаракатларимизда қўллашимиз мумкин бўлган _____ диққат билан ўрганишимиз керак.
4. Ўз қароримизда қатъиятли эканмиз, биз Амрни ўргатмоқчи бўлганларнинг эътиборини _____, қизиқишини _____ - _____ ва эътиқодини _____ учун шахсий саъй-ҳаракатларимизда _____ мумкин бўлган ҳар бир ёндашувни диққат билан _____ керак.
5. Биз ҳаётимизнинг муайян _____ бизга тақдим этаётган имкониятларни _____ керак.
6. Биз мавжуд имкониятларнинг афзалликларини _____ керак.
7. Шундан сўнг, биз улардан Таълимотни ўргатиш усули сифатида _____ ва _____ фойдаланишимиз керак.

“Шунингдек у, клублар, кўргазмалар, жамиятлар, Амр тамойиллари ва идеалларига яқин мавзулар - меъёрлилик, ахлоқ, ижтимоий фаровонлик, диний ва ирқий бағрикенглик, иқтисодий ҳамкорлик, Ислом ва қиёсий диншунослик каби маърузахоналар билан муносабат ўрнатиш усулларини ишлаб чиқсин ёки Амрнинг яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда, ижтимоий, маданий-гуманитар, хайрия ва таълим ташкилотлари ва лойиҳаларида иштирок этсин, қайсиким, булар орқали у ўзи мулоқотга киришган кишиларининг бора-бора ҳамдиллигини, қўллаб-қувватлашини ва ниҳоят, садоқатини қозона оладиган қўллаб йўллар ва воситалар очилади.”²¹

8. Биз _____, _____ ва _____ билан яқин муносабатни ўрнатиш, Амр _____ ва _____ яқин мавзуларда _____ каби усулларни ишлаб чиқишимиз керак.
9. Қолаверса, Амрнинг _____ сақлаб қолган ҳолда, _____, _____, _____, _____ ва _____ ва _____ иштирок этишимиз керак.
10. Биз булар орқали биз билан мулоқотга киришганларнинг бора-бора _____, _____ - _____ ва ниҳоят,

_____ кўплаб
_____ ва _____ очилиши учун шуғулланишимиз керак.

“Бундай мулоқотларни яратар экан, у ўз Ўтиқодининг кадр-қиммати ва мақомини сақлаш, унинг қонун ва тамойилларининг яхлитлигини муҳофаза қилиш, унинг кенг қўламлиги ва умумбашарийлигини намоёниш этиш, унинг муҳим ва қўп жиҳатли манфаатларини мардона ҳимоя қилишдан иборат бўлмиш, иймони зиммасига солган доимий чорловларни ёдда тутсин. У тингловчининг қабул қилувчанлик даражасини баҳолаб, бевосита ёки билвосита тарғибот усулини ўзи танласин, ҳамда изловчига Илоҳий Хушхабарнинг жонбахш аҳамиятини тушунтириб, уни аллақачон қабул қилганларга қўшилишга инонтира олсин.”²²

11. Бундай мулоқотларни яратар эканмиз, биз Ўтиқоднинг кадр-қиммати ва _____ сақлаш, унинг _____ ва _____ яхлитлигини _____, унинг кенг қўламлиги ва _____, унинг муҳим ва _____ манфаатларини мардона ҳимоя қилишдан _____, иймонимиз зиммамизга солган доимий чорловларни ёдда тутишимиз керак.
12. Муҳофизат бизга тингловчимизнинг _____ даражасини баҳолашимиз, бевосита ёки _____ тарғибот усулини ўзимиз танлашимиз кераклигини айтади.
13. Қайси усулни танламайлик, шуни ёдда тутишимиз керакки, бизнинг мақсадимиз изловчига Илоҳий Хушхабарнинг _____, уни аллақачон қабул қилганларга _____.

“Қолаверса, у Абдул-Баҳо кўрсатган ўрнакни ва Унинг доимий насиҳатларини ёдда тутиб, изловчига шунчалар меҳрибонлик ва илтифот ёғдирсинки, унга етказмоқчи бўлган таълимот тамойилларининг руҳини шундайин даражада намоён этсинки, токи тингловчиси ўз ихтиёри билан ушбу тамойилларни ўзида мужассам эттирувчи Амрга қўшилиш қарорига келсин. Бошида, изловчининг янги уйғонган ўтиқоди учун оғир келиши мумкин бўлган қонун ва тамойилларга амал қилишни ундан талаб қилишдан сақлансин ва унинг тўла балоғатга етганига қадар, уни сабр-тоқат, илтифот, аммо қатъият билан парваришласин ва унга Баҳоуллох буюрган ҳар қандай амрни сўзсиз қабул қилишда ёрдам берсин.”²³

14. Таълимотни ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизда биз Абдул-Баҳо кўрсатган _____ ва Унинг изловчига _____ ва илтифот _____, унга

етказмоқчи бўлган таълимот тамойилларининг _____
_____ интилиш ҳақидаги доимий насихатларини ёдда тутишимиз керак.

15. Биз Абдул-Баҳодан ўрнак олишга шунчалик сидкидилдан ҳаракат қилишимиз керакки, тингловчи _____
_____ мужассам эттирувчи Амрга қўшилиш _____.

16. Изловчи аллақачон Ўтиқодни қабул қилган бўлса, биз даставвал, унинг янги уйғонган ўтиқоди учун _____
_____ ва _____ амал қилишни _____
_____ сақланишимиз керак.

17. Биз унга, токи у _____ етгунига қадар, уни сабр-тоқат, илтифот, аммо қатъият билан _____ ва унга Баҳоуллоҳ _____ ҳар қандай амрни _____
_____ ёрдам беришимиз керак.

18. Биз унга, токи у тўлиқ балоғатга етгунига қадар, уни _____ - _____,
_____, аммо _____ билан _____, унга Баҳоуллоҳ буюрган ҳар қандай амрни сўзсиз қабул қилишда ёрдам беришимиз керак.

“Ушбу босқичга етишгани заҳотиёқ, уни ўз диндош дўстлари жамоаси билан таништиради, доимий ўртоқлик ва маҳаллий жамоа фаолиятида фаол иштирок орқали, унга жамоа ҳаётини бойитиш, унинг вазифаларини илгари суриш, унинг манфаатларини кучайтириш, ҳамда унинг фаолиятини бошқа жамоалар билан мувофиқлаштиришга ҳисса қўша олишида ёрдам беришга ҳаракат қилсин.”²⁴

19. Изловчи шу босқичга етган заҳотиёқ, биз уни ўз диндош дўстларимиз жамоаси билан _____ керак.

20. Шу дамдан бошлаб, биз уни _____ ва маҳаллий жамоа _____ орқали, унга жамоа ҳаётини _____, унинг вазифаларини _____, унинг манфаатларини _____, ҳамда унинг фаолиятини бошқа жамоалар билан _____ ёрдам беришга ҳаракат қилишимиз керак.

“Токи у, ўз руҳий фарзандида, мустақил равишда ўрнидан қалқиб, эндигина иймон келтирган Ўтиқодининг асосида ётган қонун ва тамойилларни

қўллаш учун, ҳамда бошқа қалбларни жонлантириш учун бор кучини бағишлашга ундайдиган чуқур интилишни вужудга келтирмас экан, қаноатланмасин.”²⁵

21. Муҳофизнинг таъкидлашича, биз Амрни ўргатган кишиларимизда, _____
_____ ўрнидан қалқиб, эндигина иймон келтирган Ўтиқодининг асосида ётган қонун ва тамойилларни қўллаш учун, ҳамда бошқа қалбларни жонлантириш учун _____
_____ _____
_____ эканмиз, қаноатланмаслигимиз керак.

26- БЎЛИМ

Охирги икки бўлимдаги парчаларни ёдда тутган ҳолда, энди ўз эътиборингизни Ўтиқодни ўргатишдаги шахсий систематик режангизни ишлаб чиқишга қаратиш тавсия этилади. Биринчи қадам сифатида, Шавкий Эффенди томонидан аниқланган элементларнинг режангизда қандай акс этиши ҳақида ўйлашингиз керак бўлади. Қуйидаги машқларни бажариш сизга бу борада ёрдам беради.

1. Равшанки, Таълимотни ўргатишдаги шахсий режангизнинг ўта муҳим элементи – сизнинг қабул қилувчан қалбларни доимий равишда излаш, ҳамда Амрни ўргатиш учун конкрет қадамлар қилиш бўйича қатъиян қарорли эканлигингиздир. Ҳар гал, бирон бир ишни амалга оширишга қатъий қарор қилганимизда, бизнинг бу қатъиятимиз синовга тутилади. Тўсиқлар муқаррар равишда пайдо бўлади. Таълимотни ўргатиш масаласига келганда, йўлимиздаги баъзи тўсиқлар Ўтиқодга қаршилиқдан ёки атрофимиздаги дунёнинг аҳволи туфайли вужудга келади. Масалан, жамиятдаги материализм, бизнинг Таълимотни ўргатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни жуда қийинлаштириши мумкин, одамларнинг руҳий масалаларга нисбатан оммавий апатияси ҳам шу жумладандир. Ўтиқодни ўргатишни бошлаганингизда дунёнинг аҳволдан келиб чиқадиган қандай тўсиқларга дуч келишингиз мумкин?
- а. _____
Б. _____
в. _____
г. _____
д. _____
е. _____
2. Ўтиқодни ўргатиш учун қалқишга қарор этгач, ўз ҳаётий шарт-шароитингиз ҳақида ўйлаб кўришингиз лозим бўлади. Албатта, булар орасида сизнинг қишлоғингиз ёки маҳаллангиздаги жамоани қуриш ишларида иштирок этишингиз марказий ўрин тутаяди ва бунинг сизга Таълимотни ўргатиш имкониятларини очишини аллақачон айтиб ўтган эдик. Аммо, бундан ташқари,

хаётигизнинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам фикр юритинг. Уларни тавсифловчи қисқача абзац ёзинг. Масалан, сиз талабам, ота-онам, бобо ёки бувимисиз? Сиз қайси касб соҳибига ёки қандай қилиб тирикчилик кўрасиз? Қандай гуруҳлар ва ташкилотлар билан боғлиқсиз ва ҳар куни қандай одамлар билан учрашасиз?

Юқорида ёзганларингизни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда тизимли ўргатиш учун ҳаётигизда мавжуд бўлган турли хил имкониятларни санаб ўтинг:

3. Юқорида айтиб ўтган имкониятларингиздан ташқари, Таълимотни ўргатишдаги шахсий режангизнинг яна бир элементи сифатида, сиз мунтазам равишда янги одамлар билан танишишнинг турли усуллари иxtиро қилишингиз керак, чунки уларнинг баъзилари Баҳоуллохнинг хушхабарига очиқ бўлиб чиқади. Масалан, сиз мақсадлари таълим билан муштарак ташкилотга қўшилишингиз мумкин. Агар сиз бирон таълим марказига яқин жойда яшасангиз, Амрнинг таълимоти ва ғояларига ўхшаш мавзулардаги маърузаларда қатнашишингиз мумкин. Режангизнинг ушбу элементи ўта муҳимдир, чунки, агар сиз янги одамлар билан танишишни давом эттирмасангиз, сиз бутун эътиборингизни йилдан-йилга ўша-ўша одамларга қаратасиз – уларнинг аксарияти, ҳатто қабул

килувчан бўлмаслиги ҳам мумкин. Қандай қилиб янада кўпроқ одамлар билан мулоқотга киришишингиз мумкин бўлган баъзи усулларни ёзинг.

4. 2 ва 3-машқларда келтирилган имкониятлар туфайли, тобора кўпайиб бораётган одамлар сони билан мулоқотга киришар экансиз, уларга Баҳоуллоҳнинг Зухури мақсадларини қандай қилиб оқилона ва муносиб тарзда етказишингиз ҳақида ўйлаб кўришингиз керак бўлади. Улар, албатта, сизнинг амалларингиз орқали Таълимот гўзаллигининг учқунларини кўришлари мумкин бўлса-да, сиз улар билан Ўтиқоднинг турли жиҳатларини муҳокама қилиш учун муносиб имкониятларни топишга ҳаракат қиласиз. 2-Китобнинг иккинчи бобидаги “Кўтаринки суҳбатлар”ни ўрганишингиз ва ундан кейинги тажрибангизга таянган ҳолда, сиз бундай муҳокамаларни қандай олиб боришни биласиз. Режангизнинг ушбу элементи ҳақида фикр юритар экансиз, ўзингиз мулоқотга киришган кишиларнинг турли гуруҳларга оидлигини ёдда тутиш фойдали бўлади. Қандай қилиб ҳар бир гуруҳдаги кишиларга Амрнинг мақсад ва идеалларини энг самарали тарзда етказишингиз мумкин? Қуйида сиз, албатта бошланғич ғояларни келтиришингиз мумкин, зеро реал вазиятда бўлгандагина, сиз одамларга нима дейишингизни аниқ била оласиз. Қолаверса, ғояларингиз тажриба ортган сари ривожланиб боради.

5. Амрнинг эзгу мақсад ва гојлари билан тобора кўпроқ одамларни таништиришда давом этар экансиз, сиз ўзингиз қабул қилувчан деб топган кишиларга Таълимотни ўргата бошлайсиз. Қандай йўл тутишингиз вазиятга боғлиқ бўлади. Баъзилар билан Анна ўз дугонаси Эмилияга тақдим этганидек, Эътиқоднинг муҳим жабҳаларини яққол ва аниқ тақдим этиш яхшироқ бўлади деб қарор қилишингиз мумкин. Бошқалар билан эса, масалан, мунтазам уйдаги учрашувлар пайтида мулоқотни давом эттириш мумкин бўлади. Яна бошқаларни эса, қишлоғингиз ёки маҳаллангиздаги дуо учрашувига таклиф қилишингиз мумкин. Улар орасида, Баҳоуллоҳнинг янги дунёвий тартиботи ҳақидаги қарашига аллақачон ўзини бағишлаганлар ҳам бўлади, уларга шунчаки сизнинг илиқ далдангиз керак. Барча ҳолатларда сиз, албатта, доимо Оллоҳга юз тутиб, Ундан сиз Таълимотни ўргатаётган қалбларни Ўз Амри қўланкасига етаклашини сўраб ибодат қиласиз. Сизнинг мақсадингиз уларнинг ҳар бирига Баҳоуллоҳнинг таълимотини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беришдир. Улар Ул Зотни Оллоҳнинг бугунги кун Мазҳари деб тан олиб, Ул Зотнинг издошлари сафига қўшилганларида, сиз уларга билимларини ошириш ва Ул Зотнинг Амрига хизмат қилишларида ёрдам беришингиз керак бўлади, чунончи улардаги эндигина пайдо бўлган иймон, жамиятдаги ҳукмрон ахлоқий таназзул кучларига қарши тура олиши керак бўлар бўлса. Уларни шу йўсинда парваришlashда ёрдам берадиган нарсаларни санаб ўтинг.

27 – БЎЛИМ

Таълимотни ўргатишдаги шахсий режангизнинг элементларини аниқлаб олганингиздан сўнг, энди сиз маълум бир вақт учун – бир неча ҳафта ёки бир неча ойга мўлжалланган дастлабки ҳаракатлар режасини тузишингиз мумкин. Режангиз, айниқса, ўзингиз билган, таниган одамларнинг исмлари ва сиз амалга ошироқчи бўлган аниқ қадамлар билан белгиланган бўлса фойдалироқ бўлади. Режангизни амалга оширар экансиз, янги имкониятлар очилади, янги муносабатлар ўрнатилади ва сиз уларга мос равишда ҳар бир кейинги қадамни аниқлаб бораверасиз.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are approximately 20 lines visible. The paper has a slight shadow on the right side, suggesting it's resting on a surface.

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

28-БЎЛИМ

Таълимотни ўргатишдаги шахсий режа элементлари ҳақида ўйланганда ва дастлабки ҳаракат режасини тузаётганда, эҳтимол эътибор берганингиздек, кўпинча Таълимотни ўргатишдаги шахсий саъй-ҳаракатларимиз қишлоқларимиз ва маҳаллаларимизда амалга оширилаётган фаолият моделига тўқилиб кетади. Шунингдек, бундай индивидуал саъй-ҳаракатлар ушбу моделга қандай ҳисса қўшишини ва мустаҳкамлашини ҳам кўрдингиз. Аммо, жамоадаги ўсиш модели тезлашиши, қолаверса, кенг тарқалиши учун – коллектив кампаниялар зарур. Бундай кампанияларда самарали иштирок этиш учун коллектив саъй-ҳаракат нимани англатишини аниқ тушуниш керак. Масалан, қуйидаги сценарийни кўриб чиқамиз:

Айтайлик сиз, маҳаллий Таълимотни ўргатиш қўмитаси томонидан ташкил этилган, Таълимотни ўргатиш кампаниясини режалаштириш мақсадида яқин атрофдаги бир неча қишлоқ ёки маҳалладан йиғилган дўстлар учрашувида иштирок этмоқдасиз. Учрашув руҳий кўтаринки ҳолатда ўтказилади, Таълимотни ўргатишнинг аҳамияти ва шахснинг ўрни ҳақида бир неча таъсирли чиқишлар бўлади, ҳамда, улкан бир ҳаяжон вужудга келади. Нутқлар тугагач, ҳар бир қишлоқ ёки маҳалладан келган иштирокчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Ўзбекистондаги ўргатиш кампанияси бўйича ўз режалари устида маслаҳатлашадилар. Бироз вақт ўтгач, барча гуруҳлар ўз режаларини тақдим этиш учун йиғиладилар. Гуруҳлардан бирининг вакили ўз маслаҳатлашуви натижаларини қуйидаги сўзлар билан хулосага келтиради: “Бизнинг ушбу кампанияга ҳисса қўшиш учун ишлаб чиққан режамиз ўта оддийдир. Унга биноан, ҳар бир киши ҳар куни Ўзбекистондаги ўргатишда камида битта муваффақиятга эришиш учун дуо ўқийди, ҳар бир киши ҳар куни камида бир кишига Ўзбекистон ҳақида айтиб беради ва ҳар бир оила камида ўн тўққиз кунда бир марта уй учрашувларини ўтказди.

Келинг, бу гуруҳдаги дўстлар режани ўз қишлоғига ёки маҳалласига олиб келишди, деб тасаввур қилайлик. Шубҳасиз, агар ҳар бир киши гуруҳ тавсияларига фидойилик ва жонбозлик билан амал қилар бўлса, биз жамоанинг ҳам сон, ҳам қобилият жиҳатидан ўсишига гувоҳи бўламиз ва у, янада каттароқ ишларга киришишга тайёр бўлади, деб тахмин қилишимиз мумкин. Бироқ, мавзунини яхшироқ тушуниш учун, бундай режа бизнинг тизимли коллектив саъй-ҳаракатлар ҳақидаги ғоямизга мос келадими, деган саволни бериш фойдали бўлади. Бундай режа, шунчаки одамларни Таълимотни ўргатиш бўйича ўз шахсий саъй-ҳаракатларини давом эттиришга рағбатлантириш ва бошқаларнинг ҳам худди шундай фаолият билан шуғулланаётганини билишдан келиб чиқадиган қўшимча жонбозликдан иборат бўлиши мумкинми? Коллектив саъй-ҳаракатларни қай тарзда ишлаб чиқиш керакки, натижада одамлар бир-бирининг истейдод ва қобилиятдан кучайиб, уларнинг қуввати кўпайтирилсин? Гуруҳдаги одамларнинг бирлашган саъй-ҳаракатлари, уларнинг алоҳида индивидуал саъй-

ҳаракатлари йиғиндисидан кўра анча кўпроқ натижа бериши керак эмасми? Гуруҳингизнинг бошқа аъзолари билан ушбу саволлар устида мулоҳаза юритинг.

29 – БЎЛИМ

Юқоридаги масалаларни муҳокама қилиш, албатта, сизнинг аллақачон тажрибадан ортирган тушунчаларингизни тасдиқлайди. Сиз, шубҳасиз, қишлоқ ёки маҳаллада бирга меҳнат қилаётган, тобора кенгайиб бораётган ўзакнинг бир қисми сифатида, кучимизнинг қай тарика бирлашган ҳаракатлар динамикаси орқали кўпайишини кўрдингиз. Ушбу бўлимнинг қолган қисмидан мақсадимиз, Эътиқоднинг кенгайиши ва консолидацияси контекстида ушбу динамика ҳақидаги баъзи тушунчаларга эга бўлишга ҳаракат қилишдир.

Биринчидан, келинг, бутун дунёдаги Эътиқоднинг ўсишига бўлган ёндашувимиз ҳақида сиз аллақачон билган нарсаларингизни кўриб чиқайлик. Ҳозирда, ўсиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган савий-ҳаракатлар асосан кластер доирасидаги маълум маҳалла ёки қишлоқларда амалга ошмоқда. “Кластер” сўзи, ҳажми режалаштириш мақсадларига мос келадиган кичик жуғрофий ҳудудни билдиради. Кластердаги Таълимотни ўргатиш қўмитаси ўз фаолиятини мана шу даражада олиб боради. Умумжаҳон Адолат Уйи, кластер доирасидаги Амр ишларини қуйидагича олиб боришга рағбатлантиради: “ишларни уч ойлик даврий фаолият доирасида юритиш зарурки, зеро ушбу цикллар туфайли жамоа ўсади, яъни интенсив ҳаракатлар натижасида кескин кенгайиш юз беради; дўстларнинг ортиб бораётган сафини мустаҳкамлаш учун эса, консолидация даври зарурдир, масалан, улар дуо учрашувлари ва Ўн тўққизинчи кун Айёмларида қатнашиб, ўз уйларида ташриф буюрганларни қабул қилиб, шунингдек, барча учун мўлжалланган фикр-мулоҳаза юритиш ва режалаштириш имкониятларидан фойдаланиш орқали мустаҳкамландилар”.

Шу тарика цикллар кенгайиш, консолидация, фикр-мулоҳаза юритиш ва режалаштиришнинг кетма-кет фазалари билан тавсифланади. Ҳар бир цикл олдингисининг ютуқларига асосланади. Ҳар бир кенгайиш тўлқинидан сўнг, институт жараёнига қўшилган одамлар сонининг тобора ортгани сайин, улар ўз ўрганганларини амалга тадбиқ эта бошлар экан, коллектив қобилят ошиб боради. Бунинг натижасида, ўсиш жараёнининг асоси бўлган ўзаро боғлиқ фаолиятлар тўплами – дуо учрашувлари, болалар синфлари, ўсмирлар гуруҳлари ва ўқув тўғраклари кенгайди. Эътиқоднинг

фаол тарафдорларининг ўсиб бораётган ўзаги эса, фаолиятнинг умумий суръатини оширишга қодир бўлади. Ўсиш жараёни шу тарзда босқичма-босқич тезлашади.

Кенгайиш босқичи кўпинча коллектив кампанияларни амалга ошириш орқали эришиладиган энг юқори даражадаги жадалликни талаб қилади. Унинг мақсадлари юқорида айтиб ўтилганидек, кластернинг шароитига қараб ўзгаради. Баъзида, кампания у ёки бу асосий фаолият тури иштирокчиларининг сонини кўпайтиришга қаратилган бўлиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса, асосий эътибор Таълимотни бевосита ўргатишга қаратилган бўлиши мумкин. Кўпинча, бундай саъй-ҳаракатлар, фаолият турлари натижасида жамоа ҳаёти шакллана бошлаган жойлардаги хонадонларга ташриф буюриш пайтида амалга оширилади. Ушбу турдаги кампаниялар борасида Умумжаҳон Адолат Уйи қуйидаги тавсияларни беради:

“Масаланинг замирида, айтилик, Эътиқодни ўргатиш кампаниясидаги уйларга ташриф буюришнинг маҳаллада олиб борилаётган бошқа фаолият турлари билан қандай боғлиқ эканлиги ётади, масалан, бунинг қандай қилиб кенг жамоа орасида ибодатли руҳиятни мустаҳкамлайдиган учрашувлар ўтказишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан, болаларнинг руҳий ривожланишига ёрдам берадиган машғулотларни ташкил этиш билан, ўсмирлар кучини йўналтирувчи гуруҳларни шакллантириш билан, турли тоифадан бўлган одамларга баробар даражада илдамлашига ва таълимотни ўз шахсий ва коллектив ҳаётида қўллашни ўрганишига имкон берувчи, ҳамма учун очик бўлган ўқув тўғаракларини жорий этиш билан боғлиқлиги ётади.”²⁶

30 – БЎЛИМ

Юқоридаги иқтибосдан кўриниб турибдики, биз Таълимотни ўргатиш кампаниялари вакуумда амалга оширилади деб ўйламаслигимиз керак. Улар бизнинг ўсишга бўлган ёндашувимизнинг фақат битта элементини ташкил қилади. Қолаверса, Эътиқоднинг кенг қўламли кенгайиши ва консолидациясига қаратилган саъй-ҳаракатлар, тизимли равишда муайян бир аҳоли орасида узоқ вақт давомида амалга оширилганда самаралироқ бўлади.

Китобнинг ушбу бобида биз “қабул қилувчан аҳоли қатлами” атамасини бир неча бор эслатиб ўтдик. Тажриба шуни кўрсатдики, худди алоҳида шахслар каби, баъзи аҳоли қатламлари ҳам ўз коллектив ҳаётларига Эътиқоднинг таъсирини ўрганишда бошқаларга нисбатан кўпроқ тайёр бўлишлари мумкин. Умумжаҳон Адолат Уйининг таъкидлашича, бундай қабул қилувчанлик, аксари ҳолларда “асосий фаолият турларидан бошланган жамоани қуриш жараёнида иштирок этиш истагида намоён бўлади”. Ҳар бир кластерда дўстлар олдида турган вазифа, бу

“бир ёки бир неча қабул қилувчан аҳоли ичида, бевосита усулдан фойдаланган ҳолда Эътиқод асосларини тушунтириб, Таълимотни ўргатиш ва жамият томонидан юкланган апатиядан халос бўлишни хоҳлаётган қалбларни топиб, коллектив трансформация жараёнини бошлаш учун ўз маҳалла ва қишлоқларида бир-бирлари билан биргаликда меҳнат қилишдир.”²⁷

Дўстлар олдида қўйилган долзарб масала аҳолининг Баҳоуллоҳнинг янги дунёвий тартиботи ва фаровон ва ҳамоҳанг цивилизация ҳақидаги қарашлари сари ҳаракатланишидир. Бутун дунё бўйлаб кластерларда олиб борилаётган ушбу жараённинг аҳамияти ҳақида батафсилроқ фикр юритиш учун Адолат Уйининг номасидан қуйидаги парчани ўқинг:

“Инсоният оммаси уйғониб, Оллоҳнинг Ўтиқодига дохил бўлганида, янги жараён ҳаракатга келади ва янги цивилизациянинг ривожланиши бошланади. Насронийлик ва Ислонинг вужудга келганини эсланг. Ўша омма – ўз анъаналарига содиқ бўлган, аммо, Оллоҳнинг янги Каломини қабул қилувчан оддий одамлардан иборат эди. Улар Оллоҳнинг Каломига чин дилдан жавоб берганларида, бу уларга шу қадар кучли таъсир қилардики, уларга дуч келган ҳар бир инсон тубдан ўзгаришга қодир бўлар эди.

Илоҳий мезонлар инсоний мезонлардан фарқ қилади. Инсоний мезонларга кўра, ҳар қандай ишнинг кадр-қиммати ва буюклигини, ўша ишнинг мартабаси юксак, машҳур ва нуфузли кишилар томонидан қабул қилинишини белгилаб беради. Аммо, Баҳоуллоҳнинг сўзларига биноан: “Биз берган чорлов ва Хабар, ҳеч қачон фақатгина бир мамлакат ёки бир халққа қаратилган ёхуд бир мамлакат ва бир халқнинг манфаатини кўзлаган эмас. Ҳар неки нозилу нойил этилган экан, бани башар ўз бутунлигича унга қатъий амал қилиши даркор.”²⁸

Барча жойдаги кластерларда юзага келаётган трансформация жараёнининг табиатига келсак, Адолат Уйи томонидан ёзилган бошқа бир номада, биз қуйидагиларни ўқиймиз:

“Баҳоний жамоасининг ҳам ичидан, ҳам сиртидан пайдо бўлаётган кучларнинг таъсири остида, ер юзидаги халқлар турли томондан ҳаракатланиб, бир-бирига тобора яқинлашиб борар экан, улар ўз тавсифида ғаройиб бўлмиш дунёвий бир цивилизация сари интилмоқдаларки, бугунги кунда биз учун унинг шукуҳини тасаввур этиш амримаҳолдир. Ушбу марказлашаётган аҳоли ҳаракатининг хитоби замин бўйлаб қучайиб борар экан, ҳар бир маданиятга оид бўлган баъзи унсурлар мустаҳкамланиб боради ва аксинча, Ўтиқод таълимотига мос келмайдиган унсурлар эса, аста-секин йўқолиб кетади. Худди шу тариқа, Баҳоуллоҳ Зухридан илҳом олган ҳар бир инсоний тоифага тегишли бўлган кишилар томонидан, Унинг таълимотидан туғилган фикр ва фаолият тарзига ифода шаклини бериши туфайли, вақт ўтиши билан маданиятнинг янги унсурлари тараққий этиб боради. . . . ”²⁹

1. Юқоридаги иккинчи иқтибосга асосланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.
 - а. Инсоният оммаси уйғониб, Оллоҳнинг Ўтиқодини қабул қилганида нима содир бўлади? _____
 - б. Кўпчилик Оллоҳнинг янги Каломига чин дилдан жавоб берганида қандай ўзгаришлар юз беради? _____

- _____
- _____
- в. Ушбу парча Оллоҳнинг мезонлари ва инсонларнинг мезонлари ўртасидаги фарқлардан бирини қандай тушунтиради? _____

- _____
- _____
- _____
- _____
2. Юқоридаги учинчи иқтибос асосида қуйидаги фикрлардан қайси бири тўғри эканлигини аниқланг:

_____ Муқаддас Битикларда акс эттирилган жаҳон цивилизациясига яқинлашиш учун ҳар бир аҳоли бир доминант/битта ҳукмрон маданият унсурларини қабул қилиши керак.

_____ Дунёдаги ҳар бир маданиятда ҳам мақтовга сазовор, ҳам улардан воз кечиш яхшироқ бўлган унсурлар мавжуд.

_____ Ҳар қандай маданиятда нима тўғри ва нима номақбул эканлигининг мезони Баҳоуллоҳнинг Зухуридир.

_____ Маданият ҳақи бир гуруҳ одамнинг аёлларни эркаклардан паст деб билиши жоиз эмас.

_____ Ҳар қандай маданиятнинг ҳамкорликка урғу берадиган жиҳатлари қадрланиши ва сақланиши лозим.

_____ Маданиятнинг мақтовга сазовор бўлган жиҳатлари бутун инсоният оиласининг хилма-хиллиги ва гўзаллигини оширишга ёрдам беради.

_____ Маданиятнинг қабул қилиб бўлмайдиган жиҳатлари, у Ўтиқод таълимоти нури билан ёритилган сари ўзгариши керак бўлади.

_____ У ёки бу тарзда ҳар қандай гуруҳни камситувчи ҳазил ва мулоҳазаларда кулгили нарса йўқ; улардан энг яхши тарзда воз кечиш керак бўлган инсониятнинг болалик давридан қолган қолдиқлардир.

_____ Аҳоли Ўтиқодни қабул қилганида, у ўз маданиятининг таълимотга мос келмайдиган унсурларини аста-секин ортида қолдиради.

_____ Аҳоли Ўтиқодни қабул қилганида, унинг маданиятининг таълимотга мос келадиган унсурлари янада мустаҳкамланади.

- _____ Вақт ўтиши билан ҳар бир аҳоли Баҳоуллоҳнинг Зухуридан илҳомланган маданиятнинг янги унсурларини, масалан, унинг ёш авлодларни таълим бериш ва тарбиялашдаги аҳамиятини акс эттирадиган нарсаларни қабул қилади.

- _____ Аҳоли Баҳоуллоҳнинг Зухури уммониغا тобора яқинлашгани сари, улар мукаррар равишда бир-бири билан яқин бўлиб бораверади.

- _____ Турли аҳолининг ҳар бири ўз тараққиёт йўлидан борар экан, улар Баҳоуллоҳ Таълимотига амал қиладими ёки йўқми, охир-оқибат бир-бирига яқинлашади.

- _____ Қабул қилувчан аҳоли ичидаги асосий фаолият турларида тобора кўпроқ одамларнинг иштироки трансформация жараёнини йўлга қўяди, бу эса уни Баҳоуллоҳнинг янги дунёвий Тартиботи ҳақидаги қарашларига яқинлаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ўзингиз яшаётган кластердаги шахсий тажрибангиз ҳақида фикр юритинг. Хизмат йўлидан боришни бошлаганингиздан бери, сиз хоҳ қишлоғингиз аҳолиси орасида бўлсин, хоҳ маҳаллангиз ва кластерингиздаги муайян бир ҳудудида яшовчи махсус аҳоли орасида бўлсин, мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдаги ўзаро боғлиқ бўлган фаолиятлар йиғиндисида ҳисса қўшиб келдингиз. Ушбу фаолият турларига яхлитлигича қараб, улар орқали бошланган туб ўзгариш жараёни ҳақида ўйлаб кўринг. Ўзингиз ҳам аъзоси бўлган, ўсиб бораётган ўзакнинг мана шу фаолият турларини уйғун тарзда бажаришни ўрганиши жараёнида, аҳолининг ҳаракати қай тариқа шаклланаётганини тасвирлаб беринг: жамоанинг ибодатли хусусиятини парваришлаш; ўсмирларнинг руҳий ва интеллектуал кучини озод этишда ёрдам бериш; янада кўпроқ ёшларни хизмат йўлига чорлаш, уларга бу йўлда ёрдам кўрсатиш; тобора кўпроқ болаларга руҳий таълим бериш; ва тобора кўпроқ болалар ва ёшларнинг оилаларига таълимотни ўрганиш ва уларни ҳаётда қўллаш имконини яратиш.

31 – БЎЛИМ

Қишлоғингиз ёки маҳаллангиздаги кенгайиб бораётган дўстлар ўзагининг саъй-ҳаракатлари қай тариқа Баҳоуллоҳнинг янги дунёвий тартибот ҳақидаги қараш сари

бўлган аҳоли ҳаракатини келтириб чиқиши ҳақида фикр юритгач, энди келинг, бундай коллектив саъй-ҳаракатларнинг самарасини таъминлайдиган шарт-шароитларни кўриб чиқайлик. Бундай шартлардан энг биринчисининг бирдамлик эканлигини албатта тан оласиз. Абдул-Баҳо шундай дейди:

“Агар сиз, чиндан ҳам бирдам бўлсангиз, агар асосий муҳим мақсад бўлмиш нарсани тарғиб қилишга ва барчани бирлаштиргувчи муҳаббатни намоён этишга тайёр бўлсангиз, уруғни ёришга ва шабадани эсдиришга қодир бўлган Зот ҳақи онг ичурманки, юзингиздан порлаган нурнинг шукуҳи энг юксак самоларга етиб боргай, шуҳратингизнинг донғи сарҳадлар ошгай, устуворлигингиз далиллари бутун диёрлар узра таралгай, қувватингиз ҳамма нарсанинг мағзига сингиб боргай, ният ва мақсадларингиз буюк ва қудратли халқларга таъсир кўрсатгай, руҳиятингиз бутун мавжудлик оламини қамрагайки, чунончи, сиз ўзингизнинг Салтанат мулкидаги ғайб Соҳанинг улуғвор тожларини кийган қироллар эканлигингизни кашф этгайсиз ва тинчлик лашкарининг бош қўмондонларига ва ёруғлик кучларининг шахзодаларига ва комиллик уфқидан порлаётган юлдузларга-ю, одамлар узра ўз нурларини сочаётган ёрқин чироқларга айлангайсиз.”³⁰

Юқорида Абдул-Баҳо таърифлаган кучни кўпайтирар даражадаги бирдамлик, биз бир марта эришгач, бир умрга сақлаб қолинадиган ҳолат эмас. Бу, ҳар кунлик саъй-ҳаракатни талаб қилади. Режалаштиришни қанчалик пухта ўрганган бўлишимиздан ва режаларни қанчалар малакали амалга ошира олишимиздан қатъий назар, агар биз ҳатто энг кичик бир таранглик ёки жанжалга йўл қўяр бўлсак, уларнинг самарига путур етади.

Келишмовчилик сабаблари одатда аҳамиятсиз бўлиб, деярли ҳеч қачон ёмон ниятдан келиб чиқмайди. Кўпинча кескинлик, кимнингдир бошқа бировнинг хатоларига сабрсизлик кўрсатиши ёки ўз фикрида туриб олганлигидан пайдо бўлади. Бунинг давоси, бағрикенглик ва ҳаёт майда-чуйдалардан устун туришлик қобилятидир. Абдул-Баҳо бизга шундай дейди:

“Эй Оллоҳ ҳабиблари, ҳозир қизғин саъй-ҳаракатнинг вақти. Ғайрат қилинг ва тер тўкинг. Модомики, Қадим Гўзаллик кеча-ю кундуз шахидлик майдонида бўлди, келинг биз ҳам, ўз навбатида, жону дилдан меҳнат қилайлик ва Оллоҳнинг насиҳатларига қулоқ тутиб, улар устида мулоҳаза юритайлик; келинг, ҳаётимизни четга суриб, қисқа ва санокли кунларимиздан воз кечайлик. Келинг, бу дунёнинг сароб шакллари туғдирган пуч ҳаёллардан кўз юмайлик ва улар ўрнига ушбу устувор мақсадга, ушбу улуғвор режага хизмат қилайлик. Келинг, ўз хою-хавасларимизни деб, Илоҳий фазилат қўли ила экилган ушбу дарахтни чопиб ташламайлик; келинг, Абҳо Салтанатидан таралаётган Жалол шафағини ўз пуч тасаввурларимиз ва худбинона истакларимизнинг қора булутлари билан тўсмайлик. Келинг, Қодир Оллоҳ уммонининг тўлқинлари йўлидаги довларга айланмайлик. Келинг, Абҳо Чиройининг чаманидан эсаётган хуш ва тоза ифторлар тароватининг узоқу яқинга таралишига тўсқинлик қилмайлик. Келинг, ушбу умумбирдамлик кунида, кўкдан ёғилаётган баҳорий раҳмат ёмғирлари оқимини тўхтатмайлик. Келинг, Шамси Ҳақиқат ёғдусининг ҳаргиз сўниши ва ғойиб бўлиши учун изи бермайлик. Булар, Оллоҳнинг Муқаддас Китобларида, Битикларида ва Лавҳларида самимийлар учун баён қилинган Унинг панд-насиҳатларидир.

Оллоҳнинг шафқати, Оллоҳнинг раҳмати ва шон-шухрати сизларга бўлсин.”³¹

Муҳофиз шундай дейди:

“Нигоҳингизни ушбу ўсаётган ва ўзига йўл очиб бораётган Оллоҳ Ўтиқодининг қудратли имкониятларига, чексиз марҳаматларига, ўзгармас руҳига қаратинг, ҳамда бугунги куннинг муқаррар тафовутлари ва майда-чуйда тортишувларига ўзингизнинг сершуқх шавкат ҳақидаги қарашингизни хиралаштиришига йўл қўйманг, қайсиким Амр келажаги буни ўз собит ва жасур издошлари учун ҳозирлашидир.”³²

Куйида келтирилган парчага ўхшаш иқтибосларни ёдлаш ва ўзлаштириш коллектив саъй-ҳаракатларимиз бирдамлигига ҳисса қўшишимизда бизга ёрдам беради.

“Орангизда қандайдир низо пайдо бўлганда, юзингиз қаршисида Мени кўринг. Менинг исмим ҳақи ва Менинг аён ва шуқхли Амримга бўлган муҳаббатингиз белгиси сифатида, бир-бирингизнинг камчиликларингизни кечиринг. Менинг розилигим жаннатида доимий равишда дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида мулоқот қилаётганингиздан ва амалларингиздан тинчлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-мурувват ва биродарлик ифторини туйишдан мамнунмиз. Ҳамма нарсани Билгувчи, Содиқ Зот сизга шундай насихат қилади. Биз ҳар доим сиз билан бўламиз; агар сизнинг биродарлик хуш ифторингизни туйсак, қалбимиз, шубҳасиз шодликка тўлади, зеро Бизни бошқа ҳеч нарса қаноатлантира олмайди. Бунга ҳар бир ақл-идрок соҳиби гувоҳдир.”³³

Ҳар бир инсон бажариладиган ишнинг аҳамияти ва эришиладиган мақсадларнинг юксаклигини англаб етса, бирдамликни сақлаш осонроқдир. Бундай тушунча мавжуд бўлганда, одамлар ўз ихтилофларини бир четга суриб қўйишда ва ўз зиммаларига олган вазифаларни фидокорона бажаришда камроқ қийинчиликка дуч келишади. Бир зум тўхтаб, ўйлаб кўринг: куйидаги ҳаракатларнинг бирортасини деб, Баҳоуллоҳнинг Зухурини кутаётган кўплаб қалбларни жалб қилиш учун мўлжалланган жараёнга зарар етказишга тайёрмисиз:

- _____ Бошқа бировнинг ҳаракатларини кечиришга тайёр эмаслигингиз учун?
- _____ Ўз камчиликларингиз билан овора эканлигингиз учун?
- _____ Ҳамма рози бўлган ҳаракат йўналишига риоя қилишни хоҳламаганингиз учун?
- _____ Ўзингизни ҳақ, бошқаларни эса ноҳақ деб билишингиз учун?
- _____ Сиз ҳар доим имконият туғилганда, гарчи улар номақбул бўлса ва бошқаларни ноқулай ҳис эттирса-да, ҳазил қилишни ёқтиришингиз учун?
- _____ Бу гуруҳ иштиёқига қандай таъсир қилишидан қатъи назар, ўзингиз кўрган ҳар бир камчиликни танқид қилишни талаб қилишингиз учун?
- _____ Коллектив саъй-ҳаракатда интенсивлик зарурлигини тушунмаганингиз учун?

- _____ Кимдир сиз билан сизга ёқмаган тарзда гапиргани учун?
- _____ Одамларнинг уйларига ташриф буюриш сизга ноқулай бўлгани учун?
- _____ Сизнинг ўзига хос истеъдодларингиз жалб қилинмаётганидан норози эканлигингиз учун?

32 – БЎЛИМ

Қишлоқ ёки маҳаллада меҳнат қилаётган садоқатли дўстлар ўзаги аъзолари орасидаги бирлик, уларни бир-бирига боғлайдиган меҳр-муҳаббат билан чекланмайди. Бу, улардаги умумий мақсадга нисбатан баҳам кўриладиган аниқликнинг мавжудлигида ўзини намоянча этади. Мақсад бирлиги – биргаликдаги ҳаракат учун зарурий бўлган яна бир шарт; у бизнинг саъй-ҳаракатларимизга нафақат биргаликда ишлаганимизда, балки индивидуал тарзда хизматимизни амалга оширганимизда ҳам йўналиш беради, жумладан, болалар учун руҳий машғулотларни ўтказганимизда ёхуд ўсмирлар гуруҳининг етакчиси сифатида хизмат қилганимизда. У бизнинг бажараётган ишимизга сингиб, ҳаракатимизга маъно бахш этади. Аҳолини олға силжитадиган жонли фаолият намунасини яратишда, биз индивидуал саъй-ҳаракатларнинг коллектив ташаббуслар билан қандайин чамбарчас боғлиқлигини кўрамиз. Умумжаҳон Адолат Уйи шундай таъкидлайди:

“Жамоа, борган сайин кўпроқ даражада шундай бир муҳит бўлиб хизмат қилмоқдаки, унда тараққиётга эришиши йўлида тайёрлов институти томонидан йўналтириладиган индивидуал ва коллектив саъй-ҳаракатлар ўзаро бир бирини тўлдирмоқда. У намоянча этаётган ҳаётийлик ва унинг саъй-ҳаракатини жонлантирувчи мақсад бирлиги, унинг ўсиб бораётган қаторига жамиятнинг турли табақаларидан инсоният фаровонлиги учун ўз куч ва вақтини сарфлашга муштоқ бўлганларни жалб этмоқда.”³⁴

Шу тариқа, ушбу умумий мақсад туйғуси маҳаллий даража чегарасидан ташқарига чиқади. Биз қишлоғимиз ёки маҳалламиздаги кенгайиб бораётган ўзакнинг бир қисми сифатидаги саъй-ҳаракатларимиз, ўзимиз истиқомат қилаётган кластердаги ишни илгари суришдек катта бир мақсадга қандай ҳисса қўшишини тушунамиз. Биз, ўз навбатида, бунинг қандай қилиб миллий ҳамжамиятимиз тараққиётига ва охир-оқибат, Баҳоуллоҳнинг дунёвий тартиботининг пайдо бўлишига олиб келадиган глобал Ўзбекистон Режаларининг рўёбга чиқишига ёрдам беришини кўрмоқдамиз.

1. Маҳалла ёки қишлоқдаги ишимиз каттароқ мақсадга хизмат қилишини тушуниш нима учун муҳим? _____

2. Шахсий мақсадлар Ўзбекистон мақсадлари билан мос келишига қандай ишонч ҳосил қилишимиз мумкин? _____

-
-
3. Тайёрлов Институти воситачилигидаги индивидуал саъй-ҳаракатлар ва коллектив ташаббуслар қандай қилиб бир-бирини тўлдиради? Нима учун уларнинг бир-бирини тўлдиришини тушуниш биргаликдаги ҳаракат учун зарур?

4. Мақсадлар бирлиги биргаликда хизмат қилаётган дўстлар орасидаги муҳаббат ришталарини қандай мустаҳкамлайди? _____

33 – БЎЛИМ

Биз мақсад бирлигининг ҳаракат бирлиги учун зарурлигини кўрдик; у бизни хизмат майдонида астойдил меҳнат қилишга руҳлантиради. Умумий мақсаднинг амалга ошиши учун вақт ва куч – соатлаб машаққатли, аммо, қувончли меҳнатни талаб қилади. Дунёда “кўнгилхушлик”нинг нима эканлиги ҳақида нотўғри тушунча мавжуд. Бизга ҳаётнинг мақсади кўнгилхушлик деган ғоя қайта-қайта уқтирилган бўлиб, бу юзаки вақт ўтказиш нуқтаи назаридан белгилангандир. Аммо, бундай “кўнгилхушлик”ни Баҳоуллоҳнинг хушхабарини бошқалар билан бўлишганимизда, эътиқод руҳи уларнинг қалбини юксалтираётганини кўрганимизда, болалар руҳий машғулоти ва ўсмирлар гуруҳи иштирокчиларининг оилалари билан кўтаринки суҳбатлар ўтказганимизда, тайёрлов Институтидаги асосий курслар кетма-кетлигини ўрганаётган қалбларнинг ўз тушунча ва хизмат қобилиятини ошираётганини кўрганимиздан бўлган ҳақиқий қувонч билан қандай қилиб солиштириш мумкин? Ҳаргиз коллектив ташаббуслар пайтида, ўз-ўзини қондириш ва қулайликка интилиш истаги кучайса, уни енгил учун мукамал Намуна, Абдул-Баҳони ва Ул Зотнинг Амрни тарғиб қилишдаги тинимсиз саъй-ҳаракатларини эслаш мумкин. Мана Унинг баъзи сўзлари:

“Абдул-Баҳонинг изидан боринг ва Муборак Жамолнинг йўлига эргашинг, ҳар онда жонингизни фидо қилишга талпининг. Қуёш каби нур сочинг, денгиз каби мавжланинг; осмондаги булутлар каби қиру адирлар узра ҳаёт ёғдиринг, баҳорий шабада каби ўша инсоний дарахтлар узра янги нафас пурканг ва уларни гуллаб-яшнаш учун уйғотинг.”³⁵

“... тирик қурбонлик мақомига етишмоқ учун инсон ўз продасини шунчалар Оллоҳга таслим этиши ва ўз ишларини шунчалар унутиши

даркорки, чунончи, агар ухлар бўлса, буни тана ороми учун эмас, балки фақатгина тананинг кучини тиклаб, Оллоҳнинг бандаларига хизмат қилиш ва Унинг далилларини баён этиш, ҳамда нутқи аниқроқ, сўзлашини янада ёқимлироқ бўлиши учундир; агар уйғонар бўлса, у хушёр тортиб, Оллоҳнинг Амрига хизматда бўлиши ва ўзининг нафсу майлларини тўлиқ Оллоҳнинг иродасига топшириши лозим. Мана шу мақомга эришар бўлса, уни Муқаддас Рухнинг тасдиқлари қуршагай ва бундайин кучни қўлга киритиб у, ер юзидаги барча халқлар қаршисида тура олгай.”³⁶

“Умидим шуки, руҳларни тирилтиргувчи Зотнинг каромати туфайли сен бир лаҳза ҳам тинч қолмассан ва дунё танасининг шоҳтомирига ўхшаб ҳар дам гупуриб турарсан, токи ҳаргиз қалбларга ҳаёт руҳини уфургайсан ва руҳларни юксак маконларга парвоз қилдиргайсан.”³⁷

“Улар кечани кеча, кундузни кундуз демай, тинмай меҳнат қилурлар, на синовларга, на қайғуларга парво бермаслар, саъй-ҳаракатларини бир зум бўлсада тўхтатмаслар, ором кўзламаслар, енгиллик ва қулайликка қарамаслар, ҳаётларининг ҳар бир ўткинчи лаҳзасини инқитоъ ва беғуборлик ҳолатида Илоҳий хуш ифори тарқатишга ва Оллоҳнинг муқаддас Каломини юксалтиришга бағишлагайлар. Уларнинг чехраларидан самовий шодлик порлагай ва уларнинг қалблари сурурга тўлгай. Уларнинг руҳлари илҳомланар ва уларнинг пойдевори мустаҳкам бўлгай. Улар бутун дунё бўйлаб тарқалиб, барча мамлакатларни кезгайлар. Ҳар бир мажлисда ўз овозларини баланд қўтаргайлар ва ҳар бир учрашувни беэаб, жонлантиргайлар. Улар барча тилларда гаплаша олгайлар ва ҳар қандай пинҳон маънони тушунтириб бергайлар. Улар Салтанат сирларини ошкор этиб, барчага Оллоҳ аломатларини намоён этгайлар. Улар ҳар бир мажлиснинг қалбида шамдек ёнгайлар ва ҳар қандай уфқ узра юлдуздек порлагайлар. Улар қалбининг гулшанидан эсадиган майин шабадалар одамлар юрагига тароват бағишлаб, руҳларни жонлантиргай, уларнинг идрокдан тўкилган нарсалар эса, селлар каби дунё халқлари-ю миллатларини қайта тирилтиргай.”³⁸

34 – БЎЛИМ

Бирлигимизни яратиш ва мустаҳкамлаш, ҳамда умумий мақсадни сақлашга ёрдам берадиган муҳим воситалардан бири маслаҳатлашувдир. Айнан фаолият, фаолият устида мулоҳаза юритиш ва маслаҳатлашув орқали биз фикр бирлигига эриша оламиз. Фаолиятимизнинг табиати, қабул қилаётган ёндашувларимиз ва қабул қилган мақсадларимиз ҳақидаги фикр бирлиги бирлашган ҳаракат самарасининг яна бир зарур шартидир.

Дўстлардан иборат кенгайиб бораётган ўзак изчиллик ва фикр бирлиги билан ҳаракат қилар экан, ўз фаолиятининг самараси ҳақида мунтазам равишда фикр юритиш учун, доимо ўз қобилиятини ва интизомини мустаҳкамлаб бориши керак. Ушбу ўзак мулоҳаза юритиш, маслаҳатлашиш ва ўқиб-ўрганишда битиклардан олинган тегишли парчаларга, хусусан, Умумжаҳон Адолат Уйининг кўрсатмаларига ва тажрибага таянади. Қачонки фаолият, мулоҳаза юритиш, маслаҳатлашув ва ўқиб-ўрганиш

намунаси дўстлар гуруҳининг уюшган ҳаракатларининг асосини ташкил этар бўлса, ўрганишлик уларнинг иш услубига айланади. Циклдан циклга эришилган кучли томонлар янада кучайтирилса, ўсиш жараёни барқарорлашиб боради. Фаолиятимизнинг ҳаётийлигини қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг барча қатламларидаги одамларни жалб қилиш, кўп сонли одамларнинг ишини бошқариш, хуллас, доимий ўсиш, бу кластерлар учун ҳамма жойда ўрганишлик объектидир:

“... дўстлар иштирок даражасини ошириш учун кучларини ҳеч ҳам аямасинлар. Ўзлари машаққат ила яратган тизимнинг ўз ичида қулфланиб қолмаслиги ва тобора янада кўпроқ одамларни қамраб, изчиллик билан кенгайиб боришини таъминлаш учун улар ҳар бир асаб толасигача тиришсинлар. Ўзларидаги ҳаётнинг барча қатламларига хос одамлар билан мулоқотга киришиш ва улар билан Баҳоуллоҳнинг шахсияти ва Ул Зотнинг Зухури ҳақида суҳбатлашиш қобилиятига ишонч ҳосил қилгач, улар ўзлари кашф этган диққатга сазовор қабул қилувчанликни, қолаверса, ўзларини кутаётган ўша умид тўла интизорлик туйғусини назардан қочирмасинлар.”³⁹

1. Кўпайтириш учун нималарни аямаслигимиз керак? _____

2. Нима учун биз бор кучимизни ишга солишимиз керак?? _____

3. Биз нимани эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак? _____

4. Ўзингиз аъзоси бўлмиш кенгайиб бораётган ўзак, шубҳасиз, сизнинг изчил фаолият олиб бориб, ҳаракат устида фикр юритиб, бир-бирингиз билан маслаҳат курганингиз сайин, кўпчилик учун қишлоқ ёки маҳаллангиздаги ўсиш жараёнини яхшироқ тушуниш имконини яратади. Бунда, сиз икки ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг мавжудлигини кўрдингиз: институт курслари томонидан режалаштирилган хизмат йўлида, шахслар қобилиятининг ўсиши, ҳамда фаолият кўлами ва уларда қатнашувчилар сонининг ортиши. Ушбу муносабат ва унинг ўсиш жараёнида тутган марказий ўрни ҳақида олган баъзи янги тушунчаларингизни муҳокама қилинг.

Ўрганишликнинг ишлаш тарзи сифатидаги маъноси ва уни таърифлаб берувчи —фаолият, мулоҳаза, маслаҳатлашув ва ўрганиш намунаси ҳақида батафсилроқ фикр юритиш учун, Умумжаҳон Адолат Уйи томонидан келтирилган қуйидаги парчаларни ўқинг. Буни амалга оширар экансиз, ўз қишлоғингиз ёки маҳаллангизда ўзингиз аъзоси бўлган дўстлардан иборат ўзак ҳақида, ҳамда сиз билан бирга сидқидилдан хизмат қилаётган дўстларингиз ҳақида ўйланинг.

“Биз сони ошиб бораётган кластерларда ва уларнинг ичидаги маҳалла ва қишлоқларда, фаолият ва мулоҳаза орқали, ҳар қандай муайян бир вақтда, ўз атрофидаги ўсиш жараёнини олдинга силжитиш учун қандай талаблар борлигини аниқлай оладиган дўстлардан иборат ўзакнинг пайдо бўлганлигини кўришдан мамнунмиз. Улар жамоанинг руҳий ва моддий фаровонлигига ҳисса қўшиш қобилиятини оширадиган восита сифатида, тайёрлов институтининг қудратига таянмоқдалар, бинобарин, уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракати ошгани сайин, уларга қўшилаётганларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Табиийки, ўсишга хос бўлганидек, турли жойлардаги шарт-шароитлар ҳам бир-биридан катта фарқ қилади. Аммо, тизимли саъй-ҳаракатлар орқали ҳар бир киши жорий ишга янада кўпроқ ва самаралироқ ҳисса қўшиши мумкин. Ҳар қандай шароитда, қалбларни мазмунли ва кўтаринки суҳбатларга жалб қилишдан келиб чиқадиган чинакам сурур мавжуд бўлиб, бу тезлик билан ёнги аста-секин руҳий қабул қилувчанликнинг туғилишига олиб келади. Мўмин юрагида ўт олган аланга қанчалар ёрқин ёнса, унинг тафтига жалб бўлганлар шунчалик каттиқ тортиладилар. Баҳоуллоҳга бўлган муҳаббатдан лиммо-лим қалб учун эса, кадрдон руҳларни излаш, хизмат йўлига киришар экан уларга далда бериш, тажриба орттириш жараёнида уларга ҳамроҳ бўлиш ва эҳтимол, энг катта қувонч – қалбларнинг ўз иймонида тасдиқ топиши, мустақил равишда фаолият олиб бориши ва ушбу хизмат сафарида бошқаларга ҳам ёрдам беришини кўришдадир. Булар, ўткинчи ҳаёт тақдим этадиган энг ардоқли лаҳзалардир.”⁴⁰

“Ўрганишлик, ҳаракат тарзи сифатида, барчадан тавозеъ ҳолатини талаб қилади, яъни бунда, инсон Оллоҳга тўлиқ таваккул қилиб, Унинг чексиз қудратига таяниб, Унинг беҳато мададига қатъиян ишониб, Унинг ва фақат Унинг, пашшани бургутга, томчини эса беадад денгизга айлантира олишини билиб, ўзини унутади. Мана шундай бир ҳолатда, қалблар ўз ютуқларидан кўра ўзгалар ривожига ва хизматида завоқ олиб, тинмай бирга меҳнат қиладилар. Бинобарин, уларнинг фикру-зикри доимо Унинг Амрига хизматнинг янги чўққиларига кўтарилишда ва Унинг илми осмонига парвоз қилишда, бир-бирларига ёрдам беришга қаратилгандир.”⁴¹

35 – БЎЛИМ

Шубҳасиз, биз шуни яхши биламизки, циклдан циклга бўладиган саъй-ҳаракатларимизнинг муваффақияти бутунлай илоҳий мададга боғлиқ. Табиийки, Оллоҳ

билан бўладиган хилват мулоқотимизда, биз Ундан ўз сайъ-ҳаракатларимизнинг, қанчалар кам бўлса-да, Унинг Муқаддас Остонасида қабул қилинишини сўраб ёлворамиз. Бу борада, қуйидаги парчаларни эслаш қанчалар аҳамиятлидир:

“Ё Рабб! Мен қанотлари шикаста бир қушман ва Сенинг чексиз маконингга парвоз қилишни истайман. Буни Сенинг ироданг ва иноятинг, Сенинг тасдиғинг ва мададинг орқали бажаришдан бошқаси мумкин эмас.”⁴²

“Зухуринг Чашмаси ва Аломатларинг Шафағи бўлмиш Зот ила илтижо қилурманки, қалбимни Сенинг муҳаббатинг ва зикринг масканига айлантир. Уни Ўз буюк Уммонингга чоклаким, токи ундан Сенинг ҳаётбахш ҳикматинг сувлари оқсин ва Сенга ҳамду-санонинг биллур оқимлари қуйилсин.”⁴³

“Сендан илтижо қиламан, эй борлиқ Шаҳаншоҳи ва аёну-пинҳоннинг Муҳофазакори, Амрингга хизмат учун кўтарилган ҳар кимки бўлса, ўшани Сенинг ризойингдан мавжланувчи денгизга айлантир, токи у, Сенинг Муқаддас Дарахтинг оловидан алангаланиб, Сенинг ироданг осмони уфқида порласин.”⁴⁴

“Ё Танграм, Ўз банданга Сенинг Каломингни улуғламоғида, беҳуда ва ёлғонларни рад этмоғида, ҳақиқатни тан олмоғида, муқаддас сатрларни тарқатмоғида, улуғворлик кашф этмоғида мадад бер, ҳамда тўғрилар қалбини тонг шуъласи ила ёритгин.”⁴⁵

“Илоҳим, Илоҳим! Қобилиятим йўқ бўлсада ва етишмасада, омма орасида Сенинг каломингни улуғлаш ва халқларинг орасида Таълимотингни тарқатишдек улкан сайъ-ҳаракатлар учун ўрнимдан қалқиганимни кўриб турибсан. Агар Муқаддас Рухнинг нафаси ила менга мадад бермасанг, улуғвор салтанатинг кўшинлари ёрдамида зафар қозонишимга кўмаклашмасанг, ҳамда менинг узра чивинни бургутга, томчини дарёлару денгизларга, заррани куёшга айлантирар тасдиқларингни ёғдирмасанг, мен қандайин муваффақиятга эриша олгайман?”⁴⁶

Шунингдек биз, айниқса, интенсив кампания пайтида, бизнинг коллектив сайъ-ҳаракатларимиз тасдиқ топсин дея, Қодири-Қудратга илтижо қилиш учун йиғиламиз.

“Ё Рабб! Ўз ўлкаларингга юзлари хидоят нурларидан ёришган, дунёвий ашёлардан воз кечган, инсонлар орасида Сенинг Исмингни улуғлайдиган, Сенинг ҳамду саноингни тараннум этадиган ва Сенинг муқаддаслигинг хуш ифорини таратадиган камтар ва итоаткор қалбларни майдонга чиқар.”⁴⁷

“Ё Оллоҳ, менинг Оллоҳим! Ўз содиқ бандаларингга меҳрибон ва мулоим қалб соҳиби бўлишларида мадад бер. Уларга юксак Жабарутдан келар хидоят нурини ер юзидаги барча халқлар орасида ёйишга ёрдам бер.”⁴⁸

“Дарҳақиқат, Сенинг ошиқларинг ташнадирлар, Ё Раббим; уларни фазл-у иноят булоғига етакла. Дарҳақиқат, улар очдирлар, уларга Сенинг самовий дастурхонингни нозил айла. Дарҳақиқат, улар яланғочдирлар; уларга илм-у ҳикмат либосини кийдир.”⁴⁹

“Эй, тенгсиз Худовандо! Эй, Рабб-ул-Малакут! Ушбу рухлар Сенинг самовий лашкарларингдур, имдод айла ва Маълайи Аъло кучи ила нусрат эт, токи улардан ҳар бири мисли Қўшин бўлиб, ушбу юртларни Оллоҳ муҳаббати ва илоҳий таълимот нури ила фатҳ этсинлар.”⁵⁰

36 – БЎЛИМ

Таълимотни ўргатиш лаҳзасига оид тадқиқотимизни мана шу жойда яқунлаймиз. Шубҳасиз, сиз Таълимотни ўргатиш ҳақида нафақат индивидуал ташаббус, балки коллектив саъй-ҳаракат сифатида ўйланганингизда, иккала ҳолатда ҳам, бир хил руҳий тамойиллар иштирок этишини тушунасиз. Шундай бўлса-да, бир неча дўстларни Эътиқод билан таништириш ва уларга Баҳоуллоҳ Зухурининг уммони соҳилларига етишишларида ёрдам бериш жараёни, бирон-бир ҳудуддаги минг-минглаб аҳолига ўша соҳилларга яқинлашишига ёрдам бериш жараёнидан, албатта, фарқ қилади. Оддий бир ўхшатиш бу масалага аниқлик киритади: ўсимликларнинг ўсиш тамойили кичик гулзорда ҳам, юзлаб гектарга тарқаган далада ҳам бир хил. Ҳолбуки, шахсий кичик бир боғдаги бир неча ўсимликни парвариш қилиш, катта майдонларда ўсимлик ўстиришдан жуда ҳам фарқ қилади.

Дўстларингиздан бир нечтаси Баҳоуллоҳни тан олиб, Унинг издошлари сафига қўшилгач, сиз уларнинг ҳар бири билан Эътиқодни ўргатиш бўйича шахсий режангизнинг бир қисми сифатида, вақт ўтказиб, уларни Унинг таълимоти ҳақидаги ўз билимларини оширишларида, ҳамда Унинг Амрига хизмат қилишдаги саъй-ҳаракатларида қўллаб-қувватлаш орқали парваришлашда давом этасиз. Энди фикрингизни бутун ҳудудга қаратинг. Қабул қилувчан аҳоли ўртасидаги саъй-ҳаракатлар кўплаб одамларнинг, айниқса ёшларнинг ўз жамоаларига хизмат қилиш йўлидан боришга тайёрлигини, аслида иштиёқманд эканлигини кўрсатганда, кўрсатилган уринишлар натижасида, Анна ва Эмилия ўртасида бўлиб ўтган суҳбатга ўхшаш суҳбатлар орқали, салмоқли миқдордаги кишиларнинг Эътиқодни қабул қилишга тайёр эканлиги яққол намоён бўлганда, унга кўра ўзига Оллоҳ берган қобилиятларга мувофиқ даражада ўрнидан қалқиб, Амрга хизмат қилиши учун ўнлаб-ўнлаб кишиларга имкон берувчи бутунлай бошқача жараён керак бўлади. Бундай катта ҳажмдаги вазифани фақат индивидуал саъй-ҳаракатлар билан ҳал қилиб бўлмайди.

Ушбу бобнинг охирги бўлимлари, сизга Эътиқоднинг кенг миқёсли кенгайиши ва консолидациясининг қандай қилиб қўлма-қўл чамбарчас равишда олдинга силжиши мумкинлигидан бир учкун тақдим этди. Ушбу икки томонлама қўшалок жараёни қўллаб-қувватлашга кодир бўлган тизим элементлари, ўнлаб йиллар давомидаги ўрганишлик натижасида ғайрат билан кашф этилиб, такомиллаштирилди. Улардан баъзилари, бу ерда айтиб ўтилди, бошқалари ҳақида эса, энг муҳими, уларнинг барчаси қандай қилиб муштарак равишда мустаҳкам тизим яратиши ҳақида, сиз мунтазам тажриба ва ўрганишлик орқали ички ёришувларга эга бўласиз. Улар орасида “кластер” концепцияси; кенгайиш ва консолидация фазаларидан иборат фаолият цикллари; координация схемаси; ҳаракат, мулоҳаза, маслаҳат ва ўрганиш методологияси мавжуд. Аммо, уларнинг барчасининг асосида битта марказий элемент, яъни уларнинг хизмат қилиш қобилиятини парвариш этгувчи мувофиқ восита эканлиги ётади.

Мунтазам ўсиб бораётган ходимлар сафини “тезкор кенгайтириш ва консолидациянинг кўплаб вазифаларини бажариш учун зарур бўлган рухий басират, билим ва кўникмалар” билан таъминлаш мақсадида, тайёрлов институти ташкил этилган эди. Умумжаҳон Адолат Уйининг ёзишича, ушбу “чексиз имкониятлар”га эга восита ёрдамида, “хилма-хил шароитлар остида, деярли ҳар қандай кластерда” “кенгайиб бораётган шахслардан иборат ўзак, янги жаҳон тартиботи мақсади сари бўлган ҳаракатни вужудга келтириши” мумкин бўлади. Қуйидаги парчада, институт томонидан парвариш топаётган қобилиятни ўстиришнинг қандай қилиб Ўзбекистонда ўргатиш ишини рағбатлантириши ва ушбу ҳаракатни олға силжитиши ҳақида хулоса келтирилган:

“Quisque dapibus est eget massa venenatis suscipit. Proin laoreet sit amet nulla ut tempus. Lorem ipsum dolor sit amet, consectetur adipiscing elit. Nullam eu ante elit. Suspendisse nec mollis justo. Fusce ornare tortor a felis eleifend aliquet. Maecenas tristique lorem metus, vitae luctus nulla iaculis eget. Ut at hendrerit ligula. Mauris eget dapibus libero. Sed mollis erat a arcu sodales commodo vel sit amet ligula. Vivamus sit amet urna quam. Etiam dui arcu, ultricies eu odio eget, ultrices faucibus mauris. Integer pulvinar malesuada mollis. Quisque dapibus est eget massa venenatis suscipit. Proin laoreet sit amet nulla ut tempus. Lorem ipsum dolor sit amet, consectetur adipiscing elit. Nullam eu ante elit. Suspendisse nec mollis justo. Fusce ornare tortor a felis eleifend aliquet. Maecenas tristique lorem metus, vitae luctus nulla iaculis eget. Ut at hendrerit ligula. Mauris eget dapibus libero. Sed mollis erat a arcu sodales commodo vel sit amet ligula. Vivamus sit amet urna quam. Etiam dui arcu, ultricies eu odio eget, ultrices faucibus mauris. Integer pulvinar malesuada mollis. Quisque dapibus est eget massa venenatis suscipit. Proin laoreet sit amet nulla ut tempus. Lorem ipsum dolor sit amet, consectetur adipiscing elit. Nullam eu ante elit. Suspendisse nec mollis justo. Fusce ornare tortor a felis eleifend aliquet. Maecenas tristique lorem metus, vitae luctus nulla iaculis eget. Ut at hendrerit ligula. Mauris eget dapibus libero. Sed mollis erat a arcu sodales commodo vel sit amet ligula. Vivamus sit amet urna quam. Etiam dui arcu, ultricies eu odio eget, ultrices faucibus mauris. Integer pulvinar malesuada mollis. Quisque dapibus est eget massa venenatis suscipit. Proin laoreet.”⁵¹

Сиз учун Институт курсларида қатнашиш орқали Умумжаҳон Адолат Уйининг юқорида баён этилган қарашини амалга ошираётганингизни билиш катта шодлик манбаи бўлиши керак. Навбатдаги ўрганадиган китобингизнинг сизга Руҳи Институти курсларини олиб боровчи сифатида хизмат қилиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беришини билишдан ҳам худди шундай мамнунсиз. Ушбу хизмат тури, нафақат, одамларнинг институт курслари орқали барқарор, доимий равишда кенгайиб бораётган оқимининг олдинга силжиши учун, балки кластернинг умумий ўсиш жараёни учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, сизнинг бевосита вазифангиз мазкур китобдан ўрганганларингизни амалда қўллашдир. Ўзбекистонда ўргатишнинг муҳимлиги борасида ўз тушунчангизни чуқурлаштиргач, Муҳофизатнинг барчамизга “уни ҳаётнинг устувор иштиёқига айлантиринг” деган даъватига амал қилишдан кўра каттароқ бахтни тасаввур қилиш мумкин эмасдир.”

REFERENCES

1. *Days of Remembrance: Selections from the Writings of Bahá'u'lláh for Bahá'í Holy Days* (Haifa: Bahá'í World Centre, 2016), no. 29.13, p. 147.
2. Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2006, 2018 printing), par. 73, p. 72.
3. From a message dated 13 July 1964 to all National Spiritual Assemblies, published in *Messages from the Universal House of Justice, 1963–1986: The Third Epoch of the Formative Age* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1996), no. 18.4, p. 39.
4. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), CXX, par. 3, p. 288.
5. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2003, 2022 printing), Arabic no. 4, p. 4.
6. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, IV, par. 1, p. 5.
7. From a talk given on 28 October 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 15.12, p. 53.
8. Bahá'u'lláh, in *Bahá'í Prayers: A Selection of Prayers Revealed by Bahá'u'lláh, the Báb, and 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2002, 2020 printing), p. 303.
9. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, XLV, par. 1, pp. 111–12.
10. The Báb, in *Bahá'í Prayers*, p. 221.
11. Ibid., p. 55.
12. Bahá'u'lláh, ibid., p. 4.
13. *The Hidden Words*, Persian no. 44, p. 37.
14. Ibid., Arabic no. 13, pp. 6–7.
15. *Tablets of Abdul-Baha Abbas*, (New York: Bahá'í Publishing Committee, 1916, 1930 printing), vol. 3, pp. 579–80. (authorized translation)
16. Bahá'u'lláh, in *Bahá'í Prayers*, p. 162.
17. From the Ridván 2010 message written to the Bahá'ís of the world, published in *Framework for Action: Selected Messages of the Universal House of Justice and*

Supplementary Material, 2006–2016 (West Palm Beach: Palabra Publications, 2017), no. 14.4, p. 76.

18. From a message dated 30 December 2021 to the Conference of the Continental Boards of Counsellors, published in *The Nine Year Plan, 2022–2031: Messages of the Universal House of Justice* (West Palm Beach: Palabra Publications, 2022), no. 6.9, p. 47.
19. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXIX, par. 1–2, pp. 316–17.
20. Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice*, par. 78, pp. 76–77.
21. *Ibid.*, par. 78, p. 77.
22. *Ibid.*, par. 78, pp. 77–78.
23. *Ibid.*, par. 78, p. 78.
24. *Ibid.*
25. *Ibid.*
26. From a letter dated 28 December 2008 written on behalf of the Universal House of Justice to a National Spiritual Assembly, par. 4.
27. From the Ridván 2010 message written by the Universal House of Justice to the Bahá'ís of the world, published in *Framework for Action*, no. 14.6, p. 77.
28. From a message dated 13 July 1964 to all National Spiritual Assemblies, published in *Messages from the Universal House of Justice, 1963–1986*, no. 18.1–2, pp. 38–39.
29. From a message dated 12 December 2011 written by the Universal House of Justice to all National Spiritual Assemblies, published in *Framework for Action*, no. 20.19, p. 136.
30. 'Abdu'l-Bahá, cited in a letter dated 5 June 1947 written by Shoghi Effendi, published in *Citadel of Faith: Messages to America, 1947–1957* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1965, 2014 printing), pp. 29–30.
31. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 207.9–10, pp. 364–65.
32. Postscript in the handwriting of Shoghi Effendi, appended to a letter dated 9 May 1933 written on his behalf to an individual.
33. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXLVI, par. 1, p. 357.
34. From the Ridván 2008 message written by the Universal House of Justice to the Bahá'ís of the world, published in *Framework for Action*, no. 10.2, p. 62.

35. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 200.11, pp. 339–40.
36. *Tablets of Abdul-Baha Abbas* (New York: Bahá'í Publishing Committee, 1915, 1940 printing), vol. 2, p. 460. (authorized translation)
37. *Tablets of Abdul-Baha Abbas*, vol. 3, p. 727. (authorized translation)
38. *Selections from the Writings of 'Abdu'l-Bahá*, no. 204.2, pp. 347–48.
39. From a message dated 28 December 2010 written by the Universal House of Justice to the Conference of the Continental Boards of Counsellors, published in *Framework for Action*, no. 16.15, p. 103.
40. From the Ridván 2019 message written by the Universal House of Justice to the Bahá'ís of the world, par. 3.
41. From the Ridván 2010 message written by the Universal House of Justice to the Bahá'ís of the world, published in *Framework for Action*, no. 14.20, p. 84.
42. 'Abdu'l-Bahá, in *Bahá'í Prayers*, p. 204.
43. Bahá'u'lláh, *ibid.*, pp. 192–93.
44. *Ibid.*, pp. 194–95.
45. 'Abdu'l-Bahá, in *Bahá'í Prayer*, p. 197.
46. *Ibid.*, p. 210.
47. *Ibid.*, p. 207.
48. *Ibid.*, p. 198.
49. *Ibid.*, p. 199.
50. *Ibid.*, p. 201.
51. From a message dated 29 December 2015 to the Conference of the Continental Boards of Counsellors, published in *The Five Year Plan, 2016–2021: Messages of the Universal House of Justice*, (West Palm Beach: Palabra Publications, 2016), no. 1.14, pp. 8–9.